

И Н

ҲАЁТИНГИЗДАГИ
МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

РОЗИЛКНИНГ КУЧИ

Қ И

ГАРИ КИСИ

ЛОБ

И И Н

**ҲАЁТИНГИЗДАГИ
МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ**

РОЗИЛИКНИНГ КУЧИ

Қ И

ГАРИ КИСИ

Л О Б

Your Financial Revolution, The Power of Allegiance, Uzbek

Copyright © 2020 by Gary Keesee

Originally published in English

Copyright © 2015 by Gary Keesee

ISBN : 978-0-9729035-9-2

Gary Keesee Ministries,
P.O. Box 779, New Albany,
OH 43054, USA

GaryKeesee.com

This book is a FREE GIFT from Gary Keesee Ministries and is
NOT FOR SALE

Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб, Розиликнинг кучи, Ўзбек тилида

© 2020, Гари Киси

Даставвал инглиз тилида чоп этилган

© 2015, Гари Киси

ISBN : 978-0-9729035-9-2

Гари Кисининг хизмати,
П/Я 779, Нью Албани,
Огайо 43054, США

GaryKeesee.com

Бу Китоб Гари Кисининг Хизматидан тўхва
ва СОТИШ МАН ЭТИЛАДИ

Ушбу китобда Гари Киси, молиявий танг аҳволда бўлганида, ҳаёти қай тарзда шиддат билан ўзгариб кетгани ҳақида ҳикоя қилади. Муаллиф бу китобда ўзининг ночор ҳолатини самимий тақдим этади, ундай кейин Муқаддас Китобдаги ажойиб қоидаларга йўналтиради. Айнан манашу қоидалар уни муваффақиятли ва марҳаматли ҳаётга кўтарди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Кириш	7
1-Боб. Шоҳлик	21
2-Боб. Зангори ёруғлик	67
3-Боб. Худойим, менга раҳм қил!	77
4-Боб. Улкан балиқ	111
5-Боб. Бу кимнинг танлови эди?	123
6-Боб. Раббийнинг марҳамати	165
7-Боб. Эшик	189
8-Боб. Розилик кучи	199
9-Боб. Сиз уларга овқат беринг!	209
10-Боб. Терлаш эмас, йиғиб олиш!	225
11-Боб. Юришдан кўра, учиш осонроқ!	233

Сўз боши

Мени ва рафиқам Дрендани Худо бир неча йил аввал йўналтирган саёҳат ҳақида ёзгим келди. Бизнинг ҳаётимиз жуда кескин ўзгарди! Биз ўша бир неча йил мобайнида, Исо Муқаддас Ёзувда амалга оширган мўъжизалар, бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлганини: ўлган одам қандай қилиб тирилганини; фалаж одам қандай қилиб тургани, юришни бошлагани ва кейинги кун ишга борганини; сон-саноксиз одамлар қандай қилиб шифоланганини, юз минглаб одамларда эса молиявий фаровонлик тикланганини кўрдик. Лекин биз учун энг катта мўъжизалар – шахсан биз ва бизнинг оиламиз билан содир бўлганларидир.

Менинг мақсадим – сизни ушбу кашфиётларга тўла саёҳатга таклиф қилиш, умид қиламанки, у сизнинг ҳаётингизни ҳам, менинг ҳаётимни ўзгартиргани каби ўзгатиради. Бу воқеани битта китобда гапириб бериб бўлмайди. Бу сизга ўзингизнинг шахсий молиявий инқилобингизни амалга оширишга кўмаклашадиган ва менинг ҳаётимни ўзгартирган Худо Шоҳлигининг сирларини очадиган китоблар туркумидан биринчисидир. Мен учун бу жуда қувончли саёҳат ва у ҳеч қачон тугамайди. Биз ҳар доим ўрганишда давом этамиз! Худо Шоҳлигини таниб-билиш тугамайди.

Мен Худодан шунчалик миннатдорманки: Унинг шафқати ҳар кун янгиланади ва Худо бизни нажот йўлига йўналтиради, У сабр-тоқат ҳамда кечиримга тўла. Сизни ушбу саёҳатга таклиф қилиб, менинг ажойиб рафиқам ДRENда ҳақида тилга олмай ўта

Ҳаётингдаги молиявий инқилоб. Розиликнинг кучи

олмайман. Унинг Худога бағишланган юраги, севгиси ва сабр-тоқати менга жасоратли бўлишга, заифликни енгишга ва мен жуда муҳтож бўлган жавобларни Худодан қидиришга ёрдам берди. Катта қувончда сиз билан бўлишмоқчиман:

Ҳаётингиздаги моливий инқилоб

Розиликнинг кучи

A handwritten signature in black ink, appearing to read "Mary Keesa". The signature is fluid and cursive, with a large initial "M" and "K".

КИРИШ

Қалбимдан тинчлик узоқлашди: мен бахтни унутдим.

Йермияҳнинг йиғиси 3:17

Қандайдир жиддий нарса содир бўлганини англаган ҳолда уйғониб кетдим! Онгимни кучли қўрқув қуршаб олган эди. Тилимни сезмасдим; қўлларим, оёқларим ва юзимни бир томони музлаб қолган эди. Мен Дрендани уйғотдим ва баъзур мен билан нима бўлганини айта олдим, негаки юзим ва тилим менга бўйсунмас эди. Ўз ҳолатимни таърифлаётиб, юрагим ўта даражада дўкиллаётганини ва нафас олиш қийинлигини сездим. У туриб, шу заҳоти ибодат қилишни бошлади. Аста-секинлик билан бу ғалати ва даҳшатли ҳислар бироз пасайишни бошлади. Мен яна жойимга ётдим ва Дренда мен еб олишим учун бирор нарса келтиришни таклиф қилди. Мен танам билан содир бўлганларидан эсанкираш ва қўрқувни туйганча ётиб, ибодат қилардим. Мени ваҳима тўлқинлари қопларди; олдин ҳаётимда ҳеч қачон ҳис этмаган қўрқув онгимга ҳужум қилар эди.

Мен олиб юрган қарзларнинг юки, шунингдек доимий равишдаги молиявий танқислик қўрқувни ҳаётимнинг бир қисмига айлантириб қўйган эди. Молиявий ҳолатимнинг ёмонлашиши тўфайли охириги бир неча йиллар давомида ақл

Бовар қилмас эзилиш ҳолатида яшар эдим. Мен савдо-сотиқ билан шуғулланар ва даромаднинг фоизига боғлиқ эдим, пул соҳасида ҳеч ишларим бароридан келмас эди. Биз 1800-йилда қурилган ва ўша замонлардан бери ҳеч қачон таъмирланмаганга ўхшайдиган, фермерларнинг кичкина уйини ижарага олар эдик. Эҳтимол мен бироз бўрттираётгандирман, бироқ уй ҳақиқатдан ҳам ночор аҳволда эди. Деразаларнинг ромларидаги ёрилган жойлар орқали тўғри меҳмонхонамизга қараб ўтлар ўсиб чиққан эди. Кўп ойналари синган эди ва биз уларни қаттиқ қоғоз ва скотч билан ёпиб қўйган эдим. Шундай бўлса-да, Дренда буларнинг барини уйга айлантирди. Ҳатто унинг ҳайратлантирадиган қобилиятлари ҳам, бу уйнинг жиддий нуқсонлари борлигини яшира олмас эди.

Биз эга бўлган ҳамма нарса мана шундай аҳволда – харобаликда эди! Бизнинг иккала машинамиз ҳам эски, 300 минг километрдан ортиқ юрилган ва аранг қўшилар эди. Иккала ўғлимиз эса меҳрибонлик уйида фойдаланишдан чиқариб ташланган кўрпа-ёстиқда ухлар, гиламимиз эса йўл ёқасидаги ахлатдан топилган эди. Биз узоқ муддатга бериладиган қарз кассаларининг доимий мижозлари эдик ва бизга оз бўлсада ёрдам бера оладиган одамларнинг ҳаммасидан қарз сўрардик. Биз баъзур учма-уч қилиб яшар, кун кечириниш учун нимани сотсак экан деб бош қотирар ва эртага ҳаммаси яхши бўлишига умид қилардик.

Ўнта кридит карталаримни белгиланган миқдордан ошиб кетгани учун бир неча ой олдин ўчириб қўйишган ва йилига 28 фоиздан олган учта кридитим коллекторларга ўтказилган эди. Машинам учун тўловлар муддатидан 120 кун ўтиб кетган ва солиқни тўламаганлигим тўфайли, уларни олиб қўйишлари мумкин эди (ҳа, мен яна бу эски машиналар учун солиқ тўлашим ҳам керак эди). Мен тўлашим керак бўлган ҳар битта ҳисобнинг муддати ўтиб кетган эди. Менга қарши суд қарорлари чиқарилган, мол-мулким мусодарага олинган эди ва ҳар эрталаб коллекторларнинг қўнғироқларидан уйғонардим. Бундан ташқари солиқ хизматига

қарз эдим, улар ҳам солиқларни тўламаганим учун менга нисбатан даъво чиқарган эди. Биз Дренда билан ота-оналаримиздан олган қарзларимиз 28 минг доллардан ошган ва улар бизга ёрдам беришдан чарчаб кетган эди. Бизнинг музлатгичимиз камдан-кам егулик билан тўларди. Бизга доим электр энергияни ўчирамиз деб таҳдид қилар эдилар, ҳар ой шундай бўлган пайтлар ҳам бўлган. Мен охирги нуқтага етган эдим.

Эндиликда сиқилиш танамга қандайдир тушунарсиз тарзда таъсир қилаётган эди. Мен бир неча шифокорларнинг қабулида бўлдим, улар мен ваҳима ҳуружини бошдан кечирганимни айтиб, менга тушкунликка қарши дорилар ёзиб беришди. Афсуски, ваҳима ҳуружи такрорланаверар ва у шу қадар зўрайиб кетдики, мен уйдан кўчага чиқа олмай қолдим. Манашу зулмат кунларда жавоб қидиришда давом этардим. Мен айрим шакар, крахмал ёки кофе қўшилган маҳсулотлар менда янги ваҳима ҳуружларига олиб келаётганини сезиб қолдим. Энди мен овқатланишдан қўриб қолган ва ҳар қандай егуликка шубҳа билан қарардим. Натижада, мен ишлай олмайдиган бўлиб қолдим, бу ўз навбатида бизнинг молиявий аҳволимизни янада оғирлаштирди.

Рафиқам эридан ажралиб қолишдан хавотирланишни бошлади; кейинчалик, у ҳеч муболағасиз, болаларни қай тарзда ёлғиз ўстиришни ўйлаганини айтиб берди. Мен Худого ёрдам сўраб зорланардим, мен нима билан курашаётганим ҳақида ҳеч қандай тажриба ҳам, билим ҳам йўқ эди. Шифокорлар менинг ҳолатимни тавсифлаётиб қийин сўзлардан фойдаланар ва мен тузалмаслигим, умримни охиригачан дори-дармон қабул қилишим кераклигини айтардилар. Бошқа шифокорлар эса мен қандли диабетнинг остонасида турганим ва ёшим ўтган сари касаллик авжига чиқмаслиги учун доимий равишда кўриқдан ўтиб туришим кераклигини айтар эдилар.

Мен масиҳий бўлишимга қарамай, руҳий жанг борасида

тажрибага эга эмасдим ва душманга қандай қарши туришни билмасдим. Ҳаётимнинг ушбу босқичида нопок руҳлар томонидан ҳужум қилинганини тушунмаган эдим. Мен муаммо менинг танамда деб ўйлар ва Худодан мени шифолашини сўрардим. Имонли сифатида, Худо – менинг жавобим эканини тушунардим, лекин ўша пайтда Худо менга жуда узоқдек туюларди. Шифокорлар менинг аҳволимни ҳар хил ташхислар билан атардилар ва ҳаммалари уларни руҳий муаммолар билан боғлар эдилар, улар бутун бир бошли дорилар тўплами билан даволанишни талаб қилар эди. Мен аввал айтганимдек, бу касалликни шифолаб бўлмас эди ва дорилар фақат менга руҳий ҳолат билан бас келиш учун керак эди. Шу билан бирга дорилар ёмон таъсир ўтказар ва умуман ёрдам бермас эди. Аксинча, улар янги аломатларни қўшар, ўзимни худди туманда бўлгандек ҳис қилишга, қўрқув ва мен назорат қила олмайдиган фикрлардан азобланишга мажбурларди, деб ўйлайман. Менда жавоб йўқ эди ва ҳеч нарса ёрдам бермасди. Бир неча ҳафта шундай давом этди ва мендаги умидсизлик, ўзиха хос аломатлар билан бирга ўсиб борар, қўрқув эса менинг ҳаётимни тўлиқ эгаллаб олган эди.

Лекин мана бир кўни кечқурун мен жавоб олиш ҳаракатида Худони излаётганимда, ёриб ўтишни бошдан кечирдим. Мен ўз озодлигимга энг муҳим калитни топдим. Мен чоршанба кўни жамоатда кечки йиғинда эдим. Улуғлов ва сажда пайтида менда ваҳиманинг жадал хуружи бошланди. Мен умидсизликда эдим ва ибодатга муҳтож эканимни билардим, шунинг учун бутун жамоатнинг олдида, олдинга чиқдим. Аслида хизматда бўлганимга қарамай, менга барибир эди. Мен жуда катта жамоатга борардим ва чўпон мен билан шахсан таниш эмас эди, лекин мени улуғлов гуруҳидан бир киши танир эди. Мен умидсизликда саҳнага деярили эмаклаб чиққаним учун, ҳамма нарса тўхтаб қолди ва ҳамма одамларнинг кўзи менга қараган эди. Тартиб хизматининг вакиллари олиб кетиш учун менинг олдимга йўл олдилар, лекин

мени танийдиган улуғлов гуруҳидаги ўша одам, вазиятга тез жавоб қайтарди.

У чўпонга мен ҳақимда гапириб бера бошлади, чўпоннинг юз ифодаси аста-секин юмшади. Чўпон келиб мен учун ибодат қилишни бошлади. Менинг дўстим, чўпонга менинг касаллигим ҳақида гапириб берди. Чўпон менга қаради-ю: «Унда заифлик руҳи бор», деди. Шу сўзлар билан у менинг бошимга қўлларини қўйди ва руҳга кетишни буюрди. Шу пайт ақл бовар қилмас нарса юз берди: мен озод бўлдим! Бир неча ой ичида мен биринчи марта ўзимни яхши ҳис қилдим – на қўрқув, на азобли фикрлар, шунчаки чуқур тинчлик ҳисси бор эди. Мен миннатдор эдим, дейиш, – бу ҳеч нарса демаслик билан тенг. Мен ҳайратда эдим, дейиш, – бу менинг ҳиссиётларимни жуда узоқдан эслатган бўлар эди. Мен ўзимни худди пардек енгил ҳис қилар ва қувончдан ҳайқирар эдим.

Йиғиндан кейин Дренда ва мен бизнинг бир неча дўстларимиз билан бирга, буни нишонлаш учун Pizza Hut деган пицца пишириладиган ошхонага бордик. Мен у ерда ўтириб, пицца еяётган эдим ва кутилмаганда радио орқали қўшиқ эшитиб қолдим, тўсатдан қўрқув ҳисси мени яна ёпинчикдек қоплаб олди, – у қайтиб келди. Ўша пайтнинг ўзида мен яна бу нопок руҳ эканини англадим. Чўпон бу заифлик руҳи эканини айтди, лекин мен бу нимани англатишини билмасдим ва бир оз саросимада эдим. Мен йиғин пайтида шифоландим деб ўйлаган эдим, лекин унақа бўлиб чиқмади. Кейинги кун мен яна ваҳима ҳуружи билан курашар, лекин бир кун олдин жамоатда мен билан нима содир бўлгани ҳақида ўйлашдан тўхтамасдим. Чўпон мен учун ибодат қилганида, у шифо ҳақида ибодат қилмаган эди. У нопок руҳнинг устидан ҳокимиятни қўлга олган эди.

Чўпоннинг ҳаракатларидан менинг аҳволим ўзгаргани, бу руҳ билан эмас, балки касаллик билан боғлиқ эканини кўрсатарди. (Кўряпсизми, мен Масихда қанчалик гўдак бўлганман ва буни

Ўзим тушунмаганман.) Ўша пайтда мен руҳий жанг ҳақида жуда кам нарсани билардим, лекин барибир жинларнинг ҳақиқий эканини тушунардим. Мен улардан бирини кўрганман.

Ўсмирлигимда ота-онамга тегишли бўлган иккита пицца пишириладиган ошхонада бошқарувчи бўлиб ишлардим. Бир куни кечки пайтда бизнинг ошхонамизга бир киши кириб, маҳаллий методист жамоатида йўғониш йиғинини ўтказаётганини айтди. У мени у ерга боришга таклиф қилди. У ўзининг таклифини шундай ибора билан тугатди: «Исо ҳозирги кунгача Муқаддас Ёзувдаги нарсаларни амалга ошираяпти». Бу менинг диққатимни тортди. Мен жамоатда ўсганман. Мен бешинчи синфда ўқиётганимда, ёзги Руҳий ўсиш мактабида ўз юрагимни Раббийга берганман. Лекин шу йиллар мобайнида мен ҳеч қачон, кимдир Худонинг кучи билан шифо топганини кўрмаганман – менинг диққатимни тортадиган ва мен Худо томонидан қилинди дейдиган ҳеч нарса содир бўлмаган. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда, мен аста-секин Раббийдан узоқлашдим. Вақт-вақти билан мен яна жамоатга боришга ҳаракат қилардим, лекин бу қизиқиш тезда йўқолар эди. Лекин менга мурожаат қилган йигит, қанақадир бошқача эди. Исо ҳозирги кунгача Муқаддас Ёзувдаги нарсаларни амалга ошираяпти? Мен унинг нима ҳақида гапираётганини кўришга қизиқдим. Менинг баъзи ходимларим ўша жамоатга борар эдилар, улар ҳам мени қақирардилар ва мен боришга қарор қилдим.

У ерга борганимдан биринчи кечанинг ўзидаёқ, мен Худонинг ҳузурини аввал ҳеч қачон ҳис қилмагандек ҳис қилдим. Мен Унинг ҳузурини жисмонан ҳис қилаётгандек туюларди; у шунчалик ҳақиқий эдики! Ўша киши айтаётган сўзлар, кучга тўла эди ва у кимдир ўзини Исога бағишламоқчими ёки ўзининг бағишланишини янгиламоқчими деб сўраганида, мен қўлимни кўтардим. Ана холос! Бу қандай кеча эди! Мен шунчалик илҳомланган эдимки! Мен ҳар бир кишига Худонинг қанчалик буюк эканини гапириб бергим келарди.

Ўша пайтларда ҳали Интернет, CD-дисклар ва кассеталар йўқ эди ва бор-йўғи учта телевизион канал бор эди. Шаҳар кичкина ва кечқурунлари шуғулладиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун ўсмирлар ўйин-кулги сифатида одатда кечқурунлари пицца пишириладиган ошхонанинг ёнида йиғилар ва ўша ерда кечгача ўтирар эдилар. Жума ва шанба кунлари бизтунги соат бирда ёпилар ва бизнинг ёнимиздаги машиналар қўйиладиган жой ўсмирлар билан тўла бўларди. Бизнинг харидорларимиз машиналарини тўхтатишга жой бўлиши учун, мен кўпинча чиқиб, уларни қувиб юборишимга тўғри келарди. Жанжалларни тўхтатиш ва ёшларни ўйларига тарқатиб юбориш учун, биз бир неча марта милицияни чақирганмиз. Лекин энди менда ғоя пайдо бўлган эди. Бу ўсмирлар Исо ҳақида эшитишлари керак эди. Шунинг учун мен чиқиб, агар улар бу ерда қолишни хоҳласалар, унда мен пицца пишириладиган ошхона харидорлар учун ёпилганидан кейин, Муқаддас Ёзувни ўрганиш бўйича дарсларни ўтказишимни айтдим. Тасаввур қилинг, бу тунги соат бир ярим эди, чунки ёпилганимиздан кейин биз яна йиғиштиришимиз ҳам керак эди ва мен умуман бир киши бўлса ҳам келиши ҳақидаги тасаввурга ҳам эга эмас эдим. Лекин биласизми, бир неча киши келди, шунингдек бир нечта ходимлар ҳам қолдилар. Машғулотларимизнинг биринчи кечасидаёқ бир ўсмир Масихга хизмат қилишни хоҳлаётганини айтди ва мендан бунинг учун нима қилиш кераклигини сўради. Менинг қаршимда кутилмаган муаммо юзага келди, ахир мен ҳали воқеаларнинг бундай юз бўришини ўйлаб қўймаган эдим-да. Унутманг, менинг ўзим Муқаддас Ёзув ҳақида деярли ҳеч нарсани билмас эдим, лекин гўё менинг жавобимдек туюлган бир оятни ўқидим.

*Шу тариқа, Раббийнинг исмини чақирган ҳар бир киши
нажот топади.*

Ҳаворийлар 2:21

Бу етарлича оддий кўринарди, шунинг учун мен айнан шундай иш тутишга қарор қилдим. Бу ўсмир менинг олдимга савол билан келганида, ҳамма аллақачон тарқалиб кетган эди, шунинг учун мен унга ўриндиққа ўтиришни ва Исонинг номини чақиришни таклиф қилдим. Мен бу жуда осон бўлади деб ўйладим, лекин икки дақиқа ўтди, у эса бирорта ҳам сўз айта олмади. У мени эшитмагандир деб ўйлаб, мен ўзимнинг сўзларимни қайтардим. Яна тинчлик. Мен унинг титраётганини кўриб қолдим. Унинг юз ифодасидан мен, унга Исонинг номини айтиш жуда қийин эканини тушундим. Кейин гүё тўғон урилганидек, у «Исо» сўзини бидирлаб айтди ва унинг юзида тинчлик ифодаси пайдо бўлди. Демак иш берди! Ҳар сафар кимдир ўзининг юрагини Раббийга беришни хоҳлаганида, мен шундай қилардим. Мен уларни ўриндиққа ўтқизар ва Исонинг номини чақиришни сўрардим. Деярли ҳеч ким бунга бирданига қила олишга муяссар бўлмас эди. Улар титрай бошлар ва фақатгина кейин, улар катта қийинчилик билан, ниҳоят, бу исмни айтар, шундан кейин тинчлик келар эди.

Бир кўни эшик тақиллаганини эшитганимда, мен узоқдаги хонада хамир қориётган эдим. Эшикни очганимда, мен аввал Масих ҳақида гапириб берган иккита ўсмирни кўрдим. Мен уларни киришга таклиф қилдим ва улардан бири ўзининг юрагини Худога бермоқчи эканини айтди. Мен уни стулга ўтқиздим, у одатдагидек титрай бошлади ва кейин у Исонинг номини айтди. Бурилиб, мен бошқа ўсмир мендан бошқа томонга тисарилаётганини, кейин эса ҳайдаб киргизилган йиртқичдек бурчакка тиқилганини кўрдим. У мендан иложи борича узоқроқ туришга уриниб, деворни тирнай бошлади. Бу жуда ғалати эди ва мен бунга изоҳ топа олмаган эдим.

Мен туриб, унга қарар эканман, менда: «Балки бу жиндир?», деган фикр пайдо бўлди. Бу соҳада менинг умуман тажрибам йўқ эди, лекин мен жинлар ҳақида Муқаддас Ёзувда ўқиган эдим. Менинг бундай ёввойи ҳатти-ҳаракатга ҳақиқатан ҳам изоҳим

йўқ эди. Ва мен: «Исо, бу жинми?», деб сўрадим. Ва тўсатдан гуё кимдир пардани туширгандек бўлди: мен бу ўсмирнинг биқинида осилиб турган жинни кўрдим. Унинг бўйи чамаси бир метрлар бор эди ва у ўша йигитга худди ёпишгандек оёқлари билан сиқилган ҳолда осилиб турарди. Мендан ўша жиннинг кўринишини сўрайдилар. У бир оз маймунга ўхшарди, лекин бирибир фарқланиб турарди. У худди маймундек пахмоқ, қўллари узун эди, лекин унинг қизил ёниб турган кўзлари бор эди; у бадбашара эди. Бу кўзларга қараганимда, мен тўғриси айтганда, баланд овозда қичқириб юбордим. Мен уларда кўрган нафрат чидаб бўлмайдиган даражада эди. Бу кўзларда бўлган нарсани тасвирлаб бериш, қийин, лекин бу кучли нафрат – жуда қаттиқ ёвүзлик эди, уни деярли ушлаб кўриш мумкин эди. Ўша сонияда мен, бу махлуқ мендан шунчаки нафратланишини эмас – у ғазабга тўлиб тошганини тушундим.

Энди нима қилиш керак? Мен бу махлуқни кўрганимда, нима қилишни билмаган эдим. Лекин мен, модомики биз Исонинг номи билан Унинг Шоҳлигига кирар эканмиз, у бу жиннинг устидан ҳам ҳоқимиятга эга бўлиши керак деб ўйладим, шунинг учун баланд овозда: «Исо номи билан!», дедим. Парда шу заҳотиёқ ёпилди. Сиз оқ-қора рангли телевизорларни эслайсиз: уларни ўчирганингизда, экранда охирги кадрнинг аста-секин ўчадиган шуъласи қолади. Мен билан ҳам шундай бўлган эди: мен энди бу махлуқни эмас, балки унинг йўқолиб кетаётган соясини кўрдим. Парда ёпилганида, ўсмир кутилмаганда бинодан югуриб чиқди.

Шундай қилиб, мен жинларнинг ҳақиқий эканини билардим. Менинг муаммоим иблисона руҳ бўлганини тушуниб, мен шу заҳотиёқ уни ҳал қилганимни ва ўша пайтдан буён озодликда яшаганимни айтмоқчиман. Лекин бу бирданига содир бўлмади. Афсус, лекин ҳақиқат: жамоатда бўлган ўша йиллар мобайнида мен Масихда ким эканимни тушуниш учун вақт ажратмаганман; мен душманга қарши ўзимнинг қонуний ҳуқуқларимни қўллашни

Ўрганмаганман. Лекин ўша пайтда иблисона руҳга алоқам борлигини тушуниб ёки камида тахмин қилиб, мен ундан қочибга ўрганишим мумкинлигидан жуда илҳомланган эдим. Жинлар менинг ҳокимиятимга бўйсунилари кераклигини мен етарлича тушунардим, лекин бу содир бўлмаётган эди ва мен эсанкираб қолган эдим. Бир неча кун ўтиб, менинг муаммоим ҳақиқатан ҳам нопок руҳ томонидан юзага келганини тасдиқлайдиган битта кечинма содир бўлди.

Мен билан нима содир бўлаётганини қатъиян билишга қарор қилиб, мен ўзимнинг ётоқхонамда руҳда ибодат қилаётган эдим. Мен ибодат қилаётганимда, ўшанда жамоатда чўпоннинг ибодатидан кейин бўлганидек, тўсатдан яна енгиллик ва эркинликни ҳис қилдим. Ўша кеча мен бу озодликдан чамаси икки соат лаззатландим, лекин кейин аввалги аҳволим қайтиб келди. Бироқ, модомики жин ибодатга жавоб қайтарар экан, мен энди жинга алоқадор эканимни билардим. Мен ибодат қилишни бошлашга уриндим, лекин ҳеч нарса содир бўлмади. Ўшанда мен руҳий жанг ҳақида ёзилган ҳамма нарсани ўқишни ва мен Масиҳда ким эканимни эътироф эта бошладим, лекин аҳволим ўзгармади. Ўша пайт, мен жиннинг устидан ҳокимиятни қўллаш олган ягона ҳолат эди. Мен чалғиган эдим ва Худодан нима қилишимни кўрсатишини астойдил сўрай бошладим. Гарчи мен тўлиқ эркинликни олишга муяссар бўлмаган бўлсам ҳам, лекин ваҳима ва увишиш ҳуружлари бошқа бўлмади! Мен ғолиб бўла бошладим. Мен мияга ўрнашиб қолган фикрлар ва тушкунлик билан курашишни давом эттирдим, лекин кучлироқ бўлаётганимга амин эдим. Мен ҳар куни Муқаддас Ёзувда бизнинг Масиҳдаги ҳокимиятимиз ҳақида нима дейилганини ўрганиб, вақт ўтказардим.

Бир куни ўз офисимда ишлаётганимда, таниш бўлган қўрқув ва даҳшат ҳисси билан яна курашаётган эдим. Мен ибодат қилишга ва қўрқув руҳига кетишни буюришга уриниб кўрдим,

лекин одатдагидек, натижасиз. Ва тўсатдан мен Раббийнинг овозини эшитдим. У менга, бу руҳга кетишини буюришни ва буни баланд овозда ҳамда ҳоқимият билан қилиш кераклигини айтди. Кейин У менинг руҳий ҳоқимиятга нигоҳимни тўлиқ ўзгартирган алланимани айтди. У мен жинга кетишни буюраётганимда, ўзимнинг ҳисларимга эътибор бермаслигимни, нимани ҳис қилаётганим ёки кўраётганимга эмас, балки Унинг Сўзида туришимни айтди. Ўша пайтда мен офисда эдим ва атрофда ходимларим бор эди, шунинг учун мен шунчаки туриб, шайтонга баланд овозда бақаришни бошлай олмадим. Шунинг учун мен хожатхонага бордим ва эшиттириб: «Исо номи билан, қўрқув руҳи, мен сени боғлайман. Сен қилаётган ишлар, ноқонуний ва мен сенга зўдлик билан кетишни буюраман, Исо номи билан», дедим. Мен ҳеч қандай ўзгаришларни ҳис қилмадим. Лекин Раббий менга айтган сўзлар ёдимда эди: «Ўз ҳиссиётларингга эътибор берма». Шунда мен У менга бу руҳнинг устидан берган ҳоқимият учун Худога миннатдорчилик билдирим ва ўзимнинг озодлигим учун Уни улуғлай бошладим. Мен хонага қайтиб келиб, ишга киришдим. Мен столнинг атрофида ўтирардим ва ўзгаришларни ҳис қилмаётганимга қарамай, қўрқув менинг онгимга ҳар сафар ҳужум қилганида, озодлик учун шунчаки Худога миннатдорчилик билдирардим. Тўсатдан Худонинг ҳузурини ҳис қилганимда ва қора ярим тиниқ булут мендан кетаётганини, у офисимнинг шифти орқали ўтаётди, эриганини кўрганимда, мен мижозимизнинг ҳужжати устида ишлаётган эдим.

Мен озоддик олдим!

Зўлмат қўрқув руҳи кетди ва агар у қайтиб келганида, мен унга қандай бас келишни билардим. Бу шанақа қувончли эди-ки! Мен Дрендага қўнғироқ қилиб, нима содир бўлгани ҳақида гапириб бердим. У ҳозир келишини ва биз менинг озодлигимни нишонлаш учун бизнинг сеvimли хитой ресторанимизга боришимизни айтди. Ўша кундан буён мен кўп марта бу қўрқув руҳига қарши туришимга

тўғри келганини айтмоқчиман, ахир жинлар шунчаки таслим бўлмайдилар. Гарчи бу руҳ кетган бўлса ҳам, менинг ҳаётимда молиявий тартибсизлик ҳукм суришда давом этарди. Шунинг учун молиявий соҳа учун қўрқув ҳар доим менга ўрнашишга уринарди ва менинг олдимда, онгимда тинчликни сақлашни ўрганиш турарди.

Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги руҳий дарсларни ўтиб, мен олиб боришим керак бўлган бошқа жанглар ҳам бор эди. Сиз қандай қилиб молиявий зўриқиш одамларнинг юрагини азобли қўрқув учун очиб, уларга таъсир қилишини мен шахсий тажрибамдан билишимни тушунишингиз учун, мен бу воқеани гапириб бергим келди.

Мен ўша ерда бўлганимни сизлар билишингизни хоҳлайман.

Шунинг учун сиз қандай муаммога дуч келманг, умид бор. Мен Худонинг Шоҳлиги ҳақида анча олдин билишимни қанчалик хоҳлардим! Биз Дренда билан молиявий тартибсизликдан бемалол қочишимиз мумкин бўлган бир пайтда, ўша тўққиз йил мобайнида шундай яшаганимизни англаш қанчалик ачинарли!

Афсуски, бизнинг молиявий тартибсизлигимиз радардаги сигнал эмас – у радарнинг ўзи эди. У ҳаётимизнинг акси эди. Тўққиз йил доимий қарзлар ва ҳақоратомуз вазиятлар ҳамда ҳодисалар ҳақидаги хотиралар... Буларнинг ҳаммасини тезроқ унутгим келади. Менинг Худо марҳамат қилган рафиқам! У ушбу йиллар мобайнида шунчалик кўп нарсани бошдан кечирди, шунинг учун бугун мен уни қўлимдан келган ҳамма нарса билан дуо қилгим келади.

Шунингдек, Раббий менга иблисона қўрқув руҳига бас келишни ҳам ўргатди, У мени молияга руҳий нуқтаи назардан муносабатда бўлишга ўргатишни бошлади. Худо Дренда иккаламизга молия ҳақида очганлари, бизнинг ҳаётимизни кескин ўзгартирди – шунчалик ўзгартирдики, ҳатто биз унинг қолган ҳаммасини бошқа

одамларга ушбу қоидаларни тушунишларига ёрдам бериш учун бағишладик.

Биз Дренда билан иложсиз ноумидлик ҳолатидан шундай даражага ўтдикки, ҳатто нақд пулга машиналар сотиб ололдик, орзуимиздаги уйни бутунлай қарзсиз қурдик, кўплаб ташкилотларга асос солдик ва «Пул масаласини ечиш» (Fixing the Money Thing) кундалик телевизион дастурни йўлга қўйдик, у бутун ер юзи бўйлаб ҳар бир минтақада узатилади. Бундан ташқари, Дренда ABC Family каналида, оилаларга ёрдам кўрсатиш ва аёлларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ҳар ҳафталик «Дренда ТВ» дастурини олиб боради. Биз «Имондаги ҳаёт» (Faith Life Church) жамоатини бошлаш учун, Худонинг бошқарувини ҳис қилдик, у ерда ҳар ҳафта минглаб одамларни Худонинг Шоҳлиги ҳақида ўқитамиз. Бугун биз ўзимизнинг фаолиятимиз учун миллионлаб долларларни сарфляпмиз; ҳар ой 200 минг доллардан кўпроқ маблағни – фақат телевидиние учун сарфлаймиз. Агар бу китоблар мажмуида ўргатмоқчи бўлган насраларга Худо бизни ўргатмаганида эди, албатта буларнинг ҳеч қайси бўлмаган бўлар эди. Сиз бу китобга молияга оид яна битта ўқув қўлланма сифатида қарашингизни истамаган бўлардим. Бу бюджетни қандай тўғри тузиш ҳақидаги навбатдаги таълим эмас, гарчи бу ҳам жуда муҳим ва керак. Бу китоблар етишмовчилиги ва харажатни қисқартириш зарурлиги ҳақидаги қайта кўрилмаган эски мавзу.

Бу китоб инқилоб ҳақида, бўғадиган қашшоқлик бор зулмат шоҳлигига қарши чиқиш ҳақида. Бу китоб қандай қилиб ўзимиздан бўйинтуруқни қулатиш ҳамда янги ҳаётни бошлаш ҳақида. Менинг жавобим қандайдир ҳар томонлама молиявий маслаҳат эмас. Мен тўлиқ моливий тўнтарилиш кераклигини тушундим – мен зарур бўлган нарсанинг номи қуйидагича эди:

МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ

1-БОБ

ШОҲЛИК

Мен муқаддимада қўрқув менинг ҳаётимни қандай қилиб занжирбанд қилгани ва еб юборгани ҳақида гапириб бердим, шунинг учун ўйлайманки, бизнинг сиз билан биргаликдаги саёҳатимизни, сиз ҳақиқатан ҳам англашингиз зарур бўлган жуда муҳим фикрдан бошлашимиз керак: ҚЎРҚУВ БИЛАН ЯШАШГА КЎНИКМАНГ! Қўрқув менинг ва бошқа миллионлаб одамларнинг ҳаётида бўлгани каби, ҳар хил жинларнинг таъсири, саросима, тушкунлик учун эшик очади. Мен молиявий тебранишлар – одамларнинг ҳаётига қўрқув олиб келадиган ўта жиддий тебраниш деб ҳисоблайман. Шахсан мен 34 йил мобайнида ўзимнинг молиявий режалаштириш бўйича ташкилотим шарофати билан, одамларга молиявий масалаларда ёрдам кўрсатиш билан шуғулланяпман ва мен молиявий муаммолар билан курашган ягона одам бўлмаганимни билдим.

Мен бу мавзунини ўрганиб чиқдим ва аслида Американинг 23 фоиз аҳолиси ўзларининг қарзларини, ҳатто энг камини ҳам тўламасликларини ва шу тариқа аста-секинлик билан тўлиқ молиявий инқирозга тушишларини аниқладим. Бу эса бутун мамлакатнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади! Қирқ етти миллион – аҳолининг олтидан бир қисми – озиқ-овқат талонлари

билан таъминланадилар ва ўнта оиланинг саккизтаси маошдан кейинги маошгача яшайдилар. Бу мамлакатимизнинг, биз энди ҳеч қачон тўлай олмайдиган, 18 триллион доллардан иборат бўлган ташқи қарзидан ташқари. Шунингдек, мен 120 триллион доллар қарз ҳақида гапирмаяпман, бизнинг мамлакатимиз бу пулларни тўлашга бирор имконияти бўлмай туриб, олган. Биз жиддий молиявий муаммолари бор мамлакатда яшаяпмиз! Шахсий ҳаётим мисолида, мен ечилмаган пул масалалари ва молиявий зўриқиш қўрқувни ҳаёт тарзига айлантиришини биламан.

Лекин жавоб бор! Сиз эркин бўлишингиз мумкин! Муқаддас Ёзув бу ҳақида аниқ айтаяпти: Исо қашшоқларга хушxabарни воизлик қилиш учун келди!

Раббий Худонинг Руҳи Менинг устимда, чунки Раббий Мени қашшоқларга хушxabарни воизлик қилиш учун мойлади.

Ишаъё 61:1

Қашшоқ учун нима хушxabарга айланиши мумкин? Унинг эркин бўла олиши! Бугун сиз балки, буни қандай содир бўлишини тасаввур ҳам қила олмаётгандирсиз. Мен ҳам ҳаётимнинг маълум босқичида мутлақо ночор аҳволда эдим. Ҳамётимда мен ҳеч кимга беришим керак бўлмаган юз долларга эга бўлиш ҳақидаги фикр, мен учун шу қадар пуч эдики, агар ҳаммаси шунчалик даҳшатли ва фожиали бўлмаганида, мен унинг устидан кулган бўлар эдим. Тўққиз йил муҳтожлик ва тирик қолиш учун курашиш ҳаёти мен учун чуқур ҳиссий ларзага айланди. Молиявий зўриқиш бизни ҳамма нарсадан маҳрум қилади. Мен ўша йиллардаги оилавий видеоёзувни кўрганимда, мен жуда уялиб кетаман. Видеода мен ўйни олдиға яқинлашяпман, офисдаги узоқ иш кунидан кейин машинадан чиқаяпман ва менинг севимли фарзандларим менинг олдимға юғуриб келяптилар, менинг оёғимдан қучяптилар ва

«Дада! Салом!» деб қичқиряптилар. Мен эса уларга жавоб бермаяпман ва уларга қарамаяпман. Мен шунчалик зўриққан ва кайфиятим йўқки, аслида нима муҳим эканлигини англамаяпман.

Менинг ўша пайтлардаги фикрлаш принципим, мен бир пайтлар сузиш бўйича дарсларда нимани ўрганимни эслатади. Агар кимдир чўкаётиб, ёрдамга чақирса, жуда эҳтиёт бўлиш керак. Нима учун? Чунки чўкаётган одамлар шунчалик тирик қолишга берилиб кетадиларки, ўзлари буни хоҳламаган ҳолда, сизни чўктириб юборишлари мумкин. Мен ҳам худди шунақа аҳволда эдим – зомби каби, атрофда нима содир бўлаётганини пайқамайдиган, нимадир қилаётган ва шу билан бирга, ҳеч нарсани ҳис қилмайдиган одамдек. Эр сифатида мен омадсизликка дуч келдим. Ота сифатида мен омадсизликка дуч келдим. Оила боқувчиси сифатида мен омадсизликка дуч келдим. Менинг ҳаётим қолоқ эди – қувончсиз, орзусиз, ваҳийсиз ва тўлиқ тушкунликда.

Ўша кунларда Колумбусда, Огайо штатида, қурилиш қизғин кетаётган эди. Ҳамма жойда уйлар пайдо бўларди ва бизнинг шаҳримизда кўп йиллар мобайнида уйлар Паради бўлаётган эди. Агар сиз бунинг нима эканлигини билмасангиз, мен тушунтираман. Уйлар паради ўзининг ноёб услуби ва имкониятларини, шунингдек қурилиш ва пардознинг янги технологияларини тақдим қилишни истаган турли якка тартибда иморат қурувчилар томонидан қурилган уйлар кўргазмасидан иборат эди. Бизнинг ҳудудимизда бу тадбир жуда таниқли ва минглаб одамлар учун сеvimли эди. Лекин уйлар Паради мени ваҳимага соларди. Қашшоқликда яшаётганимиз сабабли, мен Дренда у ерга бориб, бу уйларни

**РАББИЙ ХУДОНИНГ РУҲИ
МЕНИНГ УСТИМДА,
ЧУНКИ РАББИЙ МЕНИ
ҚАШШОҚЛАРГА
ХУШХАБАРНИ
ВОИЗЛИК ҚИЛИШ УЧУН
МОЙЛАДИ.**

– ИШАЪЁ 61:1

кўришини хоҳламас эдим. Молиявий омадсизликлар сабабли менга шундоқ ҳам етарлича ёмон эди ва мен, шубҳасиз, менинг рафиқам қанчалик ҳаммаси ҳақиқатан ҳам ёмон эканлигини англашини хоҳламас эдим. Бу қанчалик аҳмоқлик бўлганини мен ҳозир тушунаман, лекин ўша вақтда менинг нуқтаи назарим шунақа эди. Мен агар у ўша ерга борса, ҳудди шунақа уйи бўлишини исташини билардим. Шунинг учун йилдан йилга мен: «Йўқ!», деб айтардим, лекин мана, охир оқибат, таслим бўлдим ва борамиз деб қарор қилдим. Сиз тасаввур қилганингиздек, уйлар жуда серҳашам эди. Уларнинг олдида бизнинг 1800-йилда қурилган фермерлик кичкина уйчамиз яшаш учун яроқсиз ва бузилишга маҳкумдек кўринарди. Биринчи бир нечта уйларни кўриб, биз кўча бўйлаб пастга кетдик ва ўшанда мен Дренда менинг ёнимда эмаслигини пайқадим. Унинг қаердалигини кўриш учун мен орқамга бурилдим ва афсуски, у биз ҳозиргина чиққан уйнинг олдида турганини ва унинг юзидан кўз ёш оқаётганини кўрдим.

Мен унинг олдида бориб аҳмоқона саволни бердим: «Нима бўлди?» Худди мен гап нимада эканлигини билмагандек. У менга қараб: «Менда қачон уй бўлади?», деб сўради. Менинг бошимда фикрлар айлана бошлади: «Уй? Шунақасими? Уларнинг ҳаммаси 500 дан 700 минг долларгача туради-ку. Мен бир амаллаб хароба уйимиз учун 300 доллар тўпласам, катта иш бўларди». Афсуски, мен бу вазиятдан чиқишнинг ҳеч қанақа йўлини кўрмас эдим ва мени гўзал, азиз рафиқамга таклиф қиладиган ҳеч нарсам йўқ эди. Қўрқув ва омадсизлик менинг онгим ва ҳатти-ҳаракатларимни занжирбанд қилган эди. Бу мен эмас эдим; менинг қувончим, менинг бахтим билан нима содир бўлди? Мен ҳамма нарсани фақат молиявий зўриқиш призмаси орқали кўрардим.

Соат тунги икки ёки уч эди ва мен ухлай олмасдим. Оғриқ худди игнадек менинг юзим ва жағимни санчир ва мен умидсизликда, аҳволим енгил бўлишига муҳтож эдим. Ўттиз олти соат олдин, худди ҳаво шаридек юзимни шиширган инфекцияни тўхтатиш

учун тишимнинг йўлини тозалаган эдилар. Оғриқ ва ноқулайликка чидаб бўлмасди. Оғриқни қолдириш учун мен ҳар тўрт соатда тайленол ичардим, лекин бу унчалик ҳам ёрдам бермасди. Ва мана мен ўзимнинг меҳмонхонамда ўтирибман, ухлай олмаяпман, дорининг яна бир миқдорини ичаяпман, менинг нигоҳим тайленолнинг қутисига тушди ва мен йўриқномасини ўқидим. Тайленолни қандай қабул қилишни билмаганимдан эмас – бекорчиликдан ўқиб ўтирган эдим, худди эрталаб сули ёрмасини еяётганимизда уларнинг қутисидаги ёзувларни ўқишимизга ўхшайди. Бу ростдан ҳам кимгадир қизиқ бўлгани учун эмас, балки қути ўша ерда шунчаки тургани учун шундай қиламиз. Ва мана мен ўқияпман... Ҳа, ҳа, ҳар тўрт соатда иккита таблетка, яна нима ёзилган экан? Бир кеча кундузда ўнта таблеткадан ортиқ ичиш керак эмас. Нима? 24 соат мобайнида ўнта таблеткадан ортиқ ичиш керак эмас? Менинг миям, агар одам ҳар тўрт соатда ичадиган бўлса, нечта таблетка бўлишини тезгина қўшиб чиқди, мен буни охириги икки кун давомида қилдим, - кунига ўн иккита таблетка, яъни энг кўп миқдордан иккитага ортиқ. Тўсатдан менинг ошқозоним тугунчадек ғужанак бўлди ва мени қўрқув қамраб олди.

Ҳаётимнинг тўққиз йили муҳтожликда ўтди, бу вақтда мен на эр сифатида, на ота сифатида, на оила боқувчиси сифатида шаклланмадим, бу йиллар мени ҳиссий харобага айлантирди. Шифокорлар озгина бўлса ҳам ёрдам бериши учун, менга доимий равишда ичадиган, тушкунликка қарши дориларни ёзиб бердилар, лекин дорилар менга умуман ёрдам бермасди. Ва мана мен икки тун ухламай, ўша ерда тишимдаги касаллик билан ўтирган эдим ва оғриқ шунчалик кучли эдики, мен ҳатто ухлай олмадим. Энди тайленолнинг йўриқномасини ўқиб, мен ташвишланиш учун яна битта сабаб пайдо бўлганини тушундим – дорини миқдоридан ортиқ ичиш эҳтимоли. Мен тайленолни миқдоридан ортиқ ичишининг қанақа хавфи борлигини билмасдим, лекин модомики

ҳар битта бурчакдаги дорихонада сотилар экан, бу дори хавфсиз эканлигига ишончим комил эди. Мен ишлаб чиқарувчилар шунчаки юридик расмиятчиликларга риюя қилиш учун, қутига огоҳлантириш ёзганлар деб ўйладим. Мен иккита ортиқ таблеткани ичиш жиддий муаммо бўлишини шунчаки тасаввур қила олмас эдим. Лекин қўрқув руҳи менинг онгимни занжирбанд қилган эди ва бу маълумотдан фойдаланиб, мени «Агар... бўлсачи», деган фикрлар билан ҳужум қила бошлади. Шу сабабли, шунчаки тинчланиш учун, мен заҳарланишларни назорат қиладиган Марказга қўнғироқ қилиб, ҳаммасини оидинлаштиришга қарор қилдим. Менга шунчаки, ҳеч қандай қўрқинчли нарса содир бўлгани йўқ, дейишларига ишончим комил эди.

Симнинг нариги томонидаги қиз ўз ишининг мутахассисидек таассурот қолдирди, у қандай ёрдам бериши мумкинлигини сўради. Мен охириги 36 соат мобайнида ҳар тўрт соатда тайленол ичганимни, натижада ортиқ ичиш керак эмас деб ёзилган ўнтани ўрнига ўн иккита таблетка бўлганини тушунтирдим. Шунингдек, мен иккита ортиқ таблетка менга жиддий зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун, шунчаки қўнғироқ қилаётганимни айтдим. У бир мунча вақт тўхтаб қолди, мен компьютер клавиатурасининг тугмалари таққилаётганини эшитдим. Шундан кейин сўзлар янгради, мен уларни сизларга сўзма-сўз изоҳлаб бераман: «Жаноб, биз бу дорини бунақа миқдорда ортиқ ичиб, тирик қолган вазиятларни билмаймиз». Нима? Мен сизни тўғри тушундимми? Албатта йўқ! Мен унга 24 соатлик меъёр фақатгина иккита таблеткага ва бор-йўғи икки кун мобайнида орттирилганини яна тушунтирдим.

Бу сафар у қаттиқроқ овоз билан: «Жаноб, мен қайтараман, одам бунақа миқдорда ортиқ ичиб, тирик қолган вазиятлар бизда бўлмаган. Сиз ЗҲДЛИК БИЛАН кечиртирмай ёрдам кўрсатиладиган бўлимга келишингиз керак!», деб жавоб берди. Мен унга нима содир бўлганини яна тушунтиришга уриндим, чунки у мени нотўғри

тушунганига ишончим комил эди, лекин у мени қўйидаги сўзлар билан тўхтатди: «Ёки сизнинг ўзингиз касалхонага борасиз, ёки мен сизни олиб келиш учун тез ёрдам машинасини юбораман». Мен лол қолган эдим! «Ўзим борман» - мен иккиланиб гапирган ягона гап шу эди. «Сиз қайси касалхонага борасиз?» Мен жавоб бердим ва қиз гўшакни қўйди.

Мен донг қотиб турдим. Эрталабки соат тўққизда менинг жуда зарур учрашувим бор эди, ҳозир эса тунги соат уч ярим эди. Мен ётоқхонагача зўрға етиб бордим, Дрендани ўйғотдим ва бўлган воқеани унга гапириб бердим. У менга ваҳима ва афсус билан қаради. Унинг эри мана бир неча ойдан буён ўзини анча ғалати тутаетган ва у ҳамма нарсани ўз қўлларида ушлаб туришдан аллақачон чарчаган эди, энди бу ҳам бормиди? «Гэри, ахир бор-ўғи иккита таблеткага кўп. Бу сени ўлдирмаслигини тушунасан-ку. Уларга қайтадан қўнғироқ қил», - деди у. Лекин қўрқув ақлидроксиз ва азобли. «Қиз, бу мени ўлдириши мумкинлигини айтди. Мен касалхонага боришим керак». – «Сен ҳазиллашаётган бўлсанг керак», – деган сўзларни ўқидим мен рафиқамнинг кўзларида ва шу билан ётоқхонадан чиқдим.

Касалхонанинг олдига яқинлашаётганимда, мен кечиктирмай ёрдам кўрсатиладиган бўлимнинг олдига оқ халат кийган иккита йигит мени кутиб турганини кўрдим. Мен машинани тўхтатганимда, улар мени олдимга келиб: «Сиз Гэри Кисимисиз?», деб сўрадилар – ва шошилиб мени шифокорнинг олдига текшириш учун олиб бордилар. Қабулхона орқали ўтаётиб, мен исмим: «Гэри Киси – миқдоридан ортиқ дори ичган», деб ёзилган тахтани кўрдим. Мен бунга ишона олмасдим. Мен ўзимнинг воқеамни қисқартираман: қисқаси, шифокор мендан таҳлил учун қон олди, кейин чиқиб, менга: «Сиз нима учун бу ердасиз? Сизнинг қонингиздаги тайленолни даражаси бош оғриғини қолдириш учун етарли эмас», деди. Мен заҳарланишларни назорат қиладиган Марказга муурожаат қилганимни гапириб берганимда, у кулиб юборди.

Менга эса бу кулгули туюлмас эди. Ва айниқса, бу учун бизга почта орқали икки минг долларлик ҳисоб келганида, куладиган аҳволда эмас эдик. Шайтон яна чўв тушириб, мендан ўғирлади.

Мен ўзим учун Худонинг Шоҳлигини очмагунимча, менинг ҳаётим қанақа бўлганини тушунишингиз учун, мен сизларга бу воқеаларни гапириб беряпман. Ҳа, мен масиҳий эдим. Ҳа, мен жамоатга ушр берардим. Ҳа, мен қандайдир пайт жамоатда улуғловни олиб бордим. Ҳа, мен Худони севардим. Лекин нимадир ўз жойида эмас эди, умуман жойида эмас эди! Худо мени қўрқув руҳига қарши қандай курашишга ўргатгани, мен

**МЕНИНГ ХУДОЙИМ ЭСА
ИСО МАСИҲ ОРҚАЛИ
СИЗЛАРНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ
МУҲТОЖЛИКЛАРИНГИЗНИ
ЎЗ ШУҲРАТИНИНГ БОЙЛИГИ
БИЛАН ҚОНДИРАДИ.**

– ФИЛИППИЛИКЛАРГА 4:19

қандай қилиб тушкунликка қарши дорилардан ва ваҳималар хуружидан озод бўлганим ҳақида аввал ёзган эдим. Лекин мен қўрқув руҳи келган вазият - менинг умидсиз моливий ҳолатимдан озод бўлмаган эдим! Мен ҳисобларни тўлаш, устига устак ўнта бекитиб қўйилган қарз варақчалари, учта қарз бўйича қарзларни тўлаш, солиқлар

бўйича қарздорликни тўлаш, қариндошларга қарзларни қайтариб бериш ва коллекторлар ҳамда суд қоровулларининг кўплаб талабларини қондириш учун пул топишга ҳаракат қилиб, ҳануз ҳар кун катта босимни бошдан кечирардим.

Мен аввал айтганимдек, бизнинг ҳаётимиз молиявий тартибсизлик ҳолатида эди. Зўриқиш ва ҳиссий тебранишлар менинг яшаш тартибим эди. Бизлар масиҳийлар эдик, лекин моливий томондан ўлаётган эдик; менинг кредит варақчаларимни бирма-бир бекитиб қўйдилар. Менга суд қарорларини беришар, мулкимни қамоққа олишар, қарз беришни рад қилар, қарз

берувчилар эса доим қўнғироқ қилардилар. Бизнинг молиявий кулфатларимизнинг энг ёмон дамларида, бизнес етарлича кирим келтирмаган пайтда, бизнинг овқат сотиб олиш учун пулимиз бўлмасди.

Бизлар озгина бўлса ҳам исиниш учун, оиламиз билан меҳмонхонадаги ўтин билан иситиладиган печканинг атрофида йиғилишга мажбур бўлардик, чунки уйимизни суюқ ёқилғи билан иситишга қурбимиз етмасди. Бизлар «Макдоналдс»да Happy Meal учун бир амаллаб пул тўплаш ва уларни фарзандларимиз ўртасида бўлиш мақсадида, диван ва ўриндиқларнинг ёриқларидан йўқолган тангаларни излаб топишга ҳаракат қилардик.

Мен энди қарз берувчилар менга қўнғироқ қилганларида уларни даф қилишни ўрганиб эдим, лекин бир куни мен қарздор бўлган ташкилот ўзининг пулларини қайтариб олиш учун, ҳуқуқшуносни ёллаган экан. У одам қўнғироқ қилди ва исмини айтмай, шунчаки: «Пуллар уч кундан кейин бўлиши керак ёки мен мижозимнинг номидан судга ариза ёзаман», деди. Мен янчиб ташланган эдим. Менда танлов йўқ эди. Менга ишонч йўқ эди. Мен аллақачон ҳамма дўстларимдан қарз олиб бўлган эдим ва айнан ўша пайтда охиригача етиб келганимни англадим. Мен ётоқхонага эмаклаб келдим, каравотнинг энига қуладим ва Худога фарёд қилишни бошладим. Шу заҳотиёқ мен Унинг овозини эшитдим. Муқаддас Ёзувнинг мен кўп марта эшитган матни, менинг онгимга қалқиб чиқди.

Менинг Худойим эса Исо Масих орқали сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни Ўз шуҳратининг бойлиги билан қондиради.

— Филиппиликларга 4:19

Мен Раббийга бу оятни анчадан буён билишимни, лекин менинг муҳтожликларим барибир тўлдирилмаганини айтиб,

жавоб бердим! У зўдлик билан менинг саволимга жавоб берди: «Ҳа, лекин бу Менинг айбим эмас. Сен ҳеч қачон Менинг Шоҳлигим қандай тузилганини тушуниш учун вақт ажратмагансан. Кўплаб имонлилар Эски Аҳддаги Исроил каби – қулдек яшайдилар. Улар қарзларда ва молиявий қулликда яшайдилар. Мен, менинг халқим эркин бўлишини истайман».

Раббий менга айтганларининг ҳаммасини Дрендага айтиб бериш учун, тезгина пастга тушдим. Мен унинг қаршисида Худони изламаганим ва Унинг Шоҳлиги қандай тузилганини билмаганим учун тавба қилдим. Аслида биз ўша лаҳзада Худо Унинг Шоҳлигини тузилиши ҳақида гапирганида, гап нима ҳақида кетаётганини ҳатто тушунмаган ҳам эдик. Охир оқибат биз жамоатда борамиз-ку, деярли ҳар доим ушр берамиз ва Худони севамиз. Биз Худонинг Шоҳлиги ҳақида ҳамма нарсани аллақачон биламиз деб ўйлаган эдик. Бироқ менинг олдимда, ҳа, биз Самоларга кетадиган йўлда эканлигимизни, лекин Самоларнинг кучи ва ҳокимиятини бизнинг ҳаётимизга қандай қилиб олиб келиш ва ердаги вазиятларга таъсир қилиш ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслигимизни билиш турган эди. Шундай қилиб, биз Муқаддас Ёзувни ўргана бошладик ва Худо биз билан гаплаша бошлади ва У Шоҳлик ҳақида гапирганида нимани назарда тутганини кўрсата бошлади. Билиб олганларимиз, биз учун ҳайратланарли эди! Биз гуё қоронғу ҳонада чироқ ёққандек бўлдик. Ўзимизнинг молиявий вазиятимизни ечиш учун ҳаётимизда биринчи марта жавобларни топдик.

Худо, Сен Шоҳлик ҳақида гапирганинда, нимани назарда тутяпсан?

Худо менга, мен Унинг Шоҳлигини ҳеч қачон ўрганмаганимни айтганида, мен камида уялган эдим. Шоҳлик? Биз Дренда билан бу ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдик. Биз ибодат қилдик ва Худодан У нимани назарда тутганини бизга кўрсатишини илтимос

қилдик: «Раббий, бизга Сенинг Шоҳлигинг нимани англатишини ўргатгин!» Ва мен биринчи бўлиб тушунишим керак бўлган нарса, - бу қанақа Шоҳлик эканлигини тушуниш эди.

Мен бу тушунча ғарбий одам идрок қилиши учун мураккаб деб ўйлайман, ахир биз америкача демократия ва эркинликда яшаймиз. Худонинг Шоҳлиги – бу демократия эмас; бу Шоҳи бор Шоҳликдир. Шоҳнинг ҳокимияти Шоҳликда ҳокимиятнинг вакиллиги ёрдамида ушбу ҳокимият доирасида амал қилаётган ҳукуматнинг идоралари ва одамлар орқали тарқалади. Ўз атрофида бир гуруҳ одамларни йиғиш – бу шоҳлик эмас. Сизнинг атрофингизда миллион одам йиғилиши мумкин, лекин бу шоҳлик бўлмайди. Шоҳлик – бу битта қонун ва ҳукуматга тобе бўлган, биргаликда йиғилган одамларнинг гуруҳидир. Луғат шоҳликка шундай таъриф беради: «Шоҳлик – бошида шоҳ ёки малика турган давлат ёки ҳукуматдир».

Ҳар Исонинг Тўғилган кунда биз Исонинг ерга келганини нишонлаймиз, шу билан бирга У Ўзи билан яна Ўзининг ҳукумати ҳам олиб келганини тушунмаймиз. Муқаддас Ёзув бу ҳақида шундай дейди:

*Зеро бизга Чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди.
 Ҳукмронлик Унинг елкаларидадир ва Унга: Ажойиб,
 Маслаҳатчи, Қудратли Худо, мангу Ота, тинчлик
 Ҳокими, деб ном берилади. Довуд тахтида ва унинг
 шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг
 чеки йўқ. У бундан бугундан то абад адолат ва ҳақиқат
 билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди. Қўшинлар
 Худовандининг рашки бундан қилади.*

– Ишаъё 9:6-7

Исо – ушбу ҳукуматнинг бошлиғи ва Уни шахсий Нажоткоримиз сифатида қабул қилиб, биз Унинг Шоҳлигининг бир қисмига,

унинг фуқароларига айланамиз. Биз фақатгина фуқаро мақомини олмаймиз, балки Унинг оиласининг бир қисмига – Худонинг қизлари ва ўғилларига айланамиз.

Уни қабул қилганларга эса, Унинг исмига имон келтирганларга У Худонинг фарзандлари бўлиш ҳокимиятини берди. Булар на қондан, на тананинг устагидан, на эрнинг устагидан, балки Худодан туғилдилар.

– Юҳанно 1:12-13

Демак, сизлар энди бегона ва хорижий эмассизлар, балки муқаддасларнинг ҳамфуқароси ва Худонинг хонадонидагиларисизлар.

– Эфесликларга 2:19

Худо оиласининг аъзоларига айланиб, биз бинобарин, Худо эга бўлган ҳамма нарсага эга бўламиз ёки бир қисмига айланамиз. Лекин шунингдек, биз Унинг буюк ҳукуматининг ҳокимияти остида бўлган фуқароларга айланамиз. Бу ушбу ҳукуматнинг доирасида қонуний ҳуқуқлар ва имтиёзлар борлигини кўзда тутди.

Мен нима ҳақида гапираётганимни яхшироқ тушуниш учун келинг, АҚШнинг фуқароси бўлиш нимани англатишини кўриб чиқамиз. Сиз Америка Қўшма Штатларининг фуқароси сифатида, қонуний ҳуқуқларга эгасиз. Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз Конституцияда ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунларда ёзилган. Бу қонунлар ва ҳуқуқлар, у ким бўлишидан қатъий назар ҳар битта фуқарога тарқалади. Бу ҳуқуқлар бизнинг ҳиссиётларимиз ёки ақлий қобилиятларимизга боғлиқ эмас. Йўқ, улар қонун томонидан тасдиқланган ва Американи ўзининг уйи деб атайдиган ҳар битта фуқарога ҳуқуқ бўйича очиқдир. Шунақаси ҳам бўладики, фуқаро ҳатто ўзининг ҳуқуқларини билмайди, лекин шунга қарамай, шунчаки у Америка Қўшма

Штатларининг фуқароси бўлгани учун, бу ҳуқуқлар унда бор.

Бу ерда ўйлаб кўрадиган нарса бор ва мен бу сизнинг Худо ҳақидаги тасаввурингизни ўзгартиради ва Худодан қабул қилиш қобилиятингизга таъсир қилади, деб умид қиламан. Агар бу ерда, Қўшма Штатларда, кимдир ёки нимадир сизни ҳуқуқларингиздан маҳрум қилмоқчи бўлса ёки сиз билан ноқонуний иш тутса, биз одил суд муассасаларига – (одил суд қонунни ҳаракага келтиришни, ҳуқуқдан фойдаланишни англатади) бизнинг ҳуқуқларимизга риоя қилинишини таъминлайдиган жараёнга муурожаат қиламиз. Бизлар судга борамиз ва судья сизнинг кўринишингиз қанақалигига, сиз қанчалик бой ёки камбағал эканлигингизга қарамайди. У қонунга қарайди. Унинг вазифаси – ҳар битта аниқ вазиятда қонунни ҳаракатга келтиришдир. Ва бизнинг хавфсизлигимиз мана шунда: бизда қонуний ҳуқуқлар бор ва ҳукумат АҚШнинг ҳамма ҳудудларида одил суд тизими орқали ушбу ҳуқуқлар риоя қилинишини назорат қилади. Энди бу ҳақида мулоҳаза қила туриб, Ишаъё пайғамбар Китобининг 9-бобига қайтамиз, у ерда гап Исо Ўзининг ҳукумронлигини ерга олиб келгани ҳақида боряпти:

Довуд тахтида ва унинг шоҳлигида Унинг ҳукмронлиги ҳамда тинчлигининг чеки йўқ. У буни бугундан то абад адолат ва ҳақиқат билан ўрнатади ва мустаҳкамлайди.

– Ишаъё 9:7

Бу матнда Худонинг Шоҳлиги суд – сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз қўлланилиши ва амалга оширилиши воситасида қонунни ҳаракатга келтирадиган ташкилоттомонидан тасдиқланади ва мустаҳкамланади. Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз – Худо адолат ёки У тўғри деб атайдиган, – Унинг қонунидир. Худо сизларга У ваъда қилган нарсани олишингиз учун, Унинг одил судига – жараёнга ёки

кафолатга йўл очиб, ушбу Шоҳликнинг фуқаролари сифатида ҳуқуқ бўйича сизга тегишли бўлган, Унинг Шоҳлигининг ҳолати бўйича, Худо тўғри деб ҳисоблайдиган нарсага эга бўла олишингизни олдиндан мўлжаллаган. Худо Ўзининг иродасини бизга Ўз Сўзида – Муқаддас Ёзувда очган, унда Унинг Шоҳлигидаги бизнинг ҳуқуқларимиз ёзилган. Бу хушxabар! Муқаддас Ёзувда Худонинг ваъдалари тўғрисида айтилаётган ҳамма сўзлар, аллақачон ҳуқуқ бўйича сизларники, сабаби сиз Унинг Шоҳлигининг фуқаролари ҳисобланасиз!

Коринфликларга йўлланган иккинчи мактуб 2-боб, 20-оятда Худонинг ҳар битта ваъдаси (ҳар битта ваъдаси!) – бу «ҳа» ва «омин» эканлиги аниқ айтилган. Бу аллақачон ечилган ва тасдиқланган ҳамда ҳуқуқ бўйича аллақачон сизга тегишли.

Зеро Ундаги Худонинг барча ваъдалари – Худонинг шуҳратига, бизлар орқали «ҳа» ва Унда «оминдир».

– 2-Коринфликларга 2:20

Худо Шоҳлигининг асоси – бу одил суд ва ҳақликдир. У тебранмайди. Энди бу ҳақида шу тарзда ўйлаб кўринг: «Агар мен Худо Шоҳлигининг қонунини (Унинг иродасини) билсам ва Унинг одил судига – қонун айтаётганларини менга кафолатлайдиган жараён учун очиқ йўлга эга бўлсам, ўшанда мен дадил ва ҳеч нарсадан қўрқмаслигим мумкин».

Мана, Худога нисбатан биз шундай дадилликка эгамизки, Унинг иродаси бўйича Ундан нимаики сўрасак, У бизни тинглайди. Агар Худо барча сўраётганларимизни тинглаётганини билсак, Ундан сўраётган нарсаларни олишимизни ҳам биламиз.

– 1-Юҳанно 5:14-15

Ушбу матнда Худо бизни тинглаши айтилган ва гап бизлар томонимиздан талаффуз қилинаётган сўзларнинг товуш тўлқинларини тинглаш ҳақида кетаётгани йўқ; бу ерда У менинг ишимни қулоқ солиб тинглаши айтиляпти. Одил судни юбориш мақсадида иш тингланаётган пайтдаги судьяни тасаввур қилинг. Суд ва судья ҳар битта фуқарога нисбатан одил суд амалга ошиши учун тайинланган. Судьянинг қарори ҳиссиётларга эмас, балки қонунга асосланган ва у қонун ҳар битта фуқарога нисбатан қўлланилишини назорат қилиши керак. Судья ёзилган қонунга биноан амалга оширилаётган одил суднинг юборилишини таъминлаш учун қўйилган.

Худонинг ҳолатида Унинг тахти (ҳокимлик қиладиган жойи) ва ҳокимияти Исонинг олдига келган ва Унинг Шоҳлигининг фуқароларига айланган ҳамма одамлар учун одил судни (Унинг иродаси бажарилишини) таъминлайди.

Илтимос, бу фикрни яна бир марта аста-секин ўқинг ва унга сизнинг Худога бўлган ҳозирги нигоҳингиз билан тегишига ижозат беринг. Аксарият одамларга Худо вазиятга қараб қарор қабул қиладигандек туюлади, лекин бу бундай эмас. У – қонунлари ўзгармайдиган Шоҳликнинг Шоҳи. У ўзининг қонунини доирасидан чиқадиган қарорларни ҳозир ҳам ва кейин ҳам қабул қилмайди. Шу тариқа, биз Ундан нимадир ҳақида сўрашимиздан олдин Унинг жавоби қанақа бўлишини биламиз ва буни ўз кўзларимиз билан кўришимиздан олдин, Унинг қонунда айтилганларни олишимизга амин бўлишимиз мумкин, чунки У ўзининг қонунини амалга ошириш ҳокимиятига эга.

Биз Дренда билан бизнинг Шоҳликдаги қонуний ҳуқуқларимизни ўргана бошлаганимизда, бу бизнинг Худо ва Муқаддас Ёзув ҳақидаги тасаввуримизни кескин ўзгартирди. Ушбу янги тушунчанинг натижаси, ўзгарган ҳаёт эди. Биз Худодан ниманидир ёлвориб сўрашни ва Ундан илтимос қилишни

бас қилдик. Биз Худонинг Сўзига биноан Унинг Шоҳлигининг фуқаролари сифатида бизга аллақачон берилганини билиб олдик. Энди биз ҳуқуқ бўйича ўзимизга тегишли бўлганларни олишга ва буни ердаги воқеликка тадбиқ этишга ўрганишимиз керак эди. Бу худди чекни нақд пулга айлантиришга ўхшайди. Гарчи сизнинг ҳисобингизда кўп пул бўлса ҳам, сиз белгиланган жараёни қўллашингиз керак, унинг ёрдамида сиз пул олиш учун ариза ёзасиз ва чекни нақд пулга айлантирасиз. Ҳар қанақа тизимда белгиланган жараён бор, унга биноан биз бирор нарсага ўзимизнинг ҳуқуқимиз борлигини айтамыз, ҳатто агар бунга аллақачон эга бўлсак ҳам.

Унинг илоҳий куч-қудратидан Уни таниб-билишимиз орқали бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинган.

– 2-Петъор 1:3

Бу Худонинг Шоҳлиги! Шоҳликнинг фуқароси ҳисобланган одам, унинг бошқа фуқаролари каби ўша ҳуқуқларга эгадир. Биз бир нарсани тушунишимиз муҳим: Худонинг Шоҳлиги қонунлар томонидан бошқарилади ва бу қонунлар ўзгармайди. Бу нима учун муҳим? Чунки ўзгармайдиган қонун томонидан бошқариладиган Шоҳликда юз-хотирчилик йўқ. бундай Шоҳликда ҳамма тенг ҳуқуққа эга ва ушбу Шоҳликдаги бошқа одамлардек, ўзлари учун Шоҳлик қонунининг ҳаракатидан фойдаланишлари мумкин.

Лекин мана жамоатнинг қайсидир соҳасида, баъзи бирчигаллик юзага келади. Кўп масиҳийлар Худо ихтиёрий равишда одамнинг ҳаётида нимадир қилишга қарор қилади деб ўйлайдилар. Бошқа сўзлар билан айтганда, улар Худо бир одамни дуо қилишга ва бошқасини дуо қилмасликка қарор қилади, деб ўйлайдилар. Улар Худо одамлар билан, улар назорат қила олмайдиган нарсаларга йўл қўяди, деб ҳисоблайдилар. Улар Худо бир одамни шифолаши

мумкин, бошқасини эса – йўқ, деб ўйлайдилар. Аксарият масиҳийлар Худо ёрдам бериш учун қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсани аллақачон қилган бир пайтда, ёрдам бериши учун Унга ялинадилар. У уларга Шоҳликни берди! Бутун Шоҳликни!

Мен билан молия ҳақида гаплашишни ва менга Шоҳлик ҳақида ўргатишни бошлаб, Худо менга Муқаддас Ёзувнинг мана бу матнини берди:

Эй, камбағаллар, бахтлисизлар, чунки Худонинг Шоҳлиги сизларникидир.

– Луқо 6:20

Худо менинг молиявий ҳолатим учун жавоблар – бу Унинг Шоҳлиги эканлигини ва мен унинг қонунларидан шу ерда, ердаги воқеликда, Исо буни қилганидек, қандай фойдаланишни тушуниб, унга «қўшилишим» мумкинлигини гапира бошлади. Тан оламан, мен бошида гап нима ҳақида бораётганини умуман тушунмаганман. Лекин мен Худонинг сўзлари ҳақида тобора кўпроқ мулоҳаза қила бошладим ва шоҳликлар ҳақиқатан ҳам қонунлар томонидан бошқарилишини англай бошладим. Маълум бир қонуннинг ҳаракати ва таъсирини у ҳар сафар худди ўша тарзда ишлашидан билиш ва ҳисоблаш мумкин, чунки қонунлар ўзгармайди. Мен аввал ҳеч қачон бу ҳақида руҳий нуқтаи назардан ўйламаганман. Бироқ агар бу шундай бўлса ва Худонинг Шоҳлиги ҳақиқатан ҳам шу тарзда ишлайдиган бўлса, унда мен бу қонунларни ўрганишим, уларни қўллашим ва бу қонунларнинг ҳаракатини имтиёздан ўз ҳаётимда фойдаланишим мумкинлигини тушундим.

Ерни бошқараётган қонунлар ўзгармайди, деган тушунчага келдим. Ҳа, айтгандай, бизлар уларнинг доимий ва ўзгармайдиган ҳаракатига таянишимиз мумкин, бу бизга бугун одамларни Ойга учириш ва самолётларда учишга имкон

беради. Лекин аксарият масиҳийлар ушбу тушунчадан Худога нисбатан фойдаланмайдилар. Бунинг ўрнига улар нимагадир муҳтож эканликларини ишонтаришга ўриниб, йиғлайдилар ва Унга ялинадилар, гуё Худо улар ҳақида ғамхўрлик қилиш ёки қилмасликни танлаши керакдек.

Тасаввур қилинг, мен жамоатдаги анжуманда воизлик қилишим керак. Бутун жамоат тадбир жараёнида ёруғлик бўлиши ҳақида ибодат қиладими? Улар рўза тутиб: «Худойим, Сен бу қанчалик муҳим тадбир эканлигини ва бизга қанчалик ёруғлик кераклигини биласан», деб ялинадиларми, шу билан бирга ибодатда хўрсиниб йиғлаб, марсия айтадиларми? Мен бундай деб ўйламайман. Боз устига, бу хизматни режалаштираётган пайтда ёруғлик ҳақида ташвишланиш, ҳатто ҳеч кимнинг фикрига ҳам келмайди. Агар бирор хил сабабларга кўра улар ўша кечда келсалар ва ёруғлик бўлмаса, улар электр қувватини етказиб берувчига қўнғироқ қилиб, унга “чироқни ёқ”, деб ялинадиларми? Йўқ. Лекин барибир, қўнғироқ қилсалар ҳам, гўшакни кутарган одам, икки сония эшитиб, кейин ёнидаги ҳамкасбига бурилиб: «Бизга қанақадир ақлдан озган одам қўнғироқ қиляпти», дейишига аминман. Кейин эса сизга: «Қулоқ солинг, сизга электр қуввати бериляпти. Сизда қанақадир муаммо бор», деган бўларди.

Мен бу намунани анжуманларда келтирганимда, одатда ҳамма кулади. Нима ўчунлигини биласизми? Чунки шаҳарни электр билан таъминлаётган ташкилотга қўнғироқ қилиш ва хўрсиниб йиғлаб, сизга чироқни ёқиб беришлари ўчун уларга ялиниш – бу аҳмоқлик. Аксарият одамлар нима қилиш кераклигини аниқ биладилар, – шунчаки ёндиргични босиш керак. Бу шунчалик оддий! Ҳеч қанақа ҳиссий юк, ҳеч қанақа зўриқиш шарт эмас – шунчаки ёндиргични босиш керак.

Биласизми нима ўчун одамлар чироқни ёқа туриб, зўриқмайдилар? Чунки чироқ ёнишини КУТАДИЛАР. Улар электр

қуввати қандай ишлашни билганлари учун, чироқ ёнишни кутадиилар. Улар электрни бошқараётган ҚОНУННИ тушунадилар ва бу қонун ҳеч қачон ўзгармаслигини биладилар.

Лекин сиз минг йил аввалги вақтга ошиб ўтсангиз ва уларга шишали лампалар ёрдамида бутун шаҳарни ёритиш мумкинлигини гапириб берсангиз, сизни эси жойида эмас деб ҳисоблаган бўлар эдилар. Агар сизнинг аждодларингиз шаҳарнинг бутун маҳалласи лампалар билан ёритилганини кўрганларида, унда бу мўъжиза деган бўлар эдилар. Одамлар тушунтира олмайдиган ҳамма нарсани, мўъжиза деб атайдилар. Лекин аслида бу мўъжиза эмас, бу шунчаки уни қачонлардир ўрганган ҳар бир киши учун ишлайдиган электр қуввати қонунининг ҳаракати.

Шундай қилиб, биз электр қандай түзилганини биламиз ёки электр қувватини бошқарадиган қонунларга нисбатан ўз онгимизни янгиладик, дейиш мумкин. Энди уларнинг ишлашни кутамиз ва уларнинг қандай ишлаётганини кўриб, ҳайрон бўлмаймиз. Агар тўсатдан электр ўчса, биз кўпроқ ҳайрон бўламиз. Қонунларни ўрганиб ва уларни ёзиб олиб, энди биз шунга ўхшаб бутун дунё бўйича электрни ўтказа оламиз. Қандай қилиб? Одамларни ушбу қонунларга ўргатиб ва уларга электр қувватидан фойдаланишнинг барча имтиёзларидан лаззатланишга ижозат бериб, буни амалга оширамиз. Буларнинг ҳаммасини имкони бор, чунки биз электр қувватини бошқарадиган қонунни тушуниб олдик. Руҳий қонунлар учун ҳам худди ўша ҳақиқат талаб этилади. Агар уларни тушунмасак, зарур бўлган вақтда улардан худди шундай фойдаланиш имконияти бизда бўлмайди.

Биз учаётган самолётни кўрганимизда: «Ана холос, қандай мўъжиза!», демаймиз. Йўқ, биз самолётларнинг учишини биламиз, чунки улар қандай ва нима учун учишларини тушунамиз. Лекин биз минг йил орқага қайтсак ва одамларнинг боши устидан икки палубали А380 рақамли реактив Airbus учса, одамлар нима

деган бўлар эдилар? Улар бу мўъжиза деган бўлар эдилар! А380 рақамли Airbus таассурот қолдиришига – ва ўзининг 500 тоннадан ортиқ вазни, ҳамда 800 кишилиқ ўрни, соатига 900 км тезлиги ва 15 минг километргача масофага қўнмай учиб ўтишга қодирлигига мен розиман. У шунчалик ҳайратланарлики, ҳатто ўзингиз ҳам бу мўъжиза деб ўйлай бошлайсиз. Лекин бу мўъжиза эмас. Биз ушбу самолётнинг лойиҳасини тузган муҳандисларга мурожаат қилишимиз мумкин ва улар физика қонунларидан фойдаланиб, уни қандай қилиб учишга мажбурлаш мумкинлигини гапириб берадилар. Шунингдек, улар ишлатилган ҳар битта винтча ва унинг ҳар битта қисми ҳақида гапириб берадилар. Бирорта ҳам муҳандис, биринчи учиш пайтида самолётда ўтириб: «Қаранг-а! Ишонгим келмайди, лекин бу нарса ҳақиқатан ҳам учяпти!», демайди. Қайтараман, биз аминлик билан самолётга ўтираемиз, чунки у физиканинг ўзгармас қонунлари асосида учишини биламиз. Токи биз ушбу қонунларнинг доирасида қолар эканмиз, самолёт учаверади. Ёдда тутинг: қонунлар ўзгармайди!

Агар физикавий қонунлар ўзгарувчан бўлса, биз ҳеч қачон самолётда учишга рози бўлмасэдик. Тасаввурқилинг: сиз самолётга билет сотиб олдингиз, билетда эса бошқа нарсалардан ташқари: «Сиз бу самолётда ўзингизни хавф остига қўйиб саёҳат қиласиз, чунки аэродинамика қонунини доимий эмас. Нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Сизнинг омадингиз чопади, деб ўйлайсизми? Ёқимли учишни тилаймиз», деб ёзилган бўлади. Ёки бошқа мисол: қачон охири марта сиз кутилмаганда ўриндиғингизнинг устида учгансиз? Бунақаси бўлмаганми? Нима учун? Чунки ернинг тортишиш кучи ўзгармасдир.

Буларнинг ҳаммаси Худо яратган табиатнинг физик қонунларидир. Лекин биласизми нима? Унинг Шоҳлигининг руҳий қонунлари шу тарзда ишлайди – улар ўзгармайди! Худо менга Ўзининг Шоҳлиги ҳақида айтмагунича, мен албатта, ердаги қонунлар қандай ишлашини билардим, лекин Худонинг Шоҳлигида

ҳаммаси бошқача деб ўйлардим. Мен Худо хоҳлаган ишини ва хоҳлаган пайтда қилади деб ўйлардим. Мен Унинг Шоҳлигининг руҳий қонунлари ўзгармаслигини ва уларни ўрганиш, тушуниш ва қўллаш мумкинлигини билганимда, Исо нима учун ҳар доим: «Худонинг Шоҳлиги мана нимага ўхшайди», деганини тушундим. У одамлар Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини тушуна олишлари учун, ердаги қандайдир ҳодиса билан таққослаган. Тўсатдан менинг бошимда лампа ёнгандек бўлди. Менга мана шу фикр келди: «Агар Худо бизга Шоҳликни берган бўлса, У эса ҳақиқатан ҳам уни берди ва Шоҳлик ҳеч қачон ўзгармайдиган қонунлар томонидан бошқарилаётган бўлса, демак мен бу қонунларни ўрганишим ва уларни ўзимнинг ҳаётимда қўллашим мумкин».

*Қўрқма, эй, кичик пода! Чунки Отангиз сизларга Шоҳлик
беришни маъқул кўрди.*

– Луқо 12:32

Ўша куни мен руҳий тадқиқотчига айландим! Мен Муқаддас Ёзувни бутунлай янги жиҳатдан кўрдим. Уни ўқиб, мен: «Балиқ нима учун кўпайди? Нима учун нон бунчалик кўпайди?» ва ҳоказо деган саволларни бера бошладим. Мен Муқаддас Ёзувни, Худо менга ундаги яширин қонунларни очишини сўраб, шу тариқа ўрганишни бошлаганимда, бу шунчалик ҳайратланарли эди!

Ҳуқуқшунос менга қўнғироқ қилган ўша кун Раббий мен билан қандай гаплашгани ва Худо менинг муаммоим Унинг Шоҳлиги қандай тузилганини ўрганиш учун вақт ажратмаганимни қандай айтгани ва Раббийни изламаганим ҳамда оиламизни шундай аянчли аҳволга етказганим учун, тиз чўкиб, рафиқамнинг олдида тавба қилганим, ёдингизда борми? Биз Худонинг Шоҳлигида бизнинг жавобларимиз борлигига ишониш нимани англатишини билмас эдик. Яна қайтараман, биз жамоатда, Самоларга кетадиган йўлда эдик, Раббийни севардик, лекин Худо «Шоҳлик» деганида

нимани назарда тутаетганини мутлақо тушунмас эдик. Ҳуқуқшунос пуллар уч кундан кейин унда бўлиши кераклигини, бўлмаса иш судга оширилишини айтганида, биз жиддий муаммога дуч келдик ва нима қилишни билмас эдик.

Шу тариқа Худони синаш вақти ҳам келди. Бу менинг пул муаммосини ечиш билан боғлиқ бўлган биринчи тажрибам эди ва мен Худо «Шоҳлик» деганида, У нимани назарда тутаетганини кўрсатишини жуда хоҳлар эдим. Шундай қилиб, нима содир бўлганини гапириб беришимга ижозат беринг. Ҳуқуқшунос менга уч кун муддат беришини айтгани ва менда бир тийин ҳам бўлмагани, ёдингизда бўлсин! Умидсизликда мен ётоқхонага кириб, ўзимнинг устимдан қулфладим ва Худого фарёд қила бошладим. Мен кулфатда эдим! Ана шунда У масаланинг ечими – Унинг Шоҳлиги эканлигини айтди, лекин мен гап нима ҳақида кетаётганини тасаввур ҳам қила олмас эдим, бироқ ўрганишга тайёр эдим.

Икки кун ўтиб мен мижозим билан унинг суғуртаси масаласида учрашиш учун отландим. Ўша пайтларда мен одатда машинамни мижозимнинг уйини орқасида бурилишнинг ортида тўхтатиб қўярдим. Мен ҳеч қачон машинамни унинг уйини олдида тўхтатмаганман, чунки машинамнинг ҳолати унчалик ҳам яхши эмас эди. Мен уни ёқаётганимда, бутун кўча оқ тутунга тўлиб кетарди. Агар мен мижозимнинг олдидан кетаётиб, бутун кўчани оқ тутунга тўлдирадиган бўлсам, бу менинг бизнесимга ёрдам бермаслигини билардим. Бу менинг молиявий обрўимга ёқимсиз таъсир кўрсатади деб ўйлардим, ахир мен мижозларимга юз минглаб долларларни бирор ишга сарфлашни таклиф қилардим ва умуман мен шунчалик ажойиб молиявий менеджер эдим-да, лекин шу билан бирга зўрға ёнадиган машинада юрардим. Ўша кеча ҳам истисно эмас эди.

Лекин, мен мижозимнинг олдидан кетаётиб, у менинг ортимдан машинамни олдига келаётганини, даҳшат билан

пайқадим. У мендан ҳеч нарсани хоҳламасди, биз шунчаки суҳбатлашдик. Лекин, мен машинани ёқаётганимда, у ёнимда турармикан, деган савол мени ташвишга соларди? Мен ўзимнинг минивэнимга ўтирганимда, биз суҳбатни давом эттираётган эдик. У мен билан хайрлашади, мен эса, у кетгунича, ўзимни яна икки дақиқа нимадир қилаётгандек кўрсатишга, кейин эса кетишга умид қилиб, очик ойна орқали суҳбатни давом эттирдим. Лекин у кетмасди. Ниҳоят, у менга ёқимли кечни тилаб, машинадан икки қадамга узоқлашди ва шунчаки ўша ерда туриб қолди. Тўзоққа тушганимни тушуниб, мен машинам балки айнан шу сафар оқ тутунни отмайди, деган умидда моторни ёқдим, лекин умидим беҳуда эди. Кўча бир зўмда аччиқ тутунга тўлди, бундан кўзларимиз ачирди. Мен машинани ўчиришим учун, мижозим шошилиб менга қўл силтади. У яқин келди ва бир пайтлар автомеханик бўлиб ишлаганини ҳамда бир нарсани текширмоқчи эканлигини тушунтириб, ойнадан капотни очишимни илтимос қилди. Бир дақиқадан кейин у: «Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим: цилиндрлар қалпоқчасининг қистирмаси бузилган. Сиз машинани дарҳол уйга ҳайдаб кетиб, уни зўдлик билан тузатишингиз керак», деди. Мен унга миннатдорчилик билдирдим, лекин бу ташхис мен учун ҳеч нарсани англатмас эди. Менда барибир тузатиш учун пул йўқ эди.

Менинг офисим мижозимнинг уйдан бор-йўғи тўққиз километр масофада жойлашган эди ва мен у ерга кетар эканман, таниш тушкунлик кўрпаси мени яна қоплади. Лекин мен юриб, Раббий менга нима ҳақида гапирганини эслардим ва У билан ўзимнинг машинам ҳақида гаплашишни бошладим. «Раббим, – дедим мен, – бу машинани тузатиш учун менда пул йўқ. Мени бу машинадан ҳали ҳам қарзим бор ва уни бу аҳволида сота олмайман. Мен нима қилишни шунчаки билмайман. Балки, у ёниб кетгани яхшироқ бўлармиди? Ўшанда суғурта компанияси у учун пул тўлайди ва мен ундан қутуламан».

**ЎША ЛАҲЗАДА БИЗ
ЎЗИМИЗГА ХУДОНИНГ
ТИЗИМИ ИШЛАШНИ
ИСБОТЛАДИК ВА
ХУДО ШОҲЛИГИНИНГ
ТИЗИМИНИ ЎРГАНИШДА
ДАВОМ ЭТИШ ҲАМДА
УНДАН ФЙДАЛАНИШГА
ҚАРОР ҚИЛДИК.**

Офисимдан чамаси беш километр масофада мен капотда пуфакни пайқадим. Аввал у йўқ эди. Пуфак тобора катталашиб борарди ва мен офисимни олдидаги машиналар тўхташ жойида тўхтаган лаҳзада, пуфак олов устунига айланди. Мен лол қолган эдим; олов машинанинг бор олд томонини қамраб олди, олов тиллари капотнинг устидан

икки метрга кўтарилди. Мен тезда офисга югуриб бориб, ўт ўчирувчиларни чақирдим. Кейинги кун суғурта компанияси менга ёнган машина учун суғурта пулини тўлади.

Улар менга машинанинг қарзини тўлиқ қоплаган чекни бердилар ва менда, менга уч кун аввал қўнғироқ қилган ҳуқуқшуноснинг талабларини тўлаш учун етадиган пул қолди. Биз Дренда билан таажжубда эдик. Биз нима деб ўйлашни ҳам билмас эдик. Биз Худо биз билан ишлаётганини ва нимадир ўзгаришни бошлаётганини билардик. Лекин бизнинг Шоҳликка бағишланишимиз янгидан синалиши керак эди, бу кейинги ҳамма йиллар учун бизга тўғри йўлга йўналиш берди.

Минивэн ёниб кетганидан кейин, биз албатта, хунсанд бўлдик, лекин тўсатдан, машинасиз қолганимизни тушундик. Гарчи биз унинг пулини тўлаган бўлсак ҳам ва бизнинг ҳуқуқшуносдан қарзимиз бўлмаса ҳам, шунингдек, янги минивэн учун ҳам пулимиз йўқ эди. Биз машинадан айрилганимизни эшитиб, менинг отам қўнғироқ қилди ва бизга янги минивэн сотиб олишга ёрдам бермоқчи эканини айтди. Биз бу хабардан жуда қувондик. Биз отам билан маҳаллий автомашиналар олиб-сотувчисини олдига бордик ҳамда менга ва Дрендага ёққан минивэнни танладик. Отам, бизга 5 минг доллар беришга тайёр эканини айтди, машинанинг нархи

эса чамаси 17 минг турарди. Биз устига 12 минг қўшиб тўлашимиз керак эди. Мен юрагимни тирнаб, қарз олишга ариза тўлдирдим ва менинг отам ҳам имзо қўйди. Қарз бериш бўйича қарорни кейинги эрталаб қабул қилишлари керак эди.

Ўша тунда биз бу қарзни бўйнимизга ололмаслигимизни тушуниб, ухлай олмадик. Раббий биз билан эндигина шу ҳақида гаплашган эди. Лекин, машинасиз қолиб, мен босимни ҳис қилдим ва таслим бўлишга тайёр эдим. Уйқусиз даҳшатли тундан кейин, биз Дренда билан қарзни расмийлаштириш учун қоғозларни имзоламасликка рози бўлдик. Мен отамга қўнғироқ қилдим, олижаноб таклиф учун унга миннатдорчилик билдирдим, лекин биз уни рад қилишга мажбур эканлигимизни айтдим. Кейин олиб-сотувчиларга қўнғироқ қилдим ва уларга ҳам худди шу гапни айтдим. Уларнинг қайфияти жуда тушиб кетди, чунки қарз олиш учун ариза маъқулланган ва машинани олиб кетиш мумкин эди. Гарчи Худо бизга бу вазиятда қандай ёрдам бермоқчи эканини тасаввур қилмаётган бўлсак ҳам, бизда тинчлик бор эди.

Ўша вақтда Дренда, гаражлардаги арзон сотувлардан излаб топган бир нечта қадимий буюмларни сотаётган эди. У бизнинг минивэнимиз ёниб кетишидан бир ой аввал бир неча тўплам уй жиҳозларини сотишга тайёр бўлган бир кишига хабар қолдирган эди. Лекин у киши алоқага чиқмаётган эди. Бизнинг минивэнимиз билан бўлган саргўзаштдан кейин икки кун ўтиб, у киши қўнғироқ қилди ва минг доллардан камроқ пулга, қадимий уй жиҳозлари билан лиқ тўла учта устахонани сотишга рози бўлди. Дренда аукционларни ўтказадиган ташкилот билан бу уй жиҳозларини сотишга келишиб олди ва комиссия сифатида улардан пулнинг ўрнига, ишлатилган, лекин яхши аҳволдаги машинани олишни таклиф қилди. Шундай қилиб, бизларда сифатли универсал пайдо бўлди, бу учун тўлаш керак эмас эди ва бизнинг қарздорлик бўйича қарзларимиз ҳам ёпилган эди.

Ана холос! Демак Худонинг Шоҳлиги мана қандай ишлар экан! Ўша лаҳзада биз ўзимизга Худонинг тизими ишлашини исботладик ва Худо Шоҳлигининг тизимини ўрганишда давом этиш ҳамда фойдаланишга қарор қилдик. Сиз: «Сиз қайси қоидадан фойдаландингиз?», деб сўрашингиз мумкин. Энг асосий қоида – қарз олмаслик, балки Худодан ўз муҳтожлигимиз ҳақида сўраш ва Унга, бизга жавобни қандай қилиб олишни кўрсатишига ижозат беришдир.

Минивэн билан бўлган воқеа мени қизиқтирди ва унғача икки ой олдин содир бўлган яна бир воқеа ҳақида эслатди. Лекин ўша пайтда мен, Худо менга нимани кўрсатмоқчи эканини тушунмасдим. Териладиган расмчалар ҳали менинг онгимда Худо Шоҳлиги қоидаларининг ягона сурати бўлиб терилмаган эди.

Мен кийикларни овлашни яхши кўрардим, лекин ҳар сафар қуруқ қўллар билан қайтардим. Мен овга бориб, совуқда ўтирардим ва ҳар сафар ҳаммаси омадсизлик билан тугар эди. Гап мен овни яхши кўрганимда эмас эди, шунчаки мен фарзандларимни овқатлантиришим керак эди ва кийик гўшти бўлса, бизга ёмон бўлмас эди. Бир куни яқинлашаётган ов мавсуми ҳақида мулоҳаза қилаётганимда, мен Раббийнинг овозини эшитдим: «Бу йил кийикни қандай қўлга киритишни кўрсатишимга ижозат бер». Мен шошилдим: «Кийикни қандай қўлга киритишни кўрсатиш? Бунинг ҳаммаси нимани англатади?» Мен бу сўзлар ҳақида ўйланганимда, кейин кийик гўшти кўринишида ўриб олиш учун, мен молиявий уруғ ёки инъом экишни жуда истаб қолдим. Раббий менга, уруғни экиб, мен Марк Хушхабари 11-боб 24-оятга биноан, буни ҳақиқатда кўришдан аввал, сўраганимни олганимга ишонишим кераклигини айтаётганини ҳис қилдим:

Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар.

– Марк 11:24

Гарчи масиҳий бўла туриб, мен ҳар доим қурбонлик қилганман ва жамоатни мана шундай, бир мақсадда ибодат қилган пайтда аллақачон олганига ишониб экишини маъқуллаш, мен учун қандайдир янги нарса эди. Мен чекни олиб: «1987-йилдаги кийик учун», деб имзоладим. Кейин мен ўша чекка қўлларимни қўйдим ва хизматлардан бирида қурбонлик сифатида юбордим, ўша хизматда чекни юбораётганимда, эълон қилиб, мен ўзимнинг кийигимни қабул қилишимга амин эдим.

Оклахома штатидаги Талса шаҳрида яшаганимда, мен ов қиладиган жой йўқ эди, лекин жамоатдаги бир дўстим мени Ҳосил байрамида бувисининг уйига шаҳардан ташқарига у билан боришни таклиф қилди. У уларнинг фермасидан унча узоқ бўлмаган жойда, кийиклар борлигини айтди. Шундай қилиб, биз бутун оиламиз билан Ҳосил байрами куни эрталаб у ерга таомлар ва сўхбатдан лаззатланиш ва ниҳоят, кийикни қўлга киритиш ниятида йўл олдик.

Менинг дўстим мени қайси йўналишга юбориш яхшироқ бўлишини билмас эди, лекин у ерда атрофи ўрмон билан ўралган яйлов бор эди, шунинг учун у ўша ерга боришни ва у ерда ўсиб турган катта дарахтнинг олдида ўтиришни таклиф қилди. Энди мана ўзингизга шундай манзарани тасаввур қилиб кўринг. Мен марказида катта дарахт турган, ўти ўрилган яйловда ўтирибман. Мен орқам билан ўша дарахтга сўяниб, мenden юз метр масофадаги ўрмонга қараб ўтирибман. Ҳозир бу ҳақида эслаб, мен очиқ ялангликдаги дарахтнинг олдида ўтириш – овчи учун яхши жой эмаслигини тушунаман.

Ўттиз ёки қирқ дақиқалардан кейин яланглик бўйлаб кийик югуриб ўтди, у менинг орқамдан ўрмон томонга югурди. Мен бу ҳақида гумон қилмадим. Мен ва кийикнинг ўртасида ўша дарахт бор эди ва шунинг ҳам у мени, мен эса уни кўрмаганман. Ўрмонга бораётиб, кийик тўғри дарахтга югурган ва мени у ерда

Ўтирганимни кўрмаган. Дарахтнинг олдига югуриб келиб, у менинг ҳидимни сезди ва тўхтаб қолди. У дарахтни айланиб ўтди ва биз, бир-биримиздан беш метр масофада туриб, кўзларимиз билан учрашдик. Билмайман, ким кўпроқ ҳайрон бўлди – уми ёки менми, лекин кийик вақтни йўқотмай, баланд овозда пишқириб, ўрмонга югуриб кетди. Ҳануз шу ҳолатда ўтириб, мен милтиқни олдим ва нишонга олишга уриндим, лекин кийик бор тезлиги билан мендан қочиб қолди.

Бирданига айтаман, бор тезлиги билан югураётган оқ думли кийикни нишонга олиш ва узоқдан отиш – осон иш эмас. Виждонли бўлайин: мен аввал ҳеч қачон югураётган кийикни отмаганман. Ёдимда бор, мен уни зўрға нишонда ушлаб турдим, чунки у тўхтамай юқорига сакрарди, оқ думли кийиклар тез югураётган пайтда шундай қиладилар. Лекин мен тепкини босганимда, кийик йиқилди. Мен лол қолган эдим! Бунинг ҳаммаси бир неча сонияда содир бўлди. Чамаси юз метрлар масофа бор эди ва мен хато қилмадим.

Ўқнингтовушини эшитиб, дўстим олдимга келди ва ёнимдаётган кийикни кўриб, мени табриклади. Мен шу заҳотиёқ унга Раббий мен билан кийикни қандай қилиб олиш ҳақида гаплашганини айта бошладим; мен унга қарадим ва: «Мен кийик бу ерда менинг ов қилиш қобилиятларим туфайли ётибди, деб ўйламайман», дедим. Мен курткамнинг чўнтагидан чекни тўлдираётган куни «Мен 1987 йил кийикни олаётганимга ишонаман, Исо номи билан», деб ёзган қоғоз парчасини чиқардим. Мен ўша ибодат билан ибодат қилган сана ва вақт ёзилган эди. Мен бу қоғозни дўстимга кўриши учун бердим ва Раббий менга нима қилиш кераклигини айтгани ҳақида гапириб бера бошладим.

Бу ҳодиса менинг диққатимни тортди. Мен ҳеч шубҳасиз бу Худо эканини билардим. Лекин қандайдир сабабга кўра мен Шоҳлик қонунининг ҳаракатига қўшилаётганимни тушунмас

эдим. Аслида мен, ҳатто ҳали «Шоҳлик» тушунчасини кўриб чиқмаган эдим. Кийикни ярадор қилганим зўр эди, лекин бу яна бир марта иш берадимиз? Шоҳлик қонунларининг ҳаракатланиш қоидаларини тушунмай туриб, мен кийикни нима ялангликка чиқишга ундаганини билмас эдим. Шунинг учун Худо қилган ишни ўзим учун белгилаб қўйдим ва буни кейинги ов мавсумида яна синаб кўриш имкониятини қизиқиш билан кутдим. Лекин у келгунича бизнинг минивэнимиз ёниб кетди. Кейин универсал пайдо бўлди, у учун тўлаш керак эмас эди. Худо менинг диққатимни бутунлай тортди. Энди мен кейинги ов мавсумини сабрсизлик билан кутаётган эдим. Мен ўзимнинг назариямни текширишни ва Худонинг Шоҳлиги ҳақида яна кўпроқ билишни хоҳлардим. Кийикларни овлаш мавсумига яқин қолган эди!

Ўша биринчи кийикни мен Оклахомада 1987-йилнинг кузида ярадор қилдим. Лекин 1988-йилнинг июль ойида биз, мен ўсиб-ўлғайган Огайога кўчдик. Гарчи мен болалигимни ўша ерда ўтказган бўлсам ҳам, лекин у ерга ўн икки йилдан буён бормаган эдим. Мен у ерда яшар эканман, ҳеч қачон ўша ерларда кийикларни муваффақият билан овлашга муяссар бўлмаганман. Гарчи мен бир неча марта овга чиққан бўлсам ҳам, лекин ҳатто бир марта ҳам бирорта кийикни кўзлай олмаганман. Биз Огайода таунхаусни ижарага олдик, у ерга жойлашдик, лекин мен ҳатто, қаерга овга боришни билмаслигимни тушундим. Кичикина бола пайтимда мен отамнинг уйдан йўлнинг нариги томонидаги ариқ бўйлаб қуёнларни овлардим. Мен у ерга кетма-кет кўп йиллар мобайнида қопқонларни қўярдим, лекин бир марта бирорта кийикни ҳам, ҳатто улар ўша ерда бўлганларининг аломатларини ҳам кўрмаганман. Бир кун мен колледжда бўлганимда, менга укам қўнғироқ қилди ва катта қувонч билан отамизнинг уйдан унча узоқ бўлмаган ариқнинг олдида битта кийикни кўрганини айтди. Биз жуда ҳайрон бўлган эдик.

Ўша суҳбатни эслаб, мен ов мавсуми очилган кун пастга

ариқнинг олдига боришга қарор қилдим. Мен укамга қўнғироқ қилдим ва мен айнан қаерга борсам яхшироқ бўлишини сўрадим. Гарчи у ўша ерларда бир неча йил бўлмаган бўлса-да, лекин ариқ ва ўрмоннинг чегарасидаги катта заранг дарахтини яхши эсларди ва бу яхши жой бўлишини айтди. Мен ўша ариқнинг олдида ўсганим ва ўша ерларни яхши билганим учун, ўша заранг дарахтини топиш мен учун қийин бўлмади.

Биз Дренда билан Раббий бизни бир йил аввал Оклахомада уруғ экишга, ёзиб олишга ва Марк Хушхабари 11-боб 24-оятга биноан ибодат қилганимизда, сўраганимизни аллақачон олганимизга ишонишга ўргатганини эслаб қолдик. Ўша пайтларда Огайода чеклов бор эди: жинсидан қатъий назар, фақат иккита кийик тутиш мумкин, лекин биз Худодан битта кийикни, кейинроқ эса иккинчи кийикни сўраймиз деб ўйладик. Биз Дренда билан кийик учун уруғ эдик ва ибодат қилганимизда, уни олганимизга ишондик. Ажабланарли, лекин мавсум очилган ўша эрталаб, қирқ дақиқа ўтиб, мен битта эмас, балки иккита кийикни ярадор қилдим. Ана холос! Биз ҳақиқатан ҳам аллақандай кашфиёт қилдик!

Бир ойдан кейин мен бизнес учун бир ғоя ҳақида туш кўрдим. Бу бизнес, мен суғурта ишида эга бўлган барча молиявий билимлар ва қўникмаларнинг борлигини тахмин қиларди, лекин тушимда у бошқа мақсадни назарда тутарди. Мен бу тушни охиригача тушунмадим, лекин Худо мени шахсий тадбиркорликни бошлашга ва мен саккиз йил ишлаган ташкилотни ташлаб кетишга йўналтираётганига амин эдим. Мен туш кўрган ўша пайтларда, мен ҳануз суғуртлар ва қимматли қоғозларни сотиш билан шуғулланаётган эдим.

Мен туш кўрган ўша ҳафтада, биз ҳаётни суғурталаш ҳақида гаплашишимиз керак бўлган бир оилага ташрифни режалаштириб қўйган эдик. Мен суғуртани сотиб олиш уларнинг жиддий эҳтиёжи ёки муаммоси эмаслигини билардим. Улар қарздор эдилар ва

уларнинг ҳар ойлик маблағи дарз кетаётган эди. Одатда мижозлар билан ишлаётиб, мен улардан сўровномани тўлдиришларини ва барча молиявий маълумотларни ёзишларини илтимос қиламан, улар асосида сўғуртанинг қайси тури уларга тўғри келишини билиб оламан.

Ўша кечқурун менинг кайфиятим йўқ эди, чунки бу оила учун ташвишланаётган эдим. Мен уларга ёрдам беришни истардим, лекин қандай қилиб ёрдам беришни билмасдим. Мен қўлларимда уларнинг сўровномасини ушлаб ўтирдим ва баъзи йўлларни кўриб чиқа бошладим. Молиявий ҳисоблаш жараёнида, мен сўғурта мавзусидан чалғидим ва уларнинг ҳар ойлик маблағидан бир оз пул ажратиш мумкинми, деб кўришни бошладим. Баъзи нарсаларни тартибга солиб ва мураккаб бўлмаган ҳисобни ўтказиб, мен бу оила етти йил мобайнида, ипотекани ҳам ҳисобга олган ҳолда, ўз киримларини ўзгартирмай, қарзларидан қутулиши мумкинлигини англаганимда, ҳайратда қолдим.

Ўша пайтда мен молиявий соҳада саккиз йил ишлаб, ҳеч қачон, кимдир шунақаси ҳам бўлиши мумкин, деганини эшитмаган эдим. Мен қайта-қайта ҳисоблар ва қоғозларни қайтадан кўриб чиқар ҳамда бир хил жавобга келардим: олти йил-у икки ой – ва улар қарзларидан қутуладилар. Ўшанда мен мижозларимнинг ҳужжатлари турган жавонни очдим ва бошқа одамларнинг сўровномаларини олдим. Мен ҳудди ўша ҳисоб-китобни ўтказдим ва худди ўша ҳулосаларга келдим: етти йилдан камроқ вақт – ва ҳеч қанақа қарздорлик йўқ. Тўғриси айтганда, мен бу рақамлардан лол қолган эдим.

**МЕН ЕТТИ ЙИЛ
МОБАЙНИДА,
ИПОТЕКАНИ ҲАМ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА,
ЎЗ КИРИМЛАРИМИЗНИ
ЎЗГАРТИРМАЙ,
ҚАРЗЛАРДАН ҚУТУЛИШ
МУМКИНЛИГИНИ
АНГЛАГАНИМДА,
ҲАЙРАТДА ҚОЛДИМ.**

Мен мижозларимни жуда хурсанд қилишни хоҳладим, шунинг учун чиройли тақдимотни тайёрлашга қарор қилдим, ўша тақдимотда мен, суғурта масаласидаги учрашув жараёнида уларнинг ҳолатидан чиқиш йўлини яққол кўрсатишим мумкин эди. Мен бу оила учун жуда ташвишда эдим. Мен шахсий тажрибамдан, молиявий зўриқиш ҳаётнинг ҳар бир соҳасига қандай таъсир ўтказишини билардим ва уларнинг ҳолати умидсиз эмаслигини кўрсатгим келарди. Шундай қилиб, мен мижозларимга ўзимнинг кичик тақдимотимни тақдим қилдим ва ҳаммасини рақамлар билан тасдиқлаганимда, улар ажабланиб ўтирардилар. Мен уларга қарзларидан анча тез қутулишларини кўрсатганимда, эри сакраб турди ва кўзларида ёш билан менга миннатдорчилик билдира бошлади. Бу менга одамлар лотерея ютган телевизион дастурлар ёки бош ютуқни қўлга киритган қандайдир шоуни эслатди. Улар менинг айтганларимга ишона олмас эдилар. Бу улар учун ҳам, мен учун ҳам жуда таъсирли эди.

Мен бу учрашув ҳақида мулоҳаза юритганимда, мижозимнинг активларини шунчаки қайтадан бўлиб чиқиб ва рақамлар билан бир оз ишлаб, мен одамларга етти йилдан камроқ вақт мобайнида молиявий юқдан қандай қутулишни кўрсата олганим фикридан қутула олмадим. Мен бу уларга қандай таъсир ўтказганини ва қанақа умид бағишлаганини кўрдим. Ўшанда мен, улар етти йилдан камроқ вақт мобайнида ҳақиқатан ҳам қарзларидан қутула олиши мумкин бўлганлар тоифасига кира олишларини ҳисоблашга уриниб, бошқа мижозларимнинг ҳужжатларини кўра бошладим, ва бу 85 фоиз одамлар эканлигини ҳайрат билан аниқладим. Лекин уларга бу ҳақида ким айтади? Мана шундай қилиб, ўтган учрашув ҳақида мулоҳаза юритиб ва мижозларимнинг ҳужжатларини кўраётиб, мен ўз ишимни бошлай оламан ва мен томонимдан таклиф қилинган режага биноан одамларга қарзларидан қутулишига ёрдам бера оламан, деган хулосага келдим.

Ўша пайтда ҳали мени ўзимнинг қарзларим бор эди ва шубҳасиз, молиявий зўриқишни бошдан кечириётган одамларга ҳамдард эдим. Менинг янги хизматим менга суғурта сотишдан кўра кўпроқ ёқарди. Мен ўзимнинг барча мижозларим учун суғурта бўйича тақдимотларни ўтказа бошладим ва уларнинг ҳаммаси истисносиз, лол қолар эдилар.

Лекин, буни янги ишимнинг андазаси сифатида кўриб чиқишдан аввал, мен бир нечта муаммони ечишим керак эди. Биринчидан, ҳисоб-китоблар ва тақдимотга тайёргарлик кўриш анча кўп вақтни оларди, чунки мен буларнинг ҳаммасини қўлда қилардим. Иккинчидан, мен бу орқали қандай қилиб пул ишлаб топишим мумкин? Натижада, мен программага оид таъминотни ишлаб чиқарувчи мутухассис билан келишиб олдим ва у молиявий режаларга тезроқ тайёргарлик кўришим учун менга керакли бўлган программани яратиб берди. Иккинчи муаммога келсак, мен қарзларидан қутулишлари учун одамлардан пул ололмаслигимни билардим, ахир уларда шундоқ ҳам бу пуллар йўқ эди. Мен бу ҳақида ибодат қила бошладим.

Ва мана бир куни ногаҳон мени эсимга тушди. Худо менга қандай қилиб ширкатни ташкиллаштириш ва одамлардан тўлов олмай ҳамда шу билан бирга ўзим учун пул ишлаб топиб, уларга ёрдам бериш ғоясини берганини ҳақиқатан ҳам тушундим. Менинг режамга биноан, «йўқотилган пуллар» деб аталадиган нарсани излаб топишим мумкин эди, – бу мижозимда аллақачон бор пуллар, лекин у уларни кўрмаётган эди. Масалан, мен тежаш учун имкониятларни қидириб, мижозимнинг мулки: машинаси, уйи, ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш учун тўланадиган фоизларни таққослайман. Одатда мен ипотека бўйича маошни текшираман ва анча камроқ фоизга қайта қарз беришнинг маъноси бор йўқлигига қарайман. Гарчи бу соҳаларнинг ҳаммасида мутухассис бўлмасам ҳам, мен кўп нарсани шу тарзда текшираман. Шундан кейин мен мижозимга тежаш учун имкониятни кўрсатаман ва

менинг ғояларимни амалга ошира оладиган ташкилотга мустақил равишда мурожаат қилишни ёки мен топган ташкилот билан ишлайдиган ва хизматлари арзонроқ турадиган вакилни топишни тавсия қиламан. Ва мен тўсатдан ўзимнинг мижозларим учун бу ташкилотлардан мукофот олишим мумкинлигини тушундим.

Аслида, ўзимнинг мижозларимга у ёки бу ташкилотни ёки маҳсулотни тавсия қилиб, мен аллақачон бу ишнинг ҳаммасини қилган бўламан. Улар қилиши керак бўлган ягона нарса, – бу шунчаки менинг мижозларимни ишга олиш. Шундай қилиб, мен хизматларни етказувчилар, ташкилотларнинг вакиллари ва бошқа мутахассисларига мурожаат қилишни бошладим, кейин уларни ўзимнинг мижозларимга тавсия қилардим; мен уларга айнан нима қилишимни тушунтирар ва шундан кейин ўзимнинг ишим учун бир мунча мукофот олишим мумкинми, деб сўрардим. Уларнинг ҳаммалари: «Ҳа», дердилар. Мен айнан шу билан шуғулланишни бошладим. Мен эски ташкилотни қолдирдим ва одамларга қарзларидан қутулишларига ёрдам бериб, ўзим учун ишлай бошладим. Ишим бароридан келиб, фойда келтиришни бошлади, бунинг натижасида биз Дренда билан икки ярим йилнинг ичида қарзларимиздан қутулдик! Биз жуда илҳомланган эдик! (Агар сизни қарзлардан қутулиш бўйича бепул режа тузиш қизиқтирса, 1-800-815-0818 рақамига қўнғироқ қилинг. Ҳозир, 28 йил ўтиб, биз ҳануз бу иш билан шуғулланыпмиз!)

Худо Ўзининг Шоҳлигини тузилишини тобора кўпроқ кўрсатгани сари, биз ҳар кўни қандайдир янги нарсани билиб олар эдик. Мижозим билан бир учрашув вақтида Худо менга, ишчиларни ёллашим ва ишимни юқориноқ даражага чиқаришим мумкинлигини айтди. Мен ишчиларни ёлладим ва ишимиз гуркирай бошлади. Мен муқаддимада айтганимдек, биз нақд пулга машиналарни сотиб ола бошладик ва орзуимиздаги ўйни қўрдик. Янги ходимлар билан ҳар ойлик бизнес учрашувлар пайтида мен уларга Худонинг Шоҳлиги ҳақида гапириб берардим,

бу одамларни – фақатгина бизнес учун имкониятлар туфайли эмас, балки Худонинг Шоҳлиги ҳақида тинглаш ва бу қоидаларни ўз ҳаётида қўллаш учун ҳам менинг ташкилотимга жалб қила бошлади.

Худо менга ажабланарли дарсларни берар ва албатта, бу дарсларнинг кўпини мен ҳар йиллик овда олардим. Мен билан ақл бовар қилмас воқеалар содир бўларди. Агар уларни ўз кўзларим билан кўрмаганимда, мен бунга ишонмаган бўлардим. Ҳар бир воқеа мени, Шоҳликнинг мен аввал кўрмаган қирраларига ўргатар эди. Бу китобда мен улардан фақатгина бир нечтасини гапириб бераман, агарда бу мавзу сизга ҳақиқатан ҳам қизиқ бўлса, менинг веб-сайтимда «Имон бўйича ов» (Faith Hunt) номли китобимни топасиз.

Битта воқеа мен овда Шоҳлик ҳақидаги янги билимларни қўллай бошлаганимдан икки йил ўтганидан кейин содир бўлди. Мен аввал ёзганимдек, Худо менга кийик учун уруғ экишни ва ибодатда уни амалга ошган факт сифатида қабул қилишим кераклигини кўрсатди – ва мен ҳар доим, истисноларсиз, ўзимнинг кийик кўринишидаги ҳосилимни 30-45 дақиқадан кейин олардим. Айтганча, бу мана 28 йилдирки содир бўляпти. Шундай қилиб, ўша йили мен одатдагидек, кийик пайдо бўлишига заррача ҳам шубҳа қилмай овга бордим. Бир неча дақиқадан кейин мен икки юз метрлар масофада қўшнимнинг яйловига кетаётган кийикни кўрдим. Мен кийик ўрмонга ғойиб бўлиши билан мен уни йўқотишимни билардим, лекин шу билан бирга, бу кийик – меники эканлигини ҳам билардим. Бу воқеа мен арбалет ва товушли хўрак билан ов қилишнинг нозик томонларини билиб олишимдан аввал содир бўлди. Лекин кийик қўшнимнинг ўрмонига деярли ғойиб бўлган эди, мен эса, гарчи бу кийик менинг ҳосилим эканлигини билсам ҳам, иложсиз ҳолатда турардим. Ва мен тўсатдан ўзимнинг руҳимда: «Кийикка сенинг олдинга келиши айт», деган гапни эшитдим. «Нима? Кийикка

менинг олдимга келишини айтишинми? Бу нима дегани?» Лекин мен барибир журъат қилдим ва эшиттириб, лекин кийик мени эшитадиган даражада баланд эмас: «Кийик, мен сенга тўхташни, орқага бурилишни, яқинлашишни ва мен панасида яширинган дарахтнинг олдида туришни буюраман», дедим. Мен арбалет билан ов қилаётган эдим ва гапимнинг охириги қисмига у дарахтнинг олдида туриши ҳақидаги гапни қўшдим, чунки кийик етарли даражада яқин бўлишини хоҳладим. Агар менинг имоним кийикни мени олдимга олиб келса, унда муқаррар отиш мумкин бўлиши учун у дарахни ҳам олдига яқинлашсин, деб ўйладим.

Сиз ҳайрон бўласиз, лекин менинг сўзларимдан кейин кийик тўхтади, орқага бурилди ва мен панасида яширинган дарахтнинг олдида турди. Мен лол қолган эдим, лекин у ўша икки юз метрни юриб ўтди ва тўғри дарахтнинг тагига, мен турган жойдан уч метр пастга туриб олди. Менинг эгнимда на ола-бўла кийим, на махсус ҳид таратадиган ёки товушли хўрақлар йўқ эди – фақат мен ва Худо, шу билан бирга кийик тўғри менинг рўпарамда туриб олди. Бу ҳолатда кимдир хато қилиши мумкин бўларди, деб айта олмайман. Мен кийикни уйга катта хурсандчилик билан олиб келдим ва менинг фикримдан, мен ҳозиргина гувоҳи бўлган нарса кетмас эди. Наҳотки кийик, мен унга буюрганим учун менинг олдимга келди? Ҳаммаси айнан шундай бўлган эди.

Биз Огайода 40 гектарли фермани ижарага олган эдик – у ерда яйловлар, бир оз ўрмон ва бута босган ариқ бор эди. Қиш ойларида, айниқса қор ёққанида, биз қуёнларни овлашни яхши кўрар эдик. Огайода қуёнларни овлайдиган мавсум билан бир вақтда тустовуқларни овлайдиган мавсум бўлади, лекин фермамизда биз уларни ҳеч қачон кўрмаганмиз.

Ўша куни биз қуёнларни овлашга бордик ва ариқнинг этагида бўлганимизда, тустовуқни ҳуркитиб юбордик. Мен тезда нишонга олиб, отдим. Тепкини босиб, мен ҳозиргина қушнинг қанотини

яралаганимни тушундим. Тустовуқ ерга йиқилди, лекин шу дақиқадаёқ оёққа туриб, орқасига қарамай қочди. Тустовуқлар тезликни соатига 50 километргача оширишлари мумкин ва бизнинг қушимиз бунини бор кучи билан исботлашга интилди. Ер янги ёққан қор билан қопланган эди ва қуш очиқ яйлов бўйлаб югурарди, шунинг учун мен унинг қутулишга бўлган ҳар бир қадамидан ярадор қилишим мумкин эди.

Мен тустовуқни кўлдан чиқардим, деб иложсиз ҳолатда ўйланиб, бир мунча вақт турдим, лекин руҳимда аллақандай акс ҳолатни ҳис қилдим. Мен ўшанда овда кийикка тўхташни ва менинг олдимга келишни буюганимни эсладим. Мен бу сафар худди шуни қилиб кўришим кераклигини ҳис қилдим, шунинг учун баланд овозда: «Тустовуқ, Исо номи билан, ТЎХТА!», деб бақирдим. Қутилмаганда мен қушни кўз ўнгимдан йўқотдим, унинг олдинга ёки орқага ҳаракат қилганини кўрмадим. Яйлов яхши кўриниб турарди ва тустовуқ мен бақирган ўша лаҳзада тўхтади. Менинг ўғлим Тим мен билан бирга эди ва у: «Дада, тустовуқ сиз бақирган пайтда тўхтади», деди. Лекин у қаерга йўқолди? Биз Тим билан унинг изидан бордик ва уни тўғри қорнинг устида кўрдик. У бошини қорга тикқан, танаси эса тўлиқ очиқ эди. У ерда бир оз ўт бор эди, у ўша ўтнинг ортида ўтирган эди, шунинг учун биз уни кўз ўнгимиздан йўқотган эдик. У нима, ўлдими? Мен уни кўтардим ва шу заҳотиёқ у қанотларини қоқиб, чинқириб бақира бошлади. У тирик эди! Кейинроқ қушни бўлаклаётиб, қанотидаги мен отган яра умуман катта эмаслигини пайқадим. Биз Тим билан катта таажжубда бир-биримизга қарадик. Биз ўз кўзимиз билан кўрганларимизга ҳеч ким ишонмаган бўлар эди.

Мен аввал айтганимдек, Огайода кийикларни овлашнинг чегараси бор эди: ҳар қандай жинсдаги иккита кийикни овлаш мумкин, лекин эркагидан — йилига битта. Штат ҳоқимияти кўпроқ урғочисини овлашга рўхсат бериб, кийиклар кўпайишини бир оз камайтирмоқчи бўлдилар. Шунинг учун мен эркагини

ва урғочисини қўлга киритишни кутиб, уруғ экдим. Ва мана 30 ёки 40 дақиқадан кейин, аниқ вақт бўйича, эркак кийик пайдо бўлди. Мен кейинги марта чиққанимда урғочиси пайдо бўлди. Мени: «Бир дақиқа тўхта, мен уруғ экаётганимда ёзганимдек, ўша тартибда пайдо бўляпти. Наҳотки бу тўғри бўлса? Агар мен бошқа тартибда ёзганимда-чи?» Одатда мен битта эркаги ва битта урғочисига экардим ва улар айнан шу тартибда келардилар. Лекин бу сафар мен урғочисига ва эркагига экдим ва биринчи бўлиб урғочиси, кейинроқ эркак кийик келди. Мен ўзимнинг ҳудудимни текшириб, бир неча марта тартибини ўзгартирдим ва бу ҳар сафар иш берарди. Мен буларнинг ҳаммаси амалга ошаётганини кўрганимда, Худонинг Шоҳлиги қаршисида тўлиқ эҳтиромда эдим ва мен у ҳақида қанчалик кам билишимни тушунардим. Битта нарса шубҳасиз эди: Раббий менга, ҳаётимга нисбатан қўллашим мумкин бўлган ҳокимият, мен қачонлардир тасаввур қилганимдан кўра анча кўпроқ эканлигини кўрсатарди.

Ҳозир – 2015 йил кийикларни овлаш мавсуми кетаётганини шунчаки изоҳ сифатида айтаман. Мен тўртта ёки ундан ортиқ ўсиғи бор шохли кийик, шунингдек гўшт учун бир ёшли урғочи ва бир ёшли эркак кийик учун уруғ экдим. Ва мана, гуёки соат бўйича, тўғри менинг дарахтимни олдига олтига ўсиғи бор шохли кийик, ундан кейин бир қанча вақтдан ўтиб бир ёшли урғочиси пайдо бўлди. Ва мен кейинги сафар ёш эркак кийикни қўлга киритишимни аниқ биламан. Бу телбалиқдай янграётганини тушунаман, мен шунчаки овда мен билан ҳақиқатан ҳам нима содир бўлишини гапириб беряпман.

Лекин битта воқеа шунчалик яққол эдики, ҳатто бу мени қўрқитиб юборди. Мен тўртта ёки ундан ортиқ ўсиғи бор шохли кийик, шунингдек шохсиз ёш кийик учун уруғ экдим (ёш кийик, ҳали унинг шохлари кичкина ва юнги остида яширин бўлган пайтда, урғочи кийик ҳисобига киради). Мен одатдагидек овга чиқдим ва ўн беш дақиқадан кейин саккизта ўсиғи бор шохли

кийикни қўлга киритдим. Мен кейинги сафар овга борганимда, ёш кийик пайдо бўлишига амин эдим.

Икки ҳафтадан кейин мен овга чиқдим, одатдагидек ўзимнинг дарахтим устидаги пана жойимга ўтирдим ва мендан уч юз метрлар масофада ўтлоқда юрган саккизта ўсиғи бор шохли чиройли кийикни кўрдим. Йўналишини ўзгартирмай, у бутун яйлов орқали ўтди, дарахтнинг олдига келди ва у ерда йигирма дақиқага туриб қолди. Кейин у бурилди ва келган йўлидан қайтиб кетди. Ёдингизда борми, Огайода фақат битта эркак кийикка рўхсат берилган, менда эса бу йил саккизта ўсиғи бор шохли кийик аллақачон бор эди. Шунинг учун мен бу чиройли кийикка шунчаки қарадим ва отмадим. Бу мени бутунлай адаштирди. Ов пайтида кийик менга шунчалик яқин келиши, мен билан биринчи марта содир бўлди, лекин бу мен уруғ эккан кийик эмас эди. Бу кийик яйловни кезиб ўтиб, менинг дарахтимни олдига келгани, тўғри дарахтни олдида тургани ва кейин ўша йўл билан қайтиб кетгани, менга жуда ғалати туюлди. Бу кийик гуё буйруқни бажараётгандек эди. Ўша эрталаб мен ёш кийикни анча кутдим, лекин у барибир пайдо бўлмади.

Кечқурун мен ўзимнинг хонамда ўтирган ва бу воқеадан бир оз хавотирда эдим. Нимадир жойида эмас эди. Шохсиз ёш кийик келиши керак эди. Нима учун саккизта ўсиғи бор шохли эркак кийик келди? Мен руҳда ибодат қилиб, Худодан бу воқеа ҳақида сўрай бошладим. Мен Уни эшитдим, У: «Ўз уруғинга қара», деди. Ўзимнинг уруғимга қарайин? Мен нимага экканимни биламан. Банк ҳамма чекларимнинг нусхасини чиқаради, шунинг учун мен керакли нусхани олдим ва ёзувга қарадим. Мен иккита кийик: тўртта ёки ундан ортиқ ўсиғи бор шохли битта эркак кийик ва уруғчи ҳисобига кирадиган шохсиз ёш кийик учун уруғ экдим деб ўйлаган эдим. Лекин чекда мана нима ёзилган эди: «Иккита кийик, тўртта ёки ундан ортиқ ўсиғи бор шохли ва битта шохсиз кийик». Мен ёзаётганимда, бор-йўғи иккита кийикни: битта шохлисини

ва битта шохсизини назарда тутган эдим, лекин бунақа бўлмади. Мен: «Иккита кийик, тўртта ёки ундан ортиқ ўсиғи бор шохли ва битта шохсиз кийик», деб ёзганман. Ҳаммаси бўлиб нечта бўлади? Учта ва иккинчиси биринчисидек, тўртта ёки ундан ортиқ ўсиғи бор шохли бўлиб чиқди. Мен буни кўрганимда, гангиб қолган эдим. Ўша саккизта ўсиғи бор кийик ҳақиқатан ҳам буйруқни бажарган экан. У Худо Шохлиги қонунининг ҳаракати туфайли ўша ерда пайдо бўлиши керак эди. Мен сакраб кетиб, хурсандчиликдан ҳайқиришни ва уй бўйлаб югуришни бошладим. Ана холос!!!

Шу билан бирга кўрганларим мени қўрқитиб юборди. Агар Худонинг Шохлиги шунчалик тўғри ва аниқ бўлса, унда мен эҳтиёткорроқ бўлишим керак. Мен аслида хоҳламаган ҳодисаларни билмай туриб ҳаракатга келтирдим, лекин улар содир бўлди, чунки мен руҳий қонунни қўлладим. Энди мен кўпчилик одамлар, мени ҳам ҳисобга олганда, ўзларини шунга дучор қилиб, ҳаётларида хоҳламаган нарсаларни бошдан кечиришга мажбурлар. Исо сўзлари билан қандай қилиб анжир дарахтини қуритгани, бошқа вазиятда эса Лазарни қабрдан чақириб олгани ёдингизда бўлсин. Иккита ҳолатда ҳам худди ўша қонундан фойдаланилди, лекин ҳар хил мақсадларда. Мен кейинги сафар овга борганимда – айнан мен уруғ экканимдек, ёш кийик келди.

Бу воқеалар кетма-кетлигининг ҳаммаси мени ҳайрон қолдирди ва менинг Шохлик ҳақидаги тасаввуримга катта таъсир ўтказди. Энди мен Худонинг Шохлиги жуда аниқ ҳаракат қилишини шубҳасиз билардим. Биз бунга ҳайрон бўлишимиз керакми? Табиатнинг ерда ҳаракатланадиган ҳар қанақа қонуни, жуда аниқ. Мен эҳтимол, руҳий қонунлар, руҳий дунёдан ҳаракатга келтирилган табиий қонунлардек ҳаракат қилишини ҳеч қачон англамаганман. Мен бу ҳақида билишим керак эди, лекин мен буни билмас эдим. Бироқ энди мен Шохликнинг қонунлари қанчалик аниқ эканлигини тушундим.

Мен билан овда содир бўлган яна битта воқеани сизларга айтиб бераман (мен ов пайтида оладиган дарслар, менга жуда ёқади, шунинг учун сабр қилишингизга тўғри келади). Мен Шоҳликнинг қонунлари қанчалик аниқ ҳаракат қилишини англаганимда, яна битта аниқроқ тажрибани ўтказишга қарор қилдим. Бу йил мен саккизта ўсиғи бор шоҳли кийик учун уруғ экишга қарор қилдим. Одатда кийикларнинг иккита шоҳида бир хил миқдордаги ўсиқлар бўлади. Тўртта ўсиқ – бу икки томонда иккитадан ўсиқ дегани; саккизта ўсиқ – бу икки томонда тўрттадан ва ҳоказо дегани. Лекин шунақаси ҳам бўладики, ҳар хил сабабларга кўра, кийикларнинг шоҳида ҳар хил миқдордаги ўсиқлар бўлади. Лекин одатда, мен аввал тилга олганимдек, икки томонда ҳам ўсиқларнинг сони бир хил бўлади.

Мен меъёр ҳисобланмаган, қандайдир жуда аниқ насрага ўз имонимни озод қилмоқчи бўлдим, шунинг учун тажриба ўтказишга қарор қилдим. Сиз қанчалик аниқ бўлсангиз, шунчалик кўпроқ қутишингизга тўғри келиши ва бунни амалга ошириш учун Муқаддас Рухнинг қўлланмалари шунчалик аниқ бўлиши борасидаги дарсни мен аввал ўзлаштириб олган эдим. Шундай қилиб, арбалет билан ов қилиш мавсуми бошланди, лекин мен ҳозир овга чиқишим керак эмаслигини тушунардим. Менинг кийигим у ерда эмаслигини билардим. Мен бутун октябрь ойи кутдим ва ўз руҳимда: «У ҳозирча у ерда эмаслигини» тушунардим. Бу мени бир оз ранжитарди: ўрмон кўзги рангга кирган ва мен бориб жуда ов қилгим келарди. Лекин мен кутдим.

Ва мана, бу содир бўлди. Бир куни кечқурун мен меҳмонхонада ўтириб, бизнинг уйимизга Жоржиядан меҳмон бўлиб келган, рафиқамнинг ота-онаси билан суҳбатлашаётган эдим. Ва мен ичимда эртага менинг вақт-соатим келишини эшитдим. Еттита ўсиғи бор шоҳли эркак кийик ўша ерда бўлади! Мен бутун оиламга, эртага ўз кийигимни қўлга киритишимни айтдим.

Мен жуда илҳомланган ҳолда ўйфондим ва тонг отишидан олдин чиқдим. Мен дарахтнинг устидаги ўзимнинг пана жойимда арбалет билан турар ва менинг ўрмонларим билан чегарадош бўлган беш гектар ботқоқ ерни кўздан кечиардим. Бу жуда чиройли жой. Сиз у ерда туриб, ўрдакларнинг учиб ўтаётганини, ботқоқларнинг четига ондатралар ва баъзида ҳатто қоракузанлар чиқишини кўришингиз мумкин. Ботқоқнинг атрофида қуюқ бутазор бор ва у ерда кўпинча кийиклар дам оладилар. Ва мана мен ўзимнинг пана жойимда турган эдим, лекин ҳеч нарса содир бўлмас эди. Мен 45 дақиқа, бир соат кутдим ва ҳеч нарса бўлмади.

Мен яйловнинг нариги четида машинанинг эшиклари очилганини ва кейин ёпилганини эшитдим, – мен Дренданинг ота-онаси Жоржияга кетишга тайёргарлик кўраётганларини билардим. Мен улар кетгунларича, улар билан нонушта қилишга ваъда берган ва нонушта тайёрламоқчи бўлган эдим. Бошида мен кийикни эрта тонгда отишни, шундан кейин уйга нонушта пайтига қайтишни режалаштирган эдим. Лекин кийик ҳеч пайдо бўлмади ва мен дарахтнинг устидаги ўзимнинг пана жойимдан хоҳламай пастга тушиб, уйга кетдим. Тажрибамдан келиб чиқиб, кийикларнинг ботқоққа кейинроқ, эрталаб келишларини билар эдим, чунки мен аввал айтганимдек бу ер уларнинг дам олиш учун сеvimли жойи. Оҳ, мен кийикнинг ҳар қандай дақиқада пайдо бўлишини тушунардим, лекин шунчаки кўпроқ қола олмасдим. Бу мен кейинги эрталаб овга боришим кераклигини англатар эди.

Мен ўйда ҳамма билан саломлашдим ва нонушта тайёрлашни бошладим. Бизнинг уйимизда нонуштани фақат мен тайёрлайман ва мен ўзимни таниганимдан буён ҳар доим шундай бўлган. Менда бутун донлардан тайёрланадиган вафлининг ўзига хос рецепти бор, улар менда мутлақо ажойиб бўлиб чиқади, менга ишонишингиз мумкин. Тухум, колбаса ва пишлоқ рўйхатни яқунлайди, лекин менинг нонуштамни шунчалик қойилмақом қиладиган муҳим хислат, албатта, заранг дарахтидан қилинган

табиий шарбатдир. Огайо – бу заранг дарахтидан қилинган шарбатни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган жойдир. Мен уйимда нотабиий заранг дарахтидан қилинган шарбат пайдо бўлишига ҳеч қачон йўл қўймайман – фақат табиий! Шундай қилиб, мен нонушта тайёрлаяпман, ошхонамизнинг деразалари эса ўрмон ва ботқоқ томонга қараган. Ва мен тўсатдан кийик қандай қилиб яйловдан ўтиб, ботқоқ томонга юраётганини кўрдим. Мен: «Менинг кийигим!», деб бақириб юбордим. Нонушта тайёрлашни тўхтатишлари учун, уйимдагиларга бақиришга улгуриб, мен югуриб кетдим!

Мен бир неча марта кийикларнинг бу яйловдан ўтаётганларини кузатганман ва шунинг учун у айнан қаерга йўл олаётганини аниқ билардим. Мен, агар ўзимнинг жойимгача югуришга ва кийик келгунича пана жойга чиқишга улгурсам, унда отишга мўяссар бўламан, деб тахмин қилдим. Лекин у ерга кийикдан олдин югуриб бориш ва дарахтга чиқиш осон бўлмайди. Мен ЗУДЛИК БИЛАН югуришим керак! Мен эшикнинг орқасига югуриб чиқдим, югураётим арбалетни қўлга олдим, яйловнинг атрофидан югуриб ўтдим ва кейин иложи борича секин-аста пана жойга чиқдим. Ҳозирча ҳаммаси яхши кетаётган, кийик кўринмаётган эди.

Мен пана жойга чиқдим ва ўтиришим билан, кийик ботқоқ орқали юраётганини ва тўғри менинг жойимга келаётганини кўрдим. Кийик урғочи кийикдан бошқа ҳеч нарсага эътибор бермас эди, у унинг изларидан келаётган эди; у мени кўрмади ва менинг ҳидимни ҳис қилмади. Урғочи кийик мендан узоқ бўлмаган жойда ўтлаб юрган ва ботқоқ томонга ҳаракатланаётган эди, кийик ҳам ўша йўлдан юраётган эди. Яхшироқ вазиятни мен ўзимга тасаввур қила олмас эдим. Кийик мендан йигирма метр масофада эди, мен диққат билан нишонга олдим ва арбалетдан ўқ уздим. Ўша сониядаёқ, ўқни узиб, мен отиш аниқ бўлмаганини тушундим. Ҳақиқатнинг кўзларига қараш керак: мен кийикни қувиб ўтишга уриниб, бутун яйловнинг атрофини югуриб ўтганимда, ботқоқни

айланиб ўтганимда ҳарсиллаб қолган эдим.

Мен ўқнинг жуда пастдан учиб ўтганини ва мен ҳеч қандай ҳаётий муҳим органларига ота олмаганимни кўрганимда кайфиятим тушиб кетди. Отишдан кейин кийик ботқоқни ўраб турган буталарга сакради ва зудлик билан кўздан ғойиб бўлди. Арбалет билан ов қилганимда, баъзида отганимдан кейин кийиклар нима бўлганини бирданига тушунмасликларини пайқаганман. Агар сизни пайқамаган ва сизнинг ҳидингизни сезмаган бўлсалар, улар кўпинча шунчаки кетадилар. Шунингдек, агар кийик яраланган бўлса, у одатда буталарга ётишини ва узоққа кетмаслигини билардим. Ўша кийик мени кўрмагани сабабли, мен пана жойдан жуда аста тушдим ва келган йўлимдан уйга кетдим, – бу кийикни ҳуркитиб юбормаслик учун айланиб ўтадиган узоқ йўл эди.

Мен уйга келганимда, ҳамма нима содир бўлганини ва мен кийикни қўлга киритган киритмаганимни сўрай бошладилар. Мен ҳаммаси қандай бўлганини гапириб бердим ва ўғилларимдан мен билан бирга боришларини ҳамда бу сафар кийикни ярадор қила олиш учун, уни буталардан қизиқтириб чақириб олишга ёрдам беришларини илтимос қилдим.

Биз буталарни ўраб олдик ва аста-секин яқинлаша бошладик. Тўсатдан мен ўғлим кийикни ҳуркитиб юборганини ва кийик баланд қуюқ буталар устида сакрашни бошлаганини кўриб қолдим. У мендан 50 метрлар масофада эди ва ўнгдан чапга ҳаракатланарди. Тўсатдан кийик яйловнинг четида менинг иккинчи ўғлимни кўриб қолди. Уни ҳозиргина ҳуркитиб юборган ўша одам бу эмаслигини тушуниб ва қайси йўл хавфсизроқ эканлигини билмай, ўзининг тирик қолишга бўлган имкониятларини тезгина баҳолашга уриниб, тўхтади. Кийик мени ҳали кўрмаган эди. У мендан 60 метр масофада турар ва менинг ўғлимга қарар эди. Бунақа масофадан кийикни ўлдириш учун арбалетнинг етарлича

кучи бор, лекин ўқ учишининг аниқлиги йўқолади. Бунинг устига у янги, қиммат, бир сонияда 120 метр тезликда ўқ ота оладиган арбалет эмас эди. Менинг арбалетимнинг аниқлиги 30-35 метрлар билан чегараланган эди.

Кийик менга ёни билан бурилгани ва тинч тургани сабабли, мен отишга қарор қилдим. Мен арбалетни кутардим, нишонга олдим ва ўқни отдим. Мен ўқнинг қандай қилиб тўғри кийикка учганига ва мени ҳайратда қолдириб, аниқ бўйнига текканига қарардим. Ўқ кийикнинг бўйнини тешиб ўтди (икир-чикирлари учун узр) ва икки томонда осилиб турарди. Кийик ўзини буталарга ташлади ва ғойиб бўлди. Мен аста-секин буталарнинг олдига бордим. У ўша ерда эди! Ўқ ўз ишини бажарди ва кийик меники эди!

Менинг ўғлим Тим олдимга келганида, мени ҳамма нарсадан кўпроқ бу кийикнинг шохларидаги ўсиқлар қизиқтирарди. Бу пайтгача менда уларни санаш учун имконият бўлгани йўқ, энди эса биз санадик: улар олтита эди. Диққат билан қараб, биз ўсиқлар аслида саккизта бўлганини, лекин улардан бири синганини ва еттита қолганини кўрдик. Биз Тим билан таажубда эдик ва Раббийни улуғладик. Худонинг Шоҳлиги ҳайратланарли! Биз ўша ерда туриб: «Қизиқ, бизга бирор киши ишонармикан? Умуман кимдир Худонинг Шоҳлиги шундай тузилганини билармикан?», деб ўйлардик.

Ўйлайманки, сиз мазмунини тушундингиз. Худонинг Шоҳлигида жуда аниқ қонунлар тасдиқланган ва улар ҳар сафар ўзгармай ишлашига ишонса бўлади. Мен бу қонунлар пулларни ҳам ҳисобга олиб, ҳамма соҳаларда ҳаракат қилишини англаганимда, шунчалик қувондимки. Мен бу қонунларни ўргана олишим мумкин эди. Мен руҳий тадқиқотчи бўлишим ва Худонинг Шоҳлиги қандай тузилганини аниқлашим керак эди. Худойим, менга ёрдам бергин!

2-БОБ

ЗАНГОРИ ЁРУҒЛИК

Мен ва Дренда ўзимизнинг ҳаётимизда Шоҳликнинг ҳаракатларини кўрганимизда, биз қарзларимиздан тўлиқ қутулдик ва биз билганларимиз ҳақида атрофдагиларнинг ҳаммасига гапириб бергимиз келди. Биз бу ҳақда эшитишга тайёр бўлганларнинг ҳаммасига гапириб берардик; ўшанда биз жамоат очдик, шунингдек, мен тадбиркорлик билан шуғулланишни давом эттирдим. Лекин мен руҳимда қандайдир каттароқ нарса борлигини ҳис қилардим; аммо бу айнан нима эканлигини билмасдим, мен одамларга Шоҳлик ҳақида гапириб бера олишим учун Худо мени узоқроққа етаклаётганини тушунардим.

Бутун 2005-йил мобайнида мен анжуман ўтказиш истагини ҳис қилдим, уни «Молиявий инқилоб» деб аташни хоҳладим, - у бешта йиғиндан иборат бўлиши керак эди, ўша йиғинлар пайтида мен одамларга, менинг ҳаётимни ўзгартирган, Шоҳликнинг молиявий қоидалари ҳақида етказа олишим керак эди. Мен қатъий тартибга асосланган жамоатда ўсганман ва баъзида бизнинг жамоатимизда шунга ўхшаш ҳафталик ўйғониш анжуманлари бўлиб турарди. Мен руҳимда айнан шундай нусхани – Худо менга молия масаласида очган тушунча ва қоидаларни одамларга етказиш имкони бўладиган, бешта йиғинни кўрдим. Бунгача мен

ҳеч қачон бу қоидаларни бирга йиғиш ҳамда тизимлаштиришга уринмаганман. Лекин мен ўзимнинг руҳимда ўзимни бешта йиғинда молия ҳақида воизлик қилаётганимни кўришда давом этавердим.

Мен бу ҳақида ибодат қилаётганимда, бир куни мен дўстим Лэрри билан тўқнашдим, биз у билан анча олдин кўришган эдик. У Албанияда анжуман ўтказмоқчи эканлигини айтди ва мени у ерда нотиқ бўлишга таклиф қилди. Лэрри Албанияда деярли 12 йил миссионер бўлиб хизмат қилган ва ушбу мамлакатда катта таъсирга эга бўлган. Шу қадар узоқ масофага саёҳат қилиш мен учун қандайдир янгилик эди. Мен ҳеч қачон бунчалик узоққа бормаганман, Албанияда ҳеч қачон бўлмаганман ва умуман бу давлат қаерда жойлашганини билишимга ишончим комил эмас эди. Лэрри бу миллий миқёсдаги воқеа бўлишини, у ерда бутун мамлакатдан чўпонлар йиғилишини, улар учун менинг Шоҳлик ҳамда молия ҳақидаги сўзим жуда фойдали бўлишини айтиб мени илҳомлантирди. Лэрри анжуманда мен икки ёки учта йиғинда хизмат қилишимни айтди. Гап бешта йиғин ҳақида кетмаган бўлса ҳам, мен барибир бўлишмоқчи бўлганларим ҳақида гапириш имконияти борлигидан жуда руҳланган эдим. Шунинг учун мен боришдан жуда хурсанд бўлишимни айтдим.

Мен Албанияда самолётдан чиққанимда, Лэрри мени қуйидаги сўзлар билан кутиб олди: «Гэри, воизларимиздан бири охириги лаҳзада саёҳатни бекор қилди, шунинг учун сен бешта йиғинни ўтказасан». Менинг юрагим титрарди. Мана ўша! Мен бунинг ҳаммасини Худо қилаётганини билардим ва мен руҳимда олганим амалга ошаётганини кўришни жуда хоҳлардим. Менда ўзим билан менинг воизлигим бор эди, лекин мен уларни бешта йиғинга ҳисоблаб тақсимламаган эдим. Шунинг учун мен ҳар куни таълим берардим, сўнгра қайтиб келиб, руҳда ибодат қилардим ва кейинги воизлик учун воизлик ёзардим. Ҳар бир йиғинда таажжубли мойланиш бор эди.

Давом этишдан олдин сизларга Албания, мен у ерга борганимда, ўта қашшоқ мамлакат бўлганини айтмоқчиман. Одамларнинг бир ойлик даромади чамаси 500 долларни ташкил қиларди ва порахўрлик одамларнинг ҳаёт тарзи эди. Уларга молия тўғрисида қандай гапиришим ҳақида фикр юритаётганимда, мен улар буни қандай қабул қилишларига ишончим комил эмас эди. Мен Калом ҳар бир одам учун самарали эканлигини билардим, лекин буларнинг ҳаммаси мен учун бутунлай янги тажриба эди. Мен биринчи хизмат пайтида таълим бераётганимда, мен ва тингловчиларнинг ўртасида девор борлигини ҳисқилдим. Иккинчи хизмат пайтида мен одамларнинг руҳан оч эканликларини сездим ва улар Шоҳлик ҳақидаги хушxabарни эшитаётганларида, уларнинг имони ўсаётганини уларнинг юзларидан кўра олдим. Таълим бериш жараёнида, бу одамлар кундан-кунга кўпроқ илҳомлана бошладилар ва улар Худонинг шоҳлигидан бағоят завқландилар деб ишонч билан айта оламан.

Кечқурун мен охириги марта таълим беришимдан олдин Раббий менга ўша ердаги жамоатлар учун қурбонликлар йиғишимни айтди. Менинг бунга ишончим комил эмас эди, чунки биринчидан, бу менинг йиғиним эмас эди; иккинчидан одамлар қандай жавоб қайтаришларини билмас эдим. Ўша ердаги чўпонларнинг йўл ҳаққи ва турар жойни ижарага олишга сарфланадиган чиқимларини қоплаш учун, улар фақатгина мана шу йиғинларга кела олишлари учун, Лэрри ва мен кўп пулни бағишладик. Мен Лэрри билан гаплашдим ва у мен қурбонлик йиғишим кераклигини айтди.

Шундай қилиб, охириги хизмат пайтида мен ушбу анжуман учун қурбонлик беришга даъват қилдим ва мойланиш шунчалик кучли эдики, мен зўрға турардим. Одамлар олдинга чиқиб ҳамда ўзларининг қурбонликларини келтириб, рақсга тушар ва қувонар эдилар. Одамлар пулларини саватга солар эдилар, ушбу саватларни ушлаб турган тартибни сақловчи хизматкорлар эса йиғлардилар ва зўрға тик турардилар. Аввал мен бунга ўхшаш

ҳеч нарсани кўрмаганман, ҳар ҳолда бағишловлар йиғилаётган пайтда. Мен одамларнинг қандай хурсандчилик билан ўзларининг бағишловларини олиб келганларига, улар қандай қилиб рақсга тушганларига ва ҳайқирганларига қараб турардим ва шунчалик қимматбаҳо уруғларни экканларнинг мойланиши ҳамда самимий имонидан ҳайратланардим.

Лэрри кўрганларидан жуда тўлқинланган эди. У қурбонликлар келтирилган иккита тўла сумкалардан ҳам ҳайратда эди, биз уларни кечки хизматдан кейин унинг уйига олиб кетдик. Лэрри одатда улар фақатгина бир сумка йиғишларини, у шунда ҳам тўлмаслигини айтди. Биз эҳтиёткорлик билан бу сумкаларни одамлар кўп кўча бўйлаб Лэрри яшайдиган кичкина уйгача олиб бордик.

Унинг уйига кириб, биз меҳмонхонага ўтирдик ва пулларни санаш учун сумкаларни очдик. Лэрри сумканинг ичидагиларни столнинг устига қўйганида, сўзлар билан тасвирлаш қийин бўлган бир ҳодиса содир бўлди. Тўсатдан хонани нур ва зангорироқ тутун тўлдирди, ҳамда Худонинг ҳузури бизни қоплади. Биз хонани тўлдирган мойланиш остида шунчаки ўтирдик. Бу мен аввал воизлик ёки одамлар учун ибодат қилаётган пайтда ҳис қилган бошқа бирор мойланишга ўхшамасди. Худонинг ҳузури ўша тутуннинг ичида эди. Бу муқаддас эди; мен Худо ҳузурининг энг марказида эканлигимни тушунардим. У тобора кучли бўлиб борарди. Биз қила олишимиз мумкин бўлган ягона нарса, - бу шунчаки ўтириб йиғлаш эди. Кейин мен кичкина столнинг устидаги ўша пул уюмлари орасида эркаларнинг никоҳ узугини кўриб қолдим. Мен, кимдир қурбонлик қилиш учун пули бўлмайд туриб, энг қимматбаҳо нарсасини берганидан ҳайратда қолган эдим.

Шу пайт раббий менга шундай деди:

- Мен сенга ўргатган Шоҳликнинг ва молиянинг қоидалари ҳақида халқларни ўргатишинга даъват қиламан. Бу узук бугун

катта имон билан келтирилди. Мен уни олишингни ва бу воқеа ҳақида эслатма сифатида сақлашингни хоҳлайман. Билгинки: узук никоҳ аҳди ҳисобланганидек, сен ҳам Менинг халқим билан - Мен уларни таъминлашим ҳақидаги Менинг аҳдимни эълон қиласан. Шунингдек билгинки: Мен сени қаерга юбормайин, Мен сенга бунинг учун етарли пулни бераман.

Ўша тунда мен ўхлай олмадим. Мен Лэррининг уйида тунаб қолдим ва мойланиш ҳам ўша ерда қолди. Бутун Атлантика бўйлаб уйга учиш мобайнида мен ўхлай олмадим. Мен қила олган ягона нарса, - бу деразага қараб, саккиз соат учиш мобайнида йиғлаш эди. Раббий ўшанда мен билан гаплашганидан кейин, мен 46 соат давомида ўхлай олмадим. Ўша кечадан кейин бир неча ой ҳар сафар, бошимдан кечирганларимни эслаганимда, мен яна худди ўша ҳузурни ҳис қилардим ва йиғлашни бошлардим.

Мен Лэррига Раббий менга узук ҳақида айтганларини айтмаган эдим. Йиғилган пуллар Албаниядаги жамоатларга тегишли эди ва мен узукни ҳам сотиб, у учун пул олиш мумкинлигини билардим, лекин бу узук ҳақида менда Худодан Сўз бор эди. Шунинг учун Лэрри мени чақириб, Раббий унга бу узукни менга бериш кераклиги ҳақида гапирганини айтганида, мен жуда бахтиёр эдим. Мен уни ушлаб тургичга ўрнатдим ва энди у менинг офисимда сақланаяпти. Шундай вақтлар бўлганки, ўзимга мен жиддий молиявий қийинчиликларга дуч келиб қолгандек туюларди; шунда ўша узукка қарардим ва менга ўша кечада айтилган Раббийнинг сўзларини эслардим. Ҳеч шубҳасиз, Худо содиқ эди ва мен У томонидан айтилган йўналишда юра олишим учун, мени барча зарур бўлган нарсалар билан таъминлар эди. Албаниядаги ўша кеча менинг ҳаётимни ўзгартирди, лекин олдинда Худо менга кўрсатишни хоҳлаган нарсалардан анча каттароғи бор эди.

Албаниядан уйга учиб келиб, мен етказа оладиган ҳамма жойга Шоҳлик ҳақидаги мактубни етказишнинг кучли истагини

ҳис қилдим. Мен бу маълумотни узоқроққа узатиш иштиёқини ҳис қилардим ва мен яна бешта йиғинни ўтказишни ҳамда ўша ерда худди шу нарса содир бўлиши ёки бўлмаслигини кўришни жуда хоҳлардим. Узоқ вақт кутишга тўғри келмади. Юталиқ бир чўпон мени худди ўша бешта йиғинни ўтказиш учун таклиф қилди. У Лэрридан йиғинлар жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эшитган ва менинг боришимни хоҳган. У кичкина ва жуда қашшоқ ҳинд жамоатининг чўпони эди. Улар молиявий ёрдамга муҳтож бўлган ва Лэррининг айтганлари тўғри бўлса, унда у мен уларга ёрдам бера олишим мумкинлигини ҳис қилган.

Шундай қилиб, мен у ерга учиб бордим ва якшанба куни эрталаб ва кечқурун ҳамда кейин чоршанбагача ҳар кечқурун йиғинларни ўтказдим. Албаниядагидек худди ўша бешта йиғин ва худди шундай жавоб. Одамлар қурбонликлар йиғилаётган пайтда жуда кучли мойланиш остида бўлиб, анжуманнинг охириги кечасида қувонар ҳамда рақсга тушар эдилар. Ба сафар мен зангори ёруғликни кўрмадим, лекин бешта воизликнинг ҳаммасида жуда кучли мойланишни ҳис қилдим. 17 та оила жуфтлиги қанақа катта қурбонликларни олиб келганларини кўрганимда, худди Лэрри Албанияда лол қолганидек, мен ҳам охириги йиғиндан кейин лол қолган эдим. Мен пулларни махсус сумкага солдим, ёпиштирдим ва кейинги кун қайтадан санаш учун ўзимнинг офисимга олиб кетдим.

Кейинроқ, кейинги кун эрталаб, менга офисдан қўнғироқ қилишди. Бу менинг котибам эди ва мен унинг овозидан нимадир содир бўлганини тушундим. Унинг овози титрарди, унинг йиғлаётгани эшитилиб турарди. Унинг биринчи сўзлари: «Чўпон, сиз кеча олиб келган пуллар билан нимадир содир бўлаяпти» деди. «Сен нимани назарда тутаяпсан, Трэйси?» - деб сўрадим мен. Трэйси пулларни қайта санаш учун сумкани очганида, ўша пайт жуда кучли мойланиш келганини ва у ерга йиғилганини гапириб бера бошлади. Мени бошқа котибам шовқинни эшитиб,

у ерга шошилган ва кучли мойланиш остида у титрай бошлаган. Трэйси: «Бу пуллар билан Ютада нима содир бўлди», деб сўради. Мен унга билмайман дедим.

Икки ҳафта ўтиб мен Огайонинг жанубий қисмидаги кичкина жамоатда худди шу қоидалар ҳақида ўргатдим. Бу жамоатга биз олдиндан биринчи тўртта воизлик ёзилган DVD-дискларни юбордик ва улар бу дискларни олдинги тўрт ҳафта мобайнида кўрдилар. Мен охири бешинчи ваъзни воизлик қилиш учун яшанба кўни кечқурун келдим. Мойланиш яна шунчалик кучли эдики, тик туриш қийин эди. Қурбонликларни йиғиб, мен олдинги йиғинлардагидек жавобни ҳис қилдим. Одамлар бағишловларини катта қувонч билан келтирар эдилар. Қурбонликларни йиғиш учун олдинга саватни қўйдилар ва ўзларининг бағишловларини қўйиш учун одамлар унинг олдида келар эдилар. Бу сафар яна зангори ёруғлик пайдо бўлди. Қурбонликлар йиғиладиган саватни диаметри деярли бир ярим метр келадиган шар ўраб турар эди. Мойланиш шунчалик кучли эдики, хизматдан кейин машинагача етиб олишим учун менга ёрдам керак бўлди, чунки менинг ўзим шунчаки юра олмадим. Ўша пайтда мен нима содир бўлаётганини тушунмас эдим, мен ҳеч қачон бунга ўхшаш воқеани эшитмаганман. Мен анжуманларни ўтказишни давом эттиравердим ва мойла- ниш жуда кучли бўлишда давом этаверди. Бир нечта анжуманларда яна зангори ёруғлик пайдо бўлди. Мен учун жумбоқ бўлган нарса, бу нима учун ёруғлик айнан пулларнинг устида пайдо бўлгани эди. Пулларни

**ИСО ФАҚАТГИНА
БИЗНИНГ САМОГА
КИРИШ ҲУҚУҚИМИЗ
УЧУН ҲАҚ ТЎЛАМАДИ,
У ШУНИНГДЕК,
ХУДОНИНГ ЎҒИЛЛАРИ
ВА ҚИЗЛАРИ СИФАТИДА
ЯШАШ ҲАМДА УНИНГ
ШОҲЛИГИНИНГ
ИМТИЁЗЛАРИ БИЛАН
ШУ ЕРДА ЛАЗЗАТЛАНИШ
ИМКОНИАТИНИ ҲАМ
БЕРДИ.**

санайдиган вақт яқинлашганида менинг ёрдамчиларимга осон бўлмас эди. Лэрри у ерда, Албанияда пулларни столнинг устига қандай қўйганини ва Худонинг ҳузури келганини эслайсизми?

Биз қурбонликлардан купюраларнинг биттасини олганимизда, биз шу заҳотиёқ мойланишни ҳис қилар ва титрай бошлар эдик. Мен биламан, бу ғалати жаранглайди, лекин буларнинг ҳаммаси биз билан содир бўлган.

Бу нарса мени, руҳий тадқиқотчи сифатида, бошимни қотирарди ва мен бу ҳақида Раббийдан сўрадим. У мен билан гаплашиб, нима учун бунақа кучли мойланиш айнан қурбонликларда пайдо бўлганини айтди. У кўп одамлар қурбонликларни мажбурият юзасидан ёки қонунга риоя қилиб беришларини айтди. Баъзилар буни буйруқ сифатида бажарадилар, лекин ўзларининг бағишловлари орқали имонини озод қилмайдилар. Кўплар буни, бермаса, Худонинг уларга ғазаби келишидан қўрққанлари учун берадилар. Бошқалар ўзларини ҳисобни тўлашга мажбур деб ўйлаганлари учун берадилар. Худо менга, мен Унинг Шоҳлиги ҳақида ўргатганимда ва Шоҳликнинг яширин бўлган молиявий қоидаларини очганимда, одамларнинг юракларида имон ўсишни бошлашини айтди. Ўшанда улар қурбонликларини ҳақиқий имон билан олиб келадилар, шу билан бирга Шоҳлик билан алоқа ўрнатадилар ва шунинг учун мойланиш келади.

Мен 2005 йил Албанияга борганимдан кейин менинг ҳаётим жуда кучли ўзгарди. Биз Дренда билан одамларга Шоҳлик ҳақидаги хушxabарни гапириб бериш истаги билан ёнардик, шу сабабли телевизион дастур ёрдамида, кўп одамларнинг жонларини қутқариш учун бошлашга қарор қилдик. Бугунги кунда биз, ўзимиз учун кўп йиллар олдин очган Худонинг Шоҳлиги ҳақида одамларга гувоҳлик бериш учун, бир йилда деярли миллионларни сарфлаймиз. Балки сиз ҳали Шоҳлик ҳақидаги хушxabарни эшитмагандирсиз. Биз ҳам худди шундай эдик –

Самога боришимизга ишонардик, лекин Самони қандай қилиб ерга олиб келишни билмас эдик.

Исо фақатгина бизнинг самога кириш ҳуқуқимиз учун ҳақ тўламади, У шунингдек Худонинг ўғиллари ва қизлари сифатида яшаш ва Унинг Шоҳлигининг имтиёзлари билан шу ерда лаззатланиш имкониятини ҳам берди. Лекин, муҳимроғи, миллионлаб одамлар бор, биз уларга Хушxabарнинг эзгу хабарини гапириб беришимиз керак, бунга эса пул керак. Одамлар бизга қарайдилар. Бизнинг ҳаётимиз бошқаларникидан фарқ қилиши керак!

Мен у ерда, Албанияда нима ҳақида ўргатдимки, бу шанақа мойланишни озод қилди? Худо менга халқларга айнан нимани воизлик қилишимни айтди? Бу китоб айнан шу ҳақида ёзилган ва мен ишонаманки, бу ҳақиқат бир кун менинг ҳаётимни ўзгартирганидек, сизнинг ҳаётингизни ҳам ўзгартиради.

3-БОБ

ХУДОЙИМ, МЕНГА РАҲМ ҚИЛ!

Жерри менинг иш жойимга қўнғироқ қилиб, мен унинг манзилига яқин жойда бўлганим учун учрашиб, бирга тушлик қилишимизни сўради. Мен Жеррига яқин бўлган шаҳарчада ойнаи жаҳондан мен билан суҳбат ўтказаётган эди ва у менинг материалларимни ўрганиб, телевизион дастурларни кўриб чиққандан кейин, ўзининг ҳаёти қандай ўзгарганлигини менга сўзлаб бермоқчи эди. Биз илгари Жерри билан ҳеч қачон учрашмаган ва фақат бир неча марта телефонда гаплашган эдик. Мен унга: “Албатта” деб жавоб бердим. Биз барибир тушлик қилишимиз керак эди, шунинг учун мен ўша ерда эканман, у билан бажонидил учрашаман ва унинг ҳикоясини эшитиб кўраман деб ўйладим.

Шундай қилиб, биз у билан тушлик баҳонасида учрашдик. Жерри ўғли билан бирга келган эди. У ўз ҳикоясини гапириб беришни бошлади. Жерри жамоатда ўттиз йил чўпон бўлиб хизмат қилган, бироқ инсулт туфайли меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганлиги учун ўз хизматини қолдиришга мажбур бўлган экан. Инсулtdан сўнг унинг ҳаёти алғов-далғов бўла бошлаган. У ишлай

олмаганлиги сабабли молиявий барқарорлик ўтмишда қолган, уларнинг уйи эса сотувга қўйилган эди. Коммунал тўловлар ва озиқ-овқат харид қилиш ҳам қийин вазифага айланиб қолган эди. Аслида вазият шу қадар ёмон бўлганки, натижада кунларнинг бирида у бир қўлига, ўз жонига қасд қилиш мақсадида ўқланган тўппончасини олган, иккинчи қўлига эса Инжилни ушлаб ҳаёт билан видолашиш вақти келганлиги ҳақида ўйлай бошлаган.

Бу умидсиз вазиятда Жерри бизнинг телевизион дастурни кўрган ва менинг дарслардан айримларини буюртма берган. У бу дарсларни олган пайтда асосий қарздорлик ҳисобини тўлаш ва озиқ-овқат сотиб олиш учун икки минг доллар пулга жуда муҳтож бўлиб турган экан. У бизнинг дарсларимизни такрор ва такрор эшитган ва натижада, унинг қалбида имон ниш ура бошлаган. У ўзига жуда керак бўлиб турган ўша икки минг доллар пулни топиш муаммосини, биз Дренда билан бир пайтлар ўзимизнинг биринчи кийигимизни олиш муаммосини Худого ишониб топширишганимиз каби Худого топширишга қарор қилган. У икки минг долларни олиш учун имон уруғини экди ва қуйидаги ҳаракатларни амалга оширди: у Инжилдаги Марк 11:24 оятига ишониб қоғозга пулни оладиган вақтни ва санани ўзи учун белгилаб қўйди, шундан сўнг бизнинг хизматимиз учун пул чекини юборди.

Мен Жерри билан гаплашмаганлигим сабабли содир бўлаётган воқеалардан хабарим йўқ эди. Унинг айтишича, бир ярим ҳафтадан сўнг унинг эшиги ёнига бир киши келиб, у билан гаплашмоқчи эканини айтибди. Жерри у киши билан илгари таниш бўлган экан, бироқ улар узоқ вақтдан буён муносабатда бўлмаган эканлар. Улар бироз гаплашиб олгандан сўнг бу одам аслида Жеррининг олдига икки минг доллар миқдоридagi пул чекини бериш учун келганлигини айтади. У бир ярим ҳафта олдин маълум бир кун ва маълум бир вақтда Муқаддас Рух унга бу пулларни Жеррига бериш кераклиги ҳақида айтганини гапириб беради.

Жерри ҳайратдан қотиб қолади. У дарҳол ўз ҳамёнини чиқариб ўзига зарур бўлган пул ҳақида ёзилган қоғозни олади. Бу қоғозда у ўзи муҳтож бўлган икки минг долларни қачон олиш санасини имон билан ёзиб қўйган эди. Жерри қоғозга ёзган сана ва вақт бу одамнинг унга икки минг доллар бериши кераклигини ҳис қилган пайт билан айнан мос келар эди. Жерри бунинг тасодиф эмаслигини, Худо Шоҳлигидан бевосита жавоб, яъни Шоҳлик қонунларининг ҳаракати эканини билар эди.

У ўз ҳикоясини давом этиб, ўзининг еттита фарзанди борлиги, уларнинг биттасидан бошқа ҳаммаси турмуш қурганлигини айтади. Унинг ушбу ўн олти ёшга кирган ўғли ҳам биз билан бирга тушлик қилар эди. У отасининг қандай қийинчиликлардан ўтганини кўриб, қарийб Худодан юз ўгирганди. Унинг Худодан жаҳли чиқар ва ўттиз йилдан бери Унга содиқ бўлган отасини Худо ташлаб кетгандек туюлар эди. Жерри ўз ўғли қалбига йўл топишга ҳаракат қиларди ва унда бир фикр туғилади. У менинг дарсларимдан Худо менга кийикларни имон билан ов қилишни ўргатганини билиб олган эди. Унинг ўғли ҳам ов қилишни жуда яхши кўрар эди ва Жерри унга Шоҳлик қонунларини билган ҳолда ўша йили улар кийикни қандай овлашлари мумкинлигини айтиб беради. Унинг ўғли бироз ўйлаб розилик билдиради ва улар худди Жерри аввал икки минг долларни олиш учун имонини ишлатганидек яна биргаликда имон билан ҳаракат қилишга қарор қилишади. Йигитча ўз кийигини саккиз дақиқадан сўнг олади! Жерри ўғли билан кийикни гўшт дўконига олиб бораётганларида машинада менинг дарсларим ёзилган диск бўлган. Жерри кийикни дўконга топшириш учун кетган, унинг ўғли эса машинада қолиб, яна бироз ўша дискни тинглашини айтган. Жерри қайтиб келганида ўғли унга шундай деган: “Ота, биз шунча йиллар давомида ниманидир қўлдан бой берганмиз. Бу кийик Худо Шоҳлигининг натижаси эканлигини биламан”.

Унинг ўғли ўз ҳаётини яна Худога бағишлашга қарор қилган ва

агар Худо уларга икки минг долларни ва кийикни берган бўлса, у ҳолда У уй учун тўлаши зарур бўлган 17 минг доллардан иборат гаров пулини ҳам бера олишини айтади. Айнан ўша пайтда мен Жерри билан биринчи марта учрашдим. Мен ундан уйга гаров пули тўлаш учун орзу қилиб экилган уруф ҳақидаги хатни олганлигимни эслайман. Хат қисқача ёзилган бўлиб, унда улар шунчаки нимага муҳтож эканлиги айтилган эди. У ерда уйни гаровдан сотиб олиш илтимосидан бошқа ҳеч нима ёзилмаган эди. Шунингдек, мен бу хатга қўлимни қўйиб, улар билан ибодатда бир бўлганимни ҳам эслайман. Мен ибодат қилган вақтимни ҳам аниқ эслайман.

Жерри воқеанинг яна такрорланганини айтиб берди. Тахминан икки ҳафтадан сўнг уларникига бошқа бир киши келган. Жерри у билан ҳам илгари таниш бўлган. Бу эркак қарздорлик сабабли сотувга қўйилган уйлар рўйхатида унинг уйини ҳам борлигини кўрган ва Жерридан уйни қайтариб сотиб олишлари учун уларга қанча пул зарурлигини сўраган. Жерри ўн етти минг доллар миқдордаги пулни айтган. Бу инсон шу миқдордаги пулга чек ёзиб, унга бериб кетган. Жерри тўлов чекидан кўзини уза олмай турган жойида қотиб қолган. Воқеанинг шу жойини сўзлаб бераётган пайтда, ресторанда қаршимда ўтирган Жерри йиғлаб юборди. У менинг Худо Шоҳлиги

СИЗЛАРГА ЧИНИНИ

АЙТАЙИН: АГАР

ЗИҒИРДАЙ ИМОНИНГИЗ

БЎЛИБ, ШУ ТОҚҚА: “БУ

ЕРДАН У ЕРГА КЎЧ”,

ДЕБ АЙТСАНГИЗ, ТОҒ

КЎЧАДИ. СИЗЛАР УЧУН

ИМКОНСИЗ НАРСА

БЎЛМАЙДИ”.

– МАТТО 17:20

ҳақида одамларга ўргатаётганлигим учун миннатдор эканини айтди. У ўзининг ҳамма фарзандлари бу ишда Худонинг қўли борлигини кўрганликларини ва бу унга улар билан Шоҳлик ҳақида гаплашиш имконини берганини айтди. Бундай гапларни эшитиш менга жуда ёқади! Бу Худо Шоҳлигининг ҳақиқийлигидир, мен эса у ҳақида одамларга гапириб бера

олишим ва сўнг уларнинг гувоҳликларини эшитишим орқали баракаланганман. Кўриб турганингиздек, Жерри ачинишга эмас, балки жавобларга муҳтож эди. У бу жавобларни Худо Шоҳлигида топишга муяссар бўлди.

Мен Жерри воқеасида яна бир нарсани тушунтириб ўтмоқчиман. Бу воқеада одамлар унинг уйига шунчаки келиб пул бергандек туюлган бўлса-да, сизнинг молиявий масалангиз ҳақида сизда нотўғри фикр пайдо бўлишини истамайман. Сиз диванда ўтириб олиб кока-кола ичимлиги ичаётган пайтингизда сизнинг молиявий масалангиз ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Йўқ, сиз муҳтож бўлаётган нарсанинг ҳосилини йиғишда иштирок этишингиз зарур. Жерри воқеасига келсак, у ўттиз йил давомида чўпон сифатида хизмат қилган. У бу одамларнинг қалбларида узоқ вақт давомида имон уруғини эккан. Иккинчидан: Жерри insult оқибатида ҳеч нарса қила олмай қолган. У кўп йиллар давомида ўз жамоатидаги одамларнинг ҳаётига имон уруғини етказиб турган. У ўзи эккан даладан – ўша одамлардан ҳосил йиғиб олди.

Жерри insultнинг оқибатларидан тўлиқ шифо топганлигини ҳам билишингизни истайман. Биз тушлик учун учрашган ўша пайтга келиб, у ўттиз килограмм ортиқча вазндан халос бўлган экан. Худога шарафлар бўлсин, у Худо Шоҳлиги ҳақидаги ҳақиқатни қабул қилди. Сиз шундай дейишингиз мумкин: “Албатта, Жерри чўпон бўлган. У Худо Шоҳлиги ҳақида ҳамма нарсани билган”. Бу фикр нотўғри ва мен ёлғиз Жерри шундай эмас эканини биламан. Афсуски, жамоатда кўп одамлар на Худо Шоҳлигига қандай боғланишни, на қандай жавоб олишни билдилар. Инжилнинг Матто китобидаги воқеа кўп одамларнинг фикрлаш тарзини кўрсатади:

Исо шогирдлари билан оломон олдига келганда, бир одам Исонинг олдида тиз чўкиб: Ҳазрат, - деди, - ўғлимга раҳм қилинг! Унинг тутқаноқ касали бор, қаттиқ азоб чекмоқда. У кўпинча

оловга ёки сувга йиқилиб тушади. Ўғлимни шогирдларингиз олдига олиб келгандим, аммо улар даволай олмадилар. Исо унга шундай деди: Эй оломон ва бузук авлод! Қачонгача сизлар билан бирга бўлишим керак?! Сизларга яна қанча тоқат қилишим керак?! Болани бу ерга олиб келинглари! Исо жинга дўқ қилди. Жин боланинг ичидан чиқиб кетди, шу заҳоти бола соғайиб қолди. Шогирдлар Исо билан ёлғиз қолганларида, Ундан: Нега биз жинни қувиб чиқара олмадик?, - деб сўрадилар. Исо жавоб бериб деди: Етарли имонингиз йўқлиги учун шундай бўлди. Сизларга чинини айттайин: агар зиғирдай имонингиз бўлиб, шу тоққа: “Бу ердан у ерга кўч”, деб айтсангиз, тоғ кўчади. Сизлар учун имконсиз нарса бўлмайди”. Матто 17:14-20.

Инжилдаги бу парчада биз умидсизликка тушган инсонни кўрамиз. Унинг ўғлига жин кириб олган ва у ўлим ёқасида қолган. У Исонинг жинларни қувиш хизмати ҳақида эшитиб, Исо ўз ўғлига шифо бериши учун Унинг ёнига ўғлини олиб боришга қарор қилган. Бироқ у ерга етиб боргач, Исонинг учта шогирд билан тоққа ибодат қилиш учун кетганлиги маълум бўлади. У ерда қолган бошқа шогирдлар келган одамнинг ўғлини даволаш муаммо эмаслигини айтадилар, чунки Исо уларга Ўз номи билан жинларни қувиш ҳоқимиятини бергандан буён улар жинларни қувиб чиқараётган эди. Шунинг учун улар Исонинг номи билан бу одамнинг ўғли ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишлари мумкин эди. Бироқ улар бола учун ибодат қилганларидан сўнг жинни қувиб чиқара олмасликларини тушунишган. Улар қанчалик уринмасинлар, жинни ҳайдай олмадилар. Отанинг таъби хира бўлди ва Исога эргашган бутун оломон саросимага тушди.

Ана шу пайтда Исо учта шогирди билан тоғдан тушиб келди ва уларнинг саросимага тушганини кўриб, нима бўлаётганлигини сўради. Боланинг отаси ўғлини шогирдлар олдига олиб келганини, бироқ улар жинни қувиб чиқара олмаганини айтиб тушунтирди. Сўнг ота танг аҳволда қолганда ва вазиятга ечим топа олмаган

пайтда кўпчилик одамлар қиладиган ишни қилди. У Исодан раҳм қилишини сўради. Умидсизликка тушган пайтда раҳм сўраб илтижо қилиш қандайдир жуда яхши ва тўғри ҳаракат бўлиб кўринса-да, бу ўша одам учун ҳам, сиз учун ҳам тўғри жавоб бўла олмайди. Ота Исода ачиниш ҳиссини уйғотишни истаб, жин болани қандай қийнаётганини, уни ўлдиришга ҳаракат қилиб оловга ташлаётганини сўзлаб берди. Исо уни тўхтатди. Унга бечора боланинг азоблари ҳақида бошқа эшитишнинг кераги йўқ эди. У алам билан хитоб қилди: “Эй оломон ва бузуқ авлод! Қачонгача сизлар билан бирга бўлишим керак?! Сизларга яна қанча тоқат қилишим керак?! Болани бу ерга олиб келинглар!”. Исо битта гап билан жиннинг нимага қувилмаганини тушунтирди.

Исо айтган сўзларнинг маъносини чуқур тушунишдан аввал, биз ўзимиз турган пойдеворга яна бир марта эътибор қаратишимиз керак. Худо ҳеч қачон алдамайди ва алдай олмайди. У гапирган нарсалар ҳақиқат ҳисобланади. Буни тасдиқлаб биз вазиятни баҳолашимиз ва қуйидаги хулосани чиқаришимиз мумкин: “Жинлар чиқиши ШАРТ!” Агар улар чиқмаётган бўлса, демак бир муаммо бор ва муаммо Худода эмас, балки ўзимиздадир. Агар биз Худодан бирор нарса ола билмасак, муаммо доим ўзимизда бўлишини ёдингизда тутинг. Исо жиннинг чиқмагани сабаби имонсизликда ва бузуқ фикрлашда эканини аниқ қилиб айтди. Биз бироз кейинроқ бу иккита сабаб ҳақида гаплашамиз. Мухокамамизнинг ҳозирги жойида эса бу воқеадаги ота ва ўғилга эътибор қаратишни истайман.

Ота ўз ўғли аҳволидан тушкунликка тушгани аниқ эди. Шогирдлар ибодат қилишганда ва ҳеч нима содир бўлмаганда, унинг умиди қолмаган эди. У жавоб ололмади. Унинг ягона умиди чиппакка чиққан эди. Фақат бир йўл – раҳм қилишни сўраш қолган эди. “Раҳм қилишни сўраш” гапи ёрдам бериш учун куч ва ҳокимиятга эга, бироқ буни қилишни истамаётган кимдирнинг борлигини назарда тутди. Шу сабабли ота учун ягона йўл –

Исонинг раҳмини келтиришга уриниш мақсадида боланинг қаттиқ азобларини бирма-бир айтиб бериш қолган эди.

Очиқчасини айтганда, одамларнинг кўпчилиги айнан шундай ибодат қиладилар. Улар Худода ўзларига ёрдам бериш учун ҳокимият борлигини биладилар, бироқ улар Худонинг буни қилиш истаги борлигига ишончлари комил эмас. Шунинг учун улар Унинг раҳм қилишини сўраб ёлворадилар. Улар узоқ ибодат қиладилар, азоб-уқубатларнинг тафсилотларини айтиб ва вазиятларни тушунтириб, кўп сўзлар билан гапирадилар. “Ота, ахир биласан-ку, менга жума кунини пул зарур бўлади. Худойим, илтимос, ёрдам бер”. Ёки улар бундай ибодат қиладилар: “Худованд, агар Сен фарзандимга шифо берсанг, мен сенга қолган умрим давомида хизмат қиламан. Илтимос, Худойим!”. Мени одамлар рўбарў бўладиган вазиятнинг жиддийлигига етарлича баҳо бермаяпти деб ўйламанг. Мен Исонинг қандай тез жавоб берганини кўришларингизни истайман. У Ўз кучини намоён этишига ва болани озод қилишига кўп вақт зарур бўлмади. Шу орқали Худонинг қалбини, Унинг истагини кўришингиз мумкин. Унинг раҳм қилишда, кучда ва ҳокимиятда камчилиги йўқ. Муаммо умуман бунда эмас ва бу мазкур воқеага ҳам тегишлидир. Исо муаммонинг моҳиятини – имонсизлик ва бузуқ фикрни кўрсатади. Бошқа сўзлар билан айтганда нотўғри фикрлаш ва имоннинг етишмаслиги мазкур ҳолатда Шоҳликнинг намоён бўлишига тўсқинлик қилади.

Бу воқеада муҳокама қилишга арзийдиган нарсалар талайгина. Унда Шоҳликка ва унинг ишидаги қонунларга кириш имконини берадиган кўплаб калитлар мавжуд. Мен ҳозир билишимиз керак бўлган жиҳатларга чуқур шўнғиб кетишни истамайман, аммо ҳеч бўлмаганда уларни санаб ўтаман. Бу ерда қўлланиладиган қонунлар қандай ишлашини эса кейинроқ ўрганиб чиқамиз.

Худо Шоҳлиги қонунини тушуниш учун бирламчи ва асосий

нарса нима эканлигини билиб олишимиз керак. Худо Одам Атога ерда барча ваколатларни берган. Одам Ато унда ҳукмронлик қилиши керак эди.

“Кейин Худо шундай деди: “Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин”. Инсон зоти денгиздаги балиқлар устидан, осмондаги қушлар, ер юзидаги чорва ҳамда жамики ёввойи ҳайвонлар, ерда судралиб юрувчи ҳар қандай жонивор ва ҳашаротлар устидан ҳукмронлик қилсин” (Ибтидо 1:26).

Ибронийларга 2:7-8 оятларда ҳам бу ҳақида жуда аниқ қилиб гапирилган деб ўйлайман:

“Сен уни қисқа вақтгагина фаришталардан паст қилдинг. Кейин эса иззату шараф тожини унга кийгиздинг. Бор нарсани унинг оёғи остига қўйдинг”.

Ҳозир биз бир нарсани тушунишимиз керак: Токи ерда ҳуқуқий ваколатларга эга эркак ёки аёл Самовий ҳокимиятга йўл очиб бермас экан, Худо Ўз ҳокимиятини ерда (одамлар шоҳлигида) амалга ошира олмайди.

Шунинг учун Исо Инжилнинг Матто китоби 18-боби 18-оятида Ўз шогирдларига шундай деб айтган:

“Сизларга чинини айтайин: ер юзида сизлар нимани тақиқласангизлар, самода ҳам тақиқланади. Ер юзида сизлар нимага ижозат берсангизлар, самода ҳам ижозат берилади”.

Яна такрорлаб айтаман, Осмон шоҳлиги ер юзида намоён бўлиши учун қонуний ҳуқуқга эгадир ва бу инсон орқали намоён

**БИРОҚ БУ ЎРИНДА,
ДЎСТИМ, СИЗ
ҲАҚИНГИЗДА
ГАПИРИЛМАЯПТИ!
СИЗДА ШОҲЛИКНИНГ
АДОЛАТИГА ЭРИШИШ
ИМКНИ БОР. СИЗНИНГ
МУАММОЛАРИНГИЗГА
ЖАВОБ БОР.**

бўлади, аммо инсон бу ерда ўз ваколатини йўқотган. Шунинг учун Исо эркак ёки аёл ерда Осмон Шоҳлиги ҳокимиятига имкон берса, у ҳолда Самонинг ўзи уларга ёрдам беради деб айтган. Агар биз буни қилмасак, у ҳолда Само ҳам ёрдам бера олмайди. Агар бу фикр сиз учун ғалати туюлса, илтимос, шу фикрда тўхтаб қолманг.

Кейинчалик мен шу мавзуга доир батафсил гапираман. Лекин ҳозир биз бу ҳақиқатни қабул қилишимиз керак, чунки жиннинг бола ичидан чиқмаслигининг сабаби - у буни қилишга мажбур эмаслигидадир! Унинг ўша ерда қолиш учун қонуний ҳуқуқи бор эди. Яна бир марта такрорлайман: Исо имоннинг етишмаслиги ёки қонуний ваколатнинг йўқлиги сабабли жиннинг чиқмаганини айтди. Одам Ато онгли равишда Худони ўз итбатсизлиги билан рад қилганида Худо инсон ишларида Ўз қонуний ваколатини йўқотган. Айнан шу пайтда иблис инсоният устидан қонуний ваколатни қўлга киритди.

Сўнг Исони иблис тепаликка олиб чиқиб, бир лаҳзада Унга оламнинг барча шоҳликларини кўрсатди. У Исога деди: Сениана шу шоҳликлар устидан ҳукмрон қиламан, уларнинг шон-шухратини Сенга бераман. Буларнинг ҳаммаси менга берилган, мен эса истаганимга бераман. Менга сажда қил, шунда ҳаммаси Сеники бўлади” (Луқо 4:5-7).

Шунга кўра, Худо ерда қонуний ҳокимиятни йўқотган, чунки унинг эгаси бўлган инсонни – Одам Атони йўқотган. Мен илгари айтганимдек, бироз кейинроқ бу мавзунини батафсил

кўриб чиқамиз. Мен бу воқеани мисол келтиришимнинг асосий сабаби – отанинг муносабати ва умидсизлигини кўрсатиш эди. Илтимос, қўйидаги бир нечта гапларни жуда диққат билан ўқиб чиқинг.

Агар муҳтож одамнинг масаласини ҳал қилиш учун ваколат ёки қонун ҳамда адолатли суд қилиш тизими мавжуд бўлмаса, у ҳолда фақат раҳм қилиш ҳақида ёлвориш қолади. Бошқача қилиб айтаман: агар одамнинг муаммоли вазиятда ёрдам олиш учун ва адолатли судни амалга ошириш жараёнига эга бўлиш учун имкони бўлмаса, у ҳолда жавоб олиш учун ишончи бўлмайди. У қила оладиган ягона ҳаракат бу – ёлворидан иборат бўлиб қолади.

Бироқ бу ўринда, дўстим, сиз ҳақингизда гапирилмаяпти! Сизда Шоҳликнинг адолатига эришиш имкони бор. Сизнинг муаммоларингизга жавоб бор. Худо Шоҳлиги адолатли бўлган қонунлар билан бошқарилиши ҳақида унутманг. Бу қонунларга Шоҳликнинг фуқароси ҳисобланган ва Шоҳликнинг қонуний ваколоти остида бўлган кишилар етиша оладилар.

Мен бу китобда аллақачон айтганимдек, Худонинг шоҳлиги адолат (Худонинг қонунига кўра тўғри деб ҳисобланадиган қарорнинг бажарилиши учун Худо ҳокимиятига йўл очадиган қонуний жараён) ва солиҳлик устига қурилган. Жин боладан чиқмаган, чунки бунинг сабаби бор эди. Бунинг сабаби Худонинг

**ИНСОНГА ЕР ЮЗИДА
ҚОНУНИЙ ҲОКИМИЯТ
БЕРИЛГАНИ САБАБЛИ
ЕРДА ВАКОЛАТГА
ЭГА ЭРКАК ЁКИ АЁЛ
ОСМОН ШОҲЛИГИ
НИМА ДЕЯЁТГАНИГА
ТЎЛИҚ ИШОНЧ ҲОСИЛ
ҚИЛМАС ЭКАН ВА
ЕРДА БУ ҲОКИМИЯТГА
ИМКОН БЕРМАС
ЭКАН, ХУДОНИНГ
ҲУҚМРОНЛИГИ ВА
ТАЪСИРИ ҲАРАКАТГА
КЕЛА ОЛМАЙДИ.**

заифлиги ёки Унинг иродаси ўзгариб туриши бўлмаган. Исо буни қанчалик тез Ўз шогирдларини фош қилиши ва жинни ҳайдаши орқали кўрсатди.

Кўп масиҳийлар Худо Шоҳлигининг намоён бўлишини кўрмасдан ўз таълимотини шундай деб ўзгартирадилар: “Ҳамма жин ҳам чиқмайди”. Улар Худонинг кучи ва ҳокимияти борлигини биладилар. Шунга кўра улар Худо ерда истаган нарчасини қилади ва шунинг учун агар жин чиқмаган бўлса, демак, Худо уни ҳайдамасликка қарор қилган деб ўйлайдилар. Дўстим, бундай фикрлаш умуман нотўғридир. Исо бу УЛАРНИНГ бузуқ фикри ва имонсизлиги мазкур ҳолатда Осмон Шоҳлиги ҳокимиятининг намоён бўлишига имкон бермаганини айтди. Бу фикрни бошқача қилиб айтадиган бўлсам, жиннинг чиқмаганининг сабаби ҳуқуқий бўлган, вассалом. Жин чиқишга мажбур бўлмаган, чунки Самодан ҳокимиятни тушириб келтира оладиган ва бу вазиятда Худо қонунини бажарадиган ҳеч ким бўлмаган. “Бироқ Гэри, ахир улар уни ҳайдашга ҳаракат қилганлар-ку!”, деб айтишингиз мумкин. Ҳа, бироқ мен айтганимдек, қонун нуқтаи назаридан жин чиқишга мажбур бўлмаган. Нима учун? Такрорлайман, чунки Осмон Шоҳлиги жинни ҳайдаш учун қонуний ваколатга эга бўлмаган.

Худди шунини бошқа сўзлар билан айтаман. Ўша вазият ҳақида Худо каломи нуқтаи назаридан нотўғри ва номақбул бўлган нарсани бу одамлар яхши ва мақбул деб атаб бузуқ фикрга эга бўлганлар. Имонсизлик ҳам катта муаммо бўлган, чунки Осмон Шоҳлиги ерда қонуний ваколатини амалга ошириши учун имон талаб қилинади. Шогирдлар жиннинг чиқишига тўлиқ ишонмаганлар. Улар кўрққанлар.

Инсонга ерда қонуний ҳокимият берилган. Токи ерда ваколатга эга эркак ёки аёл осмон Шоҳлиги нима деяётганлигига тўлиқ ишонмас эканлар ва бу ҳокимиятнинг ерда ишлатилишига йўл очиб бермас эканлар, Худонинг бошқаруви ва таъсири ҳаракатга

келтирилмайди. Дарвоқе, қалбларимизнинг Осмон Шоҳлиги нима деяётганига тўлиқ аминлиги имон деб аталади. Ўша кўни имонга эга бирор киши бўлмаган. Уларда бу вазиятда Осмон Шоҳлиги қонуний ваколатининг намоён бўлишига тўсқинлик қиладиган иккиланувчи фикр ва шубҳалар бўлган. Бироқ Исода имон бор эди ва У жиннинг кетишини аниқ билар эди! Исо ҳокимиятни ишга солди ва жин кетди. “Бироқ Гэри, Исо жинни қува олганига сабаб У Исо бўлганлигидир”, деб айтишингиз мумкин. Наҳотки? Келинг, Исо қандай қилиб Ўзининг она шаҳрига хизмат қилиш учун келгани тасвирланган Марк 6-боб 5-оятини ўқиймиз:

*Исо у ерда ҳеч қандай мўжиза кўрсата олмади.
Фақатгина бирмунча беморларга қўл теккизиб, уларни соғайтирди.*

– Марк 6:5

Ахир сиз Исонинг шифо бериш учун қудрати бўлгани ҳақидаги фикрга қўшиласиз, тўғрими? У ҳолда бу воқеада У нима учун Ўзи истаган мўжизаларни кўрсата олмаганини тушунтириб беринг. Бу жойда муҳтожлик бўлган, бироқ нимадир Исонинг мўжиза кўрсатишига тўсқинлик қилган. Биз бунинг сабабини олтинчи оятда топамиз: “Исо одамларнинг ишончсизлигига ҳайрон қолди”. Имон (Осмон Шоҳлиги билан келишув) Осмон Шоҳлигига ерда ҳаракат қилиши учун қонуний ҳуқуқ беради. Масалан, сиз Исога келганингизда ва нажот топганингизда бу қонунни осонлик билан пайқашингиз мумкин бўлган.

*Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан
эътироф этиб нажот топади”.*

– Римликлар 10:10

Сиз қалбингизда (Осмон Шоҳлиги айтган нарсаларга) ишонасиз

ва шунинг учун оқланиш оласиз. Оқланиш бу - юридик термин ҳисобланиб, у адолатли суд қилишни ва энди Осмон Шоҳлигининг ерда ҳаракат қилиш учун қонуний ҳуқуқи борлигини англатади. Бу қонунни яхшироқ тушуниш учун Одам Атога ерда ҳукмронлик қилишга қонуний ҳокимият берилганини эслайлик ва одамлар ҳали ҳам шу ҳокимиятга эгадирлар. Буни инсоннинг Адан боғида бу бошқарувни иблисга бергани тўғрисида ерда руҳий бошқара олмаслиги билан адаштирамаслик керак. Худо ҳозирда инсоннинг ерда эгаллаб турган қонуний ўрнини буза олмайди. Худога қонуний асосда кириш ва ердаги реалликда намоён бўлиш учун Осмон Шоҳлиги билан битим тузадиган эркак ёки аёл керак.

Римликларга мактубининг 10-боби 10-оятда Осмон Шоҳлиги ва ҳокимияти ерда ишлатилишига йўл очиб берилиши учун иккита шартни бажариш кераклигини пайқайсиз. Биринчисини мен аллақачон айтиб ўтдим: Осмон Шоҳлиги нима деяётганига тўлиқ ишонишимиз ва бутун қалбимиз билан рози бўлишимиз керак. Бу имон деб аталади. Иккинчиси, бизнинг имонимиз Осмон Шоҳлигига беихтиёр йўл очиб бера олмайди. Ҳайрон бўляпсизми? Мен тушунтираман. Электр чироғи ёққичини тасаввур қилинг. Симларда аллақачон электр токи бор, бироқ сиз чироқ ёниши учун ёққични босишингиз керак. Биз Осмон Шоҳлиги нима деяётганига қалбимиз билан ишонсак, бу Осмон Шоҳлиги билан алоқани қонуний ва ўринли қилади. Бироқ кейин биз бу ҳокимиятни ерда ишга солишимиз керак. Худди менинг мисолимдаги каби биз ёққич тугмасини босишимиз керак. Биз тавба қилганимизда ва Шоҳлик ҳокимияти асосида ҳаракат қилганимизда, мисолимиздаги тугмани босгандек бўламиз.

Мен ўз сўзларимни такрорлаётганимни биламан, бироқ агар Осмон Шоҳлиги сиз учун атаб қўйган нарсаларга эга бўлишни истасангиз, бу Шоҳлик қонунини тушуниш сиз учун ҲАЁТИЙ МУҲИМ ҳисобланади. Сиз Осмон Шоҳлигидан нажотни қандай олган бўлсангиз, худди шундай сўраган барча нарсангизни

оласиз. Бунинг учун Осмон Шоҳлиги айтган нарсаларга қалбингиз билан ишонишингиз ва сўнг тавба қилишингиз ёки шунга мувофиқ ҳаракат қилишингиз лозим.

Исо таълим берган ва ерда кўрсатган Шоҳлик шогирдлар учун мутлақо номаълум бўлган. Биз шогирдларнинг кўрган нарсаларидан кўп марта саросимага

тушганини кузатамиз. Бола билан содир бўлган ўша воқеада шогирдлар жиннинг ишларидан қўрқувга тушганлар ва шунинг учун уларда иккиланадиган фикрлар пайдо бўлган, натижада уларнинг имони йўққа чиққан. Улар жинни қувиб чиқариш учун борганларида боладаги жин ўзини кўрсатган. Эҳтимол, жин болани ерга улоқтирган ва катта томоша кўрсатган бўлиши мумкин. Бу ҳолат атрофдагиларни қўрқувга солган бўлса керак. Аниқроғи, улар ҳақиқатдан ҳам қўрқувга тушганлар. Мен ҳозир ўша воқеа ҳақида шунчаки мулоҳаза қиляпман, бироқ бир нарсада менинг ишончим комил: шогирдларнинг қалбларини Осмон Шоҳлиги билан келишувни бузишига ва ишонмаслигига мажбур қилган нимадир содир бўлган бўлиши керак.

Исо, аксинча, Осмон Шоҳлиги бу вазиятда нима дейиши билан тўлиқ келишувда бўлган ва У жиннинг чиқиб кетишини буюрган. Шундай қилиб, биз жиннинг чиқиб кетмагани муаммоси Осмон Шоҳлигида эмас, балки ерда эканини кўраяпмиз.

Агар менга ер юзида Худо Шоҳлигининг намоён бўлишини кўрсатиш учун Муқаддас Битикнинг фақат битта матнини танлаш имкони берилганда эди, у ҳолда мен Марк 11:22-24 оятларини танлаган бўлар эдим. Умумий маънони тушуниш учун юқоридаги иккита оятни кўриб чиқиш керак. У ерда Исо анжирга айтган гапи ва

**БИНОБАРИН, СИЗЛАРГА
АЙТАМАН: СИЗ
ИБОДАТДА НИМАИКИ
СЎРАСАНГИЗ ОЛДИМ,
ДЕБ ИШОНИНГЛАР ВА
СИЗГА БЕРИЛАДИ.**

– МАРК 11:24

сўнг унинг қуриб қолиши ҳақида гап кетади. Исо дарахтда мевалар топа олмагандан сўнг, уни лаънатлади. Кейинги кун дарахт ёнидан ўтаётган шогирдлар анжир дарахти қуриб қолганини кўрдилар. Бунни кўриб ҳайрон қолган Петъор бу ҳақида Исога айтиб беради.

Исо бунга жавобан деди: Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга чинини айтайин: агар кимки бу тоққа: “Қўпорилиб денгизга отил”, деса-ю, ўз қалбидан шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади. Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасангиз олдим, деб ишонинглар ва сизга берилади.

– Марк 11:22-24

Этибор беринг, Петъор содир бўлган воқеадан жуда таъсирланган. Бу қандай содир бўлиши мумкин эди? Исо шунчаки дарахтга гапирган эди. Дарахт эса Исонинг сўзларидан таъсирланди ва қуриб қолди. Сўнг Исо Петъорга ҳақиқатни – Худо Шоҳлиги қонунини тушунтирди. Исо Худо Шоҳлигининг қандай қилиб ердаги воқелик билан ўзаро таъсир қилиши ҳақида яхшироқ тушунча берди. Бу мисолда юқорида гапирилган қонуннинг ишлашини кўрамыз: Осмон Шоҳлиги нима деяётганига тўлиқ ишонган (демак, оқланган) эркак ёки аёл энди самовий ҳокимият билан гапирадилар ёки унинг ишлашига йўл очиб берадилар. Албатта, мазкур ҳолатда эркак бу – Исонинг Ўзи эди, бироқ Исо Ўзи қилган нарсани ҳар бир киши қила олишини шогирдларга аниқ қилиб тушунтирди.

Ишончим комилки, агар одамлар ҳақиқатдан ҳам бунни билганларида ва Исо уларга ўргатган қонунни тушунганларида эди, бу уларнинг ҳаётига тубдан таъсир қилган бўларди деган фикрга қўшилган бўлардингиз. Мен Шоҳлик оиламиз ҳаётига қандай таъсир қилганини кўрдим. Лекин биз ўзимиз ўрганган

нарсаларни бошқа одамларга ўргатгандан сўнг уларнинг ҳаёти қандай ўзгараётганини кўриш янада ажойиб эди. Мана шу қонун жамоатимизда намойиш бўлган воқеани сизга гапириб беришга ижозат беринг. Кўпинча Шоҳлик ва унинг қонунларининг ишлаши ҳақидаги билимга эга бўлиш ҳаёт-мамот масаласига айланади. Бизнинг ҳикоямизда ҳам айнан шундай бўлган эди.

Женнифер бизнинг жамоатга қатнашни бошлаб, имон ва Шоҳлик ҳақидаги таълимотни тинглар эди. У Шоҳлик орқали ўз кучи ва ҳуқуқини ишлатишни завқ-шавқ билан ўрганар эди, чунки у иккинчи фарзандга ҳомиладор бўлиб, фарзандини уйда туғишга қарор қилган эди. Шундай қилиб, у Худо Каломи фарзанд туғилиши ҳақида нима деганини ва Шоҳликнинг қандай ваъдаларини ўз боласига нисбатан қўллаши мумкинлигини ўргана бошлади. У уйда эсон-омон фарзанд туғишига ишонарди. У доя билан ва илгари уйда бир неча марта туққан жамоатдаги бир аёл билан туғиш вақтида ёрдам беришлари ҳақида келишиб олди.

Туғишгача бўлган пайт давомида Женнифер ҳар бир хизматда қатнашди ва Шоҳликнинг қонунларини шижоат билан ўзлаштириб олди. Бу ғоялар у учун янги эди ва Худо Шоҳлиги орқали ҳақиқий жавоб олиш мумкинлиги унга ёқарди. Афсуски, бу пайтда унинг эри якшанба кунлари ишлаши керак эди ва у билан бирга жамоатга бора олмас эди. Шундай қилиб, фарзанд туғилиши керак бўлган пайт етиб келди. Улар дояни ва жамоатдаги биродар аёлни уйга чақирдилар.

Менинг каравотим ёнидаги телефон жириглаганда кечаси тахминан икки ёки учлар эди. Мен телефонда жамоатдаги синглимизнинг: “Чўпон, илтимос, ибодат қилинг! Бола ўлик туғилди!”, деб бақирганини эшитдим. Бу хабар дарҳол менинг уйқумни қочирди. Сўнг қўнғироқ қилган аёл тез ёрдам ҳозиргина чақалоқни касалхонага олиб кетганини айтди. У ерда шифокорлар чақалоқнинг ўлганлигини тасдиқладилар.

Биз Дренда билан ўрнимиздан сакраб туриб тезда кийиндик. Мен нима қилиш кераклигини сўраб руҳда ибодат қилишни бошладим. Шу воқеа сабабли иблис ҳузур қилиб жамоатимиз обрўсини тўкишини тушунар эдим. Кўз олдимда: “Бу мазҳаб уйда туғишларни рағбатлантиргани учун бола ўлди” деган сарлавҳа хаёлимга келаверар эди. Аслини олганда биз бола қаерда туғилиши – касалхонада ёки уйда туғилиши кераклиги масаласида ўз фикримизни ҳеч қачон ифодаламаганмиз. Бироқ жамоатимиздаги кўп аёллар уйда туғишни афзал кўришлари ҳақиқат эди. Дренда ва мен касалхона томонга 20 дақиқа йўл юрар эканмиз, руҳда ибодат қилишда давом этдик. Йўлнинг ярмида Худонинг Руҳи менга қандай тушганини ҳис қилдим ва мен туғилган боланинг соғ-саломат бўлишини билдим. Худди ўша лаҳзада менинг хотиним мен томон бурилиб, Худо бола билан ҳаммаси яхши бўлишини унга маълум қилганини айтди.

Мен Худо менга ва хотинимга гапирганлигини билар эдим, шунинг учун тез ёрдам бўлимида нима содир бўлаётганини тезроқ кўришни истар эдим. У ерга киргандан сўнг энди туғилган чақалоқ атрофида етти ёки саккизта ҳамшира турганини кўрдим. Мен уларнинг юзларига эътибор бердим. Одатда аёллар гуруҳи бола атрофида турганида уларнинг юзларида табассумни кўрасиз. Бироқ бу сафар бу юзларда табассум йўқ эди. Мен уларнинг юзида шок ифодасини кўриб турардим.

Бизга кечаси қўнғироқ қилган аёлни ҳам кўрдик. У бизга яна йигирма дақиқа аввал айтган хабарни айтди. Унинг гапига кўра тез ёрдам шифокори уйда чақалоқнинг ўлганини тасдиқлаган. Туғилган болани касалхонага олиб келишганда, у ерда ҳам унинг ўлимини қайд қилишган. Бироқ тўсатдан бола ўз-ўзидан тирилик кетган. Худога шарафлар бўлсин! Биз Дренда икковимиз ҳаяжон билан кичкинтойни кўриш учун яқинлашдик. У худди Муқаддас Руҳ айтганидек, тирик ва соғ-саломат эди.

Тез ёрдам боланинг онаси Женниферни ҳам туғруқхона бўлимига олиб кетган экан. Шунинг учун Женнифер ўзининг туғилган қизчасининг аҳволи ҳақида ҳеч нима билмас эди. Менинг хотиним Дренда туққан она ўзини қандай ҳис қилаётганини билиш учун туғруқхона бўлимига чиқди. Дренда палатага кириб: “Женнифер, сенинг чақалоқинг соғ-саломат ва у жуда ёқимтой!”, деди. Уни ёнида турган ҳамшира эса унинг гапини бўлиб: “Йўқ, у болани аллақачон ўликхонага олиб кетишган”, деган. Менинг хотиним ҳамшира қаттиқ адашаётганини айтиб, унинг сўзларини қатъий рад этган.

Бугунги кунда, Худога шукрки, Хэйли исмли бу гўдак аллақачон чиройли қиз бўлиб вояга етган ва унинг бирор бир нуқсони ёки соғлигида бирор муаммоси йўқ. Мен Худо Шоҳлиги руҳий қонун асосида ҳаракат қилишини билган ҳолда ушбу натижа тасодифан содир бўлмаганини тушунар эдим. Шунинг учун руҳий тадқиқотчи (масиҳийлик фани тадқиқотчиси эмас, балки Худо Шоҳлиги қонунлари тадқиқотчиси) сифатида мен ўша ерда нима содир бўлганини бутун тафсилотлари билан аниқлашни жуда истар эдим.

Мен тез ёрдам Женнифернинг уйига етиб келганида шифокорлар Хэйлининг ўлимини тасдиқлаганини биламан. Шунингдек, касалхонага етиб келишгандан сўнг яна бир марта чақалоқнинг ўлимини тасдиқлаганини ҳам биламан. Нима содир бўлган бўлиши мумкин? Мен туғишда қатнашган доя аёлдан ҳаммасини батафсил гапириб беришини сўрадим. Мен воқеадаги саволларимга жавоб излар эдим. У қизча туғилгунга қадар ҳаммаси яхши кечганини айтди. Туғилган чақалоқда эса ҳаёт аломатлари йўқ бўлган ва рангги кўкариб кетган. Доя болани қайта жонлантиришга ҳаракат қилган, бироқ буни уддалай олмаган. Бу пайтда Женнифернинг уйида бир нечта қариндошлари ҳам бўлиб, улар ваҳимага туша бошлаганлар. Бироқ Женнифер ишонч билан уларга тинчланишни айтган. Сўнг у эрига ишора билан шундай

деган: “Ҳеч нарса дема! Бола билан ҳаммаси жойида бўлади!”

Мен уни шу жойда тўхтатдим ва Унинг эрига айтган сўзларини такрорлашини сўрадим. У яна бир марта ўша гапни айтди: Женнифер эрига бармоғи билан ишора қилиб: “Ҳеч нарса дема! Бола билан ҳаммаси жойида бўлади!” деган.

Ана қойил! Мана жумбоқ калити! Бу Хэйлининг ҳаётини асраб қолган ўша лаҳза, ўша эътироф эди! Мен ўзимни ҳозиргина асосий иш бўйича жумбоқ ечимини топган детектив каби ҳис қилар эдим! Мен жуда қойил қолган эдим. Ҳаммаси шунчалик оддий, бироқ жуда теран бўлган! Женнифер бу вазиятда руҳий қонунни қўллаган ва боласининг ҳаётини асраб қолган! Мен ҳозиргина эшитган нарсаларим ҳақида ўйлай бошладим ва ҳамма нарса тушунарли бўла бошлади.

Женнифер ўз эрининг имони унчалик кучли эмаслигини билган. Чунки у ишда бандлиги туфайли узоқ вақт давомида жамоатга ҳар доим бориш имконига эга бўлмаган. У эрининг оила бошлиғи сифатида туғиш вақтида содир бўлган даҳшатли воқеага ўзининг кўниши орқали боланинг ўлимини узил-кесил тасдиқлаб қўйиши мумкинлигини тушунар эди. Шунинг учун у биринчи қилган иш бу – ўз эрининг бола ўлимига рози бўлишига имкон бермасдан у билан гаплашиб олишдан иборат бўлган. Бунинг ўрнига Женнифер боланинг тирик ва соғлом бўлишига ишончи комил бўлган ва буни дадиллик ва имон билан эълон қилган.

У касалхонадан чиқиши билан тез ёрдам гуруҳи билан учрашган ва ўша куни йўлда касалхонага кетишда улар чақалоққа қандай ёрдам кўрсатишгани ҳақида сўраган. Улар унга хижолат билан қараганлар.

- Ниҳоят, улардан бири: “Ҳеч нима” - деб жавоб берган.
- “Ҳеч нима”. Буни қандай тушуниш керак? - деб сўраган У.
- Сиз реанимация чораларини қилмадингизми?

- Йўқ, - дейишган улар.

- Сиз бола учун ҳеч нима қилмадингизми?

- Йўқ, - дейишган улар яна.

Улар бола ўлик бўлганини ва ҳеч ким уни қайта тирилтиришга ҳаракат ҳам қилмаганини айтишган. Бироқ улар касалхонага етиб келишганда, чақалоқ бирдан тирилиб кетган! Шифокорлар гуруҳи ўз раҳбарларидан мақтов ва оғир вазиятдан муваффақиятли чиқиб кетишга доир ҳар йиллик мукофотни олганлар. Бироқ улар чақалоқ учун ҳеч нима қилишмаганини тан олишган.

Яқинда биз Хэйли ва унинг онаси Женниферни бизнинг телевизион дастуримизга таклиф қилдик ва яна кўз ёшларимиз билан Худо Шоҳлиги ғалабасини байрам қилдик. Биз ўша вазиятга Шоҳлик ҳокимиятининг руҳий қонунлари асосида, қандай ҳаракат қилишни биладиган инсон билан учрашганим учун хурсанд бўлдик.

Бу воқеада Женнифер Осмон Шоҳлиги нима деяётгани билан тўлиқ рози эканини ва уларга ишонишини, сўнг эса ўз сўзлари орқали бу ҳокимиятни ўз вазияти учун ишлатганини кўрамиз. Қонун ишлайди!

Жамоатимиздаги бошқа бир оила Худо Шоҳлигининг худди шу қонунни ҳаракатини бошдан кечирган эди. Иккита биродар аёл биргаликда тушлик қилишга қарор қилишган, бироқ бу улар учун оддий вазифа бўлмаган. Чунки уларнинг иккисининг ҳам ўн иккита ёки ўн учтадан фарзандлари бўлган. Улар тушлик пайтида тўрт ёшли Жоэлнинг йўқолиб қолганини пайқаганлар. Улар бутун уйни ахтариб кўришган, бироқ улар уни топа олишмаган. Улар Жоэлни қаергадир яширинган деб ўйлаганлар, аммо улар ҳамма жойни синчиклаб текшириб кўрганларидан кейин унинг уйда йўқлигини тушунишган. Тўсатдан унинг онаси Тина хавотирланиб орқа ҳовлидаги ҳовуз ҳақида эслаган. У ўз жияни, 13 ёшли Кортни билан ўша ерга югурганлар. Тина Жоэлнинг ҳовуз тагида

ҳаракатсиз ётганини кўриб даҳшатга тушган. Унинг бассейни остида қанча вақт ётганини ҳеч ким билмаган. Тина 911 рақамли тез ёрдамни чақиришларини сўраб бақирган ва Жоэлни олиш учун ўзини ҳовузга отган. Ҳовуздан чиқарилган бола нафас олмаган, ҳаракатсиз бўлган ва рангги мурдадек оқ бўлган.

Бизнинг болалар хизматига келадиган 13 ёшли Кортни ўз холасига шундай деган: “Йўқ, Тина хола, 911 рақамига телефон қилмаймиз, бизда қудрат бор. Биз ибодат қилишимиз керак”. Уларнинг иккиси ҳам ибодат қила бошлаганлар, бироқ ҳеч нима содир бўлмаган. Тина яна бақирган: “911 рақамини чақиринглар!”. Кортни шундай деган: “Тина хола, биз у яшасин деб эълон қилишимиз керак”. Сўнг у эълон қилган: “Жоэл, Исонинг номи билан кўзингни оч!”. Бирдан бола нафас ола бошлаган, оғзидан сув чиқарган ва ҳушига келган. У ўзини тўлиқ яхши ҳис қила бошлаган.

Мен бу воқеа ҳақида ўйлаганимда, ҳаётга қайтган ўғил болага эмас, балки ўша 13 ёшли қизчага ва унинг ҳал қилувчи пайтда ўзини қўлга ола билганига ҳайрон қоламан. Мушкул вазиятда, ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир пайтда у қўрқувга берилмади, аксинча керакли ҳаракатларни баҳолаш ва амалга оширишга қодир бўлди. Кортни Шоҳлик қонунлари ҳақидаги билим бу – шунчаки чиройли ваъздан ҳам муҳимроқлигини, бу ҳаёт-мамот масаласи эканини яна бир марта тасдиқлади!

Шоҳликқонуни қандай ишлашига яна бир марта эътибор беринг. Дастлаб Кортни ибодат қилиш кераклигини айтади ва улар ибодат қилишади, бироқ ҳеч нима содир бўлмайди. Чунки ибодатда биз Худонинг ҳокимияти ва кучини бўшатиб юбормаймиз. Лекин биз йўналиш ҳақида ибодат қиламиз. Ўша вазиятда айнан шу талаб қилинган эди. Сўнг Кортни боланинг ҳаётга қайтишини эълон қилиш зарурлигини айтади. Улар шундай қилишгандан сўнг бола ҳушига келган ва ҳалигача ўзини яхши ҳис қилиб келяпти. Биз яна бир марта Осмон Шоҳлиги нима деяётганига тўлиқ ишонган

қалбни кўрамиз. Лекин имондаги одам орқали ерда ҳокимиятга имкон берилмагунга қадар ҳеч нима содир бўлмайди.

Сизларга бизнинг яқинларимиз билан содир бўлган яна бир воқеани гапириб бермоқчиман. Дренданинг

акаси ўз хотини Кэндини бешинчи фарзандини туғиши учун касалхонага олиб борган. Кэндида тўлғоқ бошланган ўша тонгда биз Дренда билан касалхонага етиб келдик. Биз янги оила аъзосини кўришни жуда истар эдик. Биз касалхонага етиб келганимизда чақалоқ аллақачон туғилиб бўлган деб ўйлаган эдик. Бироқ боланинг туғилиши осон бўлмаганини ва туғиш жараёни эндигина тугаганини аниқладик. Биз туғруқхона бўлимига кирганимизда чақалоқ Холландни янги туғилган болалар хонасига ўтказишаётган экан. Янги туғилган болалар палатасида чақалоқларни кўриш мумкин бўлган ойнали девор борлигини кўрган бўлсангиз керак.

Улар чақалоқ Холландни келтиришганда, унинг ранги докадай оқ эканини пайқадим. Жоннининг ҳамма болалари оқиш бўлгани учун унинг туғилган болалари учун дастлаб бу нормал ҳолат деб ўйладим. Лекин барибир менга бир муаммо бордек туюлди.

Тўсатдан ҳамма шифокорлар югуриб қолдилар. Ҳамширалар дарҳол пардаларни ёпдилар ва мен бошқа ҳеч нима кўра олмадим. Лекин бу ёмон белги эканини тушунар эдим. Пардалар ёпилган бўлса-да, уларнинг орасида тирқиш қолган эди. Мен уларнинг орасидан содир бўлаётган нарсаларни кўра олдим. Ҳамширалар асбобларни олдилар ва шифокор Холландга жонлантириш чорасини қўллай бошлади. Мен шифокорлар нима ҳақида гапираётганини эшитиш учун янги туғилган чақалоқлар хонасининг бошқа эшиги олдига яқинлашдим. Боланинг юраги урмаётганини ва шифокорлар юрак уришини тиклай олмаётганини

ШОҲЛИК ҚОНУНИЛАРИ
ҲАММА ВАҚТ ВА
ҲАММА УЧУН
ИШЛАШНИ
ЁДИНГИЗДА ТУТИНГ!

эшитиб даҳшатга тушдим. Мен монитордаги юрак товуши ритми кам эканини эшитиб турар эдим. Бир юрак уришидан сўнг 15 ёки 20 сония вақт ўтар эди. Шундан сўнг навбатдагиси эшитилар эди. Холланднинг юраги урмаётган эди.

Шифокор палатадан чиқди ва Жонни ёнига келди: “Ишлар чатоқ Жонни. Жуда афсусдаман. Лекин биз шу пайтгача бирор нарса қилишга ҳаракат қилаяпмиз”, деди. Бизнинг ичкарига киришимиз мумкин эмас эди. Шунинг учун Дренда ва Жонни қўлларини бир томондан палата эшигига қўйдилар. Мен ҳам қўлимни эшикка бошқа томондан қўйдим. Биз ибодат қилишни бошладик ва Исонинг номи билан Холланднинг яшашини ва ўлмаслигини, у соғ-саломат бўлишини эълон қилдик.

Тез орада Жонни билан гаплашган шифокор палатадан чиқиб келди. У бизга бирон сўз айтмасдан ёнимиздан тезлик билан ўтиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг у ҳамшира билан қайтиб келди. Ҳамшира баланд овозда шундай дер эди: “Доктор, биз бундай қила олмаймиз. Бизнинг касалхона бу муолажани ўтказиш ваколатига эга эмас. Мен сизнинг бу қонни олишингизга рухсат бера олмайман”. У ҳамширага эътибор бермасдан палатага кирди. Тушунишим бўйича шифокор қўлланмани олиб муолажани бажаришни диққат билан ўргана бошлади. Мен пардалар орасидаги тирқишдан шифокорнинг ўрнидан туриб болага узун найчани қўя бошлаганини кўрдим. У болага қон қуяётганини тушундим.

Бирдан монитор овозини эшитдим, юрак ура бошлади. Юрак уриши тезлиги ошиб бориб янги туғилган чақалоқ учун нормал бўлган даражага етди. Бир дақиқадан сўнг шифокор чиқиб шундай деди: “У ерда фаришталар бор эди. Худо менга бу болани сақлаб қолиш учун ёрдам берди!”. Биз унинг титраётганини кўриб турардик. Кейинчалик ўша куни бу шифокорнинг навбатчилик куни бўлмаганини ва у Кэндининг фарзанди туғилишида иштирок

этмаганини билиб олдик. У шунчаки бошқа беморни текшириш учун касалхонага кирган ва бу вазият устидан чиқиб қолган экан. У содир бўлган воқеадан ўзи ҳайрон қолган экан. Ахир Холланднинг юраги 36 дақиқа давомида урмай турган эди!

Ҳозирги пайтда Холланд чиройли ва соғлом тўрт ёшли қизча. Мен Шоҳлик қонунини тушунишимиз сабабли ўша вазиятга ечим топганимизга ишончим комил. Мен ҳали ҳам қўлимни эшикка қандай қўйганимни ва ўзимга ўзим шундай деганимни эслайман: “Биз бу жажжи жиянчамизни ерга кўммаймиз! Биз бунга рози бўлмаймиз!”.

Мен айтиб берган ҳар бир воқеада Худо Шоҳлиги таъсири ҳақидаги мулоҳазага яқун ясар эканман, сизнинг қўйидагиларни эслаб қолишингизни истаган бўлар эдим: Шоҳлик қонунлари ҳамма жойда ва ҳамма учун ишлайди! Китобнинг бошида ерда табиат қонунлари доим бир хил натижа келтириб чиқаришини айтган эдим. Улар адолатлидир ва уларни ўрганадиган ва қўллайдиган ҳар бир киши учун улар хизмат қилади. Электр энергияси Африкада қандай ишласа, АҚШда ҳам худди шундай ишлайди, уларнинг ишлашида бирор фарқ йўқ.

Худо Шоҳлиги – яширин бўлса-да, аниқ қонунларга эга эканини тушуна бошлаганимда, ўз саволларимга жавоб топганимни тушундим. Мен Худонинг Ўз баракаларини бермай турмаслигини ёки муҳтож пайтимда менга ёрдам беришни истамаган Худо эмаслигини англаб етдим. Худо Исо Масих орқали менга ҳаёт учун барча зарур нарсани беради деган хулосага келдим. Исо Масих Ўзининг қурбонлик қони билан Осмон Шоҳлигида аталган барча нарсага йўл очиб берди. Энди мен Шоҳлик, ҳаётимда ўрганишим ва қўллашим мумкин бўлган аниқ қонунларга таянишини тушунаман.

Мен Шоҳликнинг бошқа қонунларини очиб бериши мумкин бўлган калитларни излаб, Инжилдаги ҳар бир воқеани янгидан

Ўқий бошладим. Менга аллақачон таниш бўлган инжил воқеаларида мўжизаларнинг содир бўлиши сабабини тушуниш учун ўзимни руҳий дунёни тадқиқ қилиш ишига бағишладим.

Юҳаннонинг биринчи мактубидаги оятлар кўпчилик одамларга фалати ёки қизиқ туюлади. Бу оятларни сиз албатта ўқиганингизни биламан, бироқ келинг, бу матнни яна бир марта ўқийлик. Чунки у бизнинг жавобимиз бўлган ҳақиқатни етказди.

Биз абадий ҳаётга эга бўлганимиз учун Худонинг ҳузурида дадил бўламиз, чунки Худонинг иродасига кўра, нимани сўрасак, У бизга қулоқ туттишини биламиз. Худо ибодатларимизга қулоқ тутар экан, демак ибодатларимизга жавоб олганимизга тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз.

– 1-Юҳанно 5:14-15

Мен бу оятни яхши кўраман, чунки бу ерда қонун ҳақида гапирилган. Қонун эса адолатли ҳукмнинг амалга оширилиши учун бизга ишонч бағишлайди. Биз қўйидаги вазиятда дадил бўламиз: агар биз бирор нарсани Худонинг иродасига мувофиқ (қонунга кўра ёки Худо учун тўғри бўлган вазиятга биноан) сўрасак, у ҳолда Худо бизга қулоқ солади. “У қулоқ тутди” жумласи гарчи Худо биз талаффуз қилаётган сўзларни эшитаётган бўлса ҳам, бу шунчаки Унинг сўзларга қулоқ солишини англатмайди. Бу жумлада У бизнинг ишимизни кўриб чиқаётгани гапирилган. Агар ўзининг шахсий ҳиссиётларига эмас, балки қонунга таяниб (лоақал ўзи шундай бўлиши керак) бирор ишни кўриб чиқаётган ҳакам ҳақида фикр юритилганда, бу оят сиз учун тушунарли бўлади. Худо бизга қулоқ солади – бизнинг ишимизни кўриб чиқади ва биз қонуний ҳуқуқимиз бўлган адолатли ҳукмнинг амалга ошиши учун ишончимиз комил бўлади.

Азиз дўстим, ҳозир сиз тўхташингиз ва бу оятни яна бир марта

шошилмасдан ўқиб чиқишингиз керак деб ўйлайман. Агар сиз ўқиганингиз ҳақиқат бўлса, аслида ҳам шундай, у ҳолда сизнинг ҳаётингиз шодликка тўлиши керак! Бунини тушунмасдан ибодат қилаётган одамларда имон бўлмайди. Улар шунчаки ибодат сўзларини такрорлайдилар. Исо бизга Матто 6:7-13 да шундай деган:

Ибодат қилаётганингизда, бутпарастлар каби, беҳуда сўзларни ҳадеб такрорлайверманг. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар.

– Матто 6:7

“Беҳуда сўзлар” жумласи ўйламасдан сўзларни ва товушларни такрорлашни англатади. Кўп одамлар айнан шундай ибодат қиладилар. Улар ўзларининг адолатли ҳукм ҳақидаги қонуний ҳуқуқлари тўғрисида ва Худо аллақачон Ўзининг Шоҳлигида нима берганлиги ҳақида мутлақо хабари йўқ. Сизга аллақачон тегишли бўлган нарса учун ялинишингиз ва тилаб олишингиз керак эмас!

Йўлда турган полиция ходимини тасаввур қилинг. У текшириш учун юк машинасини тўхтатмоқчи бўлиб: “Илтимос, тўхта! Менга раҳминг келсин! Илтимос қиламан, азизим, тўхтасангчи!”, деб йиғлаб ёлворишни бошлайди. Бундай ҳатти-ҳаракат мақбул ҳисобланмаган бўлар эди ва Қўшма Штатларни ҳамда бизнинг бутун қонунни ҳимоя қилувчи тизимимизни обрўсизлантирган бўлар эди. Йўқ, полиция ходими қаддини ростлайди ва юк машинасининг тўхташи кераклигини аниқ айтади. Юк машинаси тўхтади, чунки у бу мамлакатнинг ҳукумати вакили бўлган зобитга итоат қилишга мажбур.

Худодан раҳм-шафқат сўраб ёлвораётган одамлар Унинг Шоҳлиги қонуни ҳақида ёки ўз мавқеи тўғрисида ҳеч нарсдан хабари йўқ. Агар йўлдаги полиция юк машинаси ҳайдовчисидан тўхташни сўраб ёлворганда, бу мамлакат учун шармандали ҳолат

бўлар эди. Чунки бу ҳатти-ҳаракат давлатнинг на қонуни, на обрўси борлигидан далолат берар эди. Бундай давлатда анархия ҳукмронлик қилган бўлар эди. Масиҳийлар Худодан қайта ва қайта ёлвориб сўрасалар, бу ҳатти-ҳаракат Худо Шоҳлигини уларга жавоб бермаётган заиф шоҳлик сифатида акс эттиради. Бу эса одамларни Худо уларга ёрдам беришга тайёрлиги ва имкони борлигига шубҳаланишга мажбур қилади. Аслида улар сўраётган нарсани олишлари учун уларнинг аллақачон ҳуқуқлари бор. Исо тилаб олаётганларга, ибодатларда раҳм қилишни сўраётганларга Ўз муносабатини аниқ қилиб кўрсатган ва “Бундай қилманглар!”, деган.

Ибодат қилаётганингизда, бутпарастлар каби, беҳуда сўзларни ҳадеб такрорлайверманг. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар. Уларга ўхшаманглар, чунки осмондаги Отангиз сўрамасингиздан олдин нимага муҳтожлигингизни билади. Сизлар эса шундай ибодат қилинглар: Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас номинг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин. Бугунги ризқимизни бергин. Бизга қарши гуноҳ қилганларни биз кечиргандек, Сен ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилмагин, ёвуз шайтондан халос қилгин”.

– Матто 6:7-13

Бу оятда Исо қандай ибодат қилишни ўргатаётганини унутманг. Афсуски, кўпчилик одамлар бу сўзларни чиройли ҳошия ичига жойлаштириб, уйларидаги деворга осиб қўядилар ва унинг маъносини умуман тушунмайдилар. Бу ибодатни “Бизнинг Осмондаги Отамиз” деб аташади. Унинг ёрдамида Исо Ўз

шогирдларини ибодат қилишга ўргатган. У айнан шу сўзлар билан ибодат қилиш керак деб айтмаган. Лекин кўпчилик жамоатлар шундай қилишади. Бу ибодат сўзлари, уларни шунчаки ёдлаб олиб, кейин айтиш учун келтирилмаган. Ушбу сўзлар қандай қилиб натижа олиш учун ибодат қилишга қаратилган қўлланмадир.

“Сенинг Шоҳлигинг келсин. Осмонда бўлгани каби, ерда ҳам Сенинг ироданг бажо бўлсин” – бу ибодат учун йўл-йўриқдир. Ибодат қилиш орқали биз осмондаги Худонинг иродасини ерга ва бизнинг ҳаётий вазиятларимизга келтиришимиз керак. Демак, сизнинг жавобингиз қандай? Худо айтаётган нарсалар сизга тегишли эканига ишониш ҳамда Самодагини ерда амалга ошириш, сиз ва сизнинг атрофингиздаги одамлар муҳтож бўлган нарсаларни бериш учун Осмон Шоҳлигида ўз қудратингизни ишлатишингизга ишонингиз лозим.

Келинг, бир дақиқага тўхтайлик ва бу ҳақида ўйлаб кўрайлик. Агар сиз ҳеч шубҳа қилмасдан ибодатингизнинг самарали эканини ва бутун Само уни қўллаб қувватлаётганини билганингизда, бу сизга ибодатда ишончингизни оширган бўлар эдими? ҲА!!! Сиз Осмон Шоҳлиги фуқароси сифатида ўзингизнинг қонуний ҳуқуқларингизни яхши билиб, сизга нима берилганини яхши тушунганингизда ва сўралган нарсани олиш жараёнини англаганингизда, сиз бу қонунларнинг афзалликларидан ҳузур қиласиз ва тамомила янги ҳаёт - Шоҳлик ҳаёти билан яшайсиз. У ҳолда сизнинг қўрқув ёки ишончсизлигингиз нима бўлган бўлар эди? Бу билимлар қандай қилиб келажақда сизга ишонч ва бўрон пайтида тинчлик берган бўлар эди? Биз Дренда билан Шоҳлик ҳақида ўрганиб борганимиз сари Шоҳлик ўзининг шундай таъсирини ўтказиб борар эди. Биз кўпинча ўзимиз дуч келган кашфиётлардан таъсирланар эдик. Буни бошқача сўзлар билан ифодалашимга ижозат беринг. Биз доим ўзимизнинг кашфиётларимиздан таъсирланар ва ҳайрон бўлар эдик! Бундан ташқари биз Худо жамоат орқали ҳаракат қилиши ва ерда Ўз

ҳукмронлигини амалга ошириши учун Унинг жамоатга берган ҳокимиятидан ҳайратда қолган эдик.

Ҳаёт ато этувчи Рухнинг ҚОНУН-ҚОИДАСИ Исо Масиҳ орқали бизни гуноҳдан ва ўлимга етаклайдиган ҚОНУНДАН озод қилди.

– Римликлар 8:2

Биз “гуноҳдан ва ўлимга етаклайдиган қонундан” озод бўлганимиз ва Шоҳликка ҳамда “Ҳаёт ато этувчи Рухнинг қонун-қоидаси”га эга бўлишимиз ҳақидаги ҳақиқат бизни шодликка тўлдирар эди. Шунингдек, бу қонун Шоҳликнинг солиҳлигини айнан бизни ҳаётимизда амалга ошираётганини кузатиш бизни янада руҳлантирарди.

Шоҳлик менга жисмоний ҳамда руҳий шифо топишимга имкон берди - мен янги умидга эга бўлдим ва антидеприссантлардан озод бўлдим. Мен 1800-йилда қурилган ярим вайрона уйнинг ижарасини тўлаш мақсадида 300 доллар пул учун курашиб юрган пайтимда, У менинг қашшоқликдан чиқишимга ёрдам берди ва кенглиги 700 кв. метр ва 23 гектар чиройли ери бўлган янги уйни қуриш ва тўловини тўлиқ амалга ошириш имконини берди. Менинг хотиним мени кўпроқ яхши кўра бошлади! Ҳар куни бузилмайдиган муносиб машиналарда юриш имконияти бу - бебаҳодир. Бор йўғи бир неча йил аввал Хушхабар ваъзалари учун юз минглаб доллар бераман деб ўйламаган эдим. Шоҳликнинг ҳаёти ва нури зулматни ҳайдади. Худо Ибтидо китобида Ўз ижодига қараб: “Жуда ажойиб” деб айтганига ўхшаб, мен ҳам ўз ҳаётимга ҳайрон қолиб қарайман ва шундай дейман: “Ажойиб! Жуда ажойиб!”

Дренда ва мен шу қадар руҳландикки, бизни тинглашга тайёр бўлган ҳар қандай кишига Шоҳлик ҳақида ва ўзимизнинг воқеамиз тўғрисида сўзлаб берар эдик. Жамоатимиздаги одамлар ҳам бу

“тўлқинни тутиб олдилар” ва уларда ҳам шунга ўхшаш натижалар бўлди. Улардан бири бизнинг 12 ёшли қизимиз эди. У Худо қанча иш қилганини кўрар эди ва ҳаётимизда Шоҳликнинг мустаҳкам қонунлари қандай ишлаётганининг доимий гувоҳи бўлиб келган. У бизга қараб бу қонунлар ҳақида ўрганаётганини билар эдим. Бироқ бир воқеа унинг кўп нарсани ўрганганини кўрсатди.

Бир куни хайрли тун тилаш учун қизимнинг хонасига кирдим ва унинг хонасида бир янги нарсага кўзим тушди. Унинг деворида кичкина бароқ итнинг расми осилган эди. Озроқ тажрибага эга ҳар қандай ота-она учун бу белги – тайёр бўлинг, тез орада сиздан кучук олиш ҳақида сўрай бошлашади, деган маънони англатади. Мен бунинг олдини олишга ҳаракат қилдим. Чунки уйда биз учун яна бир кучукнинг кераги йўқ деб ҳисоблар эдим. Кирстеннинг опаси Поллида аллақачон кучук бор эди ва у умумий хонада яшарди. Яъни Поллининг кучуги доим Полли ва Кирстен билан бирга эди.

Мен Кирстенга расм жуда чиройли эканини, бироқ уйда яна битта кучукнинг керак эмаслигини мулоимлик билан айтдим. Агар у кучук билан ўйнашни истаса, у ҳолда ўз опасининг кучуги билан бирга кўпроқ вақт ўтказиши кераклигини тушунтирдим. Ўша кеча Кирстен менга ҳеч нима демади, шунчаки эшитганини эътиборга олиб қўйди. Мен бу масалага барҳам берилди деб ўйлаган эдим, лекин бир неча кундан сўнг ундан кичик бароқ кучук ҳақидаги гапларни эшита бошладим. Масалан, у: “Кичик бароқ кучукни олсак ёмон бўлмас эди”, “Улар қанчалик ёқимли ва момиқ бўлади”, дер эди. Сўнг у интернетда топган бундай кучукларнинг расмларини менга кўрсата бошлади. Мен яна унга “йўқ” деб жавоб берар эдим. Мен уйда оила бошлиғи эдим ва уйда яна битта кучук сақламаймиз деб ҳисоблардим.

Шундай қилиб, мен бу масала ёпилди деб ўйлаган эдим. Бироқ орадан бир ой ўтгач жамоатдан уйга қайтиб келганимизда Кирстен

ишонч ва юзида табассум билан менга шундай деди: “Ота, мен сиз ўргатганингиздек бугун ўз кучугимни имон билан олдим!” Мен унга уйда яна битта кучук масаласида ўзимнинг илгариги қароримни эслатишга мажбур бўлдим. У юзидаги табассумни йўқотмасдан менга деди: “Бироқ ота, менинг онам, Худо шоҳларнинг қалбини ўзгартиришга қодирлигини айтди”. Унинг сўзлари менга нисбатан исён эмас эди. У шунчаки ўз онасининг сўзларига қўшилган ва Худо менинг қалбимни ўзгартириши учун ибодат қилган эди. Мен тузоққа тушдим. Энди мен унинг ўз онаси билан биргаликда барча нарсани гаплашиб олганлигини ва унинг онаси Худо ҳақиқатдан ҳам менинг қароримни ўзгартириши мумкинлиги ҳақида уни руҳлантирганини тушундим.

Бундай далладан илҳомланган менинг қизим жамоатда имон билан ҳаракат қилган, орзуси ҳақидаги уруғни эккан ва имон билан кучукни олганини эътироф қилган. Бироқ мен яна ўжарлик қилдим. Уни яхши кўришимни айтиб, яна ўз фикримни тушунтирдим: “Бизнинг уйда яна битта кучук бўлмади”. Мен жуда афсусда эканимни ва бунинг иложи йўқлигини айтдим. Менинг сўзларим уни ҳавотирга солмаётгандек туюлди. У менинг олдимдан жилмайиб чиқиб кетди. Мен яна бу масала ҳал бўлди деб ўйладим.

Тахминан бир ой ўтгандан сўнг, мени Миссисипидаги кичик бир жамоатга ваъз қилиш учун таклиф қилишди. Бу катта экин далалари билан ўралган шаҳар четидаги кичик бир жамоат эди. Биринчи куннинг охирида чўпон менинг олдимга келди ва Худо унга йиғилиш давомида нима деганини гапириб берди. У шундай деди: “Сиз бу ҳақида эшитгансизми ёки йўқми, билмадим, лекин мен кичик бароқ итларни боқаман. Худо менга кучук боласидан бирини сизга совға қилишимни айтди. Улар ҳозир олти ойлик ва янги жойда яшашга тайёр бўлишган”. Мен ҳайрон бўлганимдан оғзимни очиб турар эдим. Мен ҳали ҳам бошқа кучук олмаслик қароримдан қайтмаган эдим, шунинг учун: “Мен ўйлаб кўришим

керак”, дедим. Мен унинг кучукларни боқиши ҳақида умуман хабарим йўқ эди ва албатта, бизнинг Кирстен кучук олмоқчи экани унга ҳақида ҳеч нима демаган эдим.

Охири мен чидай олмадим ва Дрендага бўлган воқеани ҳамда уйга янги кучук олишга хоҳишим йўқлигини айтиб бердим. У менга қараб шундай деди: “Сен қизингнинг имонини рад қилмоқчимисан?” Дренда ҳам иккинчи кучук олиш фикридан хурсанд эмас эди, бироқ у Кирстенни яхши кўргани учун яна бир ҳайвоннинг уйга келиши билан пайдо бўладиган ҳар қандай ноқулайликларга сабр қилишга рози эди. Худо қизимизнинг имонига жавобан унга кучукни берди. Мен унга қандай рад жавоб беришим мумкин эди? Охири мен ўша чўпонга унинг кучугини олишимни айтдим.

Биз Кирстенга ҳеч нима айтмадик, фақат унинг опаси бизни кутиб олишга аэропортга борганида Кирстенни ўзи билан олиб келишини сўрадик. Кирстен аэропортга келди, биз самолётдан тушдик ва унинг қўлига кичик сумкани тутқаздик. Бу сумкани кучук ташиш учун махсус сотиб олган эдик. Кирстен кичик кучук боласини кўрганида йиғлаб юборди. Атрофдаги ҳаёт тўхтаб қолгандек бўлди. Атрофда турган барча одамлар бу сахнани кузатиш учун тўхтадилар. Улар узоқ вақт турдилар ва қўлида кучукчани ушлаб йиғлаётган қизчамизга меҳр билан қараб турардилар. Дренда ҳаммага Кирстеннинг ишончи сабабли Худо бу кучукни бизга совға қилганини айтиб берар эди.

Ўша пайти мен қўлингизда кичик кучук боласи бўлса, ҳатто аэропортда ҳам хушxabар айтиш учун йиғилиш ташкил қилиш мумкинлигини тушундим! Ҳамма одамлар кучук боласини кўришни истар эди ва аэропортдаги бутун одамлар тўдаси, ҳатто хавфсизлик хизмати зобитлари ҳам Кирстен билан бирга йиғлар эди. Ўша лаҳзада мен ўзимни ёмон ота сифатида ҳис қилдим. Мен бу кучукча қизимга қанча хурсандчилик келтирганини кўрганимда

ва Худо унинг имонига қандай жавоб берганини эслаганимда, менга бирдан шундай фикр келди. Қандай қилиб мен у учун шу қадар қимматбаҳо бўлган нарсанинг душмани бўлишим мумкин! У кучукнинг исмини Шекспир қўйди. Бу кучук ажойиб эди. У оиламизнинг ҳақиқий бир қисмига айланди. У мустақил бўлса-да, Кирстен қаерга бормасин, кеча-ю кундуз Унинг орқасидан эргашиб юрарди.

Бу таъсирли воқеани айтиб берар эканман, менда бир савол туғилди. Бу саволга жавоб керак ва бу жавоб аслини олганда мазкур китобнинг мақсади ҳисобланади: бу кучук қандай пайдо бўлди? Ахир шу пайтгача менга ҳеч ким ва ҳеч қачон кучукни олишни таклиф қилмаган эди. Менинг қизим орзу қилган ва Худодан сўраган ўша зотли кучукни менга таклиф қилиниши қандай содир бўлди? Бу тасодиф эдими? Албатта, йўқ. Бу оиламиз ҳаётида аниқ кўриниб турган Худо Шоҳлиги ишининг ва унинг қонунларининг бевосита натижаси эди. Улар ҳар доим ва ҳар жойда, имони бўлган ва ерда Шоҳликнинг ҳокимиятига йўл очиб берадиган ҳар бир киши учун натижалар берди. Биз айнан Худо Шоҳлиги бизга бу кучукни ҳада қилганини эътироф қилишимиз мумкин. Бу қандай содир бўлди? Айнан қандай қонунлар бу ҳаракатни келтириб чиқарди? Умид қиламанки, бу китобни ўқиш давомида сизда аниқ жавоблар пайдо бўлади. Улар сизнинг Худо Шоҳлигидан завқланишингизга ёрдам беради. Сиз бу Шоҳликнинг фуқаролари эканингизни унутманг, сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз ва имтиёзларингиз бор! Бироқ дастлаб сизга оиламиз ҳаётидан Шоҳлик ҳақида яна бир воқеани сўзлаб беришимга ижозат беринг.

4-БОБ

УЛКАН БАЛИҚ

Дренда ва мен, биз ерда эга бўлган Худонинг Шоҳлиги ва ҳокимияти ҳақида билиб борганимиз сари, биз айнан одамларнинг ўзлари, улар қандай яшашини белгилашларига тобора амин бўлиб бораверардик. Худонинг Шоҳлиги ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига таъсир ўтказган эди, лекин айнан биз, ўзимиз учун зарур бўлган ёки олишни истаган баракаларни ерда амалга оширишимиз лозим эди. Бу ўз-ўзидан содир бўлмади. Бизнинг қизимизни ити билан бўлган воқеа шунини кўрсатди: ҳеч нарса, уни Шоҳликнинг ҳокимиятига бермаслик учун ўта аҳамиятсиз ёки арзимас эмас. Биз буни англаганимизда, биз учун имконсиз ёки эришиб бўлмайдиган ҳеч нарса қолмади. Мен бутун ҳаётим давомида, Худо бизга Шоҳликни – БУТУН ШОҲЛИКНИ – лаззатланиш учун берганини билмаганман ва тушунмаганман. Шунинг учун Худонинг Шоҳлиги бизнинг ҳаётимизнинг ҳар хил соҳаларига, ҳатто энг кичик ва аҳамиятсиз соҳаларига таъсир ўтказаяётганини кўриш жуда қувончли. Бунга мисол қилиб келтириш учун, мен сизларга яна бир воқеани гапириб бермоқчиман. Бу воқеа улкан балиқ ҳақида.

Бу биз оиламиз билан Аляскада дам олаётган пайтимизда содир бўлган эди. Бизнинг у ерга борганимизни ўзи, менинг

орзуимни амалга ошгани эди. Биз Аркорижга учиб келдик, уч ҳафтага автофургон ижарага олдик ва бутун ғарбдаги соҳилни айланиб чиқдик. Бу ажойиб эди! Бир куни Кенай яриморолининг соҳили бўйлаб ўтаётганимизда, биз катерлардан бирининг бортида катта балиқ осилиб турганини пайқадик. Денгиз бўйида ижарага бериладиган кўп катерлар бор эди ва ҳамма жойда худди шунақа катта балиқлар осилиб турарди. Кўринишидан улар катта қалқонбалиққа ўхшарди. Ўша пайтда мен ҳеч қачон палтусни кўрмаган эдим, у ҳақида ҳеч нарса билмас эдим, лекин бу балиқлар жуда катта эди. Биз ҳайрат билан катердан катерга ўтардик ва уларнинг ҳаммасида палтусни овлаш рекламаси осилиб турарди. Тўсатдан менинг рафиқам менга бурилиб, шундай деди: «Мен палтусни тутишни хоҳлайман, балиқ овлашга эса, мана бу капитан билан боришни истайман». У масиҳийча балиқ тимсолининг расми бўлган рекламани кўрсатди. Бошида мен лол қолдим: «Сен палтус тутмоқчимисан?» Авваллари у ҳеч қачон балиқ тутиш истагини намоён қилмаган. Лекин у қатъий туриб олди, шунинг учун биз тўхтаб, офисга кирдик. Офиснинг ишчилари бошқа миждоз билан банд эдилар, шунинг учун биз атрофни бироз кўздан кечиришга ҳамда эълонлар тахтачасига жойлаштирилган маълумотни ўқишга қарор қилдик. Улардан бирида биз шу пайт палтусни овлаш бўйича ўтказилган «Палтус Дерби» мусобақалари ҳақида ўқиб чиқдик, бу мусобақалар охирига етаётган эди. Биз бунинг нима эканини билмас эдик, ҳойнаҳой сиз ҳам билмассиз, шунинг учун мен тушунтираяпман. «Палтус Дерби» - бу ижара катерларнинг капитанлари ўртасидаги ким бир ой мобайнида энг катта палтусни тутиши борасидаги мусобақа. Ғолибнинг расми рўзномада чиқади ва у пул мукофотига эга бўлади. Биз Дренда билан балиқ овлаш билан шуғулланишга барибир қарор қилган эканмиз, бир йўлакай мусобақаларга қўшилиш ҳақида гаплашиб олдик. Иштирок этиш учун биз унча катта бўлмаган маблағни қўшишимиз керак эди, айнан ўшанда ҳамма нарса содир бўлди.

Шунчалик дилбар ва латофатли Дренда, мен томонга бурилди ва ушбу капитаннинг ишини ҳамма тан олиши, чунки у – масихий экани ва Худо бу орқали улуғланишини айтиб, мусобақада ғолиб келишга тайёр эканини билдирди. Шундай қилиб, бизнинг ёзиладиган навбатимиз келганида, Дренда «Палтус Дерби»да ғолиб бўлмоқчи эканини: ушбу ғалаба орқали Худо улуғланишини, бу капитаннинг ташкилоти эса таниқли бўлишини, чунки унинг масихийча бизнеси борлигини жасорат билан айтди. Албатта, сиз бу капитаннинг бошида қанақа фикрлар бўлганини тасаввур қилаётгандирсиз. Ҳеч шубҳасиз, ҳар бир киши бу мусобақада ғолиб бўлишни истарди ва менинг ишончим комилки, у бунақа эълонларни, агар у балиқ овлашга олиб борган саёҳатчиларнинг ҳаммасидан бўлмаса ҳам, кўплардан эшитган. Лекин, менинг шунга ҳам ишончим комилки, Худонинг шарафи учун ғолиб бўлишга амин бўлганлар, кўп эмас эди.

Нима бўлишидан қатъий назар, капитан Дренданинг айтганлари ва мусобақа борасида кўп гапириб ўтирмади. Биз денгизга чиқдик ва палтусни овлашга киришдик. Дренда кеманинг эгаси ҳисобланган капитанга, мусобақада ғолиб келиш учун палтуснинг катталиги қанақа бўлиши ҳақидаги саволни ҳар доим бериб турди. У шунчаки, балиқ биз ҳозиргина тутганимиздан каттароқ бўлиши кераклигини айтарди, бу эса Дрендани у ҳар сафар навбатдаги балиқни тутганида ушбу саволни қайтадан беришга ундарди. Дренда 20 килограммли палтусни тутганида, капитан унинг етарли даражада катта эмаслигини айтарди. Кейин у 30 килограммли балиқни тутди, лекин у ҳам етарлича катта эмас эди. Албатта, ҳар бир киши палтуснинг жуда мазали балиқ эканини билади ва биз бу балиқни уйга юбормоқчи бўлдик. Битта саёҳатчига кўпи билан иккита балиқ олиш мумкин эди, шунинг учун биз 30 килограммли палтусни ўзимизга олиб қолдик.

Кун кечга қараб борарди ва қоронғулаша бошлади. Менинг ўғлим Томнинг, қизим Поллининг ва менинг лимитим аллақачон

иккита балиқ билан тугаган эди. Бошқа иккита фарзандим, Эми ва Тим, анжуманга улгуриш учун, уйга эртароқ учиб кетган эдилар ва улар биз билан эмас эдилар. Дренда, албатта 30 килограммли овнинг эгасига айланди, лекин тутилган балиқларнинг бирортаси ҳам мусобақада ғолиб келмас эди. Бироқ Дренда, ўзининг улкан балиғини тутишига шубҳаланмас эди. Оқшом яқинлаша бошлади ва капитан бизга анжомларни тахлаш кераклигини айтди. Бизнинг денгиз бўйига қайтадиган вақтимиз келиб қолган эди. Капитан бизнинг қармоқларимизни ўрашга ҳамда анжомларимизни тахлашга ёрдам берар экан, Дренда унинг буйруғини эътиборга олмас эди. Дренда унга ҳеч бўлмаса яна бир неча дақиқа беришни илтимос қилди ва қайтадан балиқни – яъни «Палтус Дерби»нинг ғолибини тутишини эълон қилди. Капитан бир неча дақиқа кутиб турди, кейин эса унинг олдига: - «Кечиринг, лекин бизнинг ҳақиқатан ҳам қайтадиган вақтимиз бўлди», деган сўзлар билан борди.

У Дренданинг қармоғини олишдан сал олдин, қармоқнинг дастаси бирданига силтаниб кетди. Шубҳасиз, қармоқнинг энгаши ва ғалтакнинг зўриқишдан мунгли оҳангда ғичирлаганига қараганда, бу катта балиқ эди. Капитан балиқнинг вазнини ҳис қилиш учун қармоқнинг дастасини ушлаш кетди ва бу шунчаки катта балиқ эмас, балки бу ҳойнаҳой, ақула бўлса керак деб ўйлади. Капитан бу балиқ қармоқни тортганидан кўриниб турганини айтди. Дрендага бу балиқни энг тўздан – деярли юз метр чуқурликдан чиқариб олиш учун бир мунча вақт ва унинг бор кучи керак бўлди. Балиқ юзада пайдо бўлганида, ҳамма унинг жуда катта палтус – Дренданинг ўзидан ҳам каттароқ эканини кўрдилар.

Балиқни бортга тортар эканмиз, капитан уни тирик қолдириш учун жуда катта эканини: у ўзини ҳар ёққа уришини, бундай катталиги билан эса, одамларга ҳам, катерга ҳам зарар етказиши мумкинлигини айтди. Бунақа катта балиқлар учун унинг махсус

электрошокери бор эди. Капитан электрошокерни палтуснинг бошига йўналтирди, лекин шу пайт балиқ бирданига силтанди ва разряд мақсадига эриша олмади.

Разряднинг товушидан балиқ яна бирданига ўзининг бор кучи билан силтанди ва сувнинг тагига ғойиб бўлди. Шу вақт мобайнида 100 метрли қармоқ ипи бўлган ғалтак тарақлаб айланиб кетди ва биз қармоқнинг ипи бунақа вазни кутара олмаслигидан ёки илгак узилиб кетишидан кўрқдик, чунки балиқ сувнинг тагида телбаларча сапчиб ҳунар кўрсатарди. Дренда бор кучи билан бу катта балиқни ушлаб турарди. Дренда ўзи тутган балиғини қўйиб юбормасликка жуда ҳаракат қиларди; биз тўрт қўллаб қармоқни ушлаб тура олишимиз ва аста-секинлик билан балиқни юзага тортишимиз учун, мен унинг орқасидан қучоқлаб олишимга тўғри келди. Бу сафар капитан балиқни бортга чиқара олди ва бизларнинг ҳаммамиз унинг катталигидан ҳайратда қолган эдик.

Биз ўзимиз тутган балиқни торозида тортиш учун шаҳардаги майдонга олиб бордик, у ерда етарлича катталиқдаги торози бор эди. Палтуснинг оғирлиги 55 килограммни ташкил қиларди, унинг узунлиги эса, Дренданинг ўзидан узунроқ эди.

Бизнинг балиғимизни тортган эркак, бу мусобақа пайтида олиб келишган энг катта палтус эканини айтди. Лекин «Палтус Дерби» яна икки ҳафта давом этиши керак эди ва бизнинг балиғимиз ғолиб келиш келмаслигини биз аниқ билмас эдик. Албатта, тез орада биз Дренданинг номига чек, шунингдек унинг расми билан мақола ёзилган газетанинг нусхасини олганимизни фаҳмладингиз деб ўйлайман. Биз жуда хурсанд эдик!

Худонинг Шоҳлиги яна ҳаракатда эди! Ва мен яна савол бераман: «У балиқни қандай қилиб тутди?» Мен Дренда билан биргалиқдаги ҳаётимиз давомида бор йўғи икки марта уни балиқ овига олиб борганман ва бу аниқ унинг соққаси эмас эди. У балиқ овига боришни ва палтусни тутишни хоҳлаганида, мен ҳайрон

қолган эдим. Камига, у ғолиб бўлишга қарор қилди! Ва ғолиб бўлди! Биз капитан билан у ерда, Аляскада хайрлашаётганимизда, унга Худонинг Шоҳлиги ва биз балиқни қандай қилиб тутганимиз ҳақида гапириб беришимиз керак эди. Ғолиб ҳали расмий равишда эълон қилинмаган бўлса-да, бизнинг балиғимиз унинг эътиборини тортиш учун етарли даражада катта эди. Ва албатта, оқибатда у ғолиб бўлди!

Сиз бизнинг балиқ билан бўлган воқеамиз, аниқроғи Дренданинг балиқ билан бўлган воқеаси тугади, деб ўйлайсизми? Кимдир унинг шунчаки омади келган деб айтиши мумкин, лекин кейин мана нима содир бўлди. Беш йил ўтганидан кейин биз Дренда билан бир дўстимиз, чўпонни, бизлар билан Аляскага – сёмга балиғини тутишга боришни таклиф қилдик. Биз у ерга бутун оиламиз билан автофургонда саёҳат қилганимиздан бери бормаган ва у ерга яна қайтиб бориш учун ҳеч ҳам сабаб топа олмаётган эдик. Ва мана биз келдик, яна автофургонни ижарага олдик ва балиқ овига жўнаб кетдик, чунки сёмга балиғининг сузиб келиши авжига чиққан пайт эди. Балиқ овлаётган пайтда биз дўстимизга, Дренда қандай қилиб ўзининг палтусини тутгани ҳақида гапириб бердик. У аввал ҳеч қачон палтусни овламаган экан, шунда биз: «Демак, бошлаш вақти келди», дедик. Биз ўша жойга, ўша капитаннинг олдига боришга қарор қилдик, албатта, агарда у аввалгидек бу бизнес билан шуғулланаётган бўлса.

Биз у ерга борганимизда, унинг бошқа у ерда эмаслигини тушундик ва бошқа капитанни излашга тўғри келади деб ўйладик. Лекин аввал интернетдан таниш капитаннинг исмини топишга уринишга қарор қилдик, сабаби унинг катерини ёки ташкилотининг номи эсимизда йўқ эди. Қисқа қидирувлардан сўнг биз Дренда ва унинг ўлжаси ҳақидаги беш йил олдинги бўлган мақоладаги расмнинг нухасини топишга муяссар бўлдик. У ерда катернинг ва ташкилотнинг номи тилга олинган эди, шунинг учун бизга телефон рақамни топиш ва қўнғироқ қилиш қийинчилик туғдирмади.

Ташкилот ўзининг бизнесини юриштишни давом эттираётган эди, лекин улар бошқа жойга – етти километр нарига кўчиб кетган эдилар.

Биз офисга кирганимизда, столнинг атрофидаги аёл – ўша капитаннинг рафиқаси ва ташкилотнинг эгаси, бизларни кўриб: «Палтуслар овидаги ғолиб!», деди. Биз бунинг қандай бўлганини ва ўтган беш йил мобайнида нималар содир бўлганини қувонч билан муҳокама қилдик.

Ўша пайтда иқтисодий инқироз бўлган эди ва бизнес унчалик ҳам яхши даврларни бошдан ўтказмаётган эди. У одамлар энди саёҳат қилмаётганини ва балиқ овига олдингидек пул сарфламаётганларини ҳамда унинг турмуш ўртоғининг кайфияти йўқлигини айтди. Бизлар унга Худонинг Шоҳлиги ҳақида эслатдик, лекин у турмуш ўртоғи Худого хизмат қилишдан узоқ эканини айтди.

Биз бортга чиққанимизда, у Дрендани ҳам ва катта палтусни ҳам эслади. Менинг рафиқам ундан балиқ ови қандай ўтаётганини сўради ва у Дренда ўшанда «Палтус Дерби»да тутгани билан солиштирганида, улар ҳозир унча катта бўлмаган балиқларни овлаётганларини айтди. У бу ерда денгиз унчалик ҳам чуқур эмслигини ва катта балиқ сузмаслигини, лекин у ўзининг бизнесини, Дренда ўзининг ғолибини тутган ва чуқурроқ бўлган ўша жойдан узоқроққа ўтказишга мажбур бўлганини, чунки у ерда акула кўплигини айтди. Акулалар хўракни чуқурга туширишларидан олдин ейишга улгурадилар, шунинг учун хўракка кўп пул сарфлашга, шунингдек, бунинг учун кўп вақт йўқотишга тўғри келган.

**БИЗ БОРТГА
ЧИҚҚАНИМИЗДА,
У ДРЕНДАНИ
ҲАМ ВА КАТТА
ПАЛТУСНИ ҲАМ
ЭСЛАДИ.**

Биз улар бу ерда қанақа катталикдаги балиқни овлаётганларини сўрадик ва у 10-15 килограммдан ошмаслигини айтди. Шунда Дренда унга қаради-ю, шундай деди: «Сиз Худонинг содиқлигини билиб олишингиз учун, бугун мен катта балиқни – шу мавсумдаги энг катасини тутмоқчиман». Лекин у буни эшитиб, шунчаки кулиб қўйди. Кун бўйи биз капитан айтганидек 10 килограммми сёмгани тутдик ва у кун бўйи Дренданинг устидан унинг катта балиғи борасида ҳазллашаверди. Ўтган балиқ ови давом этаверди.

Куннинг охирида капитан бизга анжомларни йиғишни буюрди ва Дренда, ўтган сафаргидек, катта балиқни тутиш учун унга яна икки дақиқа кераклигини айтиб, унинг гапларига эътибор бермади. Яна капитан бироз давом этиб, тугатадиган вақт бўлганини айтди. Айнан шу пайтда қармоқнинг ипи бирданига тортилиб кетди, қисқасини айтганда, Дренда 35 килограммми балиқни тутди. Капитан яна жуда ҳайрон қолган эди.

Биз балиқ овидан кейин ресторанга борганимизда, у ерда кечки овқатни еяётган бошқа капитан билан суҳбатлашдик. Шунда у Дренданинг 35 килограммми балиқни тутишни уддалаганини эшитиб, ишона олмади. «Сиз қаерда балиқ тутдингиз? Қанақа чуқурликда?» У айнан қаерда шунақа катта балиқни тутиш мумкинлигини билмоқчи бўлди. Ресторандан кетиб, биз бирга балиқ овлаган ўша тишкilotнинг офисини ёнидан ўтишга ҳамда балиқни уйга юбориш учун буюртманомани тўлдиришга қарор қилдик.

Капитанимизнинг олдидан кетишдан олдин, биз унга Худонинг Шоҳлиги ҳақида гапириб бериш учун яна битта имкониятдан фойдаландик. Мен унга қарадим-у, шундай дедим: «Сиз ҳақиқатан ҳам унинг қандай қилиб бу иккита балиқни тутганини аниқлашингизни истайсизми? Шоҳликнинг қонунлари пуллар масаласида ҳам шундай ишлайди». Бу сафар биз унинг эътиборини жалб қилдик, ҳар ҳолда, бизнинг сўзларимиз уни қизиқтирди. Биз

унга менинг «Пул масаласининг ечими» номли китобимни совға қилдик ва кетдик.

Дренда томонидан тутилган ўша иккита балиқ тасодифмиди ёки Шоҳлик қонуни ҳаракатининг натижасимиди? Буни ўзингиз ҳал қилинг, лекин биз Дренда билан кўп йиллар олдин бир ечимга келганмиз. Бизнинг фақатгина балиқ ови билан бўлган воқеамиз эмас, балки қарзлар юкидан озод бўлганимиз, шифоланганимиз – бизнинг Худо Шоҳлигига оид барча кечинмаларимиз тўлқинлантирувчи ҳамда ҳаётни ўзгартирувчи эди. Бошқа одамлар ҳам Шоҳликни бошларидан кечирдилар. Мана, Дренданинг воқеасини эшитган бир аёлнинг хати.

Гэри ва Дренда, сизларга салом!

Сизнинг, Дренда қандай қилиб совринли палтусни тутгани ҳақидаги китобингизни ўқиб, мен ҳам сизлар билан ўзимнинг балиқ ҳақидаги воқеам билан бўлишим керак деб ўйладим. Яқинда биз оиламиз билан Флориданинг Канаверал бурнидаги Коко-Бичга дам олгани борган эдик. Менинг турмуш ўртоғим Роберт, кейинчалик имкони борича балиқни уйга, Колорадога олиб кетиш учун, чуқур сув остида балиқ овлашни хоҳлади. Биз саёҳатни бир неча ой илгари режалаштирган эдик ва турмуш ўртоғим балиқ овига боришни хоҳлаётганини айтганида, мен руҳланиб: «Кел! Кел яхши балиқ ови бўлади деб Худога ишонайлик!», дедим. Мен Бобдан Флоридада, биз балиқ овламоқчи бўлган жойда қанақа балиқлар сузишини сўрадим. У менга номларини айтган балиқларнинг ичидан, мен улкан қизил луциан ҳақида ибодат қилиш ва ишонишга аҳд қилдим.

Узоқ кутилган кун келди, капитан ва экипаж бизларга қўлланмаларни бераётганларида, биз бортда турган эдик. Мен улкан қизил луцианни тутишимни эътироф этишда

давом этавердим ва капитан ҳали гапириб турганида, менинг ҳаяжоним ўсиб бораверди. Капитан бортга олиш ва ов сифатида қолдириш мумкин бўлмаган бир нечта балиқларнинг номини айтганида, менинг ҳафзалам қанчалик пир бўлган эди! Булар: денгиз олабуғаси, қалқонбалиқ ва қизил луциан эди! «Хуш нима, - деб ўйладим мен, - мен ишоним учун у ерда яна қайси балиқлар бор эди?»

Мен ўзимнинг имонимни синаб кўриш имкониятини ўтказиб юборишни хоҳламасдим. Мен: «Раббий, мен улкан қизил луцианни тутишга ишонган эдим. Шундай бўлсин ҳам. Уйга эса бошқа балиқни олиб бораман!»

Кеманинг саҳнида туриб, мен 8 ёшли қизим Рэйчелга бурилдим ва: «Ёдда тут, сен бугун балиқ тутаман деб Худога ибодат қилишинг ва ишонинг мумкин. Сен ишонасанми?» У жилмайди ва маъқуллаб бошини силкиб қўйди. Мен худди ўша илҳомлантирадиган сўзларни менинг 21 ёшли катта қизим, Жорданга айтдим. У менга ҳайрон бўлиб қаради, лекин кейин рози бўлди. Мен Бобга қарадим ва: «Келинлар, катта овга ишонайлик!», дедим.

Бир неча соат ўтди ва қармоқларимизнинг иплари бирор марта ҳам қимирламади. Лекин тўсатдан Рэйчелнинг қармоқ ипи бирданига тортилиб кетди, у жуда хурсанд бўлди ва отасини ёрдамга чақирди. Бир неча дақиқадан кейин улар атлантик акуласини чиқариб олдилар! Ана холос! Рэйчел ўзининг жавобини олди! Биз уни мақтаб қўйдик. Мана бу ов!

Балки ҳеч нарса тутмасан, деб ўйлай бошлаганимни эслайман. Лекин мен бу фикрларнинг олдини олдим ва аллақачон ўзимнинг балиғимни олдим деб эътироф эта бошладим. Мен ўтирдим, бўшашдим ва Худо қандай қилиб: «Агар сен тинчлансанг ва Менга, сенинг олдинга балиқни олиб келишимга ижозат берсанг, сен уни оласан», деганини

эшитдим. Мен албатта, балиқчи эмаслигимни ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзимнинг қобилиятларимга умид қилмаслигим кераклигини билардим. Мен ўтирдим, чуқур нафас олдим, Худога таяндим ва кута бошладим. Йигирма-ўттиз дақиқалардан кейин менинг қармоғимни ипи нимагадир илиниб қолгандек бўлди, лекин бу балиқ бўлиб чиқди.

Менинг турмуш ўртоғим менга нима қилиш кераклигини айтди, кейин капитан қўшилди. Мен балиқни юқорига тортаётганимда, у менинг илгагимда катта балиқ борлигини, ҳойнаҳой, бу улкан қизил луциан эканини айтди. У бунинг қанақа балиқ эканини, уни кўришдан олдин билганига мен жуда ҳайрон қолган эдим! Шундай қилиб, мен тортишни давом эттирдим ва менинг 10 килограммли улкан қизил луцианим, сувнинг устида пайдо бўлди! Мен шунчалик қувонч ва ҳаяжон билан Худога миннатдорчилик билдирдим! Менинг қатъий ишониш тизимимда ёриб ўтиш содир бўлганини билардим. Мен Дренданинг аминлиги ҳақида ёдда тутишда давом этардим ва худди шундай имон ҳамда аминликка эга бўла оламан деб ўйлардим. Ва мана мен истаганимни олдим ва у шунга арзир эди.

Сизнинг хизматингиз учун ва ўзингизнинг китобларингизни, шу жумладан «Имон билан ов қилиш» китобини ёзганингиз учун раҳмат. Менга баракаларнинг катта ўлчамига ўтишимга ёрдам берган сизнинг хизматингиз учун Худодан миннатдорман. Мен келажакка янаям каттароқ имон ҳамда илҳом билан қарашни бошладим. Мен шунингдек, бу тажриба қандай қилиб бизнинг оиламизга ёрдам берганини ҳам биламан!

Ҳурмат билан,

С. Т.

БУ КИМНИНГ ТАНЛОВИ ЭДИ?

Аввалги воқеаларнинг ҳаммасида, биз қандай қилиб Худонинг Шоҳлиги бу ердаги воқеликларда итни, балиқни, ипотекани тўлаш учун маблағ, бизга зарур бўлган машина ва уйларни, учта фарзандимизнинг нажоти ва ҳоказолар яратганини кўрдик. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Худонинг Шоҳлиги ёки менга буни янаям шахсийроқ қилишимга ижозат беринг, бизнинг Худоимизнинг Шоҳлиги томонидан амалга оширилган эди! Бизлар ҳайрон бўлмаслигимиз керак, сабаби Унинг Шоҳлиги буюк, у чексиздир.

Ҳаворий Петъорнинг иккинчи мактуби 1-боб 3-оятда шундай дейилган:

Унинг илоҳий куч-қудратидан бизнинг ҳаётимиз ва диёнатимиз учун зарур бўлган ҳамма нарса бизга ато қилинган.

Биз кўриб чиққан воқеаларнинг ҳаммасида, мен муҳим саволни бермоқчиман: «Бу кимнинг танлови эди?» Мен қуйидагиларни назарда тутаяпман: бу қандай содир бўлдики, Худо тўсатдан Кирстенга ит ёки рафиқам Дрендага балиқ беришга қарор қилди? Булар Худо Ўзининг мустақил иродаси бўйича биз учун амалга оширишга қарор қилган ҳодисалармиди? Ёки булар содир бўлишида бошқа сабаблар бормиди? Мен жавоб аксарият одамларни лол қолдиради, деб ўйлайман. Мен бунга аминман,

чунки у мени лол қолдирган.

Бу саволга жавоб бериш учун, келинлар, Муқаддас Китобдаги Луқо Хушхабарининг 8-бобида ёзилган воқеани кўриб чиқамиз.

“Чунки унинг ўн икки ёшлардаги битта қизи бор эди ва у ўлим тўшагида ётган эди. Исо бораётганида эса, оломон Уни тобора сиқиб борар эди. Ва ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекиб юрган, бор мулкени шифокорларга сарфлаб ҳеч биридан шифо топмаган аёл, Исонинг орқа томонидан яқинлашиб, Унинг кийимининг четига қўл теккизди; ва шу заҳотиёқ ундан қон кетиш тўхтади. Ва Исо: ким Менга қўл теккизди? - деди. Ҳамма бунинкор қилганида эса, Петъор ва у билан бирга бўлганлар: Устоз, оломон Сени ўраб, сиқиб турибди. Сен эса, Менга ким қўл теккизди, деб айтяпсанми? – дедилар. Лекин Исо: Кимдир Менга қўл теккизди, чунки Мен Ўзимдан чиққан кучни ҳис қилдим, - деди. Аёл эса, яширин қолмаганини кўриб, титраб келди ва Унинг оёқларига ўзини ташлаб, бутун халқ олдида Унга, қайси сабабга кўра Унга қўл теккизганини ва ўша заҳотиёқ шифо топганини маълум қилди. Исо унга: дадил бўл, эй аёл! Сеннинг имонинг сени қутқарди; тинчлик билан боргин, - деди”.

– Луқо 8:42-48

Муқаддас Китобда Исони ҳар томондан сиққанлари ҳақида аниқ айтилган ва ҳатто, Петъор Унинг: «Ким Менга қўл теккизди», деган саволига ҳайрон бўлган. Мен руҳий тадқиқотчи сифатида аниқроқ билишни истайман, мен нима учун бошқа бирор киши эмас, айнан ўша аёл шифоланганини билишим керак. Нима учун мойланиш, ўша пайтда Унга қўл теккизган бошқаларга эмас, балки айнан унга оқди? Жавоб шу ернинг ўзида бор, лекин

сизларга жавоб беришдан аввал, яна битта савол беришимга ижозат беринг. Исо ўшанда айнан унга хизмат қилдимиз? Унга қўлларини қўйдимиз? Жавоб: йўқ; боз устига, Исо ҳатто унинг ўша ерда эканини билмаган. Исо мойланишни ким ўзига тортганини сўрашига тўғри келди, чунки У аёлни кўрмаган. Шундай қилиб, аёлнинг ўша куни шифоланиши кимнинг танлови эди?

Мен саволни ўзгача ифодалашимга ижозат беринг. Аёлни ўша пайтда шифолашга Худо қарор қилдимиз ёки бу унинг Худодан шифо олиш қароримиди? Бу жуда муҳим савол, чунки аксарият одамлар Худо уларнинг ҳаётида нимадир қилишини кутадилар. Мен ишонаманки: Исо ҳаттоки, аёлнинг ўша ерда эканини билмаганини ўзиёқ, бу Исонинг уни шифолаш қарори эмас, балки аёлнинг шифони олиш қарори бўлганини исботлайди.

Шутарика, бу ақл бовар қилмас муҳим ваҳий эканини кўрсатади ва у қўйидагилардан иборат: Худо вақт-вақти билан бир одамни шифолаш, бошқасини эса шифоламасликка қарор қилмайди. У аллақачон бизларнинг ҳаммамизга, Унинг Шоҳлигида қонуний яшашимизга ижозат бериб, шифоланишимга йўл очган. Шунинг учун аслида биз танлаймиз. Лекин мен у аёлнинг қандай қилиб ўша кучга «қўшилганини» билмоқчиман. У қай тарзда шифо олишга қарор қилди? Исо бизга, аёл қандай қилиб кучга ва Шоҳликнинг ҳокимиятига қўшилганини яққол айтди. У: «Қизим! *Сенинг имонинг сени қутқарди; тинчлик билан боргин*», деди. Бу жумлада биз билишимиз керак бўлган ҳамма нарса айтилган; унда нима учун бошқа одамлар эмас, балки бу аёл ўша куни шифо олгани ҳақидаги саволга жавоб бор. Келинг, руҳий тадқиқотчилар сифатида, ушбу воқеага диққат билан назар ташлаймиз ва аёл қандай қилиб Худодан мўъжизани ололганига жавоб топишга уриниб кўрамиз.

Биринчидан, Исо уни қизим, деб атаяпти, бу унинг исроил халқининг бир қисми бўлганини билдиради. Яъни у Худо билан

аҳдда бўлган. Шунингдек, у исроиллик аёл бўлгани сабабли, Самоларнинг қаршисида Худодан ниманидир олишга қонуний ҳуқуқи бўлган дейиш ҳам мумкин. Бу факт ягона сабаб бўла олмайди, чунки ўша куни Исони сиққан оломоннинг ҳаммаси, худди ўша қонуний ҳуқуққа эга эдилар.

Худонинг кучи унга таъсир кўрсатишига яна бирор нарса бўлиши керак. Исо унинг нима учун шифо ололганини иккинчи сабабини айтди. Тўғриси айтганда, Исо у аёл олган жавобнинг сабаби айнан ўша эканини айтган. Исо унинг имони уни шифолаганини айтган.

Шундай қилиб, энди биз нима тўфайли аёл шифо ололганини биламиз. Биринчидан, унинг Худодан ниманидир олишга қонуний ҳуқуқи бўлган, чунки у Иброҳимнинг қизи бўлган; ва иккинчидан, унинг имони ўша пайтда Худонинг кучини айнан унинг танасига қўйилишига йўл қўйган «йўналишни ўзгартирувчи асбоб» бўлган. Унинг Иброҳимни қизи бўлганини ўзиёқ, у Иброҳимнинг Худо билан аҳди бўлгани тўфайли, Самоларнинг қаршисида тура олишини билдирган ва буни сизнинг уйингизга симлар орқали келаётган электр қуввати билан солиштириш мумкин. Бироқ бу сизнинг уйингизда чироқ ёниб туришини билдирмайди. Нур пайдо бўлиши учун, сиз яна, ёндиргични ёқишингиз керак. Яъни биз ҳозир билишимиз керак бўлган ягона нарса – бу ёндиргич қаерда ёки ўша ёндиргич нималиги ҳисобланади? Бу биз жавоб беришимиз керак бўлган ҳаётий муҳим саволдир.

Имон бу нима?

Имон – бу масиҳийлар осонлик билан ҳар томонга сочадиган сўз ҳисобланади. Ва менинг ишончим комилки, аксарият одамлар, агар кўпчилиги бўлмаса, имон нима эканини ва уни қандай топиш кераклигини билмайдилар. Агарда имон – бу ўша аёлни шифолаган, йўналишни ўзгартирувчи асбоб бўлса,

БУ КИМНИНГ ТАНЛОВИ ЭДИ?

унда биз имон масаласини диққат билан ўрганишимиз керак! Биз имоннинг таърифини Римликларга Мактубда 8-боб 18-21 оятларда топишимиз мумкин. Эҳ, мен биламан, сиз: «Йўқ, Гэри. Ибронийларга 11-боб 1-оят – мана имоннинг таърифи қаерда», деб ўйлаяпсиз.

Имон эса кутилаётган нарсаларнинг амалга ошиши ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир.

– Ибронийларга 11:1

Ҳа, бу анъанавий жавоб, лекин, агар диққат билан ўқийдиган бўлсангиз, Ибронийларга Матуб 11-боб 1-оятда имон аслида нима экани ҳақида эмас, балки имоннинг имтиёзлари ҳақида айтилган. Мен Римликларга Мактубдаги парча бизларга имоннинг нима экани борасидаги яққол тасвирни беради, деб ўйлайман.

У умиди қолмаганига қарамасдан, умид билан ишонди, бу орқали: «Сенинг уруғинг сон-саноксиз бўлади», деб айтилгани бўйича кўп халқларнинг отаси бўлди. Ва имонда заифлашмасдан, у юз ёшга яқинлашган бўлса ҳам, унинг танаси ўликдай бўлгани ва Соронинг бачадони ўлгани ҳақида ўйламади; имонсизлик билан Худонинг ваъдасидан ҳам шубҳаланмади, лекин Худони улуғлаб, имонида кучлироқ бўлди ҳамда Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир эканига тўлиқ амин эди.

– Римликларга 4:18-21

Келинг, бу воқеа қандай ривожланганига қараймиз. Иброҳим ва Соро фарзанд кўра олмаётган эдилар. Мен хомиладор бўла олмаётгани ва улар фақатгина ҳаракат қилишда давом этишлари керак бўлгани ҳақида гапираётганим йўқ. Мен улар деярли юз ёшда бўлгани ва туғишга аллақачон кеч бўлганини назарда тутяпман. Уларнинг таналари энди фарзанд кўра олмас эди; бунинг

имкони йўқ эди! Лекин шу билан бирга, табиий равишда бунинг мутлақо имкони бўлмаган бўлмаса ҳам, Худо Иброҳимга фарзанд ато қилишни ваъда берган эди. Библияда айтилишича, тескари нарсаларни тасдиқлаган табиий омиллар борлигидан қатъий назар, Худо ваъда қилганларини бажаришига Иброҳим тўлиқ амин эди. Шундай қилиб, мана бизнинг имон ҳақидаги таърифимиз: «Худо ваъда қилганларини бажаришига, тўлиқ амин бўлишдир». Мен буну қуйидагича ифодалайман: «Имон – бу Самолар билан рози бўлишдир; фақатгина онгда эмас, балки тўлиқлигича амин бўлишдир; бошқа алланималарни тасдиқлаётган табиий вазиятлардан қатъий назар, Худонинг айтганларига юракнинг тўлиқ тинчликда ва тўлиқ аминликда бўлишидир».

Бизнинг имон ҳақидаги таърифимиз:

Имон – Худонинг айтганларига тўлиқ амин бўлишдир. Ион бизнинг юрагимиз ва онгимиз Самолар билан ҳамжиҳатликда ва юрагимиз тўлиқлигича аминликда, ишончи комил ва тинчликда бўлишини кўзда тутди.

Имон нима учун зарур?

**ИМОН ЭСА КУТИЛАЁТГАН
НАРСАЛАРНИНГ
АМАЛГА ОШИШИ ВА
КЎРИНМАЙДИГАН
НАРСАЛАРГА АМИН
БЎЛИШДИР.**

– ИБРОНИЙЛАРГА 11:1

Худо нима учун хоҳлаган пайтидаёқ касалхонадаги ҳар қандай одамни шифолай олмайди? Нима учун У урушларни тўхтата олмайди? Нима учун У фаришталарини, улар бизга Хушxabарни воизлик қилишлари учун юбора олмайди? Мен сизларнинг ҳаммаларингиз шунга ўхшаш саволларни эшитганингизга

аминман. Жавоб шундаки, У қила олмайди. Гап Худода буларни қилиш учун қобилият йўқлигида эмас, йўқ, Унда буну қилиш учун

хуқуқ ёки ваколат йўқ. «Гэри, сен Худо хоҳлаганини қила олмайди, деяпсанми?» Мен биламан, бу ҳозир ғалати эшитилаяпди, лекин келинг, Худонинг Каломига назар ташлаймиз ва ундан жавобларни топамиз.

Аксинча, бир кимса бир жойда гувоҳлик қилиб айтган эди: инсон нимадирки, Сен уни эслаяпсан? Ёки инсон ўғли нимадирки, Сен уни йўқламоқдасан? Сен уни Фаришталардан бир оз паст қўйдинг; шуҳрату шараф билан тожладинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг, ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг. Худо ҳамма нарсани одамнинг оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсани қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаяпмиз.

– Ибронийларга 2:6-8

Муқаддас китобдаги бу оятдан биз, Худо одамни ерга жойлаштириб, унга бутун ер устидан хуқуқ берганини кўряпмиз. Бу хуқуқ қамраб олмаган бирорта нарса йўқ эди. Инсон ҳокимиятга ва барча ваколатларга эга бўлиб, ерда ҳукмронлик қиларди. Унинг ҳукмронлик қилиш қобилияти ҳокимият билан асосланди, бу нарса уни шу ерда мустаҳкамлади. Аслида, у Худо Шоҳлигининг ваколатли ҳокимияти билан ҳукмронлик қилар эди. Инсон Худовандимизни шуҳрати, Унинг мойланиши ва шарафига эга бўлган ушбу ҳокимиятнинг тожини кўтариб юрарди.

Унинг кўриниши қандай бўлгани ҳақидаги тўлиқ тасаввурни олиш учун, ердаги шоҳ ҳақида ўйлаб кўринг. Гарчи у, жисмонан ҳақиқий кучга эга бўлмаган шунчаки инсон бўлса-да, утожни кўтариб юради, бу фақатгина ўзини эмас, балки унинг бутун шоҳлиги ва ҳокимиятини ифодалайди. Унинг сўзлари, у ифодалаётган ўша ҳокимият ва шоҳликнинг бутун кучи ҳамда табиий манбаларини

далдасига эга бўлгани сабабли, ҳокимиятга эга.

Йўлдаги ҳаракатланишни бошқараётган, тиркамали катта юк машинасини «Қонун ҳақи тўхта», деган оддий буйруқ билан тўхтатаётган милиция ходимини тасаввур қилинг. Ҳа, бу юк машинаси одамдан анча каттароқ ва милиция ходимини у билан ҳеч ҳам солиштириб бўлмайди, лекин шунга қарамай юк машинаси тўхтади. У одам туфайли эмас, балки ҳокимиятни ифодалаётган белги туфайли тўхтади. Ушбу вазиятда ҳокимият, белгини кўтариб юрган одамдан анча каттароқ. Юк машинасининг ҳайдовчисини одамнинг қаршисида эмас, балки ходимни ифодалаётган ҳокимиятнинг қаршисида қўрқуви бор, айнан шу нарса ҳайдовчини юк машинасини тўхтатишга ундайди. Бу ерда ҳам худди ўша ҳақиқат ифодаланган. Одам Ато ерда яратилган ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилар эди. Худонинг шуҳрат ва шараф тожи билан ифодаланган кучи ва ҳокимияти, инсонга, унинг сўзлари Худонинг Шоҳлиги номидан ҳукмронликни амалга ошираётганига аминлик берарди.

Эътиборга олиш лозимки, Одам Ато Худонинг ҳокимиятига қарши хиёнат қилиб, ерни бошқариш қобилиятини йўқотганида, у ўзининг тожини йўқотган эди. Ер ҳаром бўлган ва ўзгарган эди. Ер юзига ўлим кириб келди ва Шайтон инсоннинг ишлари устидан ҳокимлик қилиш ҳамда аралашининг қонуний талабига эга бўлди.

**ХУДО ОДАМЛАРНИНГ
ҲАЁТИДА ЎЗИНИНГ
ИРОДАСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ УЧУН,
УНИНГ РУҲИ БИЛАН
БОШҚАРИЛАЁТГАН
ХИЗМАТКОРЛАРДАН
ФЙДАЛОНАДИ.**

Инсон ҳали ҳам ернинг қонуний ҳукмдори бўлиб қолаётганини ёдда тутиш ўта муҳим, сабаби Худо уни бу ҳолатга жойлаштирган, лекин у энди худди аввалгидек руҳий бошқарувни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ ҳаттоки, йиқилган ҳолатда ҳам инсон ҳали ҳам юқорида турибди. Ҳа, энди у, уни қўллаб

турган Худо ҳоқимиятининг тожиги эга эмас. У энди Худонинг ҳоқимияти ва шуҳрати билан ҳукмронлик қила олмайди, у шараф ҳолатини йўқотди. Лекин инсон аввалгидек ер юзига кирадиган ягона қонуний эшик ҳисобланади. Мана шунинг учун ҳам Худо одамларнинг ҳаётида ўзининг иродасини амалга ошириш учун, Унинг Рухи билан бошқарилаётган хизматкорлардан фойдаланади. Худди шу тарзда Иблис ерга таъсир ўтказиш учун жинлар билан бошқарилаётган одамлардан фойдаланиб, ўзининг режаларини амалга оширади. Худо Шоҳлигининг қонунини тушуниш учун инсонни ер устидан суд қилиш ҳуқуқининг ушбу қондаси жуда муҳим ва сиз уни тушунганингиз заҳотиёқ, келажакда пайдо бўладиган саволларингизга жавоб оласиз, масалан, нима учун маълум бир руҳий ҳодисалар содир бўлаётгани ёки улар нима учун содир бўлмаётгани каби саволларингизга жавоб оласиз.

Сиз: «Мен ер ва уни тўлдириб турган жамики нарса Раббийники, деб ўйлаган эдим», дейишингиз мумкин. Тўғри, бу шундай. Умид қиламанки, бу мисол сизга, мен нима ҳақида гапирётганимни тушунишингизга кўмаклашади. Агар мен ўзимнинг ўйимни ижарага берсам, унда, мен юридик томондан ушбу ўйнинг эгаси бўлсам ҳам, мен қонуний асослар бўйича хоҳлаган пайтимда бу ўйга кириш ҳуқуқидан бош тортаман. Одатда ижара шартномаларида шундай банд борки, унда ўйнинг эгаси қачон ижарага олинган ўйга кириш ҳуқуқига эга экани ёзилган бўлади, масалан, фавқулодда вазият юзага келганида ёки тузатиш ишларини ўтказиш учун ва бундай ҳолатларда у ижарачини хабардор қилишга мажбурдир. Агарда мен ушбу шартномани бузиб, ўйга киришга уринсам, мен ўша кўчмас мулкнинг эгаси бўлишимга қарамай, бу ноқонуний кириш бўлиб ҳисобланади. Агар мен ижара шартномасида белгиланган шартни бузсам, мени қонуний тартибда ўйни тарк этишга мажбурлай оладилар, гарчи мен ўйнинг эгаси бўлсам ҳам. Бу бизга Иблис ер юзига кира олиш учун, нима сабабдан Одам Ато орқали ҳаракат қилиши керак бўлганини яққол тасвирлаб беради.

Фақатгина Одам Атода калит бор эди! Иблис эшик орқали кириши керак эди ва бу эшик Одам Ато эди. Агарда Иблис Одам Атони четлаб ўтишга ҳаракат қилганида, уни қонуний асослар бўйича ҳайдаб чиқариш мумкин бўлар эди.

Шунда шайтон Исони баланд тоққа олиб чиқди-да, бир лаҳзада Унга оламнинг барча шоҳликларини кўрсатиб, Унга шундай деди: булар устидан барча ҳокимиятни ва буларнинг шуҳратини Сенга бераман, чунки бу менга топширилган ва мен бунни истаганимга бераман; шундай қилиб, агар Сен менга сажда қилсанг, ҳаммаси Сеники бўлади.

– Луқо 4:5-7

Бу оятда сиз, Иблис ердаги шоҳликларнинг ҳокимияти ва шуҳрати (бойлиги) унга топширилганига даъвогарлик қилаётганини кўришингиз мумкин. Ким унга бу ҳокимиятни берди? Унга эга бўлган шахс – Одам Ато берди! Шу тариқа, Худо қонуний йўлдан ўтмай туриб, инсоннинг ишларига шунчаки бостириб кира олмайди. Агарда У бунни қилганида эди, Иблис Унинг ҳаракатларини ноқонуний деб эълон қилган бўларди. Йўқ, Худо Ўзининг ҳокимиятини ва ҳукмронлигини ерга қайтариш учун, Иблис фойдаланган ўша эшик орқали кириши керак эди. Лекин ер юзида шунақа одам бормиди?

Раббий Ибромга деди: ўз ерингдан, она юртингдан, ўз отангнинг еридан чиқиб кет, Мен сенга кўрсатадиган ерга боргин; ва Мен сендан буюк халқ яратаман, ҳамда сени дуо қилиб, исмингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан; сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан ва сени лаънатлаганларни Мен лаънатлайман; ер юзидаги барча қабилалар сенда барака топадилар.

– Ибтидо 12:1-3

Иброҳим имонимизнинг отаси деб аталган, чунки у Худога ердаги воқелик учун эшик очган одам бўлган, бу эшик туфайли ердаги барча қабилалар барака топишлари мумкин бўлган. Албатта, бу оятда ердаги барча қабилалар барака топиши ҳақида айтилганида, гап Исо Масих ҳақида кетяпди, У кейинчалик Иброҳимнинг имони орқали Худонинг ҳоқимияти ер юзига яна қонуний равишда кира олиши учун йўл очган. Иброҳимнинг имони Самога йўл очди, Худо Иброҳим ва унинг уруғи ёки авлодлари билан юридик шартномани (аҳдни) тузиб, бу эшикни умрбод очиб қўйди.

Мен ҳозиргина айтганларимни ўзгача ифодалашимга ижозат беринг. Самонинг ҳоқимияти ердаги воқеликка фақатгина ердаги эркак ёки аёл орқали кира олиши мумкин, чунки улар бу ерда қонуний ҳуқуққа эгалар. Агар эркак ёки аёл ўзларининг юракларида Худо айтаётганларига тўлиқ амин бўлсаларгина, қонунийликка риоя қилиниши мумкин (бу имон).

Буни изоҳлаш учун менда яна битта йўл бор: Само фақатгина Худонинг ҳоқимияти ва ҳукмронлиги остида туришни хоҳлаган ёки рози бўлган эркак ёки аёлга қонуний асос бўйича таъсир ўтказиши мумкин. Бу Иблис ерга

эркин кириш учун қўллаган ўша қоида ҳисобланади, у бунинг учун Одам Атодан фойдаланган. У Одам Атони Худога таяниб бўлмаслигига ишонтирган ва Одам Атонинг юрагини Худо билан ҳамжиҳатликдан чиқарган. Бунинг оқибатида Одам Ато Иблисга ишонишга қарор қилган ҳамда Худонинг ҳоқимиятини рад этган. Бу Худо Иброҳим орқали ерга Ўзининг ҳукмронлиги ва ҳоқимиятини қайтариш учун фойдаланган ўша қоидадир. Иброҳим Худога ишонган ва Худо унинг розилигини ҳақлик деб ҳисоблаган, бу Унда зарур бўлган юридик шартнома бўлганини билдирган. Худо ва Иброҳимнинг ўртасидаги ушбу икки томонлама розилик Худога юридик шартномани

**ШУНДАЙ ЭКАН,
ИМОН ЭШИТИШДАН,
ЭШИТИШ ЭСА
ХУДОНИНГ
СЎЗДИДАНДИР.**

– РИМЛИКЛАРГА 10:17

(аҳдни) тузишига ижозат берган, у Самонинг ер юзига келишини таъминлаган, лекин бу ерда шартнома фақат Иброҳим ва унинг меросхўрларига тарқалганини эътиборга олиш зарур. Ушбу аҳднинг белгиси - хатна – Иброҳимнинг барча меросхўрларига берилган. Хатна эркак кишининг танасини учи кесилишидан иборат бўлган. Эркак киши ўзининг уруғини аёлга жойлаштирганида, бу уруғ кесилган тана орқали ўтиши керак бўлган, бу Шайтонга, шунингдек, гўдакнинг отаси ва онасига, у Самоларнинг қаршисида Худо ҳамда Иброҳимнинг ўртасида тузилган аҳднинг меросхўри сифатида ҳозир бўлишини эътироф қилган.

Бироқ, биз юқорида ўқиганимиздек, эркак ва аёл, ҳатто ушбу аҳддан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўла туриб ҳам, – уларнинг юраклари Худо айтганларига тўлиқ амин бўлиши ҳамда, шу тариқа, Худо ва Иброҳимнинг ўртасида тузилган шартноманинг хайр-баракаларидан шахсан ўзлари учун фойдалана олишлари учун барибир қонуний талабни бажаришлари лозим бўлган. Аслида, бу аҳд уларнинг уйларига сим ўтказган, лекин улар барибир имонларини ҳамда Худонинг Сўзига асосланган ёндиргичларни босишлари керак бўлган.

Шундай қилиб, энди биз имоннинг нима эканини ва у нима учун қонуний даражада муҳимгини биламиз. Энди биз имонни қандай қилиб олишни ва қай тарзда, биз имонда ёки имонда эмаслигимизни текширишни албатта, тушуниб олишимиз керак.

Имонни қандай қилиб олиш мумкин?

Мана калит: сиз имон учун ибодат қила олмайсиз. Таажжубдамисиз? Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

Шундай экан, имон эшитишдан, эшитиш эса Худонинг сўзидандир.

– Римликларга 10:17

Қандай қилиб Худонинг Сўзини эшитишдан имон келади? Наҳотки бу, керак бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бўлса? Жараён қанақа? Наҳотки Сўзни эшитиш – инсоннинг руҳида имон ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма нарса бўлса? Имон қандай келишини ҳамда Римликларга Мактуб 10-боб 17-оятда нима ҳақида айтилаётганини тушуниш учун, биз Марк Хушхабаридан 4-бобни кўриб чиқишимиз мумкин. Агар сиз ўзингизнинг Муқаддас Китобингизни ҳавога улоқтириб юборсангиз, у ерга тушганида, унинг айнан Марк Китобининг 4-боби очилиши керак: у шунчалик муҳим! Марк 4-боб 13-оятда Исо, агар биз ушбу бобда У нима ҳақида ўргатаётганини тушунмасак, унда Муқаддас Китобдаги бошқа бирорта ҳам ҳикояни тушуна олмаслигимизни айтаяпди. Мен бунинг ўта муҳим экани ҳақидаги хулосага келдим!

Нима учун бу боб шунчалик муҳим? Чунки бу ерда Самонинг заминдаги воқелик билан қандай қилиб ўзаро ҳаракат қилиши, ушбу ўзаро ҳаракатланишнинг қонунийлигига қандай қилиб эришиши ва у қаерда содир бўлиши ҳақида сўз юритилмоқда. Бизнинг ҳаётимизда ҳеч нарса ушбу бобда баён қилинган ҳақиқатни тушунишимиздан кўра муҳимроқ бўла олмайди. Сиз: «Осмон Шоҳлиги қандай ишлайди?», деб сўрайсиз. Марк Хушхабаридан 4-бобни ўқинг! Бу бобда Исо, инсоннинг руҳида имон қандай қилиб яралиши тўғрисидаги учта ҳикояни сўзлаб берган, бу энди сиз анлаганингиздек, Самонинг ердаги ишларга қонуний аралашини учун мажбурий талаб ҳисобланади.

Ушбу бобдаги учта воқеа уруф экувчи ҳақидаги, уруғни ҳар тарафга ташлаётган одам ҳақидаги ва хантал уруғи ҳақидаги ҳикоядан иборат.

Келинг, Исо томонидан Марк Хушхабари-4 бобда айтилган иккинчи воқеа – уруғ экаётган одам ҳақидаги ҳикоядан бошлаймиз.

Ва деди: Худонинг Шоҳлиги – одамнинг уруғни ерга ташлагани кабидир, у ухлайди, кечаси ҳам кундузи ҳам туради ва қандай қилиб уруғ униб-ўсиб чиққанини у билмайди, зеро ер ўз-ўзидан ҳосил келтиради: олдин кўкат, кейин бошоқ, ундан кейин бошоқда тўла дон. Ҳосил етилганида эса, шу заҳотиёқ ўроқ солинади, чунки ўрим вақти келди.

– Марк 4:26-29

Бу парчани ўрганиб чиқишга киришишдан аввал, келинг, биринчи жумлаларни аниқлаштириб оламиз. Исо қандай уруғ ҳақида гапираяпди ва бу қандай ер? Айтгандай, Исо, бу терминларни худди ўша бобдаги уруғ экувчи ҳақидаги аввалги ҳикояда изоҳлаган. Уруғ – бу Худонинг Сўзи, ер эса – бу одамнинг юраги ёки унинг руҳи. Шундай қилиб, Исонинг Ўзи томонидан берилган таърифлардан фойдаланиб, биз Унинг нима деяётганини айта оламиз: инсон Сўзни ўзининг шахсий юрагига экади. Шундан кейин инсон юрагининг тўпроғи бу ерда ўз-ўзидан имонни (Самолар билан ҳамжиҳатликни) ишлаб чиқаришни бошлайди.

Мен давом этишимдан олдин, сизнинг биз имонга берган таърифимизни эслаб қолишингиз муҳим: инсоннинг юраги Самолар айтаётган нарсаларга қаттиқ аминдир. Бу парчада инсон жараённинг қандай ишлаётганини билмаса ҳам, юракка экилган Сўз униб-ўсишни бошлаши ҳамда ўз-ўзидан ушбу юракда Сўз билан ҳамжиҳатликни ишлаб чиқариши айтилган. Жараён одамнинг ухлаётгани ёки бедорлигига қарамай содир бўлаверади, бу муҳим эмас: жараён барибир давом этаверади. Инсон Сўзни ўзининг юрагида сақлагани сабабли, юрак Самолар айтаётгани билан тобора ҳамжиҳатлаша бораверади ва бу имонни келтириб чиқаради.

Бизнинг Муқаддас Ёзувдаги Марк Хушхабаридан 4-бобдаги оятларимиз, юрак маълум бир жараён орқали Само билан

ҳамжиҳатликни келтириб чиқаришини айтади. Воқеа бизга юрак аввал Сўзни қабул қилишини ва имон шакллана бошлашини ҳикоя қилади. Исо ушбу босқични кўкат билан солиштирган. Кейин кўкат униб-ўсишни ва бошоққа айланишни давом эттиради. Оқибатда бошоқда дон ҳосил бўлади, лекин ҳаттоки ўсишнинг ушбу кечки босқичида ҳам ҳосил ҳали етилмаган бўлади – Само билан ҳамжиҳатлик йўқ ва бинобарин, табиий соҳада ўзгариш йўқ. Шундан кейин Исо жараённинг давом этишини, етилиш содир бўлишини ва натижада, ўришга тайёр бўлган дон ҳосил бўлишини айтаяпти. Жараён ушбу даражага етганида ва бошоқда етилган дон бўлганида, ҳамжиҳатлик пайдо бўлади, инсонга унинг юрагига Самолар эккан уруғни ерда ўриб олишига йўл қўядиган имон юзага келади.

Энди жуда диққатли бўлинг. Келинг, аслида нима содир бўлишини кўриб чиқамиз. Самолар ердаги воқеликка, эракнинг ёки аёлнинг Само билан ҳамжиҳатликка эришиши керак бўлган юрагига Худонинг Сўзини экадилар. Ўша пайтда инсоннинг юраги ҳали ушбу ҳамжиҳатликда бўлмайди, лекин унда шундай жараён йўлга қўйиладики, ушбу жараён юракда, унга экилган нарсалар билан ҳамжиҳатликни ўз-ўзидан келтириб чиқаради. Ушбу жараённи бизга кўрсатиш учун Исо ажойиб намунадан фойдаланган, уни фермер қандай қилиб уруғ экаётгани ва ўсимлик қандай қилиб етилаётгани билан таққослаган, бу орқали бизга имоннинг тасвирини кўрсатган. Табиий соҳада, бошоқда дон етилаётганида, у БУТУНЛАЙ аввал ерга экилган уруғга ўхшайди. Мен буни яна бир марта қайтараман.

Бошоқда дон етилаётганида, у БУТУНЛАЙ аввал ерга экилган уруғга ўхшайди.

Маккажўхорини экинги ва маккажўхори сўтасидаги етилган донлар сиз эккан донларнинг худди ўзи бўлади. Уларнинг кўриниши ҳам мазаси ҳам бир хил бўлади. Сиз бирини бошқасидан

ажрата олмайсиз, улар бир хил.

Шундай қилиб, менга Исо айтганларини бошқача ифодалашимга ижозат беринг. Биз Сўзни эшитганимизда (Римликларга 10:17), биз аслида Худонинг Сўзини ўзимизнинг руҳий инсонимизга, юрагимизга экамиз. Агар биз бу Сўзни ўзимизнинг юракларимизда сақласак, у етилади, у етилганида эса, юракларимиздаги (ер воқелигидаги) тимсоллар Само айтаётгани билан мос келади. Буни бошқа сўзлар билан ифодалаб, биз шуни айта оламизки, сиз ўзингизнинг юрагингизга Самодан ваъда қилинганини эксангиз, у ўз-ўзидан тобора Худо айтганларига аминликни келтириб чиқаради. Натижада, сизнинг юрагингиз Само айтаётганларига тўлиқ амин бўлади ва сизда Само билан ҳамжиҳатлик бўлади. Масалан, касалликка дуч келдингиз ва танангизнинг ҳолати сизнинг касал эканингиз ҳақида гувоҳлик беради. Сиз Исонинг азоблари туфайли Худо сизнинг шифо топишингиз учун нарх тўлагани ҳақидаги Худонинг Сўзини экканингизда, сизнинг юрагингиз ўз-ўзидан Худонинг айтганларига тобора амин бўлишни бошлайди.

Бу сўз сизнинг юрагингизда етилганида, шифоланишга аминлик СИЗ ишонаётган ва гапираётган нарсага айланади. Сиз энди Само айтаётган нарсалардан шунчаки парча келтирмайсиз, - энди юрагингизнинг бунга қаттиқ ишончи комилдир. Сиз: «Мен шифоланганман», деганингизда, бу сиз қайта-қайта айтаётган ифода эмас, балки сиз ишонган ва факт сифатида билган ҳақиқатдир. Самолар айтаётган нарсалар, энди сизнинг ҳақиқатни ўзлаштиришингизга айланади.

Мана нима учун Ибронийларга Мактуб 11-боб 1-оятда шундай дейилган:

Имон эса қутилаётган нарсаларнинг амалга ошиши ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир.

БУ КИМНИНГ ТАНЛОВИ ЭДИ?

Имон бўлса, Самолар айтаётган нарсаларга мўъжизавий аминлик пайдо бўлади, гарчи ушбу жараёнда яна битта қадам бажарилмай қолаётган бўлса ҳам.

Энди инсон ўзининг юрагида амин бўлган нарсага мавжуд воқеликни киритиш учун, ўроғини қўлига олиши керак.

Ҳосил етилганида эса, шу заҳотиёқ ўроқ солади, чунки ўрим вақти келди.

– Марк 4:29

Эътибор беринг, гарчи юрак Само билан ҳамжиҳатликда бўлса ҳам ва Самонинг ҳақиқати ўша эркак ёки аёлнинг ҳақиқатига айланган бўлса ҳам, жисмоний дунёда ҳали ҳақиқий ўзгаришлар содир бўлгани йўқ. Инсон шу ерда суд қилиш ҳуқуқига эга бўлгани сабабли, айнан у Самонинг ҳокимиятини ердаги воқеликка озод қилиши керак. Худо буни инсонсиз қила олмайди. Мен буни сизларга, биз аллақачон муҳокама қилган Муқаддас Ёзувнинг жуда таниқли оятидан кўрсатиб бераман.

Чунки инсон ҳақликка эришиш учун юраги билан ишонади ва нажот топиш учун оғзи билан эътироф этади.

– Римликларга 10:10

Инсон Сўзга юраги билан ишонади, бу билан имонни келтириб чиқаради ва ҳақликка эга бўлади. Оқлаш – бу одил суд амалга ошишини билдирадиган ҳуқуқий сўз. Шундай қилиб, инсоннинг юраги Само билан ҳамжиҳатликка келса ва Само айтаётган нарсаларга мутлақо амин бўлса, инсон оқланишга эга бўлади. Энди Само учун унинг ҳаётига, ердаги воқеликка аралашини қонуний бўлади. Лекин фақатгина оқланишнинг ўзи Худонинг кучини озод қилмайди. Худди электр станциясидан электр

Ўтказилган уйдагидек, яна битта қадам керак – электрни киргизиш учун ёндиргични босиш керак. Нима учун? Чунки Римликларга Мактуб 10-боб 10-оятда, оқланишдан кейин яна битта қадам талаб қилиниши айтилган.

**ЮРАК САМО ВА
ЕРНИНГ ЎРТАСИДАГИ
ЎЗАРО ҲАРАКАТЛАНИШ
НУҚТАСИГА
АЙЛАНГАНИДА ВА
КЕЙИН БИЗНИНГ
СЎЗЛАРИМИЗ ҲАМДА
ҲАРАКАТЛАРИМИЗ
ҲАҚИҚАТАН ҲАМ
ХУДОНИНГ КУЧИНИ
ОЗОД ҚИЛАДИГАН
ЎТКАЗГИЧЛАРГА
АЙЛАНГАНИДА,
САМОЛАР ЕРГА
ҚОНУНИЙ КИРИШ
ЙЎЛИГА ЭГА БЎЛАДИ.**

Самонинг ва ернинг қаршисида оқланган ҳолда ҳозир бўлган эркак ёки аёл, Худонинг кучи ва мойланишини ердаги воқеликка ҳақиқатан ҳам озод қилишларни учун, энди эришилган ҳамжиҳатлик асосида эътироф этишлари ёки ҳаракат қилишлари керак. Илтимос, Муқаддас Ёзувнинг ушбу оятларини, то мен нима ҳақида гапираётганимни тўлиқ тушунмагунингизча яна бир марта ва кейин яна бир марта ўқинг. Мана бу қандай ишлайди! Мана Само қандай қилиб ерга қонуний кириш йўлига эга бўлади – юрак Само ва ернинг ўртасидаги ўзаро ҳаракатланишнинг нуқтасига айланганида ва кейин бизнинг сўзларимиз ҳамда ҳаракатларимиз ҳақиқатан ҳам Худонинг кучини озод

қиладиган ўтказгичларга айланганида бу содир бўлади.

Илтимос ушбу оятнинг иккинчи қисмига яна бир марта жиддий эътибор беринг: айнан биз бу ерда Самонинг ҳоқимиятини озод қилишимиз керак.

Само инсон биринчидан, ўзининг ҳаракатларини қонунийлигини ва иккинчидан, ердаги воқеликда суд қилиш ҳуқуқини таъминлашини кутаётгани борасидаги фикрни, биз

БУ КИМНИНГ ТАНЛОВИ ЭДИ?

Исонинг Матто Хушхабаридан 16 ва 18-бобларда ёзилган таълимотда кўришимиз мумкин.

Сизларга ростини айтаман: сизлар ер юзида нимани боғласангизлар, осмонда ҳам боғланади; ер юзида нимани ечсангизлар, осмонда ҳам ечилади.

– Матто 18:18

Исо бу оятда, жамоатга ер юзида Осмон Шоҳлигининг калитларини (яъни ҳокимиятни) бермоқчи эканини тасдиқлаяпти. У: «Сизлар ер юзида нимани боғласангиз, уни Само маъқуллайди ва ер юзида нимани ечсангиз, у ҳам Самода маъқулланади», деб айтаяпти. Яна милицияходими ҳақида ўйлаб кўринг: унда ҳокимият бор, лекин куч ҳукуматда. Ходимда ҳукуматнинг калитлари ёки ҳокимияти бор ва у ушбу ҳукуматнинг вакили сифатида қасам ёд қилган. У айтаётганларини ҳукумат маъқуллайди. Ёдда тутинг, фақатгина инсон ер юзида суд қилиш ҳуқуқига эга ва шунинг учун ҳам фақат инсон бу ҳуқуқни Самога тақдим қила олиши мумкин.

Сиз имон ҳақида билишингиз керак бўлган яна битта жуда муҳим нарса бор. Мен Марк Хушхабарининг 4-боби ҳақида яна бир бор айтиб ўтмоқчиман.

Зеро ер ўз-ўзидан ҳосил келтиради: олдин кўкат, кейин бошоқ, ундан кейин бошоқда тўла дон.

– Марк 4:28

Эсингизда борми, Исо бу ҳикояда тилга олинган ер, мен аввал айтганимдек инсоннинг юраги ёки инсоннинг руҳи эканини айтган эди. Имон қаердан келиб чиқишига эътибор беринг. Таажжубдамисиз? Бу кўп одамлар ўйлаганидек Самонинг маҳсули эмас, у шу ерда ишлаб чиқарилади ва сизнинг юрагингизнинг ҳосили ҳисобланади. Сиз у ҳақида ибодат қила олмайсиз ёки

Худодан сўрай олмайсиз. Имон Самода керак эмас. Бизга Самода Сўз билан ҳамжиҳатлик керак бўлмайди. Йўқ, улар фақатгина ерда керак ва ерда фақатгина инсоннинг юрагида юзага келиши мумкин. Марк Хушхабаридан 4-бобдаги ҳикоя бизга ўргатганидек, уни олишнинг фақат битта йўли бор – Худонинг Сўзини юракка жойлаш ва ҳамжиҳатлик жараёни содир бўлишига йўл қўйиш. Яъни агар менга имон керак бўлса, мен нима қилишим керак? Мен Худонинг Сўзини ўзимнинг юрагимга жойлаштиришим ва то имон пайдо бўлгунича, унинг ўсишига йўл қўйишим керак. Бу имон келадиган ягона усулдир.

Мен Марк Хушхабари 4-бобдан таълим беришни тугатишдан аввал, бу ерда тилга олинган ўроқ ҳақида ҳам гаплашмоқчиман.

*Ҳосил етилганида эса, шу заҳотиёқ ўроқ солинади,
чунки ўрим вақти келди.*

– Марк 4:29

Мен жамоат дунёсининг катта қисми ўроқдан фойдаланишга ўргатилмаган деб ҳисоблайман; мен уларни, муҳтож бўлган нарсаларнинг ҳосилини йиғишга ўрганмаганини назарда тутаяпман. Жамоат умуман олганда экишга ўргатилган, аммо ишлов бериш ва экилган уруғни йиғиб олишга ўргатилмаган. Исо бу оятда, имоннинг ҳосили етилганида, БИЗ ўроқдан фойдаланишимиз кераклигини жуда аниқлик билан айтган. Биз имоннинг уруғини экиб, ҳаммасини тўғри бажарган бўлсак ҳам, то ўроқдан қандай фойдаланиш кераклигини билиб олмагунимизча, ҳосилни ўриб ололмаймиз. Очиғини айтганда: то Раббий мени Унинг Шоҳлигини қоидаларига ўргатишни бошламагунича, мен ҳам бу ҳақида ҳеч нарсани билмас эдим. Сизларга бу қандай кўринишда бўлишининг бир нечта мисолларини келтиришимга ижозат беринг.

Мени Атлантадаги жамоатда воизлик қилиш учун таклиф

қилдилар. Бу чоршанбадаги кечки хизмат эди. Бу жамоат катта эмас эди, лекин мен учун бу муҳим эмас эди. Менга шунчаки одамларни Худонинг Шоҳлиги ҳақида ўқитиш ёқади. Мен жамоатга келганимда, эшикларнинг ёпиқлиги ва ҳеч кимнинг йўқлиги менга ғалати туюлди. Мен хизмат бошланишидан ўн дақиқа олдин келдим. Кейин мен орқамда машинанинг жуда баланд шовқинини эшитдим; товуш гуёки машинанинг шовқинни пасайтирадиган мосламаси умуман йўқдек эди. Мен бурилиб, жамоатнинг ҳовлисига кираётган эски, пачақ, ярим бузуқ кичик юк машинасини кўрдим. Мен бунга аҳамият бермадим, ахир мен Атлантанинг марказида эдим. Мен кутар эканман, жамоатнинг орқасидан менинг олдимга бир киши чиқди ва ўзини чўпонман деб таништирди. У унинг эски машинаси юрмаганини тушунтириб, кечиккани учун кечирим сўради. Кейин у стартери ишламаётгани сабабли, унча катта бўлмаган тезликни олиб, ўтказгични ёқиш ва машинани юргизиш учун, машинани қияликдан пастга филдиратиб туширишига тўғри келганини айтди. У кўпинча машинанинг умуман ёнмаслигини ва у жамоатгача саккиз километр пиёда юриб келишга тўғри келишини айтди.

Менга жамоат ҳақида гапириб беришни давом эттириб, у чўпон бўлса ҳам, уларнинг асосий хизмати шаҳардаги одамларни овқатлантириш бўлганини тушунтирди. Улар ўзларининг туманларида бир ойда 10 мингта тушликни тарқатганлар. Чўпон буларнинг ҳаммасини менга айтар, менинг эса кайфиятим тушиб борар эди. Мана бир ойда 10 мингта тушликни тарқатадиган Худонинг одамнинг ҳатто, машинаси яхши эмас эди. У овқатлантираётган одамларнинг кўпчилиги, қачонлардир кўрадиган Худонинг ягона тимсоли эди. Агар улар унинг зўрға кун кўраётганини ва ўттиз беш даражали иссиқда жамоатга саккиз километр пиёда боришга мажбур эканини кўрсалар, Худо уларга ёрдам беришига аминлик пайдо бўладими? Мен бу муаммони еча олардим. Менинг уйда, унга беришим мумкин

бўлган, 25 минг километр йўл юрган деярли янги машинам бор эди. Мен унга ўзимнинг ишчиларимдан бирор кишини Атлантага машинани ҳайдаб келтиришлари учун юбормоқчи эканлигим ҳақидаги режаларим тўғрисида гапириб бердим. У албатта, ғоят хурсанд эди. Мен ўша кечни, уни ва унинг унча катта бўлмаган жамоатини Худонинг Шоҳлиги ҳақида ва у пулларга нисбатан қандай ҳаракатланиши ҳақида ўқитиб ўтказдим.

Уйга келиб мен машинани Атлантага ҳайдаб ўтказишни ташкиллаштирдим. Менинг ходимим уйимга машинани олиб кетиш учун келганида, мен Самода руҳий ҳаракатни амалга ошираётганимни билардим. Мен бу машинани Худонинг Шоҳлигига бериб, менда пайдо бўлиш эҳтимоли бўлган машина учун Худоба ишонишим мумкинлигини билардим. Мен машиналарга унчалик ҳам қизиқмайман, яъни, энди бу менинг асосий қизиқишим эмас. Баъзи бир одамлар учун машаналар – ҳамма нарса, мен учун эса йўқ. Мен учун бу шунчаки асбоб. Менга албатта, яхши машиналар ёқади, лекин мен одатда то уларни алмаштирадиган вақт келмагунича ҳайдайман.

Бизнинг ходимимиз келганида, мен гаражга кирдим, машинага қўлларимни қўйдим ва: «Ота, мен бу машинани хизмат иши учун беряпман ва уни қўйиб юбориб, ўрнига бошқасини қабул қиламан...», дедим. Мен тутилиб қолдим. Мен Худонинг Шоҳлиги қанчалик аниқ эканини билардим, мен шунингдек шунчаки «машина» сўзи бу ерда тўғри келмаслигини ҳам билардим. Мен аниқ айтишим кераклигини ва Дренда билан жавобини оладиган нарсаларнинг икир-чикирлари масаласида бирдамликда бўлишим кераклигини тушунардим. Яримта сўзни тугатмасдан тўхтаб, мен қанақа машина олишни хоҳлаётганимни билмаслигимни ҳам англадим. Шунинг учун мен қайтадан бошладим: «Раббий, бугун мен бу машинани Сенга хизмат қилиши учун беряпман ва ишонаманки, уни экиб, жуда яхши машинани оламан, лекин мен унинг модели ва тури борасида бир тўхтама келсам, яна бир марта

Сенга мурожаат қиламан». Шу билан машинани олиб кетишди. Ва тўғриси менинг фикримга: «Ҳа, мен ШУНАҚА машинани хоҳлайман», деб айта оладиган ҳеч қанақа марка келмас эди.

Бир неча ой ўтди. Албатта, Дренда ўша машинани бериш учун мен билан ҳамфикр эди ва ҳудди мендек қанақа машинани хоҳлаши ҳақидаги тасаввурга эга эмас эди. Кейинги икки ой биз машиналар ҳақида гапирар эдик ва ниҳоят, бир куни у: «Биласанми, менга кабриолет ёққан бўларди», деди. Мен розилигимни айтдим, бу зўр янграяпти, лекин айнан қанақасини? Бизлар ҳатто, умуман қанақа кабриолетлар борлигини билмас эдик. Лекин бир куни биз тушлик қилишга бораётганимизда, менинг рафиқам тўсатдан: «Мана, шунақасини!», деди. «Нимани – шунақасини?» – сўрадим мен. «Мана, шунақасини», – деди у, бизлар яқинлашаётган рестораннинг машиналар тўхтайдиган жойини кўрсатиб. «Сен нима ҳақида гапираяпсан?» – сўрадим мен. «Мен мана шунақа машинани хоҳлайман!» Шунда мен машиналар тўхтайдиган жойнинг нариги томонидаги муҳташам кабриолетни кўриб қолдим. «Юр, маркаси қанақа эканлигини кўрамиз», – дедим мен. Биз ўша машинанинг олдига етиб келдик ва унинг орқасида тўхтадик.

Энди, у бизга ёқиб қолганининг ажабланарли жойи йўқ эди. Бу BMW645Ci эди, албатта, қойилмақом кабриолет, лекин шу билан бирга яна жуда қиммат ҳам. Тўғриси айтганда, бундай даражадаги машинани кўрганимда: «Яхши, Раббий, бизга нима қилиш кераклигини кўрсатгин», деб ўйладим. Мен янги BMW учун 115 минг долларни тўлашга тайёр эмаслигимни билардим, лекин шунингдек, Худо ҳайратланарли нарсаларни қила олишини ҳам билардим. Биз Дренда билан машина ҳақида ҳеч кимга айтмадик ва ҳатто, ўзимизга машина излаётганимизни тилга ҳам олмадик.

Тахминан икки ҳафта ўтганидан кейин Дренданинг акаси қўнғироқ қилиб: «Мен Дренда учун машина топдим!», деди.

«Дренда учун машина тодим деб, сен нимани назарда тутаяпсан?» – сўрадим мен. У: «Мен сотувда битта машинани кўрдим ва бу Дренданинг машинаси бўлиши кераклигини ҳамда мен бу ҳақида сизларга айтишим кераклигини ҳис қилдим», деди. «Қанақа машина?» – сўрадим мен. «Бу BMW645Ci ва у идеал ҳолатда, шунчаки идеал ҳолатда. Унга икки йил бўлган, кам юрган ва унда бирорта ҳам қирилган жой йўқ. У беками-кўст. Бундан ташқари, сен уни сотаётган одамни танийсан». – «Мен уни танийманми?» – сўрадим мен. «Ҳа, – деди у. – Бу масалада сен унга қўнғироқ қилишинг керак». У менга машинанинг маркасини айтиши билан, мен икки ҳафта олдин Дренда билан иккаламиз ҳам айнан шунақа машинани хоҳлаётганимизга қарор қилганимизни билиб, Худо ниманидир ўйлаб қўйганини тушундим.

Мен кабриолетнинг эгасига қўнғироқ қилдим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам мен уни танирдим, биз машина ҳақида бироз суҳбатлашиб олдик, у машинанинг қандай ажойиб ҳолатда эканини гапириб берди. Ва кейин у менга шунақа сўзларни айтди: «Биласанми, биз ҳозир сен билан телефон орқали гаплашяпмиз ва менда бу Дренданинг машинаси бўлиши кераклиги ҳақидаги яққол ҳистуйғу пайдо бўлаяпти». Мен Дренда учун машина излаётганимиз ҳақида бир сўз ҳам айтмадим. У гапиришни давом эттириб: «Биласанми, мен нима қилишни истаган бўлардим – машинани сенга 28 минг долларга сотаман», деди. Мен ўзимнинг қулоқларимга ишона олмасдим. Машинанинг нархи анча баланд эди. Мен Дрендага бу ҳақида гапириб берганимда, у ғоят хурсанд эди, агар ундан ортиғини айтмайдиган бўлсам. Биз машина учун нақд пул тўладик ва у ҳозиргача ажойиб юради ва кўринадди. Унда аввалгидек бирорта ҳам қирилиш йўқ; таранг кундан кейин офтоб бизга ҳаёт нафасини бағишлаганида, ажойиб мусиқадан лаззатланиб, биз унинг усти очиқ ҳолатда кўп саёҳат қилдик.

Ушбу ғоят зўр кабриолетда бизнинг севимли сафаримиз Колорадога саёҳат бўлди. Бизнинг қизимиз Кирстен биз

билан бирга борган эди. Кемпинг учун анжомларни юкхонага жойлаштирдик. Мен тунда тепаси туширилган ҳолда Канзасдан ўтганимизни эслайман. Кирстен орқада ухлаётган эди. Юлдузлар бизнинг бошимиз узра шунчалик ёрқин порлардики, бир-иккита машанадан ташқари, йўл очиқ эди. Бу ҳаво хушбўй ҳид билан тўлган ва бу дунёда ҳамма нарса шунчаки ажойиб бўлган ўша бенуқсон тунлардан бири эди. Биз кейинги икки ҳафтани Тошли тоғлар бўйлаб саёҳат қилиб ўтказдик ва мен бу машинани бошқариш аъло даражада эканини тушундим. Уни бир сўз билан: ҳайратда қолдирадиган!, деб тасвирлаш мумкин.

Лекин миллион долларлик савол бор. Бу машина қандай қилиб бизларга тушиб қолди? Нима учун бу Дренда: «Мана шунақа!», деб айтган айнан ўша машина эди? Мен Худонинг Шоҳлиги бу машинани бизнинг ҳаётимизга олиб келганини биламан. Мен ўша чўпон учун машинани экиб, руҳий қонунни ҳаракатга келтирганимни билардим. Мен машинани, йўл четларида юқори ўтказиш хусусияти бўлган машинани, жипни эмас, балки шунчаки машинани қайтариб олишимни айтганимни эслайман. Шунингдек, мен яхшисини хоҳлайман деганимни эслайман. Лекин мен ва Дренда ўроқдан фойдаланишимиз керак эди. Бизлар: «Мана шунақа!», демас эканмиз, машина пайдо бўлмас эди. Мен ўзимнинг машинамни бераётганимда, менда имон бўлган бўлса ҳам, лекин биз то Дренда: «Мен мана шунақа машинани хоҳлайман!», демагунича ўроқдан фойдаланмаган эдик.

Кейин яна ҳам каттароқ даражада ушбу қоидани намоён қилган яна битта воқеа содир бўлди. Сиз эҳтимол, аллақачон тушунганингиздек, мен овлашни яхши кўраман. Мен ов учун жуда қулай бўлган жойда яшайман ва шахсий овлоқ ер-сувга билан марҳаматланганман. 60 акр ерда менинг 19 акр ўрмоним ва чамаси 10 акр ботқоқ ерим бор. Ҳар йил катта мувафақият билан мен кийиклар ва олмахонларни овлайман. У ерда ҳар доим ўрдак ва ғозлар кўп бўлади, лекин қандайдир сабабга кўра, мен ҳеч

қачон уларни овламаганман. Бир неча йилнинг ичида балки, бир ёки икки марта биз ўғилларим билан ботқоққа борганмиз, у ерда кечки овқат учун бир нечта ғозларни отганмиз. Лекин биз нима учундир ўрдакларни овламаганмиз.

Ва мана, бир неча йил аввал, ўрдаклар галаси бирин-кетин ботқоқликка учиб келаётганларини кўриб, мен уларни овлаб кўришга уринаман деб ўйладим. Оҳ, бу қойил-мақом эди! Бу мени илтирдди. Мен ўша куздаги ов мобайнида, менга ўрдакларни отиш бўйича жиддий амалиёт керак эканини тушундим. Мен бир нечасини отишга муяссар бўлдим ва яна мен уларнинг жуда мазали эканини ҳам тушундим. Мен ўрдакларнинг кўпинча менинг қуролимни ўқи етмайдиган жойда ёки ўқи етадиган чегарада бўлганларини пайқадим, бу менинг хато отишимга ҳам ўз ҳиссасини қўшгандек туюларди менга. Мен оддий универсал – модели 11-87 бўлган «Ремингтон» милтиқидан фойдаландим, уни бошқа овлар учун, қуёндан то кийик овигача ҳам қўллар эдим. Мени нотўғри тушунманг, мен бу милтиқни яхши кўраман, у ажойиб. Лекин мен фақат ўрдакларни овлаш учун яратилган милтиқларнинг янги моделлари борлигини билиб олдим. Улар ола-була қилиб бўялган ва 3,5-дюйм катталиқдаги ўқдонлар билан жиҳозланган, улар катта масофадан отиш учун тўғри келиши маълум бўлди. Мен шунақа милтиқларнинг бирини кейинги ов мавсуми бошланишида кўришни режалаштирдим.

Шундай қилиб, ўрдакларни овлайдиган мавсум тугади, январь ойи бошланди, мен балиқ ва ҳайвонлар ови учун ихтисослашган Cabela дўконида юрар ҳамда умуман бу милтиқларнинг кўриниши қанақа эканини кўриш учун қуроллар бўлимига киришни ўйлардим. Қуроллар бўлимига кириб, мен уларнинг фақат ўрдаклар ови учун мўлжалланган милтиқлар бўлими борлигини кўрдим. Мен уларнинг бир нечасига назар солдим ва менга ёққанини сотиб олишни ўйладим, лекин унинг нархи икки минг доллар эди, мавсум эса бир неча ойдан кейин бошланиши керак эди. «Мен кутиб

тураман», - дедим, лекин кетаётганимда, ғайриоддий бир нарса қилдим. Мен тўғриси, нима қилаётганимни ҳатто тушунмасдим ҳам. Ўйлаб ўтирмай, шунчаки шундай қилдим. Мен хоҳлаган милтиқни кўрсатдим ва эшиттириб: «Менда бу милтиқ бўлади, Исо номи билан», дедим. Яна бир марта айтаман, бу ҳақида ҳаттоки унчалик ўйлаб ҳам ўтирмадим. Энди менинг юрагимда ўрдаклар ови учун мен истаган милтиқ ҳақидаги яққол тасаввур бор эди.

Икки ҳафта ўтиб мен бизнес-анжуманда воизлик қилиш учун таклиф қилиндим ва менинг диққатимни тортган бир нима содир бўлди.

Мен воизлик қилганимдан кейин менинг ёнимга ташкилотнинг эгаси келиб, ташриф учун миннатдорчилик сифатида улар менга совға бермоқчи эканлигини айтди. У: «Биз сизнинг ов қилишни яхши кўришингизни биламиз, шу сабабли сиз учун мана бу милтиқни сотиб олдик», деди. Мен лол қолган эдим, чунки улар менга

ўрдаклар ови учун яп-янги ярим автомат Venelli милтиғини – мен дўконда кўрган ва ўшанда бармоғим билан кўрсатган айнан ўша милтиқни сотиб олган эканлар. Сиз тушунаяпсизми?! Бу милтиқ қандай пайдо бўлди? Мен ҳаётим мобайнида ўнлаб милтиқларни совға қилганман, лекин ҳеч қачон ўроқдан фойдаланмаганман. Мен ҳеч қачон: «Раббий, мана бу! Мен шунақасини хоҳлайман», демаганман. Лекин мен буни қилишим биланоқ, ҳосил ўриб олинган эди!

Мен милтиқ ҳақидаги воқеани бир дўстимга гапириб бераётган эдим, у ҳам хизматкор. У: «Ҳа, Худо баъзида буни қилади, деб ўйлайман. У сенга шунчаки унча катта бўлмаган ўзига хос совғачани, У сени севишини айтиш учун беради», деди. Мен унинг

**ХУДО МЕНИНГ
ЎРНИМГА ИСОНИ
ХОЧГА ЮБОРГАНИДА
ВА МЕНГА ШОҲЛИККА
КИРИШ УЧУН ЙЎЛ
ОЧГАНИДА, МЕНИ
СЕВИШНИНГ КЎРСАТДИ.**

гапларини обдон ўйлаб кўрдим-у, тушундим: «Йўқ, бу унақа эмас. Ҳа, Худо мени севади, лекин У мени шунчаки кичкина совғача билан ҳайратлантиришни хоҳламаган». Белгиланган тартибда келган ит, балиқ, кийиклар, машиналар – буларнинг ҳаммаси, Худо менга шунчаки, У мени севишини кўрсатиш учун пайдо бўлгани йўқ. У менинг ўрнимга Исони хочга юборганида ва менга Шоҳликка кириш учун йўл очганида мени севишини кўрсатди!

Сизларга ҳосил ҳақидаги яна битта воқеани гапириб бермоқчиман. Мен сизларга аввал айтганимдек, мен машиналарга унчалик ҳам қизиқмайман. Биз машиналаримизни, то уларни алмаштирадиган вақт келмагунича ҳайдаб юрамиз. Бунга мисол – бизнинг Honda Pilot машинамиз. Биз бу машинани яхши кўрамиз, у қулай, бошқарувда яхши, кўриниши янгидек, шунинг учун биз уни сотмаяпмиз. Лекин биз, меҳмонларимизни олиб юриш учун, йўл йўқ жойларда тез юрадиган каттароқ машинани сотиб олиш ҳақида тез-тез ўйлаб турардик. Бир мунча вақт аввал биз Now Centerда ўтказган тадбиримиз учун Cadillac Escalade машинасини ижарага олиб, унда Дренда билан борган эдик. У бизда яхши таассурот қолдирди. Бизга унинг марваридли-оқ ранги ёқди, бозорга чиқарилган узун Escalade билан сотиштирганда, биз юрган моделнинг кузовини қисқароқ ишлангани маъқул бўлди. «Биз мана шунақа, марваридли-оқ, қисқа кузовли - Cadillac Escalade машинасини хоҳлаймиз. Ўзимизга шунақасидан сотиб олишимиз керак», дедик. Кейин биз банд бўлдик ва машина излаш ҳамда уни сотиб олишга вақтимиз бўлмади.

Тахминан бир ойдан кейин мен газетани олиш учун уйдан чиқдим ва уяли телефоним жаранглаб қолди. У киши: «Чўпон, мен сизга Cadillac Escalade машинасини сотиб олмоқчиман, сиз қанақасини хоҳлаган бўлар эдингиз», деди. Таажжубланиб: «Ана бўлмаса, ажойиб. Дренда ва менга марваридли-оқ ранглилари ёқади», дедим. «Яхши – деди у, – келинг, мен сотувда қанақаси борлигини қараб биламан», деди. Мен ҳаяжонланганимдан,

бизга кузови қисқартирилган тури кўпроқ ёқишини айтишни унутдим. Бу одам аъло ҳолатдаги ва кўп юрмаган бир ёки икки йиллик машинани топиш ниятида эди.

Биз чамаси бир ой бу одамдан янгилик эшитмадик, кейин у ниҳоят, қўнғироқ қилиб: «Сизнинг Escalade машинангиз менда; келинг, фалон жойда, шунақа соатда учрашайлик ва сиз уни уйингизга олиб кетишингиз мумкин», деди. Биз учрашдик ва унда қисқартириб ишланган марваридли-оқ рангли Escalade бор эди. У мафтункор эди! «Бунга шунча кўп вақт кетгани учун узр, – деди ўша одам, – мен кузови узун қилиб ишланган туридан топмоқчи эдим, лекин уларга талаб кўплигидан, жойида бирорта ҳам йўқ эди. Мен топишга муяссар бўлган ягона нарса, – бу мана шунақа қисқаси. Умид қиламанки, сиз қарши эмассиз», деди. Қарши эмасман? Бу биз айнан хоҳлаган ва айнан эътироф этган нарсамиз!

Яна савол бераман: биз хоҳлаган айнан ўша Escalade қандай пайдо бўлди? Энди биринчдан, чўпонга совға қилган ва юқорида айтган машинадан ташқари, мен саккизта машина совға қилганман. Лекин мен ҳеч қачон машина ҳақида «Мана шунақаси!», демаганман, то Дренда ўша BMW билан шундай қилмагунича. Ва яна бир карра, биз Дренда билан бирдамликка бордик ва эшиттириб: «Биз мана шунақа машинани хоҳлаймиз!», дедик. Мен бир неча йилдан буён жамоатнинг ҳада ҳақида таълим бериб, катта иш қилганини, лекин одамларни ҳосил йиғишга ҳеч ҳам ўргатмаганини гапираяпман. Шундай қилиб, сиз олдинги воқеаларнинг ҳаммасида ўроқ нима бўлганини айта оласизми? Умид қилманки, бу очиқ-ойдин! Мен мукофот олишимга ишониб кўп машиналарни экканман, лекин Дренда ва мен шунчаки ҳеч қачон янги машина ҳақида бирдамликка келмаганмиз. Мен қайтараман, биз машиналарда бир мунча вақт юрардик. Лекин: «Мана шунақаси!» – деганимизда, у пайдо бўлди. Ўроқ – бу бизнинг сўзларимиз!

Ўлим ва ҳаёт – тилнинг ҳокимияти остидадир ва уни севадиганлар унинг меваларидан татиб кўрадилар.

– Ҳикматлар 18:21

Жамоатда эътироф этиш тўғрисида кўп таълим берилган пайтлар бўлган эди. Мен шундай одамлар билан бўлганманки, эҳтимол, сиз ҳам улар ниманидир айтиб, кейин эса оғизларини қўллари билан ёпиб, шундай деганини эшитгансиз: «Мен ўзимнинг эътирофимни назорат қилишим керак». Мардонатор жаранглапти ва мен розиман, бу бизга Сўзни юракларимизда сақлашимизга ёрдам беради. Бироқ эътирофимизни назорат қилишнинг ўроққа алоқаси йўқ. «Нима? Менимча сен ўроқ – бу бизнинг сўзларимиз эканини айтган эдинг». Ҳа, айтган эдим, лекин шунчаки тўғри сўзлардан фойдаланишнинг таърифига риоя қилиш ўз-ўзидан калит ҳисобланмайди.

Худонинг имонига эга бўлинглар, чунки сизларга ростини айтманки, агар кимки бу тоққа: кўтарилиб, денгизга отил, - деса, ўз юрагида шубҳаланмасдан унинг айтгани амалга ошишига ишонса, унда у айтганининг ҳаммаси амалга ошади.

– Марк 11:23

Мен қайтараман, Марк Хушхабари 4-бобдаги ўроқ – бу бизнинг сўзларимиз! Марк Хушхабарида ўроқ муҳокама қилинаётган пайтга келганда, имон ва уни олиш жараёни аллақачон тасвирланган. У ерда уруғ етилганида, сиз ўроқ солишингиз кераклиги, чунки ҳосил етилгани айтилган. Ҳосил вақти келади, чунки сиз имондасиз, сизнинг юрагингизда Само билан ҳамжиҳатликка эришилган. Марк 11-бобнинг юқорисидаги оятда ҳам худди ўша қоида бор. Сизнинг юрагингиз Сўзга ишонади, кейин сиз гапирасиз ва Самонинг ҳокимиятини озод қиласиз. Лекин «...Унинг сўзи бўйича

амалга ошишига ишонади». Имонни текшириш – бу сиз айтаётган нарсаларга ишонасизми йўқлигини текширишдан иборат. Шунчаки гапириш ёки Худонинг Сўзини эътироф этиш – бу ўз-ўзидан имон эмас. Сизнинг юрагингиз Само билан ҳамжиҳатликка келмас экан, сиз қувватингиз борича эътироф этишингиз мумкин, аммо ҳеч нарса содир бўлмайди. Шундай қилиб, биз эътирофимизни назорат қилайликми ёки юрагимизними?

Яхши одам юрагининг яхши хазинасидан яхшиликни олиб чиқади, ёвуз одам эса ўз юрагининг ёвуз хазинасидан ёвузликни олиб чиқади, чунки юрак нимага тўлиб тошган бўлса, тил ўшани гапиради.

– Луқо 6:45

Асрашинг керак бўлган ҳамма нарсадан ўз юрагингни асрагин, чунки ундан ҳаёт манбалари оқиб чиқади. Ўзингдан оғизнинг ёлғончилигини улоқтиргин ва тилнинг маккорлигини ўзингдан узоқлаштиргин.

– Ҳикматлар 4: 23, 24

Биз гапираётган нарсалар бизнинг юрагимиздан чиқишини ва нимага ишонса шуни гапиришини яққол кўришимиз мумкин. Марк Хушхабаридан 4-бобда кўрсатилган жараённи кузатиб, биз юрагимиз ишонаётган нарсани аслида қандай қилиб ўзгартириш ва буни Само билан уйғунликка келтириш мумкинлигини билиб оламиз. Кейин тўлиқ амин бўлиб, сўзлар ва ҳаракатлардан фойдаланиб, биз ўроқни қўллаймиз. Сиз моҳиятини ўзлаштириб олдингизми? Жуда яхши, давом этамиз.

Имон ҳақидаги мунозарани давом эттириб, сиз жавоб беришингиз керак бўлган саволни бермоқчиман.

Мен имонда эканлигимни қандай билишим мумкин?

Бу сиз жавоб беришингиз КЕРАК бўлган ажойиб савол, чунки имонда бўлмай туриб, имон ибодати билан ибодат қилишнинг имкони йўқ. Сиз имонда ёки имонда эмаслигингизни текширишнинг кўпгина усуллари бор, билиш ва аниқлай олиш керак бўлган кўп аломатлар бор. Сиз имонда бўлмасангиз, унда кўрқувга асосланган кўп қарорларни қабул қилишингиз мумкин. Кўрқувга асосланган қарорлар, сизни лаънатланган ердаги тизимнинг асири қилиб қўяди ва Худо сизларга бермоқчи бўлган нарсаларга киришингизга тўсинлик қилади. Шундай қилиб, сиз имонда эканлигингизнинг қандай аломатлари бор? Биринчи аломати оддий: сиз бизнинг имонга берган таърифимизни кўришингиз ва юракдаги тўлиқ аминлик – ҳақиқий калит эканини тушунишингиз мумкин. Биз кўпинча аминмиз деб ўйлаймиз, аслида эса фақат онгимизда рози бўламиз, лекин юракда Сўз бўлмайди. Сиз фарқни кўришга қодир бўлишингиз керак. Сиз тўлиқ амин бўлганингизда, шак-шубҳасиз, сизнинг онгингизда Сўз гапираётган нарсалар билан розилик бўлади, лекин шунингдек, тинчлик ва кутишни келтирадиган аминлик ва ишончи комиллик ҳам бўлади.

*Имон эса қутилаётган нарсаларнинг амалга ошиши
ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир.*

– Ибронийларга 11:1

Сизда нимагадир эга эканлигингиз ҳақидаги гувоҳлик бўлса, яна сизга эга эканлигингизга аминлик керакми? Албатта йўқ. Яна бир марта айтаман: агар сиз имонда бўлсангиз, сиз ҳатто буни кўрмаётган бўлсангиз ҳам, сизда Худонинг Сўзи айтаётган нарсаларга эга эканлигингиз борасида билим, тинчлик ва аминлик бўлади. Аксарият одамлар шундай дейдилар: «Бу нарса менда борлигини мен билишимни, билишимни, билишимни биламан». Бу билим вазиятлардан эмас, ичкаридан келади. Бу сизнинг руҳий

инсонингизда ёки юрагингизда пайдо бўлади. Қўрқув йўқ, мияга ёпишиб олган ҳар хил фикрлар ёки сизнинг онгингизга ҳужум қиладиган нотинчлик йўқ; сиз бунинг аллақачон амалга ошган факт эканлигини биласиз.

Имонда бўлишнинг яна бир жиҳати – бу қувонч ва кутишдир. Сизга жавоб мана шундай тарзда келади. Бу сизда аллақачон бор дегани! Имон – бу тинчлик ёки аминлик ҳиссидан кўра каттароқдир. Сиз шунингдек, ўзингизнинг фикрингизни руҳий томонлама ҳимоя қилишингиз керак. Мен буни гапираётганимда, суд залини тасаввур қилинг, у ерда сиз – гувоҳларни сўроқ қилаётганлардан бири бўлган ҳимоячисиз. Нима учун сиз бу вазият ҳақида ўйлаётганигизни ўйлаяпсиз? Сиз ўзингизнинг фикрингизни қандай қилиб ҳимоя қилган бўлар эдингиз? Бу ерда фақатгина битта жавоб бор – Худонинг Сўзи ҳисобланади.

Масалан, агар кимдир сизнинг ўйингизга келиб: «Ҳой, менинг ўйимдан кетинглар!» - деса, наҳотки сиз: «Оҳ, кечиринг, бизга яна бир кун муҳлат беринг ва биз кетамиз», дейсиз? Йўқ, сиз бундай қилмайсиз, аксинча сиз кулиб юборасиз. Агар у киши: «Йўқ, бу менинг ўйим. Чиқиб кетинглар ёки судда кўришамиз», деса, сиз «Хурсандчилик билан кўришамиз судда» деб жавоб берасиз. Суддаги тинглаш жараёнида сиз судьяга ўзингизнинг вазиятингизни бамайлихотир тушунтирасиз. Ўша одамни қамоққа олиш ва суднинг борча харажатларини тўлашга мажбурлаш учун судьянинг битта нигоҳи етарли бўлади. Ушбу вазиятда сизнинг аминлигингиз кечинмаларингизга ёки ҳиссиётларингизга эмас, балки қонунга ва сиз ўйнинг қонуний эгаси эканингиз фактига асосланган.

**ИМОН ЭСА
КУТИЛАЁТГАН
НАРСАЛАРНИНГ
АМАЛГА ОШИШИ ВА
КУРИНМАЙДИГАН
НАРСАЛАРГА АМИН
БЎЛИШДИР.**

– ИБРОНИЙЛАРГА 11:1

Гап имонда бўлиш ҳақида кетганида, мен имон нима эканини тушунмайдиган одамлар, Худонинг Сўзи ҳисобланган имоннинг ягона манбасига эмас, балки шахсий ишларига амин бўлиб кўпинча адашишларини гувоҳи бўламан. Худонинг Сўзи бўйича қилинган бирор хил иш ёки ифодани, бутунлай аминликка тўлган юракдан чиқаётган Шоҳликнинг ҳақиқий кучи билан адаштириб юбориш осон. Масалан, агар сиз Худонинг Шоҳлигига пул эккан бўлсангиз ва мен сиздан нима сабабдан ўзингизнинг уруғингиз учун мукофот оласиз деб сўрасам, сизнинг жавобингиз: «Чунки фалон кунда мен шунақа пулни қурбон қилган эдим», бўлиши керак. Ушбу эътироф фақатгина сизнинг ишларингизга, ифодангизга асосланади ва юракда амин бўлиш учун лангарга эга бўлмайди. Сизнинг аминлигингиз фақат Худонинг Сўзидан чиқиши мумкин.

Мен ибодат қилиб, нима учун менинг ибодатимдан кейин жавоб олишларига ишонишларини сўраганимда, менга қараб, нима дейишни билмаган одамларнинг сонини ҳисоблай олмайман. Буни сўраб, мен уларнинг имонларини, Само билан бирдамлигини кўришни истайман. Мен уларнинг: «Мен жавоб олишимни биламан, чунки Худо менга фалон китобда, фалон оятда, бу менга тегишли эканини ваъда қилган», дейишларини эшитишни хоҳлайман. Агар одам Муқаддас Китобдаги оятни айта олмаса, у лангарга ва унинг кемаси қаерга йўл олаётгани борасидаги аниқ тушунчага эга эмаслиги эҳтимоли бор.

Ёдда тутинг: агарда сиз Худонинг иродасини билсангиз, имон бўлиши мумкин. Нима учун? Чунки юрак фақатгина Худонинг иродаси билан бирдамликда бўлса имон мавжуд бўлиши мумкин. Мен кўп одамлар ўзларини имондаман деб ўйлайдилар, аслида эса бундай эмас, деб ҳисоблайман. Такрорлайман, уларнинг онги Худонинг Сўзи билан, у тўғри ва ҳақиқий деб рози бўлиши мумкин, лекин юрак қачон тўлиқ мустаҳкам бўлса, фақат ўшанда имон бўлади. Кўпларнинг онги эса Сўз билан рози-ю, юраги мустаҳкам эмас.

Менинг сўзларимга яхши мисол бор, ўйлайманки, у кўплар имонда бўлмасалар ҳам, имондаман деб ўйлаётганларини кўрсатади. Мен сизларга яқинда аниқлаган нарсамни айтсам нима бўларди: осмон одамлар айтганидек зангори эмас, лекин зангори ранг деб атайдиганлари аслида сариқ? Бошқа сўзлар билан, мен сизларга бизни бутун ҳаётимиз мобайнида нотўғри ўқитганлари ва зангори аслида зангори эмас, балки сариқ экани ҳақида айтган бўлар эдим. Сиз нима қилган бўлар эдингиз? Ҳайратдан лол қолиб, тезгина ўзингизнинг уяли телефонингизни олиб, биринчи ўқитувчингизга кўнғироқ қилиб, кейин у нотўғри рангларга ўргатиб, сизнинг бутун ҳаётингизни синдиргани учун айблаган бўлармидингиз? Мен бундай деб ўйламайман. Сиз ҳеч қанақа ҳиссий жавоб, ҳеч қанақа можаро қилмаган бўлар эдингиз. Сиз мени шунчаки овсар деб ўйлаб, менинг изоҳларимни соғлом ақлдан озган киши сифатида қулоқларингизнинг ёнидан ўтказган ва қилган ишларингизни қилаверган бўлар эдингиз. Нима учун? Чунки сизда зангори – бу зангори экани ҳақидаги тўлиқ аминлик бор!

Келинг, энди менинг мисолимни бизнинг имон масаласидаги муҳокамамиз билан солиштирамиз. Агар сизда Худо шифо ҳақида гапираётганига тўлиқ аминлик бўлса-ю, шифокор сизга саратон касаллигидан ўлишингизни хабар қилаётган бўлса-чи? Сиз шифокорга қараб, у бутунлай ақлдан озган, деб ўйлайсиз. Нима учун? Чунки сиз шифога эга бўлишингиз учун Исо тўлиқ нархни тўлаганига сизнинг бутунлай ишончингиз комил. Тўшунаёпсизми? Албатта, кўп одамлар ибодат қиладилар, лекин ўрганиб чиқиб, мен уларнинг ибодатини имон эмас, балки умид ибодатлари деб атайман, чунки улар натижасига амин эмаслар. Менинг дўстим, мана нима учун ўзимизни Худонинг Сўзи билан қуришимиз муҳим. У айтаётганларига амин бўлиш учун, биз Худонинг иродаси қандай эканлигини билишимиз, шунингдек, Унинг иродаси бўлмаган ҳамма нарсани рад этишимиз керак. Сизга ўзимнинг шахсий ҳаётимдан Худо ҳаёт ҳақида гапираётган нарсалар

билан ўзимизни озиқлантиришимиз қанчалик муҳимлигини тасвирлайдиган намунани кўрсатишимга ижозат беринг.

Мен биркуничарчаганэдим, менинг ортимдатадбиркорликнинг эгаси сифатида, бир неча мураккаб ҳафталар бор эди (бу мен жамоатнинг чўпони бўлишимдан олдин бўлган эди). Менинг иш тартибим, сотувлар ҳақидаги музокаралар билан зич эди ва албатта, мен фоизларга боғлиқ бўлганим сабабли молиявий босим бор эди. Мен оддий пломба қўйдириш учун тиш шифокорига бордим. Шифокор то новокаин қўйишни бошламагунича, ҳаммаси яхши кетаётган эди. У игнани санчганида, мен кучли силтанганимни ҳис қилдим ва жағим бир зумда увушиб қолди – одатдагидек эмас, аввал уколдан кейин аста-секин увушарди. Мен ҳайрон бўлдим ва шифокордан нима бўлганини сўрадим. У: «Ҳа, мен балки асаб толасига теккандирман». Мен шу заҳотиёқ ундан: «Бу табиийми», деб сўрадим. У шунақа сўзларни айтди: «Энди, одатда буни даволаса бўлади». Нима? Мен уни тўғри эшитдимми? «Доктор, одатда буни даволаса бўлади деб, нимани назарда тутаяпсиз?» У: «Энди, 80-85 фоиз ҳолатларда буни бутунлай, салбий оқибатларсиз даволаса бўлади», деди.

Нима? Тўсатдан менинг ичимда қўрқув кўтарила бошлади. Энди нима бўлади? Умуман бу ўтиб кетадими? Менинг онгимни қўрқинчли фикрлар ҳужум қиларди. Даволанишдан кейин менинг юзим увушиб қолаверди ва одатда тиш шифокорига борганимда увушиш аста-секинлик билан ўтганидек эмас эди. Тиш шифокорининг кўригидан ўтганимдан сўнг, бир соатдан кейин менда мижоз билан учрашув белгиланган эди, шунинг учун нима содир бўлганини ўйлаб кўриш учун менда етарли вақт бор эди. Лекин учрашувга кетаётганимда бутун йўл давомида мен жон талвасасида эдим ва оғриқдан эмас, балки тинчликнинг йўқлигидан ва менинг бошимда бўрондек айланган қўрқувдан.

Кечроқ, ўша учрашувдан уйга қайтаётганимда, мен бир

дўстимнинг олдига кирдим. Менинг юзим ҳали ҳам увушган эди ва менга бу ўтиб кетишини тасдиқлайдиган бирор киши керак эди. Менинг хатоимга эътибор беринг: мен мадад сўраб Худонинг Сўзига эмас, балки ҳатто, мустаҳкам имонли бўлмаган одамга мурожаат қилдим. Мен дўстимга нима содир бўлганини гапириб бердим ва: «Ҳаммаси жойида бўлади, Гэри, сен тузалиб кетасан», деган жавобни эшитаман деб умид қилдим. Бунинг ўрнига мен: «О, йўқ! Менинг бир дўстим бор, у билан худди шу нарса содир бўлган эди, унинг юзи ҳозиргача фалаж бўлиб қолган», деган гапни эшитдим. Мен эшитганларимга ишона олмасдим! Менинг онгим қўрқув билан қамраб олинган эди. Мен ўзимни ҳаммаси яхши бўладигандек тутдим ва унга ажратган вақти учун миннатдорчилик билдирдим. Умидсизликда мен бошқа дўстларимнинг ўйини олдида тўхтадим, худди шу саволни бердим ва худди ўша жавобни эшитиб, лол қолган эдим. «О йўқ, - дердилар улар, - бизнинг бир дўстимиз бор, у билан худди шу нарса содир бўлган эди, шу билан унинг юзи ҳеч тикланмади, у ҳали ҳам фалаж бўлиб турибди».

Бу ташрифдан кейин менинг дилим вайрон бўлган эди. Мен Худо шифолашини билардим (ўзимнинг онгимда), лекин шунчаки қўрқувдан халос бўла олмасдим. Менинг юрагимда муайян аминлик йўқ эди. Ўша тунни мен талвасада ўтказдим! Менинг онгим қўрқув билан тўлган эди, юзим худди тиш шифокорининг хонасида бўлганидек, ҳали ҳам олдингидай увушган эди.

**ЎША ДАМДА МЕН
ХУДОНИНГ СЎЗИ
МЕНИНГ ЯГОНА
УМИДИМ ЭКАНИНИ
БИЛАРДИМ.**

Ухлашга уриниб, мен ўнг қулоғимнинг остида оғриқни ҳис эта бошладим. Бундай бўлиши мумкин эмас! Менинг отам бу воқеадан бир ёки икки йил аввал юзидаги ўстки асабнинг фалажлиги билан курашган эди ва у ҳаммаси қулоқ остидаги кичик оғриқдан бошланганини айтган эди. Юздаги ўстки асабнинг

фалажлиги, юзнинг мушакларини назорат қиладиган ва кичик тешик орқали суюқка тўғри қулоқ остидан ўтадиган асаб толаси, инфекция ёки яллиғланиш билан шикастланишидир. Мен ётиб, ухлаб қолишга ҳаракат қиляпман ва қуйидаги сўзларни сўзма-сўз ўзимнинг фикримда эшитаяпман: «Сизда худди отангизда бўлгани каби, юздаги устки асабнинг фалажлиги бор». Мен эрталаб ўйғонганимда, менда юздаги устки асабнинг фалажлиги тўлиқлигича бор эди! Энди менинг фақатгина жағим эмас, балки ўнг томондаги бутун юзим ҳам увушиб қолган эди, мен на кўзларимни, на оғзимни ёпа олмас эдим. Ҳаммаси жуда ёман эди. Мен бутунлай синган эдим.

Мен ўзимнинг гумонларимни тасдиқлаш учун маҳаллий шифокорга бордим. Текширувдан кейин у, менда ҳақиқатан ҳам юздаги асабнинг энг чинакам фалажлиги борлигини айтди. Мен: «Энди нима бўлади?», деб сўрадим. У: «80-85 фоиз ҳолатларда, фалажлик бутун умрга қолмай, касаллик ўтиб кетади», деди. Менга туюлдими ёки у ростан ҳам ҳозиргина буни айтдимми?

Ўша пайтда мен оғир аҳволда эканимни билардим. Мен шайтоннинг бу нарсада тўхтамаслигини билардим ва мени нима кутаётгани ҳақида ҳаттоки ўйлашни ҳам истамасдим. Мен нотўғри йўналишда ҳаракат қиляётганимни тушуниш учун, руҳий жанг ҳақида етарлича билардим. Ёдда тутинг, бу воқеа мен шунга ўхшаш нарсалар ҳақида ниманидир билиб олишимдан кўп йиллар олдин содир бўлган эди. Лекин мен, бундан устун келишни хоҳласам, унда мен руҳий усуллар билан жанг қилишим кераклигини англаш учун, етарли даражада билардим. Мен шунингдек, бу бехосдан бостириб келиш учун жинларнинг тузоғи эканини ҳам билардим, сабаби мен жуда чарчаган ва ҳеч қанақа тўсиқларни кутмаётган эдим.

Ўша дамда мен Худонинг Сўзи менинг ягона умидим эканини билардим. Мен ўз-ўзимдан, менинг онгимни тўлдириб турган қўрқувни тўхтатиш учун умуман ҳеч қандай имкониятга эга

эмас эдим. Шунинг учун мен унча катта бўлмаган варақчаларга Муқаддас Ёзувнинг шифо ҳақидаги оятларини ёзиб олдим ва ўзимнинг юрагимда имонни ривожлантириш жараёнини бошладим. Имон ўсишни бошлашиш учун, мен ўзимнинг юрагимга Сўзни экиш кераклигини билардим, шунинг учун ҳам Худонинг Сўзи ҳақида бутун кун мобайнида мулоҳаза қилдим.

Бошида ҳеч нарса ўзгармади. Юзим увушган бўлиб қолаверди ва мен ҳар доим қўрқув руҳи билан курашдим. Юзим худди ўша ҳолатда ва ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган бир пайтда, тахминан бир ҳафта ўтиб, бу содир бўлди! Мен Сўзни ўзимнинг юрагимга экканим сабабли, Марк Хушхабарининг 4-боби бизга ўргатаётган жараёндагидек, менда имон шакллана бошлади: аввал кўкат, кейин бошоқ ва ундан кейин бошоқда етилган дон.

Бу вақт мобайнида бирдамликка ҳали эришилмаган, демек ҳали имон ҳам йўқ эди. Бироқ мен ўзгаришларни кўрмаганим ва бу жараён Марк Хушхабарининг 4-бобида биноан қандай ишлашини билмасам ҳам, ҳаммаси ҳақиқатан ҳам ўзгара бошлаган эди. Мен айтаётган ўзгариш, кўринадиган жисмоний дунёда содир бўлмаётган эди – бу юракдаги ўзгариш эди. Агар биз Сўзни маҳкам тутсак, у бизнинг юракларимизнинг аминлик тизимини аста-секин ўзгартиради, ўз-ўзидан бизни имонсизликдан Само билан ҳамжиҳатликка ўтказди. Мен билан бўлган воқеада, Сўз менинг ягона жавобим эканини билиб, уни маҳкам тутдим.

Бир куни мен уйда юрган эдим, у ерда Муқаддас Ёзувнинг шифо ҳақидаги оятлари ёзилган варақчалар бириктириб қўйилган эди ва менинг нигоҳим мен юз марта кўрган нарсага тушиб қолди. Лекин бу сафар мен унга қарадим – ва АНА ХОЛОС дедим! Тўсатдан менга мойланиш тушди, қўрқув бир зумда кетди ва мен шифоланганимни БИЛДИМ. Ҳа, юзим ҳали ҳам увушган эди. Ташқи ўзгаришлар йўқ эди, аммо мен шифоланганимни билдим. Икки соат ичида юзим тўлиқ ўз ҳолига қайтди, увушиш кетди.

Худога шукур! Сўз иш беради!

Мен ўзимнинг руҳий ҳаётим, эҳтиётсизлигим ва бадлигим туфайли заифлашишига йўл қўйганимни билдим ва оқибатда ўзимнинг хатоимни англаб, аҳмоқлигим учун тавба қилдим. Бу аллақачон, мен ўзим учун имон аслида қандай ишлашини эндигина очган ва бу соҳада катта тажрибага эга бўлмаган пайтларда бўлган эди. Мен қилган ишларимга бурилиб қарайман: аҳмоқ, зудлик билан Худонинг Сўзига мурожаат қилишни ўрнига, қандай қилиб одамлардан менга нима бўлишини сўраганман. Нима содир бўлаётганини англаб, мен ҳар ҳолда Сўзга аминлик билан мурожаат қилдим. Афсуски, аксарият одамлар бу жараёнда аминликка эга эмаслар, чунки ҳеч ким уларни имонга ва унинг қандай қилиб келишига ўргатмаган. Уларга жараён номаълум бўлгани сабабли, босим остида бўлганларида, улар Сўзни у иш бермайди деб, қўлдан бой берадилар.

Шайтоннинг қарши ҳужумларини тушуниб.

Кристин бизнинг жамоатимизга Худо ҳақидаги катта билимларга эга бўлмай туриб келган эди. У якшанба кунги хизматларнинг бирида юқоридан туғилди ва унинг ҳаёти кескин ўзгарди. Биз жамоатимизда одамларни Худонинг Шоҳлиги билан таништирадиган дарсларни ўтказамиз. Биз гапирадиган ва ўргатадиган мавзулардан бири, – бу шифо олишнинг қонуний ҳуқуқи ҳисобланади. Кристиннинг кўп йиллар мобайнида эшитиш қобилияти билан муаммолари бўлган. Боз устига, у 40 йил эшитиш аппаратини тақиб юрган ва 50 фоиз эшитиш қобилиятини йўқотган эди. Унинг онаси кар бўлган ва акаси ҳам эшитиш муаммосидан азоб чеккан. Кристин имонли бўлиб, у шифо олишга қонуний ҳуқуқи борлигини эшитганида, шунчалик қувондики!

Дарс жараёнида менинг рафиқам унга қўлларини қўйиб, унинг қўлоқлари очилиши учун ибодат қилди ва бир зумда – ЛОП ЭТИБ,

у аъло даражада эшита оладиган бўлди! Кристин чинқириб, йиғлай ва Худони улуғлай бошлади. Менинг рафиқам Дренда ва Кристин келиб, менга бу яхши янгиликни гапириб берганларида, мен Кристинни Шайтоннинг қарши ҳужумлари ҳақида огоҳлантириш зарурлигини ҳис қилдим. Мен Дрендага, агар аломатлар қайтадиган бўлса, у муаммога жасорат билан буйруқ бериши ва у шифо топгани ҳамда Шайтон йўқолиши кераклигини эътироф этиши ҳақида Кристинга насиҳат беришини айтдим. Кейинги эрталабда синов келди. Эшитиш қобилияти у яхши эшита олмайдиган пайтдаги олдинги ҳолатига қайтди. Шунинг учун у худди биз айтганимиздек қилди, - «Йўқ, Шайтон, мен буни қабул қилмайман. Мен ўшанда қандай шифоланган бўлсам, ҳозир ҳам шундай шифоланганман, Исо номи билан!», деб эътироф этди. Шу заҳотиёқ унинг қулоқлари очилди ва ўша дамдан буён ҳали ҳам очиқ бўлиб қолмоқда.

Ёдда тутинг, Шайтон қарши ҳужумни қўллайди ва ҳудудни яна эгаллаб олишга уриниб кўради. Унга буни қилишига ижозат берманг. Худонинг Сўзида туринг!

Ушбу бобнинг бир қисмини мен имоннинг асос соладиган қоидаларини: унинг қандай қилиб ишлашини, биз имонда ёки имонда эмаслигимизни қандай билишимиз ва имонни қаердан олишимиз мумкинлигини тушунтиришга бағишладим. Худонинг Шоҳлиги сизнинг ҳаётингизда ишлаши учун, сиз буни билишингиз керак. Ёдингизда борми, Исо аёлга: «Сенинг имонинг сени қутқарди», деган эди? Сиз учун ҳам худди шундай бўлади: сизнинг имонингиз, юрагингиз, Само айтаётган нарсаларга тўлиқ амин бўлади ва ўроқдан фойдаланиш, сиз ҳаётда дуч келишингиз мумкин бўлган ҳар қанақа муаммо ёки эҳтиёжга жавоб бўлади.

6-БОБ

РАББИЙНИНГ ДУОСИ (МАРҲАМАТИ)

Мен ресторанда рафиқам ҳамда бизнинг жамоатимизга воизлик қилиш учун таклиф қилинган меҳмон аёл билан ўтирган эдим. Соат чамаси кечки ўнларга яқинлашиб қолган эди ва биз эндигина энг кучли кечки хизматни ўтказган эдик. Бизнинг олдимизга буюртма олиш учун официант келди ва бизда гап бошланиб кетди. Бизнинг меҳмонимиз хизматнинг қандай ажойиб бўлганини айтишни, шунингдек, жамоат ҳақида гапириб беришни бошлади. Шундан кейин у официантдан: «Сиз ов қилишни яхши кўрасизми?», деб сўради. У яхши кўриниши айтди. Бизнинг меҳмонимиз ҳар доим мен ов қилган воқеаларга ҳаваси келарди ва ўша кечда мен, айтгандай, унинг дўстларининг бири учун, унга «Имон бўйича ов» номли китобимни совға қилган эдим. Ўша китоб нақ ёнимда турган эди.

Официант бирин-кетин ов қилганини, лекин у кийикни ҳеч ҳам қўлга кирита олмаганини гапириб беришни давом эттирарди. Биз меҳмонимиз билан бирга унга Худонинг Шоҳлиги қай тарзда ишлашини ва ҳар сафар овга чиққан пайтда, кийикни қўлга киритишга амин бўлиш мумкинлигини тушунтира бошладик.

У бизни унчалик ҳам тушунмас эди. Лекин мен ёнимда турган китоб ҳақида эсладим ва уни официантга совға қилишни таклиф қилдим. Мен меҳмонимизга бошқа нухасини беришимни айтдим ва у рози бўлди. Официант менга миннатдорчилик билдириб, бу китобни ўқишга ваъда берди, лекин мен ҳойнаҳой уни охириги марта кўраётган бўлсам керак, деб ўйладим. Бироқ, унақа эмас экан.

Бир йил ўтиб худди ўша меҳмон аёлнинг ўзи бизнинг жамоатимизда воизлик қилди ва биз бир йил аввал борган ресторан унга жуда ёққанини эслаб ўтиб, биз у ерга яна бора оламизми деб сўради. Биз шундай қилдик ҳам. Дастурхон атрофига ўтириб, биз бир йил аввал бизга хизмат кўрсатган официантнинг ўзи хизмат кўрсатаётганидан таажжубланган эдик. Яқинлашиб, у: «Ассалому алейкум, сизлар бу ерга бир олдин келган эдингиз ва биз кийикларни овлаш ҳақида гаплашган эдик», деди. Биз: «Ҳа, эслаймиз», дедик. У: «Сиз менга берган китобни ўқиб чиқдим ва унда ёзилганидек қилдим. Мен ўтган йил иккита кийикни қўлга киритдим ва мана шу йил яна биттасини қўлга киритмоқчиман», деди. Биз унинг воқеасини эшитишдан жуда хурсанд эдик, лекин асло ҳайрон бўлмадик. Худонинг Шоҳлиги ҳар доим ишлайди!

Мен 25 та чўпонлар билан учрашув ўтказдим ва уларга Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини тушунтирдим. Бу ажойиб учрашув эди. Мен учрашув ўтган залдан кетмоқчи бўлганимда ва менинг ходимларим йиғиштира бошлаганларида, чўпонлардан бири қайтиб келди. Улар рафиқаси билан Дренданинг олдига келиб, гаплашиш мумкинми деб сўрадилар. Чўпон агар у, ҳафтанинг охиригача қарзлари учун 6900 долларни тўламайдиган бўлса, унинг уйини олиб қўймоқчи бўлгани ҳақида гапира бошлади. У қўлларида ушлаб турган 100 доллардан ташқари унинг пули йўқлигини тушунтирди. «Менда борининг ҳаммаси шу – деди у, – лекин мен, сиз бугун бизга ўргатганингиздек, уларни экмоқчиман ва сиздан ҳамда рафиқангиздан мен билан шу ҳафта бизга

керакли пуллар бўлишида яқдиллик билдиришингизни илтимос қиламан». Бизларнинг ҳаммамиз қўл ушлашиб, ибодат қилдик ва Худога пуллар учун миннатдорчилик билдирдик.

Тахминан бир ойдан кейин мен ўша чўпонни бошқа тадбирда кўрдим, у менинг олдимга жуда хурсанд ҳолда югуриб келди. «Мен сизларга нима содир бўлганини гапириб беришим керак – деди у. – Мен буни олдинги сафар тилга олмаган эдим, лекин бизнинг рафиқам билан футболкаларга расм бостирадиган унча катта бўлмаган қўшимча бизнесимиз бор, биз буни вақт-вақти билан гаражимизда қилиб турамыз. Бизда катта ҳажмдаги иш йўқ эди, лекин баъзида биз қанқадир буюртмаларни қабул қилар эдик. Шундай қилиб, бизнинг сиз билан суҳбатимизнинг эртасига бизга бир нечта буюртмаларни беришди, уларнинг миқдори 8900 долларга тенг эди. Ўша ҳафтада кўп меҳнат қилишимизга тўғри келди, лекин жума кунга келиб бизда уй учун тўлаш зарур бўлган 6900 доллар бор эди. Раҳмат сизга!»

Мен Шимолий Каролинадаги чўпонлар анжуманида 500 та бошқа чўпонлар билан бўлдим. Мен воиз эмас – шунчаки иштирокчи эдим. Менинг олдимга бир киши келиб: «Мен сиз билан гаплашиб олишим керак», деди. У Германиялик чўпон эди ва у менга айтадиган қизиқарли воқеаси борлигини айтди.

Унинг ўсмир ўғли қандайдир йўл билан менинг CD-дискимни қўлга киритган. Уларни тинглаб, у PlayStation 3 ни имон билан олишга тайёрман деган қарорга келган, чунки унинг бунга пули бўлмаган. Мен PlayStation 3 нима эканини ҳамма билади, деб ўйлайман (агарда билмайдиган бўлса, унда бу қўшимча ўйин). Чўпон менга, бир кун ўғли унинг офисига келганини ва у билан бирга PlayStation 3 ҳақида розилик билдириш ёки билдирмаслигини сўраганини гапириб берди. Ўғли отасига менинг дискларимни тинглаганини ва уруф экиб, бу масала ҳақида отаси билан ибодат қилишни истаётганини тушунтирган.

Отаси бу ҳақида ҳатто унчалик ўйлаб ҳам кўрмаганини, лекин чўпон бўлгани сабабли, ўзининг ўғлидан жамоат учун молиявий қурбонлик сифатида уруғни қабул қилишини айтган. Улар ўғли билан, ўғли ўша лаҳзанинг ўзидаёқ PlayStation 3 ни олганига рози бўлиб ибодат қилганлар ва бу масалага аллақачон ечилгандек қараганлар.

Эртасига жамоатдан бир киши чўпонга қўнғироқ қилиб, унинг қисқа муддатли лойиҳаси борлигини, бунда унга ёрдам кераклигини айтиб, ўғли бир оз пул ишлашни хоҳлайдими йўқми деб сўраган. Ўғли жуда хурсанд бўлган ва икки куннинг ичида PlayStation 3 ни сотиб олиш учун етралича пул ишлаб топган.

Бу ўғлининг диққатини жалб қилган ва икки ҳафта ўтиб, у яна отасининг олдига офисга келган ҳамда яна бир нарса ҳақида у билан рози бўла оладими йўқми деб сўраган. Чўпон унга: «Албатта», деб жавоб берган, лекин ўғли Худо унга бақувватроқ мушакларни бериши учун рози бўлишини сўраётганини айтганида, бир оз таажжубланган. Чўпон бу илтимос учун ўғлига нима деб жавоб беришни аниқ билмаганини айтди. Охир оқибат у, агарда ўғли бақувват мушаклар ҳақида сўраётган бўлса, унда ўғли, бу ишдаги ўзининг қисмини бажаришга тўғри келишини ва агарда ўғли буни тушунаётган бўлса, у ўғли билан ибодат қилишга тайёр эканини айтган. Ўғли рози бўлган. Шундай қилиб, у ўзининг бақувват мушакларига уруғ эккан ва улар розилиқда ибодат қилганлар.

Эртасига чўпоннинг уйини олдига машина келиб тўхтаган. Бу жамоатдан бир оила бўлган. Чўпон улар билан гаплашишга чиққанида, улар ўзларининг гаражини тозалаганларини ва штанглар тўпламини топганларини, улар, чўпоннинг ўғлига керак бўлиб қолиши мумкин деб ўйлаганларини айтлар. Агар йўқ бўлса, унда чўпон лоақал, жамоатда уларни олиб кетишни хоҳлайдиган бирор кишини билиши мумкин деб ўйлаган. Чўпон менга, унинг

Ўғлини мушакларини ўстириш истаги ҳақида ҳеч ким билмаганини ва улар яқиндагина шу ҳақида ибодат қилганини гапириб берди. Чўпон ҳайратда қолган! У уйига кириб, ўғлига: «Ўша CD-дисклар қаерда», деб сўраган.

Бунақа турдаги воқеалар мен учун одатий ҳол. Мен уларни ҳар доим эшитаман ва улар сиз учун ҳам одатий ҳол бўлишини хоҳлайман. Шу пайтгача биз сиз билан Худонинг Шоҳлиги иш берадиган бир нечта муҳим қоидаларни, шунингдек, Самоларга ердаги соҳа учун қонуний асос ёки суд қилиш ҳуқуқини олиш учун бизнинг имонда розилигимиз зарурлигини тасдиқладик ва муҳокама қилдик.

Келинг, энди олдинга силжиймиз ва Шоҳликнинг айнан ушбу қонунлари бизга молиявий эҳтиёжларимизда қандай қилиб ёрдам бера олишини кўриб чиқамиз.

Раббийнинг дуоси – у бойитади ва ўзи билан ғам-қайғуни олиб келмайди.

– Ҳикматлар 10:22

Мен Муқаддас Ёзувнинг бу оятини биринчи марта кўрганимда: «Албатта, бу ерда ёзилган нарса назарда тутилмаяпти», деб ўйладим. Лекин мен айнан шунинг ўзи назарда тутилаётганини тушундим! Бу парчада нима ҳақида гапирилаётганини тушуниш учун, биз энг бошига, инсон яратилган лаҳзага қайтишимиз керак.

Аксинча, бир кимса бир жойда гувоҳлик қилиб айтган эди: инсон нимадирки, Сен уни эслаяпсан? Ёки инсон ўғли нимадирки, Сен уни йўқламоқдасан? Сен уни Фаришталардан бир оз паст қўйдинг; шуҳрату шараф билан тожладинг ва Ўз қўлларингнинг ишлари устидан қўйдинг, ҳамма нарсани унинг оёқлари остига бўйсундирдинг. Худо ҳамма нарсани одамнинг

оёқлари остига бўйсундирган бўлса, демак, унга тобе бўлмаган бирор нарсна қолдирмади. Лекин ҳозир унга ҳамма нарсанинг бўйсунганини ҳали кўрмаяпмиз...

– Ибронийларга 2:6-8

Биз бу парчани олдинроқ ўқиган эдик, лекин у ҳозир бизнинг муҳокамамиз учун жуда муҳим. Инсон яратилганида, ердаги ҳамма нарса унинг ҳоқимияти остига қўйилган эди. Унга бўйсунмаган ҳеч нарса қолмаган эди. У тақдим қилаётган ўша ҳоқимиятнинг тожига бурканган ҳолда, ер юзида вакил қилиб юборилган ҳоқимият ўрнидан ҳукмронлик қиларди. Унга мойланиш ва иззат-икром инъом этилган ҳамда ҳоқимият ўрнига қўйилган эди. Худога қарши чиққан Шайтон ерга Одам Ато пайдо бўлишидан олдин қувиб юборилган эди. Шайтон одамдан нафратланар, чунки одам Худонинг ҳоқимият тожига бурканиб, унинг устидан ҳукмронлик қилиш учун қўйилган эди. Шайтон энди табиий, яратилган, жисмоний ҳолатда унинг ўзидан бир оз заифроқ бўлган ўша мавжудотга бўйсунуши керак эди. Лекин руҳан, Одам Ато томонидан айтилган ҳар бир сўз, Худонинг ўзи айтгани каби ҳоқимиятга эга эди. Худонинг ўғли, Одам Ато ернинг устида ҳоқимият ва буюкликнинг худди ўша улўворлик жойидан ҳукмронлик қилар эди.

РАББИЙНИНГ ДУОСИ
– У БОЙИТАДИ ВА ЎЗИ
БИЛАН ҒАМ-ҚАЙҒУНИ
ОЛИБ КЕЛМАЙДИ.

– ҲИКМАТЛАР 10:22

Шундай қилиб, Шайтон одамдан нафратланган ва одам ернинг устида эга бўлган ўша ҳоқимиятни қўлга киритиш иштиёқида бўлган.

Унинг ягона йўли қандайдир тарзда одамдан ушбу тожни олиб қўйиш ва уни бу юқори ҳолатидан маҳрум қилиш бўлган. Фақатгина битта кичкина муаммо бўлган. Шайтоннинг Одам Атодан тожни олиб қўйиш ҳоқимияти бўлмаган; унинг якка-ю ягона умиди, Одам

Атонинг ўзи тожни ечиши учун, уни қандайдир тарзда алдаш керак бўлган. Шайтон Ҳаввани Худога ишониб бўлмастикка ва ҳаёт Худо ижозат берганидан кўра анчагина кўпроғини таклиф қила олишига ишонтирган. Одам Ато ва Ҳавва Худодан кўра Шайтонга кўпроқ ишонишга қарор қилганлар ҳамда Худога қарши хиёнат қилганлар. Охир оқибат Одам Ато ва Ҳавва Худонинг Шоҳлигидаги ўзларининг қонуний ҳолатини йўқотганлар ва Шайтон бу дунёнинг худосига айланган, худди Повул уни Коринфликларга йўллаган иккинчи мактуби, 4-бобида атаганидек:

*Худонинг тасвири бўлган Масихнинг шухрати ҳақидаги
Хушxabарнинг нури имонсизларга порламаслиги учун
бу дунёнинг худоси уларнинг онгини кўр қилиб қўйган.*

– 2-Коринфликларга 4:4

Одам Ато исён кўтаришидан олдин, у Худонинг ўғли бўлиш имтиёзидан лаззатланган. Худо эга бўлган ҳамма нарса, лаззатланиши учун Одам Атога ҳам очиқ бўлган ва у ҳаётида ҳеч қачон бир кун ҳам муҳтожликни билмаган ҳамда бир дона ҳам қўрқув фикрини бошидан кечирмаган. Ер сайёрасида яшаш учун унга керак бўлган ҳамма нарса, у яратилишидан аввал аллақачон у ерда жойлаштирилган бўлган.

Агар биз Ибтидо Китобидаги яратилишнинг олтинчи кунини ёдга оладиган бўлсак, унда одам олтинчи куннинг охирида яратилганни кўрамиз, яъни Худонинг яратиш режасини якуний қисми бўлган. Худо ором олиш куни деб эълон қилган еттинчи кунда яшаш унинг тақдири бўлган. Бу Худо чарчагани учун эмас, балки Ўзининг ишини тугатгани ва ҳамма нарса ниҳоясига етказилгани учун ором куни бўлган. Бир дақиқага Худо нимани амалга оширгани ва Унда одам учун мавжуд бўлган улуғвор режаси ҳақида ўйлаб кўринг. Афсус, лекин одам бунинг ҳаммасини қўлдан бой берди ва натижада, Шоҳликдаги ўзининг қонуний ҳолатини йўқотди.

Худо Одам Атога Унга итоат қилмасликка қарор қилганидан кейин мурожаат қилганида, шундай деди:

*...Ер юзи сен туфайли лаънатланди; бутун умринг бўйи
ундан азобланиб озиқланасан; ер сенга тикану янтоқ
устиради; сен эса дала ўтлари билан озқланасан, сен
ўзинг олинган ерга қайтгунингча пешана теринг билан
нон ейсан, чунки тупроқдирсан ва тупроққа қайтасан.*

– Ибтидо 3:17-19

Мен сиз биринчи ўринда – ерни Худо лаънатламагани – буни Одам Ато қилганини кўришингизни истайман. Унда ер устидан тўлиқ ҳокимлик бўлган. У ерда бошқарувчи бўлган. Ернинг устидан тўлиқ ва мутлақо ҳокимиятга эга бўла туриб, Одам Ато Худонинг ҳукуматига нисбатан хиёнат қилди ва аслида Худони инкор этди. Бу қарор фақатгина Одам Ато учун эмас, балки бутун ер юзи учун, ўша кундан бошлаб ер юзида яшаши лозим бўлган ҳар бир эркак ва ҳар битта аёл учун катта оқибатга эга эди. Гарчи Одам Ато ер соҳасининг устида Худо унга берган суд қилиш ҳуқуқини сақлаб турган бўлса-да, энди у бир пайтлар эга бўлган ҳамда унинг ҳокимиятини қўллаб турган ўша ҳукуматнинг ҳолатидан ҳукмронлик қилиш учун кучсиз эди. Одам Ато ҳаётнинг ўзидан ажратилган эди – энди у учун бегона тушунча бўлган ўлим, ўз ҳуқуқини қўлга киритди. Худо Одам Атони қилган ишлари учун фош қилди ва энди гуноҳ туфайли у, биринчи навбатда Худонинг ҳукуматидаги ўзининг ўрнини йўқотганини айтди. Ва Одам Ато Ер сайёрасида ушбу ҳукуматнинг вакили бўлгани сабабли, Само ўзининг қонуний вакиллигини йўқотди, ушбу вакиллик орқали ер соҳасида унинг суд қилиш ҳуқуқи амалга оширилар эди. Иккинчидан, бу ернинг ўзига таъсир ўтказди ва у аввал Адан боғидаги каби таъминотни бермай қўйди. Энди ер Одам Атога зарур бўлган ҳосилни бериши ҳамда у тирик қолиши учун, унинг

Ўзидан пешана тери билан оғир меҳнат қилиши талаб қилинади. Полизларда тиканлар ва ёввойи ўтлар ўса бошлайди ва ҳаёт оғир бўла бошлайди, тирик қолиш учун курашиб яшаш ҳаёт тарзига айланади.

Мен буни машаққатли ҳаёт тарзи ва тирик қолиш учун қўрқуви ҳамда ўлим руҳи билан бўлганган нуқтаи назари деб атайман, у Одам Атодан кейин туғилган ҳар бир одамда юк бўлиб осилиб турибди – бу ерга оид лаънатланган тизимдир. Айнан мана шу тизимда биз сизлар билан ўсиб-улғайдик ва айнан мана шу тирик қолиш учун кураш тизими бизнинг ҳаммамизга жуда яхши таниш. Довуд бу тизимни 22-чи санода ўлим соясининг водийси деб атаган:

Мен ҳатто ўлим соясининг водийсидан ўтсам ҳам, зулмдан қўрқмайман, чунки Сен мен билан биргасан. Сенинг темир ҳассанг ва таёғинг - мени тинчлантиради.

– Забур 22:4

Ўлим қўрқуви бутун ер юзи бўйлаб тарқалди. Аммо яна бошқа салбий оқибат ҳам бор. Одам Худо билан муносабатларни йўқотди ва шу тариқа, у ўзлигини унутди – у яратилган мақсад ва моҳиятни кўз ўнгидан йўқотди. Одам яратилганида, унга вазифа, топшириқ берилган эди. У ерни Худонинг номидан бошқариши керак эди. Бошқача сўзлар билан айтганда, унинг Худо томонидан берилган топшириғи ва ҳаётдаги мақсади бор эди. Лекин энди бутун фикрлаш тарзи тирик қолиш учун курашга йўналтирилди. Тирик қолиш учун кураш одамнинг мақсади ва вазифасига айланди.

Энди одам қабул қилаётган ҳар бир қарор, таъминотни ёки излаш ё бўлмаса тўплаш учун ушбу тирик қолиш учун кураш лаънати орқали оқиб ўтади. Энди тинчликка ўрин йўқ ва ҳар кун пешана терида оғир меҳнат билан тўлган. Бу тирик қолиш учун кураш ёки биз бугунги кунда каламушларнинг пойгаси

деб айтаётган бунақа ҳаётдан ягона нажот топиш эҳтимоли, - бу югуришдан ниҳоят тўхташ учун, қандайдир тарзда етарлича пулни тўплаш ҳисобланади.

Бу гуноҳ ерга келганидан буён ҳар бир эркак ва аёлнинг орзуси, биринчи рақамли мақсади – югуришдан тўхташ.

Қўшимча таъминотни олиш учун етарлича омади келган ҳар бир киши, энди катта сергаклик билан уни сақлаши ва эҳтиёт қилиши керак. Одамлар ўзларининг бойлигини йўқотишдан қўрқиб, уни маҳкам тутадилар, чунки агар бу содир бўлса, улар яна қайғуда югуриб, пешана тери билан меҳнат қилишларига тўғри келади.

Одамнинг орзуси, унинг тирик қолиш мақсади, мен аввал айтиб ўтганимдек, – бу тирик қолиш учун курашнинг қулидек, тинчликни излаб, югуришдан тўхташ учун, қандайдир тарзда етарлича пулни тўплаш ҳисобланади. Мен сизнинг бу фактни аниқ тушунишингизга амин бўлишни хоҳлайман: тирик қолиш учун курашнинг ердаги лаънатланган тизимида ҳар бир киши югуришдан чарчаган.

Мен бир куни эрталаб бир чўпон билан ўтирганимни эслайман. У ўзининг ҳисоб ҳолати ҳақида, қарзлари ва пуллари етмаёгани ҳақида эсламагунича, ҳар кун эрталаб йўғониб, хизмат билан шуғулланишни жуда яхши кўрганини гапириб берди. У молиявий ҳолати унинг ҳаётини заҳарлаганини ва уни бажараётган ишидан завқланишдан маҳрум қилаётганини айтди. Бундай камбағаллик билан фақатгина чўпонлар дуч келмайдилар. Бу аксарият оилаларнинг ҳаёт тарзи, чунки улар қарзларда, маошдан маошгача яшайдилар.

Ҳар бир киши чиқиш йўлини излайди, ягона чиқиш йўли эса – бу мўл-кўлчилик, сизнинг керагидан кўра ортиқроғига эга бўлишингиздир. Ердаги лаънатланган тизимга биноан, одамнинг шахси унда бориға ва ишлаб топа оладиган пулларининг миқдорига қараб баҳоланади. Биринчидан, одам ўзининг яланғочлигини

– ҳақиқий мақсади ва моҳиятидан ажралганини ёпишга зўр бериб ҳаракат қилмоқда – ва қалбаки нарсага ёпишмоқда. Энди у бир пайтлар уни шандай шараф билан қоплаб турган Худонинг мойланишини, бойлик билан алмаштиришга уринмоқда. Шунингдек, иккинчидан, у Худонинг Шоҳлигида ҳукмронлик қилган иззатнинг улуғланган ўрнини, турмуш тарзининг мағрурлиги ва одамларни бошқариш истагига алмаштиришга уринмоқда. Энди одам битта мақсадга – яъни бойлик топиш ва уни асрашга бутунлай берилиб кетган. Энди унинг табиати унинг қанчалик бой ва бошқа одамларнинг устидан қанақа ҳокимиятга эга эканига боғлиқ. Бугунги кунда иззатини йўқотган одам ўзига-ўзи баҳо бериш учун жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати ва ўрни жуда муҳим.

Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Одатда одамлар бир-бирига биринчи қандай савол берадилар? «Нима билан шуғулланасиз?» Нима учун? Бу бизни ростдан ҳам ташвишлантирадими ёки қизиқтирадими? Асло йўқ, лекин бу савол бизнинг одамни ҳурмат қилиш даражамизни белгилайди. Бошқа сўзлар билан айтганда, биз ўзимиздан: ким бу одам, мердаги соҳада қанақа ўринга ёки ҳуқуқий ҳолатга эга, мен унга нисбатан қандай даражада ҳурмат ёки иззатни кўрсатишим керак, деб сўраймиз. Аёллар, мен ҳозир эркалар нуқтаи назаридан гапираяпман. Аёллар шахсни бутунлай бошқа жиҳатдан қабул қилишларини тушунаман.

Бугун худди аввалгидек ернинг лаънатланган тизими ўз кучида! Одамлар ўзларининг барча қарорларини пулларни излаш ва сақлаб қолиш сузгичи орқали ўтказаяпдилар. Одамлар ҳатто, ўзларининг даъвати ҳақида ўйлаб кўрмай, кўпроқ ойлик маоши тўланадиган ишга эга бўлиш учун бошқа штатларга кўчиб ўтишга тайёр. Ҳар бир киши рок-юлдузи бўлишни истайди. Нима учун? Ҳолат ва бойлик туфайли.

Мактабларнинг ўрта синфларини бир неча минг ўқувчилари орасида, улар улғайганида қандай касб билан шуғулланишни

хоҳлаётганлари борасида тадқиқот ўтказилган эди. Сўроқ қилинганлардан 65 фоизи, уларнинг касбга оид мақсади – таниқли бўлиш эканини айтган. Таниқли? Адашмасам, таниқли бўлиш умуман касб эмас.

Яна битта тадқиқот 30 фоиз ишчилар ўзларининг ишларидан нафратланишини ва яна 40 фоизи уни яхши кўрмасликларини аниқланган. Ҳаммаси бўлиб биз АҚШда, шуғулланаётган ишларини яхши кўрмайдиган 70 фоиз ишчиларга эгамиз! Унда улар нима учун ишляпдилар? Чунки улар тирик қолиш учун пешана терида, азобланиб меҳнат қилаётган, тирик қолиш учун курашнинг қулларидир. Бу одамлар мақсад ва даъватни умуман ҳисобга олмайдилар; ҳисобни тўлаш – мана асословчи омил. Сиз молиявий муҳтожликнинг қули бўлсангиз, сизда танлаш учун имкониятлар кўп эмас. Ва кўпроқ тўлаган киши, ҳар доим ғолиб бўлади. Бу каламушлар пойгаси деб номланади! Ва биз сизлар билан айнан шундай яшаяпмиз. Ўзининг ғилдирагида имкони борича тез югураётган ва шу билан бирга ҳеч қаерга етиб бормайдиган олмахонни тасаввур қилинг. Биз кулиб, бу шунчалик ёқимли, деб ўйлаймиз. Лекин ҳақиқий дунёда бу умуман ёқимли эмас, асло йўқ. Одамлар интилган нарсаларига эриша олмай, ушбу ғилдиракда ўладилар.

Шундай қилиб, нима ейшингизни нима ичишингизни излаб юрманглар ва безовта бўлманглар, чунки буларнинг ҳаммасини бу дунёнинг халқлари излаб юрадилар; сизларнинг Отангиз эса, сизлар буларга муҳтож эканингизни билади; сизлар яхшиси Худонинг Шоҳлигини изланглар ва бунинг ҳаммаси сизларга қўшиб берилади.

– Луқо 12:29-31

Азобда ва пешана терида ишлаш – бу биз биладиган ягона

тизимдир. Агар мен, сизнинг қарзларингиздан қутулишингиз зарурлигини, яъни сиз улардан бир йилнинг ичида қутулишингиз КЕРАКЛИГИНИ, бўлмаса сизнинг бутун оилангиз умрбодга Шимолий қутбга юборилишини айтсам, (бу мен ўз фикримни сизларга етказиш учун фойдаланаётган ҳаддан ортиқ ҳолат) сиз нима қилган бўлар эдингиз? Сиз нима қилган бўлишингизни мен сизларга айтаман: сиз шу заҳотиёқ қандай қилиб яна кўпроқ терлаш ва яна тезроқ югуриш режасини туза бошлаган бўлар эдингиз. Сиз: «Мен яна иккита жойга тўлиқсиз иш кунига жойлашим мумкин. Рафиқам ҳам бир нечта тўлиқсиз иш тартиби бўлган жойга бориши мумкин, болалар ҳам ёрдам бера оладилар», деган бўлар эдингиз. Тўшуняпсизми, бу сиз билган ягона таъминлаш тизими – азобда, пешана терида меҳнат қилиш. Менга бу тизимнинг бошқа мисол кўрсатишимга ижозат беринг.

Тахмин қилайлик, мен сизларнинг кўчангизда югуриб кетаётганимда, сизнинг уйингизни рўпарасидан ичида ўн миллион доллар пули бўлган халтани топиб олдим. Мен жуда хурсандман, лекин топган нарсам ҳақида хабар қилишим кераклигини биламан. Мен сиз билан таниш бўлганим сабабли, сизнинг олдингизга югуриб бораман ва телефондан фойдаланиш имкониятини беришингизни илтимос қиламан. Мен милиция бўлимига қўнғироқ қилаётганимда, сиз ёнимда туриб, тинглайсиз. Мен уларга нима содир бўлганини айтиб бераман. Қисқа танаффусдан кейин улар ўзларининг қайд дафтарларини текширадилар ва ҳеч ким пул йўқолгани ҳақида арз қилмаганини, шунинг учун мен уларни ўзимга олиб қолиши мумкинлигини хабар қиладилар (улар шундай деган бўлардилар деб ўйламайман, лекин мисол учун бу усул кўпроқ тўғри келади). Улар менга бу ҳақда айтганларида, мен қувончдан сақраб, ҳайқира бошлайман. Шундан кейин мен сизга уларнинг жавобини етказаман ва хурсандчиликдан завқланаман.

Мен ўзимнинг хурсандчилигимни ифодалаб, буларнинг ҳаммасини сизга гапириб берар эканман, сиз менга мулойим

жилмайиб қўясиз. Лекин нима деб ўйлайсиз, ўша кечда кечки таомни тановул қила туриб, рафиқангизга бу воқеанинг ҳаммасини гапириб бераётганингизда, унга нима дейсиз? Сиз жилмаясизми? Мен унақа деб ўйламайман. Сиз: «БУ _____!», дейсиз. Сиз бу бўшлиқни тўлдирдингизку, шундай эмасми? Сиз АДОЛАТДАН ЭМАС сўзи – бу тўғри жавоб эканини қаердан билдингиз? Мен сизларга қаердан эканини айтаман: сиз айнан шундай тарбиялангансиз. Сиз айнан шундай тизимда ўсиб-улғайгансиз. Азобда, пешана тери билан меҳнат қилиш – мана ҳаммаси қандай бўлиши керак.

Мен келтирган мисолда, мен ҳеч қандай меҳнат қилмай пулларни топдим, бу эса мавжуд тизимнинг алдови. Бу адолатдан эмас. Мен бу пуллар учун меҳнат қилмаганим сабабли адолатдан эмас, мен уларни шунчаки топдим. Биласизми, эҳтимол сизга ҳеч қачон бундай омад тақдим қилинмас, ва сизни ҳасад, алам ва тирик қолиш мақсадида сизнинг бутун ҳаётингиз мажбурий қулликка тўлиши борасидаги тушунча қамраб олади.

Таққослаш учун: агарда бир кун мен жамоатга эски, тўзиб кетган кийимда келиб, олдинга чиқиб, одамларга: «Биз буни қилдик! Охириги ўн йил мобайнида биз Дренда билан кунига 22 соатдан ишладик ва ниҳоят, уйнинг қарзини тўладик», десам, залда хурсанд садолар ва олқишлар янграган бўлар эди. Нима учун? Чунки, кимдир буни амалга оширди ва бу ҳаммани рўҳлантирган бўлар эди. Кимдир уддалай олдими, демак, чиқиш йўли бор! Афтидан, биз тишларимизни сиқишимиз, белбоғларимизни таранг тортишимиз, нарх тўлашимиз керак ва биз ҳам озод бўламиз. Лекин, агар мен йўлда ётган пулларни топсам, нима учун ҳеч ким олқишламаган ва ҳайқирмаган бўларди? Ва нима сабабдан ўша бўш жойни тўлдириш сизга осон бўлди? Чунки сиз айнан шундай ўйлайсиз ва айнан шу ҳақида орзу қиласиз. Адолатли – бу бизларнинг ҳаммамиз яхши танийдиган, пешана тери билан оғир меҳнат қилиш тизимимиз. Оғир меҳнатсиз олинган пуллар, – бу адолатсизлик.

Лекин пешана тери билан оғир меҳнат қилиш тизимидан қутулиш – бу ҳар бир одамнинг орзуси. Бой кишига айланиш, миллионер бўлиш – бу аксарият одамларнинг изтиробли фикри. Миллион доллар ҳозир аввалгидек пуллар эмас, лекин бу сўз бирикмаси ўз-ўзидан аввалгидек бойлик ҳақида гапиради. Бойлик бизга эркинлик учун имконият таклиф қилади ва аксарият одамлар яшаётган кундалик қолоқликда кескин фарқни ифодалайди. Ҳамма югуришдан чарчаган ва миллион долларнинг борлиги, югуришдан тўхташ ва ниҳоят, истаган нарса билан машғул бўлишни билдирган бўлар эди. Бу ҳақида ўйлаб кўринг: лотореянинг жозибаси нимадан иборат? ЭРКИНЛИКДАН! Эркинликда танловга эга бўлиш, қарорларни қабул қилиш бор, буларда биринчи ўринда ҳисобни тўлаш ва ойлик маошни зўрға етказиш турмайди.

«Ким миллионер бўлишни истайди?» томошаси жуда таниқли. У кўпларни ўзига тартади, чунки ҳамма шундай эркинликни орзу қилади. Одамлар томошани кўрадилар, уларнинг ҳис-туйғулари жалб қилинган, иштирокчилар учун ишқибозлик қиладилар, улар голиб бўла оладилар деб умид қиладилар.

Қисқа муддатга мавзунни ўзгартириб, шуни айтаманки, ўғирлик – бу ҳам меҳнат қилмай, пулларга эга бўлишдир. Бузуқ маънода у ҳам лаънатланган ер тизимидан озод бўлишни таклиф қилади. Келинг унда, ҳамма югуришдан тўхташни исташига рози бўлайлик! Лекин бундан чиқиш йўли борми? Ҳозирги кунда пулга оид схемалар жуда кўп. Мен бир кунда бутун дунёдаги одамлардан энг камида ўнлаб хатлар оламан, улар менга қандай қилиб 20 миллион долларни мерос қилиб олганлари ҳақидаги таъсирчан воқеаларни ва уларга бу пулларнинг хавфсизлигини ишончли жойда таъминлашга ёрдам берадиган кимдир кераклигини гапириб берадилар. Агарда мен уларнинг пулларини олиб, ҳимоя қила оладиган бўлсам, улар ярмини таклиф қиладилар. Албатта, кейин улар электрон почтамнинг манзилени билишни

хоҳлайдилар ва уларга меросни бера олишлари учун, ҳужжатларга ишлов бериш, юбориш, суғурта қилишга, бу харажатларни қандай атамасинлар, бир мунча маблағни киритишимни илтимос қиладилар. Қўйсангизчи? Мен нима, ахмоққа ўхшайманми?

Бир куни менга мижозим қўнғироқ қилди, у пулларини ишга солиш бўйича маслаҳат олишни хоҳлади. Мен ўзим учун одатий бўлган саволларни бердим ва беш миллион долларни ишга солмоқчи бўлганини аниқладим. У ўша пайтда унинг пули бўлмаганини, лекин улар меросни расмийлаштирганидан кейин келиши кераклигини айтди. Мен, у мерос билан боғлиқ масалани қачон ҳал қилишга умид қилаётганини сўрадим, у тахминан икки ҳафтадан кейин деб жавоб берди. Шунинг учун икки ҳафтадан кейин мен унга қўнғироқ қилдим ва у бунинг бир оз кўпроқ вақтни эгаллашини айтди.

Бу одамда ўша мерос сақланаётган европа банки орқали меросни олиш билан муаммолар юзага келди. Бу менинг эътиборимни жалб қилди, шунинг учун мен саволлар бера бошладим. Воқеа шундан иборат эдики, унинг Францияда вафот этган тахминий амакиси пайдо бўлган. Ўша амакиси унга беш миллион долларни қолдирган. Бироқ бу мерос учун яна 50 минг доллар миқдоридagi солиқ тўловини киритиш керак бўлган ва уларни меросни олгунича тўлаш керак бўлган. У ҳозиргача пулларни қўлга киритишга уринаётганини ва уйини гаровга қўйиб кредит олишга ариза ёзганини айтди.

Мен ҳуқуқшуносларни жалб қилган ёки қилмаганини сўрадим ва у: «Ҳа, бу билан менга Франциядан қўнғироқ қилган ҳуқуқшунос шуғулланиянди», деди. – «Яъни Америкада сени бу ишинг билан шуғулладиган ҳуқуқшуносинг йўқми?» У: «Йўқ, фақат, менга Франциядан қўнғироқ қилгани бор», деди. Кейин у 50 минг долларни йиғиш унга қийин бўлгани сабабли, Франциялик ҳуқуқшунос пулнинг ярмини тўлашга тайёр эканини, уларни

менинг мижозим пулни олиши билан қайтариши мумкинлигини тушунтирди. «Йўқ, – дедим мен, – бу қаллоблик!» Одам аввал ҳеч қачон ўша тахмин қилинаётган амакиси ҳақида эшитмаган, лекин у ҳақиқатан ҳам бор бўлганига ишонган. Икки ҳафта ўтиб мен унга яна қўнғироқ қилдим ва у банкка ўтказиш учун пулнинг деярли ҳаммасини йиққанини айтди. Мен унга яна: «Уларда аллақачон беш миллион доллар бор. Агар уларга солиқ учун пуллар жуда керак бўлганида эди, улар шунчаки электрон ёки экспресс почта орқали ҳужжатни юборишлари мумкин эди, сен уни имзолардинг ва уларда аллақачон бор пулдан 50 минг долларини ушлаб қолишларига ҳуқуқ берар эдинг», дедим. Лекин у менга ишонмас ва уни алдамаётганига ишончи комил эди.

Деярли ўтган якшанбада менинг жамоатимда шунга ўхшаш воқеа бўлди. Ёш киши менинг олдимга Европадан мерос қилиб яқинда олиши керак бўлган маблағни ишга солиш бўйича маслаҳат сўраб келди. Мен ҳатто унинг гапни тугатишига имкон бермадим. Мен: «Биламан, биламан, улар сенга пулни ўтказа олишлари учун, сен уларга бир оз маблағ юборишингни хоҳлаяпти, тўғрими?» - «Умуман ҳа, сиз қандай билиб олдингиз?», деди. Мен унга худди шу гапни: улар қаллоб эканини айтдим. У ҳам тахминан вафот этган қариндошини билмас ва унинг ҳам АҚШда ҳуқуқшуноси йўқ эди, лекин, барибир у бу пулларнинг ҳақиқат экани масаласида мен билан баҳслашарди. Ва нима учун одамлар шунга ўхшаш воқеаларга шунчалик ҳирс қўйган? Чунки эркин бўлишни хоҳлайдилар! Улар буни қўлдан бой беришни истамайдилар, чунки ҳатто, агар уларнинг онгида миллиардди имкониятдан, бунинг ҳақиқий эканини ҳеч бўлмаса ўндан бир қисми бўлса, улар ундан фойдаланиб қолишни хоҳлайдилар.

Сизларга яна битта мисол келтиришимга ижозат беринг. Биз Дренда билан шуғулланаётган молиявий хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бизнес бутун Қўшма Штатларни қамраб олган. Бу ажойиб бизнес! Бизнинг ташкилотимиз томонидан тақдим

этилаётган имкониятлар ҳақиқий ва одамлар йилига минглаб долларларни ишлаб топадилар. Лекин шунингдек, менинг ишимда ўрганадиган нарса ҳам бор. Сиз бегона одамларнинг пулларида фойдаланасиз. Сиз билишингиз керак бўлган қонунлар ҳамда маблағни режалаштириш бўйича эгаллашингиз керак бўлган стратегиялар бор.

Мен Колумбусдаги, Огайо штатида маҳаллий масиҳийча радиостанциянинг радиосига реклама жойлаштирдим, унда одамлар ҳақидаги қисқача маълумотни қабул қилишим тўғрисида хабар қилдим, чунки бир нечта янги номзодларни топишни хоҳлаган эдим. Тахминан 50 киши келди. Дарҳол суҳбатлашишга киришишни ўрнига, мен энг яқин меҳмонхонада танишиш учрашувини ўтказишга ва бу билан бирданига номзодларнинг бир қисмини саралаб олишга қарор қилдим.

Учрашувда ташкилот бозорда эга бўлган имкониятлар тўғрисида, фақатгина маблағ билан ишлаш қоидалари ҳақида ўргатиш эмас, балки бизнинг масиҳийча дунёқараш нуқтаи назаридан тақдим қилиш имконини берадиган ҳолатимиз ҳақида айтилди.

Шунингдек, биз ташкилотнинг бажариладиган иш тартиби, тўланадиган ҳақ, таълим ва рўхсатнома олиш талабларига нисбатан муносабатимиз ҳақида гапириб бердик. Мен тажрибамдан келиб чиқиб, кўп номзодлар, бир йилда 200 минг долларни ишлаб топиш, қандай иш ҳажмини назарда тутишини кўрганларида, сафдан чиқишларини билар эдим.

Учрашувдан кейин мен меҳмонхонанинг кутиш хонасига кетаётганимда, катта зиёфат зали мингтача одам билан зич тўла эканини кўрдим. Ҳамма битта сабабга кўра келган эди: таниқли кўп босқичли ташкилот, ўз ишини очишни хоҳловчилар учун тақдимот ўтказиётган эди. Лекин нима учун у ерда менинг элликта одамимга қараганда шунчалик кўп одам бор эди? Жавоби оддий:

пул! Афсуски, гарчи аслида ўша кўп босқичли ташкилот буни эълон қилмаган бўлса-да, лекин унинг фаолиятини идроки қўйидагича эди: «Агар мен уларга қўшилсам, кейин уч кишини олиб келсам, – ана холос ва мен миллионерман». Лекин кўп босқичли бизнесда катта пулларни ишлаб топаётганлар оғир меҳнат қилишини билиш учун, мен молия доирасида етарли даражада узоқ вақт айланганман! Ҳа, бу ишда пул топиш имконияти бор, лекин кўплар бу пуллар енгил топилган деб қабул қиладилар: «Агар мен бу имкониятдан фойдаланмасам, унда – бу одамларга фақатгина қаранг-а, – мен бутун ҳаётимнинг имкониятини қўлдан бой бераман!» Илтимос, мени нотўғри тушунманг. Менинг шунга ўхшаш ташкилотларда миллионларни ишлаб топган кўпгина яхши дўстларим бор ва яхши MLM-ташкилотлар ҳам бор. Мен фақат MLM-ташкилотнинг ўрта-миёна аъзосининг фикрлаш тарзига ишора қиляпман.

**ПУЛ МАСАЛАСИНИ
ЕЧМАЙ ТУРИБ, СИЗ
ҲАЁТИНГИЗНИНГ
ОХИРИГАЧА,
ЛАЪНАТЛАНГАН
ЕРДАГИ ТИРИК
ҚОЛИШ УЧУН КУРАШ
ТИЗИМИ ТОМОНИДАН
БОШҚАРИЛИШГА
МАҲКУМ БЎЛАСИЗ.**

Енгил пулларни ваъда қилиш, лаънатланган ердаги тирик қолиш учун кураш тизимида катта пулларни олиб келади.

Агар сиз бир дақиқага тўхтаб, ўзингиздан пуллар ҳақида – уларга қандай қилиб эга бўлиш ёки ўзингизда борини сақлаш ҳақида қанчалик кўп ўйлашингизни сўрасангиз, сиз таажжубда қоласиз. Сиз шунчаки менинг фикримни тушунишингиз учун, мен қайтараман: ҳар бир киши югуришдан тўхташни хоҳлайди, ҳамма тирик қолишни кўзлаб яшашдан чарчаган!

Дам олиш кунининг гўзаллиги, тўхташ мумкинлигида. Таътилнинг гўзаллиги, тўхташ мумкинлигида. Нафақанинг

гўзаллиги, ниҳоят тўхташ ва хоҳлаган ишни қилиш мумкинлигида. Мени нотўғри тушунманг. Кўп одамларнинг ҳаётга нигоҳи, шунчаки ўтириш ва ҳеч нарса қилмасликдан иборат. Шунингдек, мен Худонинг сизни ҳаётингиз учун иродаси шундан иборат эканини ҳам айтмаяпман. Йўқ, атайин биз учун белгиланган буйруғимизни, мақсадимизни бажаришда фаол бўлиш учун яратилганмиз. Афсуски, кўп одамлар тирик қолиш учун югуриб ва ниманидир қилиб, шунчалик бандки, улар аллақачон ўзларининг орзуларини четга улоқтириб юборганлар.

Сиз кимдир: «Мен ишга боришим керак», деганини эшитганингизга ёки сизнинг ўзингиз буни айтганингизга менинг ишончим комил. Сиз эҳтимол, аллақачон, тушунганингиздек, одамлар ниманидир қилишга мажбур бўлганларида, ижобий ҳис-туйғуларни бошдан кечирмайдилар. Бироқ улар ишга хоҳлаб борсалар ва машғул бўлган ишларига иштиёқли муносабатда бўлсалар, гулдай очилдилар. Лекин аксарият одамларнинг ҳаётида, қоидага кўра, ишлар жойида эмас. Бунинг ўрнига улар аввалгидек: «Мен ишга боришим керак», дейдилар. Шунчаки ойлик маошини олиш учун, шунчаки яна бир кун офисда, яна битта тирик қолиш учун кураш куни, фақатгина бир амаллаб бир мунча вақт ўзини тутиб туриш учун. Кўплар яхши бошлайдилар, уларнинг ҳаёти баландликда бўлади. Улар жойлашган иш, шунчаки ҳисобни тўлаш учун, улар баъзи хулосаларни чиқармагунларича, вақтинчалик воқеа сифатида қаралган. Улар чиқарган хулоса, – бу ҳаёт худди туманда ўтгандек бўлади ва қирқ ёшдан сал ошса, улар бу боши берк кўчадан чиқиш йўли йўқлигини англайдилар. Буни яна ўрта ёшдаги кескин бурилиш деб ҳам атайдилар – бу пайтда одамлар биринчи марта тўзоқда эканини англайдилар.

Менинг дўстларим, бу Худо биз учун олдиндан белгилаган ҳаёт эмас. Сиз энди буни биласиз. Шундай ачинарли келажакни бартараф қилиб, биз Дренда билан кўп йиллар мобайнида, агар сиз пуллар масалани ечмасангиз, унда ҳеч қачон ўзингизнинг

даъватингизни топмаслигингизни, ҳаётингизнинг ягона мақсадини била олмаслигингизни айтаяпмиз. Пуллар масаласини ечмай туриб, сиз ҳаётингизнинг охиригача лаънатланган ердаги тирик қолиш учун кураш тизими томонидан бошқарилишга маҳкум бўласиз.

Агар сиз пуллар масаласини ечмасангиз, унда ҳеч қачон қандай мақсад учун яратилган бўлсангиз, ўша мақсадни амалга ошира олмайсиз!

Таққослаш учун келинг, сизнинг ҳаётингиз қандай кўринишга эга бўлиши мумкинлиги ҳақида гаплашамиз. Ўзингизнинг севган машғулотиңгиз ҳақида ўйлаб кўринг. Дейлик бу гольф. Кимдир: «Аттанг, мен бугун гольф ўйнашга боришим керак», деганини эшитганмисиз? Ёки кимдир: «Аттанг, бугун жума кечаси. Жума кечасидан нафратланаман. Бугун душанба куни эрталаб бўлса эди, мен яна ишга бора олган бўлардим», деганини эшитганмисиз? Ё бўлмаса, дейлик, сизнинг севган машғулотиңгиз – балиқ ови. Мен сиздан: «Аттанг, нима мен бугун яна балиқ овлашга боришим керакми?», деган гапни эшитишим мумкинми? Йўқ, бунақасини эшитишимга шубҳам бор, чунки сизнинг балиқ овига иштиёқингиз кучли. Агар сиз шуғулланаётган ишингизга худди шундай иштиёқ ва ғайрат билан ёндошсангиз ва ўзингизнинг иштиёқингизга диққатингизни қаратсангиз ҳамда бундан азоб эмас, балки лаззатланиш дамларини топсангиз, нима бўлган бўлар эди? Агар сизда оилангизни таъминлаш учун зарур пуллар бўлса ва сиз молиявий ҳаяжондан эркин яшасангиз нима бўлган бўлар эди? Ҳақиқатан ҳам шунақа имконият мавжудми? Дренда ва мен аниқладик, ҳа, мавжуд!

Раббийнинг дуоси – у бойитади ва ўзи билан ғам-қайғуни келтирмайди.

– Ҳикматлар 10:22

Ҳозир Муқаддас Ёзувнинг бу оятини секин ва жуда диққат билан ўқиб чиқинг. Қадимги иброний тилидан бу оят сўзма-сўз: «Раббийнинг дуоסי оғир меҳнат қилинмайдиган бойликни келтиради», деган маънони билдиради. Сиз буни кўряпсизми? Худонинг Шоҳлиги бизга Одам Ато қолдирган пешана тери билан оғир меҳнат қилиш тизимидан халос бўлиш йўлини беряпти. Ростдан ҳам бу оятнинг маъноси шундайми? Агар ҳа бўлса, унда сиз ҳозиргина узоқ вақтлардан буён энг яхши янгиликни ўқиганингизга рози бўласиз. Айнан шундай! Мана нима учун Ишаё Китобининг 61-бобида Исо ва Унинг хизмати тўғрисида шундай дейилган:

Раббий Худонинг Руҳи Менинг устимда, чунки Раббий Мени қашшоқларга хушxabарни воизлик қилиш учун мойлади.

– *Ишаё 61:1*

Лаънатланган ер тизимида тирик қолиш учун кураш тузоғида яшаётган одам учун хушxabар нимадан иборат? Молиявий эркинлик, албатта! Исо Худонинг Шоҳлиги бизга бу лаънатланган ер тизимининг пешана тери билан оғир меҳнат қилиш чегараларини доирасидан чиқадиган таъминотни беришини сўзма-сўз айтаяпти. Келинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик. Сиз фақатгина маълум бир тезликда югура оласиз ва аксарият одамлар етарли даражада тез югуриб, бу барибир эркинликка эга бўлиш учун етарлича тез эмаслигини тушунадилар. Биз Дренда билан ўта қарзга ботган ўша тўққиз йил давомида, мен иложи борича тез югурганман. Охириги 27 йил мобайнида бизнинг ташкилотимизга келган беҳисоб мижозлар ҳам иложи борича тез югурганлар. Бироқ, ғайрат қилаётганларига қарамай, улар барибир молиявий қулликнинг тузоғида эдилар. Уларнинг ҳаммалари бизга қўнғироқ қиладилар, чунки молиявий масалада умидсиз экани, уларнинг молиявий

мустақиллиги борасидаги орзуларини амалга ошириш тобора мураккаблашаётгани, ваҳий эса тирик қолиш учун курашиш билан ўрни алмашгани ҳақидаги энг даҳшатли ҳулосаларга келадилар.

Келинг, «таъминот» сўзини кўриб чиқамиз. Таъминот бизга ваҳийни амалга ошириш имконини беради. Таъминотга эга бўлмай туриб, одамлар ҳаёт учун ваҳийларини йўқотадилар, чунки таъминотсиз энг асосий ваҳий таъминотни ўзи бўлиб қолади. Ва одамларнинг аксарияти айнан шундай – ваҳийсиз ҳаёт билан яшайдилар. Бу қулликнинг энг чалғитадиган тури.

7-БОБ

ЭШИК

Келинг, биз Худонинг Шоҳлиги ҳақида нималарни билиб олганимизни қисқача кўриб чиқамиз. Биринчидан, биз одам ер устидан ҳукмронлик қилиш учун жойлаштирилганини билиб олдик. Биз Ибронийларга 2-боб 7-8 оятларда, ерда одам томонидан бўйсундирилмаган ҳеч нарса йўқлигини кўрдик. Шунга мувофиқ биз одамнинг ердаги воқеликка калит ёки эшик бўлганини аниқладик. Шайтон буни билган, мана нима учун у ернинг устидан ҳокимиятни қўлга киритишга уриниб, Одам Ато ва Ҳаввага ҳужум қилган. Одам Ато ва Ҳавва унинг алдовига берилганида, улар гуноҳ қилдилар ва уларнинг ҳаётидаги Худонинг қонуний ҳокимияти амалга ошишдан ўзларини маҳрум қилдилар. Яратилиш жараёнида уларни қоплаган Худонинг Руҳи, улардан узоқлашишга мажбур бўлган. Улар нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам яланғоч бўлиб қолдилар. Худонинг Руҳи улардан узоқлашганида, улар дуч келган руҳий зарбани тасаввур қиляпман. Муқаддас Ёзувда улар ёпиниш учун дарҳол анжир баргларини тика бошлагани, чунки ўзларини яланғоч ҳис қилгани айтилган.

Гарчи одам, ҳали ҳам унга яратилиш жараёнида берилган ерни бошқариш ўрнида қолган бўлсада, у руҳан ер соҳасидаги ҳокимиятни ва бошқариш кучини йўқотган эди. У Худонинг

Ўрнига Шайтонга ишонишни танлаб, у билан рози бўлиб, Худога қарши исён кўтаргани сабабли, у Шайтоннинг ҳокимлиги остига турган ва бинобарин, ўзига худди Шайтон (Люцифер) Самодан қувиб юборилган пайтдаги каби маҳкумлиқни орттириб олган. Бу маҳкумлиқ дўзах – азоб ва Худонинг ҳузуридан абадий қувғин қилинган жой эди. Эътиборга олиш керакки, дўзах одам учун яратилмаган ва у учун белгиланмаган эди. Одамлардан кимдир у ерга тушиши, Худонинг мақсадига кирмаган эди.

Шунда Унинг чап томонида турганларга ҳам сўзлайди: Эй, лаънатланганлар, шайтон ва унинг фаришталарига тайёрланган абадий оловга Менинг олдимдан кетинглар.

– *Матто 25:41*

Одамни кутаётган қисматдан халос қилиш учун, Худо ер юзида Ўзининг бошқарувини тиклаши керак эди. У Шайтон томонидан ишғол қилинган ҳокимиятни қайтариб олиш усулини топиши керак эди. Бу ерда фақатгина битта усулни қўллаш мумкин эди. Гуноҳда айбдор бўлмаган кимдир Одам Атонинг ўрнини ихтиёрий равишда эгаллаши ҳамда ўлим жазосини ўзига қабул қилиши керак эди. Лекин бу режа амалга ошиши мумкин бўлиши учун кичик муаммо қолган. Энди ерда яшаётган Одам Атонинг авлоди бўлган ҳар бир одам, гуноҳ билан зарарланган бўлган, шунинг учун одамлар Худонинг Руҳини ва Унинг ҳокимиятини ўзида кўтариб юришга қодир бўлмаган. Лекин Худода бу муаммони бартараф қилиш бўйича режа бўлган. Ушбу режа Унинг адолатли андазалари ва қонунлари ердаги соҳада тасдиқланган ва ёзилган бўлишини талаб этилган, шунда ерда айнан шу қонун бўйича яшайдиган одам, айбсиз деб ҳисобланган бўлар эди, агар умуман бунинг имкони бўлса. Ўшанда ва фақатгина ўшанда одам талабгор бўлиб чиқиб, Одам Атога тегишли бўлган жазони ва қасосни ўзига

олиб, Одам Атонинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган.

Лекин бу ғоя билан муаммо туғилган, чунки ушбу қурбонлик келтириш режасини амалга ошириши мумкин бўлган одам, Одам Атонинг авлоди бўлмаслиги керак эди, сабаби унинг насл-насаби зарарланган ва Худонинг ҳузуридан ажралган эди. Хўш, қай тарзда бу нажот режасини амалга ошириш имконини берган? Уни амалга ошириш учун, Худо ер юзига Одам Атонинг авлоди бўлмаган, одамлар учун ўзини қурбонликка келтиришга тайёр бўлган одамни жойлаштириши керак эди. Лекин ердаги соҳа Одам Атонинг ва унинг авлодларини қўлларига берилган эди, шунинг учун қонуний ҳолатга биноан бу ноқонуний бўлар эди. Буни қилишнинг ягона, якка-ю ягона йўли бор эди. Одам шу ерда, ер юзида туғлиши, лекин Одам Атонинг авлоди бўлмаслиги керак эди.

Бир қарашдан бу имконсиздек туюлади. Лекин техник жиҳатдан бундай усул мавжуд бўлган. Худо агар У буни қила олишига ишонишга ва шу тариқа Унга қонуний ҳуқуқ беришга қодир бўлган эркакни топганида, қонуний асосда шу ерда, ер юзида, аёлга эркакнинг уруғини жойлаштириши мумкин эди. Ёдда тутинг, айнан одамда ер соҳасининг калити бор эди. Шайтон ердаги воқеликка эга бўлиш ва Одам Атодан ер устидан ҳукмронлик қилишнинг руҳий ўрнини ўғирлаш учун, худди ўша калитдан фойдаланди. Худонинг режаси иш бериши ва албатта, эътироз билдириши мумкин бўлган Шайтонга бу режанинг қонунийлигини исботлаш учун, Худодан фарзанд туғилиши, улар учун бутунлай имконсиз бўлган бир пайтда, фарзанд ҳақида Унга ишонадиган эркак ва аёлни топиши керак эди. Улар Худога имконсиз бўлган нарса учун ишонишлари керак эди.

Шунингдек, бу фарзанднинг туғилиши унинг тақдири учун бўлган ваъдани ҳам бажарган бўлар эди, токи ушбу насл-насаб орқали барча халқлар дуо-барака топсинлар ва айнан унинг

авлоди орқали Худо Исони бу ерга олиб келишнинг қонуний асос ва ҳуқуқига эга бўлсин. Агар Худо буни қила олишига – ўлик бачадонда фарзандни пайдо қилишга, шунингдек, бу фарзанд орқали барча халқлар дуо-барака топишига ҳамда унинг туғилиши уларга денгиз қирғоғидаги тупроқдан кўра кўпроқ авлодни келтиришига ишонишга қодир бўлган жуфтлик топилганида, унда Худода кейинроқ Ўзининг уруғини Мариямга, Исонинг онасига жойлаштириш учун Унга зарур бўлган қонуний ҳуқуқ пайдо бўлган бўлар эди. Худо шундай одамни топа олдимиз? Унинг исми Иброҳим эди – у бизнинг имонимизнинг отаси.

У умиди қолмаганига қарамасдан, умид билан ишонди, токи “Сенинг уруғинг сон-саноксиз бўлади”, деб айтилгани бўйича кўп халқларнинг отаси бўла олсин. Шундай экан, имонда заифлашмасдан, у юз ёшга яқинлашган бўлса ҳам, ўзининг танаси ўликдай бўлгани ва Соронинг бачадони ўлгани ҳақида ўйламади, имонсизлик билан Худонинг ваъдасидан ҳам шубҳаланмади, лекин Худони улуғлаб, имонида кучлироқ бўлди, ҳамда Худо берган ваъдасини бажо келтиришга қодир эканига тўлиқ амин эди.

– Римликларга 4:18-21

Иброҳим ва Сорро Худого ишондилар ва жуда кекса ҳамда фарзанд туғишга қодир бўлмай туриб, Исҳоқни туғдилар.

Иброҳим Худого ишонгани сабабли, ваъда айнан у томонидан очиқ бўлган эшик орқали кела олди. Исо Иброҳимнинг насл-насаби орқали келиши керак эди. Изоҳлаб беришимга ижозат беринг. Худо Исони бу дунёга олиб кела олиши учун, У Иброҳимнинг насли орқали келиши керак эди. У мажбур эди! Иброҳим орқали келиш ягона қонуний йўл эди. Мана нима учун, агар сиз Матто Хушхабарининг 1-бобига қарасангиз, фалонча фалончани ва

фалонча фалончани туғди, деган зерикарли рўйхатни кўрасиз. Маълум сабабга кўра бу боб биринчи бўлиб қўйилган. У бу ерда, ер юзида, Исо Иброҳимнинг авлоди бўлганини тасдиқлайди. Буни Шайтон ўзининг қонуний ҳокимияти ва ҳукмронлигига даъво қилаётган шу ерда, ер юзида аниқ кўрсатиши муҳим эди. Агар бу рўйхат нотўғри бўлганида ёки Исо ҳақиқатан ҳам Иброҳимнинг насли орқали келмаганида эди, унда Шайтон Исонинг туғилиши ва ҳаёти қаллоблик ҳамда У бизнинг гуноҳимиз учун нарх тўлашга асоси йўқ, деб арз қилган бўлар эди.

Агар ёдингизда бўлса, Исроилга, исроил халқига тегишли бўлмаганлар билан никоҳ қуришни тақиқлайдиган кўп қонунлар берилган эди. Уларнинг ирқидан бўлмаган киши билан никоҳ қуриш ўлим билан жазоланган. Энди сиз нима учун бу насл-насаб беғубор қолиши кераклигини ва нима учун буни шунчалик диққат билан

кузатганларини тушунаяпсиз. Ҳа, сиз исроилликларга турмушга чиққан бошқа халқдан бўлган аёллар учун истисноларни, масалан, Иерихонда яшаган ва ерни кўз тагига олиш учун юборилган кузатувчиларни яширган Роҳибани кўрасиз. Ҳа, у Матто Хушхабарининг 1-чи бобида тилга олинган ва у исроиллик кишига турмушга чиққан. Лекин бу ерда, яҳудийлар маданиятида наслнинг давом этиши эркак киши орқали бўлганини тушуниш зарур.

Бир дақиқага мавзудан чалғишимга ижозат беринг. Бугунги кунда, одам ерда қанча яшаши ҳақида кўплаб баҳслар олиб борилмоқда. Сизда умуман жавобни топиш имконияти борми? Ҳа! Мен сизни битта нарсада ишонтиришим мумкин: Маттонинг биринчи бобидаги ўша рўйхат аниқ бўлиши керак эди. Ҳеч ким ўтказиб юборилган бўлиши мумкин эмас эди, акс ҳолда биз

**ИБРОҲИМ ВА УНИНГ
МЕРОСХҲҮРЛАРИ
ПЕШАНА ТЕРИ
БИЛАН ОҒИР МЕҲНАТ
ҚИЛИШ ЛАЪНАТИДАН
ТАШҚАРИДА
ЯШАГАНЛАР.**

сиз билан бугун эга бўлган нажотимиздан лаззатлана олмаган бўлар эдик. Шайтон эътирозлар билдиришни бошлаган бўларди. Бу рўйхат мукамал бўлиши керак эди! Шунга асосланиб, сиз одамнинг ерда умумий яшаш вақтини тахминан санаб чиқишингиз мумкин. Мен шунчаки бу фикрни сизга билдириб ўтдим, холос.

*Мен сендан буюк халқ яратаман, сени дуо қилиб,
исмингни улуғлайман. Сен дуо-баракали бўласан;
Сени дуо қилганларни Мен дуо қиламан, сени
лаънатлаганларни Мен лаънатлайман; Ер юзидаги
барча қабилалар сенда барака топадилар.*

– Ибтидо 12:2-3

Сиз Муқаддас Ёзувнинг ушбу оятида кўрганингиздек, Иброҳим томонидан ердаги воқеликка очилган эшик, кейинроқ Исо Масих кира олган ва ердаги барча қабилаларни дуо қила олган қонуний йўлга айланди. Гарчи Иброҳим ва унинг авлодлари Худога ер юзига Унинг ҳукмронлигининг ҳокимияти ва таъсирини янгидан олиб келиши учун қонуний асос ва зарур бўлган суд қилиш ҳуқуқини берган бўлсалар ҳам, Худо Исони бу дунёга олиб келмагунича ва У Одам Атонинг гуноҳи учун нарх тўламагунича, одам ҳали ҳануз тузоқда, гуноҳнинг ва руҳий ўлимнинг юки остида эди. Таъминотга тегишли бўлган нарсаларда эса, биз хатнанинг муҳрини ўзларида олиб юрган Иброҳим ва унинг авлодлари, муваффақ бўлганларини кўрамиз. Энди улар пешана тери билан оғир меҳнат қилиш лаънатидан ташқарида яшаши мумкин эди.

Ибром чорвага, кумушу олтинга жуда бой эди.

– Ибтидо 13:2

Муқаддас Ёзувнинг бу оятида биз ушбу аҳд таъминот масаласида бажарган жиддий ўзгаришларни аниқлаймиз. Худо

бу ерда Одам Атога Ибтидо Китобининг 3-боби 17-оятда ва Иброҳимга айтганларидаги фарқни кўраяписми? Ёдингизда борми, Одам Ато гуноҳ қилганидан кейин, Худо унга у азобда ва пешана тери билан ишлашини айтган эди. Лекин Иброҳимга нисбатан биз ўзгаришларни кўраяпмиз. Худо: «Мен сендан буюк халқни келтириб чиқараман», деяпти. Бу ерда Иброҳим ўзининг кучи билан, пешана териди меҳнат қилиб, ўз ҳолига қолдирилиши айтилаётгани йўқ. Бу ерда энди ишга Худо қўшилаётгани айтилган. У: «Мен келтириб чиқараман!», деяпти. Шундай қилиб, биз бундан кейин Иброҳимнинг пулни зўрға етказётганини тасаввур қила оламизми? Шубҳам бор!

Иброҳим бой эди! Унинг фарзандлари бой эди! Иброҳим лаънатланган ер тизимидан ташқарида яшарди. Унда ҳамма нарса керагидан ҳам ортиқ эди!

Одамлар ўзгаришларни кўришлари учун кўп кутишларига тўғри келмади. Бу ўзгаришлар унинг бутун наслида намоён бўлди. Ҳа тўғри, бир неча авлоддан кейин Иброҳимнинг эвараси Ёқуб ўзининг қайнатаси Лаваннинг қўлида ишлади. Лаван Ёқубда дуо-баракани кўрди ва алдов йўли билан уни муваффақиятидан маҳрум қилмоқчи бўлди. Лекин Худо Лаваннинг режаларини унинг ўзига қарши ўгирди ва Ёқубни катта бойлик билан баракалади.

**ЭГАМИЗ ЎЗИНИНГ
ОСМОНДАГИ БОЙ
ХАЗИНАСИНИ ОЧИБ,
ВАҚТИДА ЕРИНГИЗГА
ЁМҒИР ЁҒДИРАДИ,
ҚИЛАДИГАН ҲАР БИР
ИШИНГИЗГА БАРАКА
БЕРАДИ.**

–қонуннинг
қайтарилиши 28:12

Мен ҳатто одамлар унинг баракасини тўхтатмоқчи бўлганларида, улар буни уддалай олмаганлари ҳақида айтаяпман. Иброҳимнинг меросхўрлари ўзларининг аҳдига содиқ қолар ва Худога сажда қилар эканлар, У уларга муваффақият берарди.

Мен айтаётган гапларнинг маъноси ҳақида ўйлаб кўринг! Мен ҳар хил хатлар ва электрон хабарларни оламан, уларда одамлар менга, пул ҳақида ҳаддан ортиқ кўп гапиришимни ёзадилар. Улар менга муваффақият Худонинг иродаси эмаслигини ва ҳаммамиз бу дунёда Худога хизмат қилиб, юқори нарх тўлашимиз кераклигини гапириб берадилар. Мен бу фикр билан қисман розиман. Марк Хушхабаридан 10-боб 30-оятда Исо ҳақиқатан ҳам бизнинг муваффақиятимиз бизни қувғинларни бошдан кечиришимизга ундашини айтган. Афсуски, кўп масиҳийлар Худонинг – қаттиққўл хўжайин эканига ва биз тирик қолиш учун кураш ҳаётини кечириб, камбағаллик қасамини ичишимиз ва касалликлар ҳамда заифликлардан толиқиб азоб чекишимиз кераклигига ишонадилар. Йўқ, бу барака эмас, балки ердаги лаънатланган тизимдир! Худо сизнинг маблағингизни мустаҳкамлашни хоҳлайди.

Худо сизни мустаҳкамлашни хоҳлайди!

Агар сиз маблағ томонидан таъминланмаган ва мустаҳкамланмаган бўлсангиз, сиз ўзингизнинг руҳий вазифангизни бажаришга лаёқатсиз бўлиб, - аслида, қуллик ҳаёти билан яшаб, бутун умр тирик қолиш учун кураш тартибида яшашга мажбур бўласиз. Қонуннинг қайтарилиши китоби 28-боб 8-13 оятларда Худо Иброҳимнинг авлодларига нима деганига қаранг.

Қилган ҳар бир ишингизни Эгангиз Худо сербарака қилади, омборларингизни тўлдиради; ва сизларга бераётган юртда барака беради. Эгангиз Худонинг амрларига итоат этсангиз, Унинг йўлидан юрсангиз, Эгамиз сизларга қасам ичиб ваъда берганидай, сизларни Ўзининг муқаддас халқи қилади. Эгамизга тегишли эканингизни кўриб, ер юзидаги барча халқлар сизлардан кўрқадиган бўлади. Эгамиз ота-боболарингизга қасам

ичиб, сизларга бераман, деб ваъда қилган юртда фаровонлик ато қилади. Ували-жували бўласизлар, молингиз кўпаяди, далангизнинг ҳосили баракали бўлади. Эгамиз Ўзининг осмондаги бой хазинасини очиб, вақтида ерингизга ёмғир ёғдиради, қиладиган ҳар бир ишингизга барака беради. Кўп халқларга қарз берасиз-у, ўзингиз қарз олмайсиз. Бугун Эгангиз Худонинг мен сизларга айтаётган амрларини битта қолдирмай бажарсангиз, Эгамиз сизларни дум эмас, бош қилади. Сизлар пастда эмас, баландда бўласизлар.

– Қонуннинг қайтарилиши 28:8-13

Эътибор беринг, гарчи уларда ваъда бўлган бўлса ҳам, улар ҳали янги ерда мустаҳкамланмаган эдилар. Лекин Мусо Худо уларни мустаҳкамлашни айтаяпди! Бу қандай кўриниши мумкинлиги ва Худо уларга нима демоқчи эканини тушуниш учун, эман дарахти ҳақида ўйлаб кўринг. Эман кўчат босқичида бўлганида, у мустаҳкам бўлмайди. Ҳар бир киши уни қачон хоҳласа ва қаерга хоҳласа кўчириб ўтказиши мумкин. Лекин эман ўсиб, етук дарахтга айланганида, ҳеч бу дарахтни ўрнидан қўзғата олмайди. Чунки у мустаҳкам бўлади.

Қилган ҳар бир ишингизни Эгангиз Худо сербарака қилади, омборларингизни тўлдиради; ва сизларга бераётган юртда барака беради. Раббий сизларни Ўзининг муқаддас халқи қилади (инглизчадан таржимада: сени мустаҳкам қилади, дейилган).

– Қонуннинг қайтарилиши 28:8, 9

Молиявий томондан мустаҳкам бўлиш – бу нимани англатади? Худо бизга шу ернинг ўзида, 12, 13-оятларда шундай деяпди:

Кўп халқларга қарз берасиз-у, ўзингиз қарз олмайсиз. Эгамиз

сизларни дум эмас, бош қилади.

Худо уларни шунчалик баракаламоқчи эканини, токи улар қарз беришлари ва бошқа ҳеч қачон қарздор бўлмасликларини айтаяпди. Улар дум эмас, балки бош бўладилар. Дум бораётган жойида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас; ва бош уни қаерга етакласа, ўша ерга боради.

*Бойлар камбағаллар устидан ҳукмронлик қиладлари,
қарздор қарз берганнинг қулидир.*

– *Ҳикматлар 22:7*

Қарздор мустаҳкам бўла олмайди. Улар озодликка эга бўлмаган қуллар каби меҳнат қилиб, қарз берганнинг шафқатига боғлиқдирлар. Лекин Худо: «Йўқ! Мен уларни мустаҳкам қилмоқчиман!», деяпди. Агар сиз уйингиз учун яшаш ҳаққини тўлаган бўлсангиз, ҳеч ким сизга уйингиздан кетишингизни айтмайди. Ҳеч ким сизнинг машинангизни олиб қўймайди, агар унинг пули тўлиқ тўланган бўлса. Сизнинг дастурхонингизда етарлича овқат бўлади ва сиз ўзингизнинг тўлиқ сотиб олинган ерингизда, Худо томонидан берилган вазифани бажариб ҳамда мукамал молиявий тинчликда бўлган ҳолда яшайсиз. Сиз мустаҳкамланасиз!

**Худо сизнинг муваффақиятли
бўлишингизни хоҳлайди!**

РОЗИЛИКНИНГ КУЧИ

Сиз ҳозир ўқийдиган нарсa, Худо Шоҳлигининг жуда кучли қоидаси ҳисобланади, бу шунчалик кучлики, ҳатто мен уни китобнинг иккинчи сарлавҳаси қилиб ёздим. Биз уни Иброҳимнинг эвараси Юсуфнинг тарихи ва ҳаётидан топамиз. Бу воқеадан олдинги даврни эслатиб ўтаман: Юсуфдан унинг акалари нафратланар ва ундан халос бўлишни хоҳлар эдилар. Умуман, улар уни ўлдирмоқчи эдилар, лекин акаларидан бири бундай даражагача боришга тайёр эмас эди, бунинг ўрнига улар Юсуфни ўтиб кетаётган савдогарларга сотдилар ва Юсуф Мисрга олиб кетилди, у ерда эса Пўтифарга, фиръавннинг шахсий соқчиларини бошлиғига сотилди.

Юсуф Мисрга олиб кетилди. Фиръавннинг сарой аъёни, соқчилар бошлиғи, мисрлик Пўтифар – уни ўша ерга олиб келган исмоилликлар қўлидан сотиб олди. Раббий Юсуф билан бирга эди, шунинг учун у муваффақиятли киши эди. У мисрлик хўжайинининг уйида яшар эди. Унинг хўжайини Раббийнинг у билан эканини ва Раббий у қилаётган ҳар бир ишда унинг қўлига муваффақият бераётганини кўрди. Юсуф унинг нигоҳида илтифот топди ва унга хизмат қилди. Хўжайини

эса ўз хонадонидаги ҳамма нарсанинг устидан уни назоратчи қилиб қўйиб, ўзидаги ҳамма нарсани унинг қўлига топширди. У Юсуфни бутун хонадони устидан ва хонадонидаги ҳамма нарса устидан назоратчи қилиб қўйганидан сўнг, Раббий Юсуф ҳақи мисрликнинг хонадонини дуо қилди. У уйда ва далада эга бўлган ҳамма нарсанинг устида Раббийнинг дуо-баракати бор эди. У бор мулкани Юсуфнинг қўлига топшириб, ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарсани билмас эди.

– Ибтидо 39:1-6

2-оятнинг иккинчи қисмига эътибор беринг: «Раббий Юсуф билан бирга эди: у ишларида муваффақиятли эди». Бу нимани англатади? Ахир Худо бизнинг ҳаммамиз билан бирга эмасми? Биз олдинги бобларда насл-насаб ҳақида гапирганларимизнинг маъносида жавоб: «Йўқ». Ёдингизда тутинг, Иброҳимнинг имони ва кейинги аҳд, Худо учун Иброҳим ва унинг меросхўрларига ва фақат уларга қонуний йўл очди. Шунинг учун, Худонинг ҳар биримиз билан бирга экани ҳақида гапирганимизда, Худо ҳар биримизни севиши билан алмаштириб юбормаслигимиз керак – бу тўғри. Лекин Худонинг қаршисида қонуний тура олмайдиганлар учун, Унинг қўллари боғланган.

Сизлар ўша вақтларда Масиҳсиз бўлиб, Исроил жамиятидан ажратилган, аҳд ваъдаларига бегона, дунёда умидсиз ва Худосиз эдингизлар. Лекин сизлар бир вақтлар Худодан узоқ бўлганлар, энди Исо Масиҳда Унинг қони орқали яқин бўлдингизлар.

– Эфесликларга 2:12, 13

Эътиборберинг,буердаМуқаддасЁзувбизаҳдсизбўлганимизни, яъни Худо ва Унинг кучи қонуний асосда биздан ажратилганини айтаяпди. Нима учун? Чунки одам билан розилик ёки аҳд

бўлмаса, Худо бу ерда, ер юзида қонуний асослар ёки суд қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бу оят, одамлар аҳдсиз эканлар, бу дунёда умидсиз ва Худосиз яшашларини айтиб, буни яққол кўрсатмоқда. Ёдда тутинг, Исо биз учун янги аҳдни тасдиқлагани сабабли, биз Худо оиласининг бир қисмига, Унинг буюк Шоҳлигини фуқароларига айландик (Ефесликларга 2:19). Шундай қилиб, энди, Ибтидо Китобининг 39-оятига қайтар эканмиз, биз «Раббий Юсуф билан эди»: деган ибора, Худо Юсуфнинг ҳаётига унинг бобокалони Иброҳим билан тузган аҳди орқали қонуний асосда таъсир ўтказа олган, деган маънога эга эканини тушунамиз. Худонинг баракаси ва таъсири ҳаракат қилишига йўл берадиган бу аҳд, ердаги пешана тери билан оғир меҳнат қилиш тизимини енгди. Юсуфни айнан Худо дуо қилиши керак эди.

**ОДАМ БИЛАН
РОЗИЛИК ЁКИ АҲД
БЎЛМАСА, ХУДО БУ
ЕРДА, ЕР ЮЗИДА
ҚОНУНИЙ АСОСЛАР
ЁКИ СУД ҚИЛИШ
ҲУҚУҚИГА ЭГА
БЎЛМАЙДИ.**

Ёдингизда борми, Худо аввалроқ Иброҳимга: «Мен сендан... келтириб чиқараман», деган эди? Худо Юсуфнинг ҳаётида кўмаклашиб, у билан бирга бўлгани сабабли, у қилган ишларининг ҳаммасида муваффақиятли эди, шунчалик муваффақиятли эдики, ҳатто мажусий хўжайини Пўтифар, ўзи учратган кўплаб бошқа одамлар билан солиштирганда Юсуфнинг қобилиятларида катта фарқни кўрди. Мен бу ерда шу нарсани тилга олиб ўтишим керакки, биз Худонинг ёрдами билан муваффақият қозонганимизда, лаънатланган ердаги тирик қолиш учун кураш тизимида яшаётган одамлар, фарқни пайқайдилар! Пўтифар шунчалик таассуротда эдики, ҳатто Юсуфни ўзининг бутун хонадони устидан бош қилиб қўйди.

Муқаддас Ёзувнинг бу оятининг таркибида Шоҳликнинг кўп қоидалари бор, лекин улардан энг муҳими қуйидагиси. Мен буни

«розиликнинг кучи», деб атаيمان, уни «Пўтифарнинг қондаси», деб аташ ҳам мумкин. У Ибтидо Китобининг 39-боби 5-оятда ёзилган:

У Юсуфни бутун хонадони устидан ва хонадонидаги ҳамма нарса устидан назоратчи қилиб қўйганидан сўнг, Раббий Юсуф ҳақи мисрликнинг хонадонини дуо қилди. У уйда ва далада эга бўлган ҳамма нарсанинг устида Раббийнинг дуо-баракати бор эди.

– Ибтидо 39:5

Мен бу ерда содир бўлаётганларининг яққол тасвирини кўришингизни истайман. Юсуф ўша куннинг ўзида ҳамма нарсанинг устидан қўйилмади, кейинги кун қўйилди. Муқаддас Ёзув бу ўзгариш содир бўлган лаҳзани таъкидлаб айтаяпти. Раббийнинг баракаси Пўтифар эга бўлган ҳамма нарсага, унинг бор мулкани устига келди! Лекин Пўтифар Юсуфнинг Худосини билмаган ва исроил халқининг бир қисми бўлмаган. Хўш, бу қандай қилиб содир бўлиши мумкин эди ва бу нимани англатади? Мен сизларга жавобини айтаман. Пўтифар бутун уйини Юсуфнинг бошқарувига тақдим қилганида, ўзи ҳам буни билмай, ўзини Юсуфнинг Худо билан бўлган аҳдини таъсири остига топширган.

Пўтифарнинг мол-дунёси, ери ва мулки шоҳликни ўзгартирди!

Ёдда тутинг, Пўтифарнинг мулки Юсуфнинг назоратига ўтмагунича, ҳуқуқ томонидан лаънатланган ер тизимига тегишли эди. Пўтифар ўзининг мол-дунёсини Юсуфнинг суд қилиш ҳуқуқи остига топшираётганида, у шу тариқа мулкани Худонинг баракаси остига жойлаштираётганини англамаган. Кейинроқ, Муқаддас Ёзувда Юсуф унинг уйи устидан қўйилар экан, Пўтифарнинг Юсуф еган озуқадан бошқа, бирор нарса ҳақида ҳеч қанақа ташвиш ёки безовталиқ бўлмагани айтилган. Унда ташвиш бўлмаган!

Ташвиши бўлмайд туриб, Пўтифар мисрликларнинг шахсий соқчиси сифатида, ўзининг мақсадлари ва вазифаларини бажаришга тўлиқ эътиборини қарата олган. Бу ерда кўп маъно яширинган, Пўтифар ўзи билмаган ҳолда бошидан кечирганлари, Ибронийларга Мактубнинг 4-бобида ором деб аталган шанбага кирган, ҳа, бу Янги Аҳднинг имонлилари учун тушунарли.

**ШАНБА – ОДАМ
ШУНЧАКИ ТИРИК
ҚОЛИШ УЧУН,
АЗОБДА, ПЕШАНА
ТЕРИ БИЛАН МЕҲНАТ
ҚИЛМАЙДИГАН
КУННИНГ АКСИГА
АЙЛАНДИ.**

Агар сиз Шанба мавзусини ўрганиб чиқсангиз, унда, ўша куни Худо исроилликларга бирор-хил ишни қилишга рўхсат бермаганини кўрасиз, ҳеч қандай тер тўкилиши ёки оғир меҳнат назарда тутилмаган. Шанба, албатта, ҳафтанинг еттинчи куни бўлган ва дунё яратилишининг еттинчи кунига мос келади. Сиз, эҳтимол, Худо яратилишнинг еттинчи кунини ором олиш куни деб эълон қилганини эсларсиз. Бу Худо чарчагани учун эмас, балки ишини тугатгани учун ором олиш куни эди. Ҳамма нарса тўлиқликка эришди. Еттинчи кун азалдан – одам муҳтож бўлишни бошлашдан аввал, унга керак бўлган ҳамма нарса бор бўлган, ташвишларсиз кунда яшаш олдиндан белгиланган кун бўлган. Ҳа, албатта, Одам Ато Худога қарши исён кўтарганида, бу оромни йўқотганини биламиз. Худога қарши исён кўтариб, Одам Ато ўзини Худонинг таъминотидан узиб қўйди. Одам Ато Худо унга олдиндан белгилаб қўйган бу ором ўрнини шундай қилиб йўқотди. Энди Одам Ато шунчаки тирик қолиш учун бор вақтини пешана тери билан оғир меҳнат қилиб, ўзини-ўзи таъминлашга мажбур эди.

Лекин Худо одамни умидсиз қолдирмади. У унга бир куни тикламоқчи бўлган ўша оромнинг тасвирини берди, уни Шанбани – одам шунчаки тирик қолиш учун курашда азоб чекиб, пешана тери билан меҳнат қилиши керак бўлмайдиган ўша куннинг

тасвири деб атади. Пўтифар Юсуф унга Худо билан аҳди туфайли олиб ўтган Раббийнинг баракаси остига кирганида, у Юсуф орқали Худонинг таъминотига қўшилди ва оромга эга бўлди. Ҳамма нарса назорат остида эди, унинг ҳеч қанақа ташвиши йўқ эди.

Убор мулкани Юсуфнинг қўлига топшириб, ўзи еяётган нондан бошқа ҳеч нарсани билмас эди. Юсуф кўркам ва қадди-қомати келишган эди.

– *Ибтидо 39:6*

Худо одамга мисол қилиб кўрсатган Шанбанинг аҳамиятини ва ҳақиқатини тушуниш учун, оддий саволни бериш керак: қандай тарзда Шанба имконли бўлди? Мен одам лаънатланган ердаги тизимда яшаб, ҳар куни тирик қолиш учун курашганини назарда тутяпман. Агар бу шундай бўлса, унда одам қандай қилиб шанба куни меҳнат қилмаслиги мумкин эди? Агар у ишлай олмаган бўлса, унинг эҳтиёжлари шанба куни қандай қилиб таъминланган? Бу жавоб бериш керак бўлган яхши савол ва жавобда биз Юсуф эга бўлган Раббийнинг баракаларини тўлиқ ваҳийига эга бўламиз.

Мен ушбу қоиданинг ажойиб намунаси Левилар Китобининг 25-бобида бор деб ўйлайман, унда Худо Исроил халқига Юбилей йилининг қоидаларини тушунтирган. Изоҳлаб ўтаман, Юбилей йили ҳар 50 йилда келган ва бу йилга катта аҳамият берилган, мен ҳозир бунга чуқурлашмайман. Бироқ мен сизларга кўрсатмоқчи бўлган ҳақиқат шундан иборатки, ўша йили исроилликлар ўзларининг полизларига экин эка олмаганлар. Аслида улар полизларига 49-чи йилда ҳам экин эка олмаганлар, чунки бу шанбага оид йил бўлган. Шундай қилиб, мен сизларнинг аниқ тасаввурга эга бўлишингизни истайман: Исроил халқига улар 49-чи ва 50-чи йилларда экин экмаслик айтилган. Шундан кейин улар экилган ҳосил етилгунича, 51-чи йилнинг охиригача кутишлари керак бўлган. Яъни аслида Худо уларга уч йил мобайнида ҳосил

Йиғмаслигини айтган. Агар мен сизларга, сизлар уч йил мобайни ойлик маошини олмайсизлар десам, сиз бир оз ташвишга тушган бўлар эдингиз. Исроил халқи ҳам ташвишланган. Табиий маънода бунинг имкони бўлмаган. Лекин Худо уларга ниманидир кўрсатган.

Сизлар: экин экиб, ҳосил олмасак еттинчи йили нима еймиз? – деб сўрашингиз мумкин. Мен олтинчи йили ҳосилингизга барака бераман. Ўша йили сизлар уч йилга етадиган ҳосил йиғиб оласизлар. Саккизинчи йили уруғ экканингизда олтинчи йил давомида йиққан ҳосилдан тановул қиласизлар. Тўққизинчи йили ҳам ҳосилингиз пишгунча ҳануз эски ҳосилдан ейсизлар.

– Левилар 25:20-22

Худо олтинчи кунни икки карра баракалагани, яъни керагидан ортиғини бергани учун, шанба кунги оромнинг имкони бор бўлган. Бу ибора сизнинг онгизгизда бир оз мустаҳкамланиб қолсин. Ахир бизнинг ҳар биримиз – керагидан ортиқ бўлишни хоҳламаймизми? Худо олтинчи кун икки карра кўп берганида, У бу билан уларнинг таъминотчиси эканини эслатган, У эса ҳар доим керагидан ортиғини беради. Келинг, виждонли бўлайлик: агар сизда керагидан ортиқ бўлса, бу сизни қаламушлар пойгасидан озод қилади, қулликдан танлаш эркинлигига ўтказди. Яна ҳам муҳимроғи, бу ўзимизнинг мақсадларимизни ва ниятларимизни топишимиз ва уларда муваффақият қозонишимиз учун эркинликни беради. Пўтифар айнан шунга эга бўлган. Ҳеч қандай ташвиши бўлмаган. Унинг ҳар бир эҳтиёжи учун аллақачон ғамхўрлик қилиб бўлганлар. Диққатини қаратиши керак бўлган ягона нарса, – бу унинг даъвати бўлган. Яна бир марта қайтараман, биз Дренда билан ҳар доим: «Сиз молия масаласини ечмагунингизча, ўзингизнинг даъватингизни топа олмайсиз», деймиз. Лекин менда янгилик бор! Шанба кунги ором ҳозиргача бизларга очиқ –

бу сизнинг ҳамма эҳтиёларингиз ҳақида ғамхўрлик қилинган жой ва биз тирик қолиш учун курашдан муваффақиятга ўта оламиз.

Шундай экан, Худонинг халқи учун ҳали шаббат ороми қолмоқда. Унинг оромига кирган ҳам ўз ишларидан ором олади.

– *Ибронийларга 4:9, 10*

Пўтифарнинг ҳаётида Худонинг Шоҳлиги ердаги пешана тери билан оғир меҳнат қилиш қонунини енгди ва Худо худди шу нарсани сиз учун ҳам амалга оширади. Биз Худо Шоҳлигининг таъсири остига ўтишни ўрганганимизда, муваффақиятли бўла оламиз ва ўзимизнинг мақсадларимизни топа оламиз. Ҳаёт қувонч, иштиёқ ва завққа тўлиши мумкин, бу ҳақиқат!

Раббийнинг дуоси – у бойитади ва ўзи билан ғам-қайғуни олиб келмайди.

– *Ҳикматлар 10:22*

Раббийнинг дуоси бойлик келтиради ва Худо унга оғир меҳнатни қўшмайди! Биз Ибтидо китобининг 3-боби 17-оятда айтилганидек, пешана тери билан оғир меҳнат қилиш тизимидан

**СИЗНИ ҚУРШАБ
ТУРГАН ШУБҲА ВА
ИМОНСИЗЛИК БИЛАН
БИРЛАШИШНИ БАС
ҚИЛИНГ. ШОҲЛИКНИ
ЎЗГАРТИРИНГ ВА ХУДО
СИЗЛАР УЧУН БЎЛГАН
НАРСАЛАР БИЛАН
ЛАЗЗАТЛАНИНГ!**

ташқарида яшашимиз мумкин. Худонинг Шоҳлиги қай тарзда ишлашини билиб олмаганимча, мен кўп йиллар давомида ушбу тирик қолиш учун кураш тизимида яшаганман. Сиз ҳам буни билиб олишингиз мумкин. Худо сиз билан! У сизга ёрдам бера олади! Сиз муваффақият қозонишингиз мумкин. Йўқ, менга буни бошқача

ифодалашимга ижозат беринг: сиз муваффақият қозонишингиз шарт. Худони билмайдиган ва умидсизликка тўлган, оғир меҳнат ҳамда тирик қолиш учун кураш лаънатидан синган бу дунёнинг Пўтифарлари, сизга қараяпдилар.

Уларни сизнинг динингиз, жамоат бинолари ёки Муқаддас Ёзувдаги оятлар таассуротда қолдирмайди, чунки сизнинг ҳаётингизда жавоблар йўқлиги туфайли уларга бу яхши кўринмайди. Худо буюк деб, ўзингиз эса шу пайтда худди шундай азоб бераётган молиявий зўриқишда яшаётган ва улар каби тирик қолиш учун курашга мажбур бўлаётган бўлсангиз, одамлар сизни тинглашларини кута олмайсиз. Йўқ, сиз Юсуф қилгани каби Худонинг Шоҳлиги қандай эканини кўрсатишингиз керак. Мен кўпол кўринишни истамайман, лекин ахир одамлар аҳмоқ эмаску. Уларга жавоб керак.

Мен кўп йиллар мобайнида таъсирга эга бўлмаганман. Ҳеч ким мени теледастурларга таклиф қилмаган, мен ўзимнинг ортимдан мингталик жамоатни етакламаганман. Нима учун? Чунки менинг айтадиган гапим бўлмаган, ҳеч қанақа ечимлар, жавоблар ёки Худо тириклиги ва У мен билан экани борасидаги гувоҳликлар бўлмаган. Мен шунчаки тирик қолиш учун ўзимнинг қариндошларимдан қарзга пул олганман. Менинг машинам, уйим ва умуман бутун ҳаётим бузилаётган эди. Умуман, менинг Худоим буююклиги ҳақида ким ҳам эшитгиси келарди? Ҳа, мен Самога қараб юраётган эдим ва Само – ҳамма нарсаларнинг ичида энг аълоси, лекин сиз бу ерда, ер юзида Самони кўрсатмагунингизча, одамлар Самонинг қанчалик гўзаллиги ҳақида эшитишни хоҳламайди. Мен нима демоқчи эканимга қулоқ солинг: агар Худо – бу Худо ва Унинг сўзи ҳақиқат бўлса, унда у иш бериши керак. Бизнинг ҳаётимиз бошқача кўринишга эга бўлиши ва ўзгача бўлиши керак! Биз бу авлодга Худо Шоҳлигининг ҳақиқати билан таъсир ўтказишимиз керак. Пўтифарлар бизга қараяпдилар.

Шундай қилиб, мен нима учун «розилик қоидасини» шунчалик муҳим деб ҳисоблайман? Чунки Пўтифар Худо Шоҳлигининг таъсири остига кирди ва Шанба кунги ором билан лаззатланди, ундаги ҳаёт тарзига пешана тери билан оғир меҳнат қилиш кирмас эди, унда қўрқув йўқ, лекин тинчлик ҳукм сурар эди. Унда тирик қолиш мақсад ва иштиёқ билан алмашади, камбағаллик эса таъминот билан ютиб юборилади. У буни қандай қилди? У ўзининг муаммолари ва ташвишларини Худо Шоҳлигининг суд қилиш ҳуқуқи остига топширди. Аслида, нима қилаётганини англамай, у Худога қўшилди. У Худо Шоҳлигининг суд қилиш ҳуқуқи остига, у билан рози бўлиб кирди. Пўтифар ҳамма ишларини Юсуфнинг қўлларига топшириш учун етарлича ақлли бўлган, чунки жавобларни кўрган. Сиз ҳам буни қила оласиз ва биз Дренда билан шундай қилганмиз. Мана, ўша кийиклар, бизга шунчалик керак бўлган пуллар, машиналар ва уй қандай қилиб пайдо бўлган эди. Шунинг учун сизга маслаҳат беришимга ижозат беринг. Агар сиз Худо сиз учун эга бўлган ҳамма нарса билан лаззатланишни хоҳласангиз, шоҳликни ўзгартиринг. Сизни қуршаб турган шубҳа ва имонсизлик билан бирлашишни бас қилинг. Шоҳликни ўзгартиринг ва Худо сиз учун эга бўлган нарсалар билан лаззатланинг!

СИЗ УЛАРГА ОВҚАТ БЕРИНГ!

Мен Дон билан танишганимда, у менинг офисимга ҳаддан ташқари умидсиз ва бутунлай қарзга ботган ҳолда келган эди. Ўша пайтда унинг ҳаётида ҳеч нарса ўз ўрнига тушмаётгандек туюларди. Мен ўтириб, у билан гапира бошлаганимда, у уч ёки тўрт ой ижара бўйича ва ундаги деярли бошқа ҳамма ҳисоблар бўйича тўловни кечиктираётганини аниқладим. Оиласида ҳам муаммолар бор эди: унинг рафиқаси молиявий тартибсизликдан тўйиб кетган ва Донга ҳурмати уни йўқотаётган эди, чунки у рафиқасини ҳамда ларнинг бешта фарзандини таъминлай олмаётган эди. Факт шундан иборат эдики, Дон ўзига ҳурмати уни йўқотган эди. У саволларга тўла эди.

Унинг иши Огайо штатида тиббий суғурталарни сотишдан иборат эди, лекин омаднинг йўқлиги уни тезда жуда оғир молиявий аҳволга олиб келган эди.

Дон билан содир бўлаётганларга қарамай, мен унда имкониятларни кўрдим. У ўрганишга ҳам, ишлашга ҳам тайёр эди. Ушбу уйғунлик уни ўзимнинг олдимга ишга олиш ва ўзимни унинг келажагини фаровонлиги учун бағишлашга қизиқтириб қўйди. Натижада, бу бизнинг иккаламиз учун катта даромадларни келтирган бағишланиш бўлди.

Менинг ёш ва тез ўсиб бораётган ташкилотим нақд Гаваяга, таъминотчиларимиздан бирини олдига бориш учун таклифнома олди ва бу мен Донга Худонинг Шоҳлиги ҳақида гапириб бериш учун ажойиб имконият бўлиши мумкинлигини ҳис қилдим. Гарчи Дон масиҳий бўлса ҳам, унда худди мендагидек тушунча йўқ эди. Ва гарчи мен у билан бир неча марта бу соҳада Худонинг қоидалари ҳақида бўлишига уринган бўлсам ҳам, у менинг айтаётганларимга ишонмаётгандек туюларди.

Мен, у ҳам Худонинг Шоҳлиги қандай ишлаши ҳақидаги билимларга эга бўла олиши мумкинлигини тушуниши учун, Доннинг эътиборини жалб қилиш имкониятини излардим. Бироқ Дон шунчалик умидсизликка тушган эдики, ҳақиқатан ҳам ўзгаришлар келишига унинг ишончи йўқ эди. Мен Гаваяга бориш бу мен учун имконият эканини билардим.

Биз Дон билан жўнаб кетишимиздан икки ҳафта олдин, биз у ерда нимани кўришни ва нима билан машғул бўлишни хоҳлаётганимиз ҳақида суҳбатлашдик. Бир нарса Донни жуда қизиқтириб қўйди. У Тинч океанининг ажойиб сувларида зангори марлинни тутишни хоҳларди. Дон илҳомланиб: «Гавая ороли зангори марлинларни тутиш бўйича дунёнинг пойтахти ҳисобланади. Мен ҳар доим уни тутишни хоҳлардим. Бу менинг орзуим эди», деди. Бир неча ҳафта деганда, мен биринчи марта Доннинг кўзларида нурни кўрдим. Ниҳоят, уни нимадир илҳомлантирди ва мен бу илҳом муҳим дарс учун эшик очишини билардим.

«Дон, – дедим мен, – агар Худо Шоҳлигининг таъсири остига кирсанг, зангори марлинни тута олишингни биласанми? Умид қиласанми эмас, биласанми?» Бир оз уялган, лекин қизиққан Дон, кўпроқ билишни хоҳларди, ва мен унга Худонинг Шоҳлиги ҳақида гапириб беришни давом эттирдим. Мен Марк Хушхабаридан 11-боб 24-оятни изоҳлаб бердим, у ерда: «Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз,

олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар».

Дон учун буларнинг ҳаммаси ишониш учун ўта яхшидек туюларди. Мен унга Шоҳликни ва имоннинг йўлларини тушунишига кўмаклашиш учун, бир мунча вақтни сарфладим. Биз сафарга жўнаб кетишимиздан аввал, у рафиқаси билан, худди мен кийиклар билан бўлган воқеада қилганимдек уруф экдилар, розилиқда ибодат қилдилар ва зангори марлинни олганларига ишондилар.

Бу орада Дон ҳосилни ўриб олишда ўзининг вазифасини бажариш учун, ҳамма нарса қилди. У қанақа кичик кемаларни, қандай нархларда ижарага олиш мумкинлигини билиб олди ва ниҳоят, унга энг ёққан капитани бор кичик кемани банд қилиб қўйди. Барча ташкилий масалалар ечилди ва биз Гавая ороллариининг зангори сувларига пешвоз чиқиш учун йўл олиш имкониятидан жуда хурсанд эдик.

Сузиб кетадиган кун келди, биз кичик кеманинг бортига чиқдик ва илҳомланиб капитанга, биз зангори марлинни тутмоқчи бўлган ўша кун бўлганини гапириб бердик. У бизга балиқ овида муваффақият тилади, лекин ўша кунни зангори марлинни тутиш имконияти катта эмаслигига ишонтирди. Охирги тўрт ой мобайнида ҳар кун сафарга чиққан иккита кичик кема, бор йўғи битта зангори марлинни олиб келган экан. Бу ҳали марлинларнинг мавсуми келмагани факти билан аниқланган, ахир бу кўчиб юрадиган балиқда. Лекин биз умидсизликка тушмадик ва барча зарур бўлган тайёргарликларни давом эттириб, капитанга ҳурмат билан ўша кунни битта марлинни муқаррар қўлга киритмоқчи эканимизни хабар қилдик.

**ШУНИНГ УЧУН МЕН
СИЗЛАРГА АЙТАМАН,
ИБОДАТДА НИМАИКИ
СЎРАСАНГИЗ,
ОЛИШИНГИЗГА
ИШОНИНГЛАР ВА
СИЗЛАР ОЛАСИЗЛАР.**

Олти соатлик овдан кейин бирор марта ҳам балиқ бизнинг қармоғимизга илинмади ва мен бирорта ҳаракатларнинг йўқлиги Доннинг имонини заифлаштириб қўйиши мумкинлигидан ташвишлана бошладим. Бу ҳақида ўйлаб, мен унга юқоридаги кўприкчадан: «Дон, сенга савол беришимга ижозат бер. Сен бу зангори марлинни ибодат қилаётганинда уни олдинги ёки у пайдо бўлганида оласанми?», деб қичқирдим. Дон аминлик билан жавоб берди: «Гэри, бу оддий. Мен уни ибодат қилаётганимда олдим». Мен унинг жавобини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Айнан шу пайтда мен, Дон менинг насиҳатларимга жиддий қараганини ва ўзининг марлинини қўлга киритишига қатъий турганини тушундим.

Бир неча дақиқадан сўнг Доннинг қармоқ ипи пастга, сувга тортилди ва бизнинг ёнимизда бўлганлар: «Қармоққа илинди!», деб қичқира бошладилар. «Жуда хурсанд бўлиб кетманглар, – огоҳлантирди капитан, – ҳа, бу катта балиқ, лекин аниқ зангори марлин эмас. Марлинлар тўғри тепага сузиб чиқадилар ва сувнинг устида жуда зўр сакрайдилар, бу балиқ эса чуқурликда сузаяпти». Сониялар ўтиб борар, Дон балиқни яхшилаб кўриш мумкин бўлган даражагача юзага ҳеч ҳам яқинлашмаётган балиқ билан курашишни ҳамон давом эттирарди. Доннинг шунчалик чарчаганига қарамай, балиқ янаям кўпроқ чарчади ва тез орада курашда таслим бўлди. Дон бортга ўша катта, чиройли зангори марлинни тортиб чиқарганида, биз у билан ҳайрон бўлмадик, кичик кемадаги бошқалар эса гангиб қолган эди.

Доннинг балиқ билан тушган расми ҳозиргача имон гувоҳи ва Худо Шоҳлигининг ҳақиқийлиги ҳақидаги доимий эслатма сифатида менинг офисимда илиниб турибди. Ташқи томондан бу шунчаки балиқ, лекин Дон учун марлин каттароқ нарсани англатарди. Агар Худонинг Шоҳлиги балиққа нисбатан ишлаган бўлса, у шубҳасиз, Дон ҳаётда муҳтож бўлган бошқа ҳамма нарсага нисбатан иш беради. Дон учун бу Худонинг Шоҳлиги унинг

ҳаётига қанақа таъсир ўтказиши мумкинлигини англаётганининг фақатгина бошланиши эди.

Икки минг йил олдинга қайтамыз ва Исодан Худонинг Шоҳлиги ҳақида сўраган Никодим исмли киши тўғрисида билиб оламиз. Юҳанно Хушхабарининг 3-бобида Раббийнинг жавоби ёзилган: «Рух қаерда истаса ўша ерда нафас олади, Унинг овозини эшитасан, бироқ қаердан келишини ва қаерга кетишини билмайсан: Рухдан туғилган ҳар бир одам билан ҳам шундай бўлади». Дон билан кичик кемадаги ўша ажойиб кун ушбу ҳақиқатнинг энг зўр намунасига айланди.

Ҳатто биз Дон билан Худо Шоҳлигининг кўринишларини жисмонан кўрмаган бўлсак ҳам, биз шубҳасиз, худди ўша марлин пайдо бўлганида унинг шоҳидларига айландик ва унинг таъсирини ҳис қилдик. Шамолни кўришнинг имкони йўқ, лекин табиий соҳада кўринарли таъсир кўрсатади, худди шундай Худонинг Шоҳлиги ҳам ҳақиқий ва жисмоний дунёга ўзининг таъсирини кўрсатади. Худонинг Шоҳлигини бошқарадиган қонунларни билиб олиб, худди Дон ўша кун қилганидек, биз ўзимизнинг ҳаётимизда ўзгаришларни ишлаб чиқарамиз.

Шундай қилиб, энди савол туғилади: ўша марлин қаердан пайдо бўлди? Бу саволга жавоб бор. Сиз бунини Худо қилди, деб шунчаки айта олмайсиз. Унинг пайдо бўлишини биз қаердан билиб олганимизни билиш муҳим. Сиз бунини ҳақиқатан ҳам билиб олишингиз керак, чунки эҳтимол сизга зангори марлин ёки зангори машина ёки шунчаки озиқ-овқат керак бўладиган кун келар. Ҳақиқат шундан иборатки, бу воқеаларнинг моҳияти энди

**ШАМОЛНИ
КЎРИШНИНГ ИМКони
ЙЎҚ, ЛЕКИН У ТАБИИЙ
СОҲАДА КЎРИНАРЛИ
ТАЪСИР КЎРСАТАДИ,
ХУДДИ ШУНДАЙ
ХУДОНИНГ ШОҲЛИГИ
ҲАМ ҲАҚИҚИЙ ВА
ЖИСМОНИЙ ДУНЁГА
ЎЗИНИНГ ТАЪСИРИНИ
КЎРСАТАДИ.**

балиқ овида ва мен кийикларни овлаганимда эмас. Воқеалар бизга Худонинг Шоҳлиги ва у қандай ишлаши ҳақидаги ҳақиқатни очиб беради. Зангори марлин пайдо бўлишининг сабаби бор эди. Исо Ўзининг шогирдларига Худо Шоҳлигининг қоидаларини ўргатиб, кўп вақт ўтказган, лекин Шоҳлик ҳақидаги ҳикоялардан ташқари, Исо уни намоиш ҳам қилган.

Сиздан эътибор беришингизни илтимос қиламан. Худонинг Шоҳлиги сизлар ўсиб-ўлғайган ердаги тизим каби ишламайди. Сиз буни ўзингизнинг онгингиз билан тўлиқ қуршаб ололмайсиз. У биз бу ерда ўрганган қонунлар асосида эмас, лекин бутунлай бошқа қонунлар асосида ишлайди ва биз бу қонунларни билиб олишимиз мумкин. Исо Шоҳликнинг бу қонунларини кўрсатиб кўп вақт ўтказган ва қаерга бормасин уни ўргатган. Исо Худонинг Шоҳлигини амалда кўрсатган, менинг севимли воқеаларимдан бири, Марк Хушхабарининг 6-бобида ёзилган. Бу Исо бешта нон ва иккита балиқ билан беш мингта эркакни овқатлантирган машҳур воқеа. Мен болагимдан бу воқеани жамоатда миллион марта эшитганман, лекин ҳеч ким ҳеч қачон Исо буни айнан қандай амалга оширганини гапириб бермаган.

Анча вақт ўтганидан сўнг шогирдлари Унинг олдида келиб, Унга: Бу ер овлоқ жой, кун эса кеч бўлди, – дедилар, – уларни қўйиб юбор, токи улар атрофдаги жойларга ва қишлоқларга бориб, ўзларига нон сотиб олсинлар, зеро уларнинг ейиш учун ҳеч нарсалари йўқ. Исо уларга жавоб бериб: Сизлар уларга овқат беринг! - деди. Улар эса Унга: Наҳот биз бориб икки минг динорга нон сотиб олиб, уларга ейишга берсак? - дедилар. Лекин У улардан: Қанча нонингиз бор? Бориб кўринглар, - деди. Улар билганларидан сўнг: бешта нон ва иккита балиқ, - дедилар. Шунда Исо ҳаммани яшил ўт устига гуруҳ-гуруҳ қилиб ўтқизишни буюрди. Улар

юзтадан ва элликтадан қатор бўлиб ўтирдилар. У бешта нон ва иккита балиқни олиб, омонга қараб дуо қилди ва халққа беришлари учун шогирдларига бўлиб берди. Шунингдек, иккита балиқни ҳаммага бўлиб берди. Уларнинг ҳаммалари еб тўйдилар. Шогирдлари эса ўн икки сават тўла нон ва балиқнинг қолганини йиғиб олдилар. Нон еганларнинг сони эса чамаси беш минг эркак эди.

– Марк 6:35-44

«Исо, бизда муаммо бор. Одамлар оч ва агар биз уларни ҳозир қўйиб юбормасак, улар уйларига жуда кеч етиб борадилар. Биз ташвишланаяпмиз». Исо уларга нима деди? «Ё, Худойим, сиз ҳақсиз. Мен бутунлай вақтнинг ҳисобини йўқотиб қўйдим. Келинлар, зудлик билан йиғилишни тугатамиз» дедими? Йўқ. У шунчаки: «Сизлар уларга овқат беринг», деди. Нима? Муқаддас Ёзувда у ерда беш мингта эркак бўлгани айтилган, лекин агар аёллар ва болаларни ҳам ҳисобласак, у ерда бемалол йигирма минг киши бўлган бўлиши керак. Ҳатто ҳамма маблағга эга бўла туриб ҳам, шунча кўп одамни овқатлантириш қийин эмас, ҳойнаҳой, имкони йўқ вазифа бўлар эди. Шогирдлари Исонинг айтганларига ишона олмаганларига аминман. Уларнинг Исо таклиф қилган ечимга жавоби, ердаги одатий фикрлаш тарзи ҳақидаги яққол тасаввурни беради. «Лекин Исо, бунга саккиз ойлик маош талаб қилинади! Нима бизлар, бориб шунча пулни овқатга сарфлайликми?» Биринчидан, улар қандай қилиб, дарҳол овқат етишмовчилиги билан бўлган бу муаммони, агар аниқ гапирадиган бўлсак – саккиз ой мобайнида пешана тери билан ишлашдан иборат иқтисодиётнинг лаънатланган ердаги тизимига ўгирганларига эътибор беринг.

Бир куни мен ибодат қилаётган эдим ва Худо менда танавий фикрлаш тарзи борлигини айтди. Мен эсанкираб қолдим. Бу

нимани англатади? Менда нима ҳирс билан муаммолар борми? Йўқ, У менинг фикрлашимни: қанчалик чекланганлигини назарда тутган эди, чунки фикрлашнинг лаънатланган ердаги тизими ҳамма нарсани менинг кучим билан ўлчаб, менинг келажагимдан сизиб ўтказади. Биз худди шундай қиламиз. Агар бизга янги ўй керак бўлса, унинг нархини билиб, буни ўзимизга йўл қўя оламизми, деб дарҳол ҳисоблаб чиқамиз. Биз айнан қандай санаймиз? Шахсий имкониятларимизнинг лаънатланган ердаги тушунча орқали. Дейлик, мен соатига 15 доллар топаман, ҳафтасига 40 соат ишлайман, демак... мана шунча ишлаб топаман. «Оҳо, мен ҳеч ҳам ўзимга бу ўйни сотиб олишга йўл қўя олмайман» деб ўйлаймиз. Шу тариқа, сиз бу таклифни имконсиз нарса сифатида орқага улоқтирасиз. Агар биз ҳар битта ғояни шахсий имкониятларимиз сузгичи орқали ўтказсак, унда ҲЕЧ ҚАЧОН Худо Шоҳлигидаги ҳаёт тарзига ўта олмаймиз, чунки Худо у тизимга қўшилмаган. Худо менга, агар мен Худонинг Шоҳлигини мафтун қилмоқчи бўлсам, унда Шоҳликнинг фикрлари билан: ҳамма нарсанинг имкони бор, деб ўйлашни бошлашим кераклигини айтди!

Шогирдлари: «Бунинг учун саккиз ойлик маош керак», деганларида, мана қаерда бўлганлар. Аслида улар, шунча одамни оқатлантириш – бу куч етмайдиган иш, деганлар.

Исонинг: «Сизлар уларга овқат беринглар», деган гапи айнан улар учун қандай янграганини кўрсатишимга ижозат беринг. Тасаввур қилинг, мен сизнинг чўпонингизман, сизда эса ипотека бўйича тўловлар туфайли оғир дамлар ўтмоқда. Сиз аллақачон тўловларни уч ойга кечиктиргансиз ва уйингизни йўқотиш хавфи бор. Сиз менинг олдимга келиб, жамоат муддати ўтган тўловларни тўлаш билан сизга ёрдам бера оладими, деб сўрайсиз. Мен сизга жуда бемалол: «Менда яхшироқ ғоя бор. Сиз шунчаки ипотекани тўлиқ тўласангиз бўлмайдими ва сизда ҳеч қанақа тўловлар қолмайди?», дейман. Сиз менга: «Мен унга айтганларимни у умуман тушунмади», деган фикр билан қараган бўлар эдингиз.

«Йўқ, чўпон, сиз мени нотўғри тушундингиз, деб ўйлайман. Бизда умуман пул йўқ, айнан шунинг учун биз сизнинг олдингизга келдик. Биз жамоат бизга етмаётган тўловларни тўлашга ёрдам беришига муҳтожмиз». Мен сизга яна бемалол қараб: «Йўқ, мен сизнинг айтаётганларингизни жуда яхши тушуниб турибман ва мен сизга ажойиб ечимни бердим. Сиз шунчаки уй учун тўлиқ маблағни киритишингиз керак ва сиз ҳеч қандай тўлов қилишингиз керак бўлмайдими». Сиз эҳтимол мени ақлдан озган деб ўйлаган бўлар эдингиз.

Эҳтимол, шогирдлар ўзларини айнан шундай ҳис қилган бўлишлари керак. «Исо, Сен биз йигирма минг одамни овқатлантиришимиз керак деб жиддий айтмаяпсан-ку? Ахир бунинг умуман имкони йўқ. Бизда бунинг учун умуман маблағ йўқ. Ҳатто, биз Сенинг режангни қабул қилсак ҳам ва етарлича пулларни ишлаб топиш учун ғайрат билан ишласак, нон олиб келиш учун араваларни ва одамларни ташкиллаштирсак ҳам, овқат билан етиб келган вақтда ҳамма алақачон ўлган бўлади. Ҳатто агар бизларда пул бўлса ҳам, бунинг ҳаммасини амалга ошириш учун бизда вақт йўқ». Амалга ошириш йўллари кўрмаганимизда, ердаги имкони йўқ вазиятларга биз мана шундай жавоб қайтарамиз. Агар биз таъминотга эга бўлмасак, бизнинг ваҳийимиз ўлади.

Исо шогирдларини ўша вазиятда жавобсиз қолдирмади ва агар халқни овқатлантиришнинг йўли бўлмаганида, У шогирдларига буни қилишларини айтмаган бўлар эди. Умуман олганда У уларга бошқа тизимни – амалдаги Худонинг Шоҳлигини кўрсатмоқчи бўлган. Ва шогирдлари саросимага тушгани сабабли, Исо ҳамма нарсани Ўзининг назорати остига олган.

«Сизларда нима бор? Бориб, кўринглар», - деди Исо. Шогирдлари унинг олдига қайтиб келиб: «Биз бешта нон ва иккита балиқ топдик», дедилар. Бешта нон ва иккита балиқ

топилиши биланоқ, Исо шогирдларига уларни Унинг олдига олиб келишларини айтди. У нон ва балиқни олиб, уларни дуо қилди ва дарҳол қайтариб берди. Табиий жиҳатдан ҳеч нарса ўзгармади, лекин руҳий жиҳатдан жуда муҳим бўлган алланима – биз Шоҳликни тушунишимизнинг калити ҳисобланган нимадир содир бўлди. Исо шогирдларига нон ва балиқни тарқатишни айтди ва улар муқаддас титроқ билан овқат уларнинг кўзи олдида кўпайиб, йигирма минг киши ҳатто бир дона увоқни ея олмайдиган даражагача тўйганининг гувоҳи бўлдилар. Нима содир бўлди? Бу қандай содир бўлди?

**ХУДО МЕНИ БИРИНЧИ
ЎРИНДА УНИНГ
ШОҲЛИГИГА, МЕН
МУҲТОЖ БЎЛГАН
НАРСАНИНГ
ЗАРРАЧАСИНИ
ЭКИШНИ ЎРГАТДИ.**

Буни тушуниш учун, биз бир оз орқага қайтишимиз ва бу воқеанинг икир-чикирларига диққат билан қарашимиз керак. «Дуо қилиш» сўзи, сўзма-сўз айтганда «ажратиш» ёки «муқаддаслаш» деган маънони билдиради. Шу тариқа, Исо овқатнинг устидан ибодат сўзларини эълон қилиб, уни дуо қилганида, нон ва балиқ битта шоҳликдан бошқасига

ўтказилган эди. Ердаги тушунчада йигирма минг кишини бешта нон ва иккита балиқ билан овқатлантириш имконсиз бўлган бўларди. Лекин Худонинг Шоҳлигида ҳамма нарсанинг имкони бор.

Воқеа шу ерда тугамади. У тугашидан аввал шогирдлари қолган бўлаклардан яна ўн икки сават йиғиб олдилар. Бешта нон ва иккита балиқ етишмаслик ҳолатидан йигирма минг кишини тўйдирадиган миқдорга ўтди ва шундан кейин уларда бошида бўлганидан ҳам кўпроғи қолди. Керагидан ҳам ортиқ бўлиши – бу Шоҳликнинг йўллари дир!

Руҳий тадқиқотчи эканман, мен бу воқеани диққат билан

Ўрганиб чиқдим ва Худо менга кийиклар билан бўлган воқеаларда берганидек, худди ўша шартли ифодани кўрдим. Кийиклар ови туфайли Худо мени биринчи ўринда Унинг Шоҳлигига, мен муҳтож бўлган нарсанинг заррачасини экишни ўргатди. Бу ўша бола бешта нон ва иккита балиқ билан қилган нарса. У уларни Худо Шоҳлигининг ҳоқимияти остига жойлаштирди ва улар кўпайиб, йигирма минг кишини овқатлантирди. Эътибор беринг, нон нонга кўпайди, балиқ эса балиққа кўпайди. Бу айнан шундай ишлайди. Мен Худонинг Шоҳлигига балиқ экишим мумкин ва у балиқ бўлиб кўпаяди. Лекин менга балиқ керак бўлса-ю, аммо менда уруф сифатида балиқ бўлмаса-чи? Жавоб: пуллар! Ёдда тутинг, пуллар – бу бартер тизимидир. Сиз ва мен ҳар куни пулларни «атаймиз». Биз уларни сут, уй, кийим, нон ва биз муҳтож бўлган бошқа ҳамма нарса билан атаймиз. Пуллар биз муҳтож бўлган нарсага айланмоқда. Шу тариқа, уруғни экиб, биз бу пулларга ном беришимиз мумкин. Дўконга бориб балиқ сотиб олишни ўрнига, балиқ экишни ўрнига, биз шунчаки пулларни шундай аташимиз мумкин. Бу сизнинг ушрларингизга эмас, балки бағишловларингизга нисбатан ишлайди, чунки Худо унга аллақачон ном бериб бўлган. Биз худди ўша кўпайиш қонунини Луқо Хушхабарининг 5-бобида қандай ишлашини кўрамыз.

Бир куни Исо Геннисарет кўли ёнида турганида, халқ Худонинг сўзини тинглаш учун Унинг олдида сиқилиб келар эди. Исо кўл қирғоғида турган икки қайиқни кўрди. Балиқчилар эса қайиқдан чиқиб, тўрларини юваётган эдилар. Исо Симўннинг қайиғига тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сўзишини илтимос қилди. Кейин ўтириб, қайиқдан халққа таълим бера бошлади. У таълимотини тугатганидан сўнг Симўнга: чуқур жойга сузиб бориб, балиқ овлаш учун тўрларингизни ташланглар, деди. Симўн эса Унга жавобан: Устоз!

Биз тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тутмадик, лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман, деди. Бун қилганларида, улар жуда кўп балиқ овладилар, ҳатто тўрлари йиртилиб ҳам кетди. Улар бошқа қайиқдаги шерикларига ёрдам беришлари учун имо-ишора қилдилар. Улар келиб, иккала қайиқни шундай тўлдирдиларки, ҳатто чўка бошладилар.

– Луқо 5:1-7

Рухий тадқиқотчилар эканмиз, келинг, бу воқеага диққат билан қарайлик. Бу балиқ қандай пайдо бўлди? Сиз бун кўрдингизми? Исо қирғоқ бўйлаб кетаётиб, оломонга воизлик қилмоқчи бўлган қайиқни кўрди. У Петъордан, қайиқнинг эгасидан, У қайиқдан фойдалана олиши мумкинми, йўқми, деб сўради ва Петъор рози бўлди. Нима бўлганда ҳам энди қайиқдан фойдаланмайдилар, улар бутун тун давомида балиқ овлаб, ҳеч нарса тутмадилар. Исо қайиқда воизлик қилганидан кейин, У Петъорга қайтиб боришни ва тўрни чуқурликка ташлашни айтди. Бу илтимос Петъорни эсанкиратиб қўйганига мен аминман, чунки у: «Исо биз бутун тун давомида меҳнат қилдик ва ҳеч нарса тутмадик», деди. Петъор уста балиқчи бўлган ва қандай қилиб балиқ овлашни билган. Ўзининг тажрибасига асосланиб, у ўша ерда шунчаки балиқ йўқлигини билган. Табиий маънода умуман у ерга қайтиш керак бўлмаган. Улар аллақачон анжомларини йиғиштириб, эндигина тўрларини тозалашни тугатган эдилар.

Мен агар Петъор Исонинг, унга ҳеч нарса ва ҳеч қачон шундай таъсир қилмаган бир соатлик воизлигини тинглаганида, бун қилишга рози бўларди деб ўйламайман. Шунинг учун у: «Лекин Сен бун айтаётганинг сабабли, мен тўрни ташлайман», деди. Петъор қайтиб борди ва шунчалик кўп балиқ тутдики, ҳатто тўрлари йиртилишни бошлади ва қайиқ сув остида қолиш арафасида эди. У умидсизликда ўзининг ҳали ҳам қирғоқда турган ҳамкорларига

улар ёрдам беришлари учун қичқирди, лекин уларнинг турлари ҳам йиртилиб, қайиқлари чўка бошлади. Муқаддас Ёзув Петъорнинг таъсирланганини тасвирлайди: у гангиб қолган эди!

Бу қандай содир бўлди? Бунинг сири нимада? Биз уларни била оламизми? Агар қисқача айтадиган бўлсак, бу биз аввалроқ гапирган ўша бирлашиш кучининг, Шоҳлик билан розиликнинг қоидасидир. Петъор Исога ўзининг балиқ овлайдиган қайиғидан фойдаланишга рўхсат берганида, қайиғи ҳам, унинг бизнеси ҳам шоҳликни ўзгартирди. Бизнеси лаънатланган ер тизимининг суд қилиш ҳуқуқи остидан чиқди ва Худо Шоҳлигининг суд қилиш ҳуқуқи остига кирди. У Худо Шоҳлигининг суд қилиш ҳуқуқи остига ўтганида, Худода билим сўзини озод қилиш ва балиқ аниқ бўлган жойни Исога кўрсатиш қонуний ҳуқуқи пайдо бўлди: «Чуқурга сузиб кетгин».

Келинг, бу воқеани таҳлил қилайлик. Исо эндигина натижасиз балиқ овининг узоқ тунини тугатган Петъорнинг балиқ овлайдиган қайиғини вақтинча олиб ишлатди. Бу алмашув орқали қайиқ Худо Шоҳлигининг суд қилиш ҳуқуқи остига турди. Муқаддас Рухнинг ёрдамида Исо балиқнинг аниқ бўлган жойини билди. Исо Петъорнинг қайиғини ўша ерга йўналтирди ва у балиқ билан деярли тўла экани маълум бўлди. Шундай қилиб, балиқ қандай қилиб овланди? Оддий сўзлар билан айтганда: Самодан тўғридан-тўғри оғзаки қўлланмалар орқали. Келинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қарайлик: ҳар қандай одам балиқнинг қаердалигини билса, уни тутта олади. Мен ҳозиргина айтганларим ҳақида ўйлаб кўринг. Худо ҳамма нарсани билади, У сизларга ёрдам бера олади ва нима қилиш кералигини айта олади.

Биз Дренда билан хонавайрон бўлиб, эндигина Худонинг Шоҳлигини таниб бошлаганимизда, Худо менга туш берган эди, унда бизнес бошлаш кераклиги айтилди, мен уни қандай бошлашни умуман билмас эдим. Бу бизнес ҳозиргача ишляпти;

28 йил ўтиб у бир йилда юз минглаб доллар тоза даромадни келтираяпти. Бу 28 йил мобайнида у менга хизматга миллионларни экиш ва одамларга ёрдам бериш имкониятини берди. Қандай қилиб? Мен Самодан сўзни эшитдим ва сиз ҳам шундай қила оласиз! Сизга мисол келтиришимга ижозат беринг.

Бир неча йил аввал мен Худонинг Шоҳлиги ҳақида беш кунлик анжуман ўтказган эдим. Иккинчи куннинг охирида менинг олдимга Крис исмли киши келди ва у учун ибодат қилиб қўйишимни илтимос қилди. Мен унга нимада ибодат ёрдами керак бўлганини сўрадим. Ўшанда у менга ўзининг тарихини гапириб берди. У бир киши билан бизнес билан шуғулланган, у киши уларнинг бизнесини пулларини сарфлаб юборган, бу билан уни инқирозга дучор қилган. Крис тўртинчи марта уйланган ва оиласида аҳвол ёмон эди, у эса бор-йўғи қирқ ёшда эди. У қаттиқ тушкунликка тушганидан, ўқланган тўппончани олиб, атрофни машинада айланганини ва жонига қасд қилиш мақсадида ёпиқ заправкада тўхтаганини айтди.

Соат чамаси тунги уч бўлган ва у ўша ерда ўқланган тўппончаси билан ўтирганида, уни телефони жиринглаб қолган. У бирданига рақамни таниган. Бу унинг собиқ шериги бўлган. У албатта, у билан гаплашишни хоҳламаган, шунинг учун қўнғироққа жавоб бермаган. Телефон яна, яна ва яна жиринглайверган. Аслида у ўн бир марта қўнғироқ қилган, шунда Крис охир оқибат жавоб беришга қарор қилган. Унинг собиқ шеригини оғзидан чиққан биринчи сўзлар: «Қаердасан ва нима қиляпсан?», бўлган. Крис унга жавоб берганида, унинг собиқ шериги: «Қимирлама, мен ҳозирнинг ўзида етиб бораман», деган. Маълум бўлишича, унинг собиқ шериги эндигина ўзининг ҳаётини Худога бағишлаган ва буни Крис билан бўлишмоқчи бўлган экан. Ҳайратланарли, лекин у Крисни тунги соат учда зўдлик билан топиши кераклигини ҳис қилган ва Крис жавоб бермагани сабабли, у қўнғироқ қилишни давом эттираверган.

Криснинг шериги келганида, у уни Раббийга олиб келган ва Криснинг ҳаёти кескин ўзгарган. Ҳамма нарса ўз ўрнига туша бошлаган. У яхши жамоатни топган. Унинг турмуши яхшилана бошлаган. Киримидан ташқари, ҳаммаси яхши бўлиб бораверган. Криснинг иши йўқ эди ва у мендан айнан шу учун ибодат қилишни илтимос қилди. Ўша анжуман пайтида мен ҳозир сизга бу китобда гапириб бераётганларимни: қандай қилиб Худонинг Шоҳлиги биз учун бизнинг қобилиятларимизга боғлиқ бўлмаган ҳайратланарли нарсаларни содир қилиши мумкинлигини гапирган эдим.

Крис Муқаддас Рух қай тарзда бизни етаклаши ва йўналтириш ҳамда фикрлар билан ёрдам бериши мумкинлигини мулоҳаза қилганида, тўсатдан унга ғоя келган. Унда ҳақиқатан ҳам молиявий масалада кўп йўллар бўлмаган. Лекин у қойилмақом чизкейкларни қила олган. Бу унинг соғлом овқатланиш қоидалари бўйича тайёрлаган ўзига хос таоми бўлган ва бу ростдан ҳам у қачон бўлмасин татиб кўрган чизкейкларнинг энг аълоси бўлган. Аслида Крис дўстлари орасида, дунёдаги энг зўр чизкейкларни қиладиган киши сифатида таниқли бўлган. У бир неча марта соғлом овқатланиш дўконига бориб, уларнинг пишириқларидан татиб кўрган, лекин уларга нимадир етишмаётганини тушунган. Крисда кўп танловлар бўлмаган, лекин бу ерда у, бу – чизкейкларни сотиш унинг имконияти эканини ҳис қилган. У ўзининг чизкейкларидан биттасини ўша соғлом овқатланиш дўконига олиб борса ва улар уни татиб кўрсалар, унда сотишни истаб қолишларига амин бўлган. Крис унинг чизкейклари, уларнинг шахсий чизкейкларидан кўра яхшироқ сотилишга амин бўлган. Шунинг учун у айнан шундай қилган: чизкейк тайёрлаган ва уни ҳеч қандай огоҳлантришсиз соғлом овқатланиш дўконига олиб борган. Ноёб тасодифга кўра, соғлом овқатланиш дўконларининг ҳамма тармоқларини бошқарувчи директори ўша дўконга айнан Крис у ерга кирган пайтда ташриф буюрган. Директор чизкейкни татиб кўришга ва шундан кейин ўзининг фикрини хабар қилишга рози бўлган.

Бир куни кечқурун Крис мен билан гаплашиш учун йиғилишдан кейин яна саҳнага тушди. У менга қилган ишларини гапириб берди ва соғлом овқатланиш дўкони билан шартнома тузиш ҳақида у билан яна ибодат қилишни илтимос қилди. Ва мана, кейинги кун Крис яна олдимга келди - сиз уни кўрсангиз эди, у шунчалик ҳаяжонда эдики! У бошқарувчи директор унга чизкейкларни тайёрлашни, лекин у татиб кўрган дўкон учун эмас, балки уларнинг тармоғидаги барча дўконлар учун тайёрлашни таклиф қилганини айтди. Крис лол қолган эди! Ҳайратланарлиси шундаки, ўша бошқарувчи анжуманнинг охири кечасида йиғинга келди, олдинга чиқди, ўзининг юрагини Раббийга берди ва Муқаддас Рух билан чўмдирилди. Икки ҳафта ўтиб, мен ундан хат олдим, унда у ўз навбатида, Худонинг Шоҳлигига экишни истаётгани айтилган эди. У ўз ташкилотининг маблағини ўн фоизини бизнинг Faith Life Now хизматимизга ажратди. Ақл бовар қилмайди! Худо ғояни олиб, ҳеч нарсадан, қандайдир ажойиб нарсани қилиши мумкин.

ТЕРЛАШ ЭМАС, ЙИҒИБ ОЛИШ!

Сиз бирор марта отларни ёзги узоқ югуришдан кейин кўрганмисиз? Улар тер билан, шунчалик совунли тер билан қопланган бўладиларки, уни яна кўпик деб ҳам атайдилар, уни кўриб, от яхшигина меҳнат қилган дейиш мумкин. Менга доимо савол берадилар: «Гэри, сиз мен ишламаслигим керак демоқчимисиз?» Йўқ, мен бундай демаяпман, Худонинг Каломи ҳам бу ҳақида айтмаяпти. Лекин сизнинг қандай ишлаётганингизда катта фарқ бор. Масалан, иккита қайиқни шунчалик даражада тўлдирган, ҳатто чўкишларига сал қолган Петъор ва унинг шериклари ҳақидаги воқеани олайлик. Улар балиқ тутишга уриниб, бутун тун ишладилар, лекин натижаси бўлмади. Кейин Исо пайдо бўлди ва билим сўзидан фойдаланиб, уларга балиқ қаердалигини кўрсатди. Улар ўша пайтда ҳам меҳнат қилдилар, лекин бу энди бутунлай бошқача меҳнат эди. Улар шубҳасиз, бу балиқни қайиққа тортганларида, ғайрат билан меҳнат қилдилар. Лекин улар балиқни овладиларми?

Мен овга борганимда, сизга аввал айтганимдек, кийикни қирқ дақиқадан кейин қўлга киритаман. Лекин мен ов қиламанми?

Бошқа сўзлар билан айтганда, агар сиз балиқнинг қаердалигини билсангиз, бу балиқ ови ҳисобланармиди? Агар мен кийикни қўлга киритишимни билсам, унда мен ов қиламанми? Мен буни, сиз шунчаки фарқни тушуниб олишингиз учун айтаяпман. Ҳа, мен меҳнат қиламан, аммо буни бутун тун мобайнида, камига натижасиз қилмайман. Аввало, ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлиб, мен Отамнинг иши ҳақида ва ўз мақсадларим амалга ошиши ҳақида ўйлаб, Худонинг Шоҳлиги учун меҳнат қилишга қодирман.

Мен буни ҳосилни йиғиб олиш деб атайман.

Матто Хушхабари 17-боб 27-оятда Петъор Исонинг олдига солиқни қандай тўлаш керак деган савол билан келганида, Исо қуйидагиларни айтди:

Бироқ уларни васвасага солмаслик учун, денгизга бор ва қармоқ ташла, биринчи илган балиқни ол ва унинг оғзини очиб, статир топасан; уни олиб, Мен ҳамда ўзинг учун уларга бер.

– Матто 17:27

Этибор беринг, Исо: «Шундай қилиб, Петъор, биз солиқ тўлашимиз керак. Мана мен сенга нима дейман: «Уч ойга шаҳарга бор, пул ишлаб топ, кейин, биз учун солиқ тўлаганингда, яна гуруҳга қайтиб кел», демади. Йўқ, Исо бундай демади. Нима учун? Чунки унақада Петъор ўзининг хизматини қолдириб, лаънатланган ердаги фикрлаш тизимига қайтиб, пул излаб югуриши керак бўларди. Бунинг ўрнига Исо Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини ва биз бу ердаги воқеликда бўлиб, қандай ҳаракат қилишимиз кераклигини кўрсатди. Петъорга жавоб – бу шунингдек, сиз учун ҳам жавобдир. Исо Петъорга шунчаки, унинг таъминоти қаерда эканини кўрсатди, уни олиш керак бўлган услубни кўрсатди,

шунингдек, у айнан нимани излаши кераклигини ҳам кўрсатди. Петъор қилиши керак бўлган ягона нарса, - бу шунчаки бориш ва олиш эди.

Агар Исонинг шогирдларига қарайдиган бўлсак, улар Худонинг Шоҳлигини амалда кўрганларида, ҳар доим ҳайратда ва лол қолар эдилар. Муқаддас Ёзувда, Исо ўзининг сўзлари билан анжир дарахтини қуритганида, Петъор ҳайратда қолгани айтилган. Лазар тўрт кундан буён ўлик бўла туриб, қабрдан чиққанида шогирдлари ҳам ҳайратда қолганлар. Петъор, Ёқуб ва Юҳанно шунчалик кўп балиқни тутганларида, улар таажжубда бўлганлар. Биз ҳам Дренда билан ҳайратда қолганмиз, бизнинг оғзимиз таажжубдан очилар ва биз охириги йилларда Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини кўпроқ ва кўпроқ билиб, доим бир-биримизга: «Сен бунни кўрдингми?», деб айтардик.

Муқаддас Рухнинг ёрдамида ўзимизнинг баракаларимизни йиғиб олиш ҳақида гапиратиб, мен сизга Матто Хушхабарининг 6-бобини кўрсатишим керак.

Менинг Муқаддас Ёзувимда бу парча «Ташвишланма!» сарлавҳаси остида турибди. Бу менга жуда ёқади.

Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат қила олмайди. Чунки у ёкибириданнафратланиб, бошқасинисевадиёкибирига ихлосқўйиб, бошқасини менсимайди. Сизлар ҳам Худога, ҳам бойликка хизмат қила олмайсизлар. Шунинг учун, Мен сизларга айтаман: нима еймиз, нима ичамиз деб, жонингиз учун хавотирланманглар, шунингдек: нима киямиз, деб танангиз учун ташвишланиб юрманглар. Жон овқатдан ва тана кийимдан афзалроқ эмасми? Самовий қушларга қаранглар: улар на экадилар, на ўрадилар, на омборларда сақлайдилар, аммо Осмондаги Отангиз уларни боқади. Сизлар улардан афзалроқ эмасмисизлар? Сизлардан қайси бирингиз

ташвишланиб, ўз умрига бир соат қўша олади? Ундай бўлса, нима учун кийим ҳақида ташвишланяпсизлар? Даладаги пиёзгулларнинг ўсишини синчиклаб текширинглар: улар на меҳнат қилади, на чарх йигиради. Аммо сизларга айтаманки, ҳатто подшоҳ Сулаймон ҳам ўзининг бор шухратида буларнинг бирортасидек кийинган эмас. Шунинг учун, агар Худо бугун бор бўлиб, эртага ўчоққа ташланадиган даладаги ўтни шу қадар кийинтирса, сизларни янада кўпроқ кийинтирмайдими, эй, имони камлар! Шундай қилиб: нима еймиз? нима ичамиз? нима киямиз? деб ташвишланманглар. Чунки мажусийлар буларнинг ҳаммасини излайдилар, сизларнинг Осмондаги Отангиз эса буларнинг ҳаммасига муҳтожлигингизни билади. Сизлар аввало Худонинг Шоҳлигини ва Унинг ҳақлигини изланглар, буларнинг ҳаммаси эса сизларга қўшиб берилади. Шундай экан, эртанги кун учун ташвишланманглар, чунки эртанги кун ўзи учун ўзи ташвишланади. Ҳар куннинг ўз ташвиши етарлидир.

– Матто 6:24-34

Исо сиз иккита хўжайинга хизмат қила олмайсизлар деяпти. Эҳтимол, сиз қила оламан деб ўйлаётгандирсиз, лекин бу имконсиз. Сиз биттасини ва фақат биттасини яхши кўрасиз. Ва мен сизга айнан кимлигини айтаман: сизнинг муҳтожликларингизни таъминлашига ишонч билдирадиганингизни. Раббий мен билан ўша эски фермерлик уйимда, мен Унинг Шоҳлиги қандай ишлашини билиш учун вақт ажратмаётганим ва уринмаётганим ҳақида гаплашганида, бу билан У, аслида У менинг хўжайиним эмаслигини кўрсатган эди. У мен учун, мен тўлиқ амин бўлган, хизмат қилган ва таянган шахс эмас эди. Оҳ, албатта, мен жамоатга борардим, сахий эдим, Худони севардим ва Самога кетаётганимни билардим. Лекин мен ҳеч қачон Худонинг молия тизимини ва

Унинг Шоҳлиги қандай қоидалар билан ишлашини ўрганиш учун вақт ажратмаганман.

Чунки хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади.

– Луқо 12:34

Буни секин ўқинг: «Чунки хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлади». Кўпларга бу ибораларнинг ўрнини алмаштириб: «Юрагингиз қаерда бўлса, хазинангиз ҳам ўша ерда», дейиш ёқади. Лекин бу ерда ундай деб айтилмаган. Одамлар, бу улар Худони яқшанба куни эрталаб севишлари ва айнан ўша ерда уларнинг хазинаси бўлиши мумкинлигини англатади, деб ўйлайдилар. **НОТЎҒРИ!** Сизнинг хазинангиз, сиз ўзингизнинг муҳтожликларингизни таъминлашига ишонч билдирган тизимдадир.

Исо бизда ҳамма нарса чаппасига айланганини айтаяпти!

Худо пуллар эмас, балки У бизнинг ҳаётимизда биринчи бўлишни истайди. Агар пул – бизнинг хазинамиз бўлса, улар бизнинг вақтимизни, имтиёзларимизни ва бағишланишимизни талаб қилиб, биринчи ўринда туради. Мана нима учун Петъор солиқ тўлайдиган вақт келганида, ўз хизматини қолдириб, пул ишлаб топиш учун жўнаб кетгани йўқ. Мана нима учун Худо бизни «терлашга эмас, йиғиб олишга» ўргатиши керак. Исо бизни, Худо Шоҳлигининг йўлларига, ўз таъминотимизда Унга қандай ишонч билидиришга ва бу билан Худони бутун юрагимиз билан севиш учун, юракларимизни озод қилишга ўргатиши керак! Исо: «Жон овқатдан ва тана кийимдан афзалроқ эмасми?», деган. У ҳаёт қанақадир нарсаларга эга бўлишдан иборат эмаслигини айтган. Ҳаётнинг мақсади – бу нарсалар сизга ва сизнинг ердаги хизматингизга хизмат қилишидир.

Шу билан бирга биз нимани кўрамиз? Аксарият одамлар

**АГАР ПУЛ – БИЗНИНГ
ХАЗИНАМИЗ БЎЛСА, УЛАР
БИЗНИНГ ВАҚТИМИЗНИ,
ИМТИЁЗЛАРИМИЗНИ ВА
БАҒИШЛАНИШИМИЗНИ
ТАЛАБ ҚИЛИБ, БИРИНЧИ
ЎРИНДА ТУРАДИ.**

моддий нарсаларга хизмат қилиб, узлуксиз югурмоқдалар. Улар ипотекаларини, машинанинг қарзини, ўзларининг ҳисобларини тўлашга уриниб, югурмоқдалар. Исо бу ҳаёт эмас, деяпти! Лекин энди менга: «Кўряпсанми, Исонинг Ўзи нарсаларга эга бўлиш – бу ёмон эканини айтяпти», деган сўзлар

билан ташланманг. Йўқ, У бундай демаяпти. 33-чи оятда У агар сиз аввало Худонинг Шоҳлигини ва унинг ҳақлигини изласангиз, унда буларнинг ҳаммаси сизнинг ҳаётингизга қўшиб берилади, деган. Гап муаммони қаердан излашда эмас, – гап юракда. Агар Худо бизнинг нимагадир эга бўлишимизни истамаса, Исо шундай деб қўя қолар эди. Бунинг ўрнига У, агар биз Худонинг йўлларига мувофиқ яшайдиган бўлсак, бу дунё излаётган ҳамма нарса, бизга қўшиб берилишини айтган.

Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳаёт нарсаларга хизмат қилишдан иборат эмас, лекин, афсуски, одамлар айнан шундай қиляптилар. Уларда танлов йўқ, улар қуллар. Иккита хўжайинга хизмат қилишнинг имкони йўқ, нарсаларга хизмат қилиш эса – бу ҳаёт эмас. Исо бошқа тизим – ҳаёт учун эркинликни берадиган молиявий тинчлик ва таъминот жойи мавжудлигини тушунтиришни давом эттиряпти. У Худонинг Шоҳлиги деб номланади. Исо бизга Матто Хушхабарининг 6-бобидаги Ўзининг таълимотида Худонинг Шоҳлигини иккита намунасини берган. У: «Самовий қушларга қаранглар: улар на экадилар, на ўрадилар, на омборларда сақлайдилар, аммо Осмондаги Отангиз уларни боқади. Сизлар улардан афзалроқ эмасмисизлар?», деяпти. (26 оят.)

Қушларнинг чувалчанглари ишлаб чиқарадиган фермалари йўқ!

Улар ўзларининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш бўйича ташвишни зиммаларига олмайдилар. Йўқ, Ота уларни озиқлантиради. Улар шунчаки ҳар кун муҳтож бўлган нарсаларини йиғиб олишлари керак. Кўряпсизларми? Улар ўзларининг ҳаётини таъминлаш учун азобда меҳнат қилиб, пешана тери билан ишламайдилар. Улар йиғадилар!

Гуллар меҳнат қилмайдилар ва йигирмайдилар!

Нима учун кийим ҳақида ташвилянәпсизлар? Даладаги пиёзгулларнинг ўсишини синчиклаб текширинглар: улар на меҳнат қилади, на чарх йигиради. Аммо сизларга айтаманки, ҳатто подшоҳ Сулаймон ҳам ўзининг бор шуҳратида буларнинг бирортасидек кийинган эмас.

– 28, 29 оятлар

Гуллар пешана тери билан оғир меҳнат қилганлари туфайли кийинмайдилар. Йўқ, Ота уларни кийинтиради. Исо гапиришда давом этиб, сиз ва менга жавоб беряпти. Яшашнинг бошқа усули бор – Худо Шоҳлигининг усули! У: «Сизлар аввало Худонинг Шоҳлигини ва Унинг ҳақлигини изланглар, буларнинг ҳаммаси эса сизларга қўшиб берилади», деяпти (33 оят). «Худонинг Шоҳлигини излаш» нимани англатади? Бу унинг қандай ишлашини аниқлаш демақдир! У бошқараётган қонунларни ўрганиб чиқиш, Худонинг тизими қандай ишлашини билиб олишдир!

Агар мен сизларни самолётда, сиз аввал ҳеч қачон бўлмаган мамлакатга олиб борсам, сизнинг биринчи вазифангиз бу «шоҳлик» қандай ишлашини: уларнинг овқатларини, қандай

сотиб олишлари ва сотишларини, уларнинг мамлакати қанақа қонунлар томонидан бошқарилишини билиб олишдан иборат бўлар эди. Худди шу ҳақиқат Худонинг Шоҳлиги учун ҳамдир. Сиз унинг фуқароси сифатида имтиёزلардан лаззатланиш имкониятига эга бўлишингиз учун, унинг қандай ишлашини билиб олишингиз керак. Мен шахсий тажрибамдан, Худонинг Шоҳлиги қандай ишлашини билмай туриб, қанчалик кўп нарсани қўлдан чиқарганимни биламан. Жавоби оддий. Сизга молиявий инқилоб керак. Инқилоб вақтида одамлар мавжуд бўлган ҳокимлик тартибига қарши чиқиб, янгисини ўрнатадилар. Сиз ҳам худди шундай қилишингиз керак. Сиз ердаги лаънатланган ҳокимият тизимини унинг етишмовчиликлари ва умидсизлиги билан бирга қулатиб, янги ҳаёт тарзи – Худонинг Шоҳлигида янги қонунлардан муҳтожликсиз, лекин буюк қувонч билан лаззатланишингиз керак!

11-БОБ

ЮРИШДАН КЎРА, УЧИШ ОСОНРОҚ!

Агар сиз ўтмишда яшаб, Нью-Йоркдан Сан-Францискога бормоқчи бўлганингизда, сиз кемада сузишингизга тўғри келган бўларди. Панама канали очилгунича, бу саёҳат бир йилни банд қилган ва Жанубий Американинг атрофи бўйлаб жойлашган бўлган. Кейинроқ, Орегонга йўли очилганида, бу саёҳатни тўрт ойда амалга ошириш мумкин бўлган. Бугун сиз у ерга тўрт соатда етиб бора оласиз. Қандай қилиб? Янги қонундан – аэродинамика қонунидан фойдаланиб. Бу қонун доим мавжуд бўлган – қушлар ундан ҳар куни фойдаланганлар, бироқ одамлар уни тушунмаганлар. Аэродинамиканинг табиий қонунида бўлгани каби, кўпчилик масиҳийлар Худо Шоҳлигининг қонунлари ҳақида шунчаки билмайдилар, гарчи улар ҳақида ҳаётлари мобайнида ўқиётган бўлсалар ҳам. Худонинг Шоҳлиги шу ерда, у сизнинг ичингизда ва сиз унинг эзгуликларидан қонуний фойдаланиш ҳуқуқига эгасизлар. Аэродинамика қонунлари табиий дунёда тортишиш кучининг қонунини бекор қилмайди, улар ундан устун келади. Бошқа сўзлар билан айтганда, сиз учишни бошқариб турган қонунларга мувофиқ ҳаракат қилар экансиз,

гарчи тортишиш кучи аввалгидек амал қилаётган бўлса ҳам, сиз учасиз. Сиз кемада бир йил сузгандан кўра, тўрт соат учиб ўтиш осонроқ экани билан рози бўлишингиз керак! Хуш, энди, тез усулга қўшилиш ва эски, секин услубларни ортида қолдиринг.

Сиз бирор марта подшо капалакни кўрганмисиз? Кузда бизнинг Огайомизда, қишда жанубга учиб кетаётган юзлаб шанақа капалакларни кўришингиз мумкин. Улар Мексикага учадилар ва бу деярли икки минг миллик саёҳат. Лекин ажабланарлиси шундаки: бу капалаклар аввал ҳеч қачон у ерда бўлмаганлар! Қаерга ва қачон учиш кераклигини улар қаердан биладилар? Агар Худо подшо капалак тирик қолишини мўлжаллаган бўлса, унда Унинг сиз учун ҳам йўли бор. Капалак буни қандай амалга оширади?

Бу метаморфоза деб аталади. Бу сўзнинг илдизи – -морф-, «ўзгариш» маъносини билдиради. Кўпчилик одамлар монархлар ўз йўлларини капалаклар кўринишида бошламасликларини биладилар. Йўқ, улар ўз йўлларини қўрт кўринишида бошлайдилар. Қўрт босқичида эканлар, улар сутлама деб номланадиган ўсимликда яшайдилар ва охир оқибат уларнинг ҳаётида муҳим ўзгариш учун етилмагунларича ўсаверадилар. Маълум бир катталиқкача ўсиб, улар ғумбакни, ўз ўрнида совутни барпо қилишни бошлайдилар, унинг ичида қўрт 7 кундан 15 кунгача вақт оралиғида яширинади. Шундан кейин ғумбакдан капалак пайдо бўлади, у ўзини умуман қўрт босқичидагидек тутмайди. У ҳаётнинг мутлақо янги даражасида яшайди ва ҳаракат қилади. У учади! Фақатгина битта сутлама билан чекланган бўлишни ўрнига, энди у истаган жойида учиши мумкин. У гўзал, унда табиатнинг бошқа ҳеч қаерида такрорланмайдиган июнат ва чирой бор.

Лекин у эга бўлган энг ажойиб маҳорат – бүкўнгилсизликлардан учиб кетишдир. Тушунапсизми, подшо капалак шимолий

иқлимга хос бўлган, совуқ қиш ойларида яшай олмас эди. У ҳалок бўлган бўларди. Лекин Худо бу мавжудот икки минг миль масофани енгиб ўтиб, капалак аввал ҳеч қачон бўлмаган жойга, кўнгилсизликлардан ўчиб кета олиши учун олдиндан йўлни мўлжаллаб қўйган. Капалак бу йўлни қаердан билади? У бунни қандай қилади? Метаморфоза. Муқаддас Ёзувда айтилишича, худди шу жараёндан фойдаланиб, сиз ҳам қандай йўл тутишни билмаган вазиятларда ҳам, – худди подшо капалакдек ўзингизнинг муаммоларингиз устидан ўча олишингиз мумкин.

Менинг дўстим Стив бир кўни кечқурун ўзининг машинасида уйига кетаётиб, кийикни ўриб кетган. Машина тиклаб бўлмайдиган даражада пачақланган. Афсуски, уларнинг оилавий машиналарида, ягона қолган транспорт воситасида, бир ҳафтадан кейин двигатели бузилган. Стивнинг суғурта ташкилоти уларга, машиналарини йўқотганлари сабабли икки ҳафта муддатга ижарага машина тақдим қилган, бироқ оилавий машиналари ҳеч қанақа суғурта ва бадал тўланишига тўғри келмаган. Стив ва Карен нима қилишларини билмаганлар. Стивнинг бизнеси машина бўлишини талаб қилган, чўнки у савдо-сотик билан шуғулланган ва ҳар кечқурун битим тузиш учун йўлга чиққан.

Худо уларнинг жавоби эканини билиш учун, улар аллақачон Худонинг Шоҳлиги ҳақидаги таълимот билан таниш эдилар. Ўша пайтда машиналарини алмаштириш учун уларнинг ортиқча пуллари бўлмаган. Шунинг учун улар Худо ва Унинг Шоҳлиги уларнинг ягона ўмиди эканини билганлар. Икки ҳафталик текин ижара тезда ўз поёнига етган, лекин жавоб ҳануз бўлмаган. Ҳайратланарли, лекин Стив ижарага олган машинани қайтариб беришидан олдин кечқурун, унга бир киши қўнғироқ қилган, у киши унга қўрбонлик қилмоқчи бўлган машинаси борлигини айтган. У Стивнинг бизни жамоатимизга қатнашини билгани учун, жамоатда машинага мўхтож бўлган бирорта оилани билмайдими, деб сўраш учун, айнан унга қўнғироқ қилган. Стив

тезда ўзининг вазиятини тушунтирган ва агар бу машинани ўзи ва оиласи учун оладиган бўлса, жуда миннатдор бўлишини айтган. Бу қойилмақом эди, лекин Стивнинг олтита фарзанди бор эди ва битта кичкина машина уларга барибир етмас эди. Бироқ бу машинанинг пайдо бўлиши уларни жуда илҳомлантирди.

Кейинги якшанбада Стив ва Карен жамоатда менинг олдимга келдилар ва уларнинг кейинги машиналари учун ибодат қилиб қўйишимни илтимос қилдилар. Карен: «Чўпон биз имон билан Honda Odyssey машинасини олишимизни биламиз, уруғ экишни истаймиз ва сиздан ибодатда бизлар билан рози бўлишингизни илтимос қилмоқчимиз», деди. Мен жавоб бериб: «Албатта», дедим. Шундай қилиб, биз ибодат қилдик. Мен ҳозир қанча вақт ўтганини аниқ эслай олмайман, ўнчалик кўп эмас, то биз бир куни уларнинг ўйи олдида тўхтамагунимизча, балки ўч ёки тўрт ҳафтадир. Биз уларнинг ўйига етиб келганимизда, ошхонага кирдик ва музлаткичнинг эшигида Honda Odyssey машинасининг расмини кўрдик. Карен ҳар сафар музлаткичнинг эшигини очганида, у қўлларини расмга қўйиб, шу машина учун Худога миннатдорчилик билдиришини айтди.

Чамаси бир ҳафтадан кейин менинг котибам қўнғироқ қилиб: «Чўпон, бугун бизга қизиқ қўнғироқ бўлди. Бир киши жамоатга ўзининг машинасини бермоқчи», деди. Ўша пайтда Карен ва Стив янги машина учун ишонаётганларини ва улар айнан қанақа машина хоҳлаётганларини ҳеч ким билмасди. Шунинг учун мен котибамдан: «Қанақа машина», деб сўрадим. У «Honda Odyssey», деди. - «У қанақа аҳволда?» Котибам, у киши машинанинг аҳволи аъло эканини, бирорта ҳам тирналган жойи йўқлигини, бор-йўғи 70 минг миль юрганини хабар қилганини айтди. Мен жавоб бериб, бу машина кимга тайинланганини билишимни айтдим. Мен ҳаммаси ҳақида Дрендага гапириб бердим ва ундан Каренга қўнғироқ қилишини илтимос қилдим. Дренда Каренга қўнғироқ қилиб, янги машина масаласида ишлар қандай кетаётганини, бу

борада уларда бирор силжиш бўлаяптими, деб сўради. Карен: «Энди, мен жавобга яна бир кунга яқинроқман», деди. Дренда: «Биласанми, сен ўйлагандан кўра анча яқинроқ. Келиб, уни олиб кетинглар», деди.

Мен бунақа воқеаларни шунчалик яхши кўраманки, сизчи? Бу воқеанинг давоми бор, чунки Стив ва Карен бизнинг таъминотимиз Худонинг Шоҳлигида яширинганига кўпроқ аминликка эга бўлдилар.

Тахминан ўша пайтда Стив ва Карен уй қурмоқчи бўлдилар. Улар бир неча йиллар мобайнида уйни ижарага олган эдилар ва шахсий уйга эга бўлиш вақти келганини ҳис қилдилар, лекин илк тўлов учун уларнинг пуллари йўқ эди.

Улар ер сотиб олиш масаласида сон-саноксиз банкларга мурожаат қилдилар, ва ҳамма жойда битта нарса – 50 фоизини олдиндан тўлаш талаб қилинар эди. Ўша пайтда уларнинг ҳали ёш оилавий ҳаётида бунақа пуллар шунчаки йўқ эди. Кареннинг кайфияти тушган эди ва бу ҳақида мен билан гаплашди. Биз ибодатда Худо улар учун йўл тайёрлашига рози бўлдик. Шундай қилиб, улар ҳар хил ерлар ва уйларни кўришни давом эттирдилар.

Ерлардан бири уларнинг эътиборини жалб қилди. Ер улар қуришни истаган туманда эди ва 55 акр ернинг нархи бор-йўғи 55 минг доллар турарди. Лекин, бу сафар ҳам, уларда илк тўлов

**КЎПИНЧА БИЗ
ЎЗИМИЗНИНГ
КЕЛАЖАГИМИЗНИ
ИМКОНИ БОР НАРСА
БИЛАН ТАҚҚОСЛАБ,
ЎЗИМИЗНИ
ЧЕКЛАЙМИЗ. ЛЕКИН
АГАР БИЗ ХУДОНИНГ
СЎЗИ БИЗНИНГ
ТАФАККУРИМИЗНИ
ЎЗГАРТИРИШИГА
ИЖОЗАТ БЕРСАК,
ХУДО БИЛАН ҲАММА
НАРСАНИНГ ИМКОНИ
БОР.**

учун пул йўқ эди. Бироқ мен улардан узоқда, икки соатлик масофада битта банк борлигини эшитдим, бу банк ер учун илк тўлов сифатида мулкдорнинг кўчмас мулкидаги улушини қабул қилар экан. Бу ер сотиб олиш учун жуда ноодатий эди. Мен Стив ва Каренга бу ҳақида гапириб бердим ва улар банкда учрашиш ҳақида келишиб олдилар. Ер 100 минг долларга баҳоланган ва уларга илк тўлов умуман талаб қилинмаслигини айтганлар. Шундай қилиб улар бу ерни сотиб олдилар ва ҳеч қанақа илк тўловсиз, шаҳар чеккасидаги ерда ажойиб уй қурдилар. Стив ва Карен Худо Шоҳлигининг ҳамма қоидаларига риоя қилиб, мен ва Дренда каби бугунги кунгача муваффақият қозонишда давом этаяптилар.

Менинг жамоатимда бунақа воқеалар кўп ва мен бутун юрагим билан сизнинг ҳаётингизда худди шундай воқеаларни кутиб қоламан. Худо бизнинг эҳтиёжларимизни тўлдириш учун ҳайратланарли ва баъзида ғалати нарсаларни содир қилиши мумкин. Кўпинча биз ўзимизнинг келажагимизни имкони бор нарс билан таққослаб, ўзимизни чеклаймиз. Лекин агар биз Худонинг сўзи бизнинг тафаккуримизни ўзгартиришига ижозат берсак, Худо билан ҳамма нарсанинг имкони бор.

Бу дунё билан тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар, токи сизлар Худонинг яшхи, маъқул ва комил иродаси нима эканини фаҳмлаб олинглар.

– Римликларга 12:2

Биз имонлилар сифатида, бу дунё билан тенглашмаслигимиз керак. Повул бу оятда ердаги лаънатланган тизим ва дунёвий ҳаёт тарзи, шу жумладан, бизнинг тафаккуримиз ҳақида гапиряпти. Сиз бирор марта андаза бўйича кўйлак тикканмисиз ёки чизмага биноан бирор нарса қурганмисиз? Агар ҳа бўлса, унда сизга

ҳосил бўлган натижа ёқмаса, агар сиз бунни яна қилсангиз, ўша намуна бўйича қиласизми? Иккинчи марта ҳам худди ўша натижага эга бўласиз-ку. Шунинг учун Повул биз онгимизнинг янгиланиши орқали тубдан ўзгаришимиз, яъни биз яшаётган намунани алмаштиришимиз кераклигини айтаяпти. Биз бу дунё мулоҳаза қилгани каби мулоҳаза қилмаслигимиз керак.

«Тубдан ўзгариш» сўзи – биз яқиндагина гапирган, – морф сўзининг ўзидир, бу «ўзгаришлар» маъносини англатади. Бизга метаморфоза керак! биз Худо каби мулоҳаза қилишимиз керак. Биз Худо Шоҳлигининг фикрларига эга бўлишимиз керак. Хунук, ҳаракатланишда чекланган қишнинг совуғидан ўлишга маҳкум бўлган қўртнинг ҳолатида фикрлашни ўрнига, биз Худога мутлақо янги ҳаёт тарзида таянишимиз керак. Ўшанда ва фақат ўшанда биз барча муаммоларимиз устидан ўчишга ва ҳар битта вазиятда Худонинг маъқул ва комил иродаси қандай эканини тушунишга қодир бўламиз. Агар биз тафаккуримиз ўзгаришини қабул қила олмасак, эски фикрлаш тарзимиз ҳар доим: «Йўқ, йўқ, мен бунни қила олмайман, йўқ, мен бунинг қандай имкони борлигини тушунмайман», деяверади.

Хунук қўрт қачонлардир шундай виқор ва устунлик билан ўчишини ким ҳам ўйлабди дейсиз? Қўртга қараб ва у енгини керак бўлган икки минг миль ҳақида ўйлаб, сиз шунчаки бошингизни силкитиб: «БУ ИМКОНСИЗ!», деган бўлар эдингиз. Лекин Худонинг Шоҳлигида ҳамма нарсанинг имкони бор. Менга қаранг! Менинг телевизион дастурим бошланаётганида, мени молиявий эксперт сифатида таништирадилар. Баъзида мен ўзимнинг «қўрт кўнларимни» эслайман ва: «Ақл бовар қилмайди!», дейман.

Ўчишлар ҳақида гапира туриб... биз Дренда билан Худонинг Шоҳлиги қандай қилиб ишлашини ўрганишни бошлаганимизда, мен ўзимга самолёт олишни хоҳлаяпман, деб ўйладим. Мен 19

ёшимдан учувчи бўлганман ва ҳар доим самолётларни ижарага олганман, лекин ҳеч қачон уларнинг бирортасига ҳам эгалик қилмаганман. Албатта, сиз сабабини биласиз: менинг бунга пулим йўқ эди. Шунинг учун бир кун мен, бу нотўғри, самолёт – Худонинг Шоҳлиги учун қийин эмас, деб ўйладим. Нима учун мен Худони ўзим учун имкони бор бўлган нарса билан чеклайман? Шунинг учун мен чек ёздим, «Менинг самолётим учун» деган белги қўйдим ва батафсил тасвирладим. Буларнинг ҳаммасига қўлларимни қўйдим ва Марк Хушхабари 11-боб 24-оятга биноан қилган ибодатдаги самолётни аллақачон олганимга ишониб юбордим.

Шунинг учун Мен сизларга айтаман, ибодатда нимаики сўрасангиз, олишингизга ишонинглар ва сизлар оласизлар.

Бир ой ҳам ўтмай мен шифокорнинг олдига режали кўриқдан ўтиш учун бордим ва менинг шифокорим кутилмаганда: «Сиз самолёт сотиб олмоқчи бўлган бирор кишини билмайсизми?», деганида, таажжубландим. Мен бу ғалати деб ўйлаб қолдим. «У қанақа самолёт?» - деб сўрадим мен. Бу мен ибодат қилаётганимда олишимга ишонган худди ўша самолёт эканидан, ҳайрон қолган ва ларзага тушган эдим. Шунинг учун мен уни қаерда кўриш мумкинлигини сўрадим ва менга, менинг уйимдан унча узоқ бўлмаган, округимизнинг аэропотиди, деб жавоб бердилар. Тушунтиришимга ижозат беринг. Менинг уйим округ аэропортининг атрофгинасида жойлашган. У ерга қўнадиган ҳар битта самолёт тўғри менинг уйимни устидан учиб ўтади. Самолётлар кун бўйи учиб келиб, учиб кетишларига қарай олишим ва учиш ҳамда қўниш йўли менинг уйимдан бор-йўғи бир миль масофада жойлашгани, мен шунчаки самолётга эга бўлишим шартлигини англатарди!

Шунинг учун мен бутун ҳаёти давомида учган, шунингдек, учувчи-йўриқчи бўлган дўстимга қўнғироқ қилдим ва самолётни кўриш учун, мен билан боришини илтимос қилдим. Биз самолётни кўздан кечираётганимизда, мен бу менинг самолётим эканини билардим: у бенуқсон эди! Бу мен хоҳлаган нарсанинг айнан ўзи эди. Бироқ, битта муаммо бор эди – мен аввалги йиллар мобайнида дуч келган муаммонинг худди ўзи: менда уни сотиб олиш учун пул йўқ эди. Сизда бирор марта шунга ўхшаш муаммолар бўлганми? Лекин бу сафар мен қўрқувда четлашмоқчи эмас эдим. Мен, бу менинг самолётим эканини билардим, шунчаки Худо менга бу пулларни қандай қилиб бермоқчи эканини ҳали билмас эдим.

Икки ой олдин биз Дренда билан ташкилотимиз учун офис излаган эдик. Биз бу бизнеснинг қаерда жойлашиши кераклигини билардик, лекин ўша туманда сотувда олиш мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ эди, шунинг учун биз бошқа туманлардан излай бошладик. Биз бир-иккита хоналарни топдик, биз уларни сотиб олишга тайёр эдик, лекин руҳда буни қилмаслигимиз кераклиги борасидаги гувоҳликни ҳис қилдик. Биз яна бўш хонани топишга умид қилиб, бизнинг офисимиз бўлиши керак деб, билган туманга қайтиб бордик. Биз бу қарор ҳақида ибодат қилганимизда, бир куни менинг отам қўнғироқ қилди ва қўйидаги гапларни айтди: «Мен биламан, сен буни Худо қилди дейсан, лекин биз онанг билан гаплашиб олдик ва ўзимизнинг биномизни сенга офис сифатида беришга қарор қилдик». Улар эгалик қилаётган бино, биз айнан ўзимизнинг янги офисимизни топишга умид қилган туманда жойлашган эди. Мен лол қолган эдим!

Ўша пайтда нима содир бўлганини тушуниш учун, сиз менинг отам ўша вақтда имонли бўлмаганини билишингиз керак. Ҳар сафар кимдир Худони тилга олганида отам беадаб бўлиб кетардилар. Ростдан ҳам, ҳаммаси шунчалик ёмон эдики, мен шунчаки у киши билан Худо ҳақида гаплаша олмасдим. Мен

ҳатто, Худо у кишининг йўлида Масиҳ ҳақида воизлик қиладиган яна бирор кишини юбориши ҳақида ибодат қилганман. Мен у кишининг юрагига йўл топа олмаслигимни билардим. Лекин менинг отам бир неча йил ўтиб, 80 ёшларида нажотни қабул қилдилар. Ҳайратланарли, у киши Худо қилган ажабланарли нарсаларни кўриб, бизнинг телевизион дастуримизни томоша қилиш жараёнида нажот топган эдилар. Отам ўз ҳаётининг охириги уч ярим йилини ўзгарган киши бўлиб ўтказдилар ва ҳар дам олиш кунлари жамоатга келардилар.

**ҚАЧОНЛАРДИР ТИРИК
ҚОЛИШ ВА ҚЎРҚУВ
БИЛАН ЧЕКЛАНГАН
МЕНИНГ ҲАЁТИМ,
ЭНДИ ХУДОНИНГ
ШОҲЛИГИ БИЛАН
ТУБДАН ЎЗГАРГАН ЭДИ.
УНИНГ ҚОНУНЛАРИГА
ҚЎШИЛИБ, МЕН
ЧЕКЛАНМАГАН
ИМКОНИАТЛАРГА
ТЎЛА ҲАЁТГА ЭГА БЎЛА
ОЛДИМ.**

Бир куни жамоатнинг йиғилиши тугаганидан кейин, мен фойега чиқдим ва отам, менинг жамоатимнинг аъзоси бўлган ва кўп йилдан буён таниган одам билан гаплашаётганини кўриб қолдим. Уларнинг олдига бориб, мен ўша эркак менинг отамдан, нима учун у киши жамоатга келишни бошлаганини сўраётганини эшитдим. Менинг отам жавоб бериб, тушунтира олмайдиган нарсаларни жуда кўп кўрганини айтдилар. Худога шукур! Айнан шунақа бўлиши керак.

Лекин биз отам нажотни қабул қилгунигача бўлиб ўтган, офис ҳақидаги телефон орқали суҳбатга қайтишимиз керак. Отам бизга хонани берганида, биз Дренда билан лол қолган эдик. Албатта, биз буни Худо қилганини билардик ва отамга телефон орқали: «Ҳа, дада, сиз ҳақсиз, бу Худо!», деб жавоб беришимиз ҳам мумкин эди.

Хонани тижорат даражасига мос келтириш ва офис сифатида

фойдаланиш учун, у ерда жиддий тузатиш ишларини амалга ошириш керак эди. Отам бизга бу бинони берганларида, декабр ойи эди ва мен тузатиш ишларини бошлаш учун баҳоргача кутмоқчи бўлдим. Бино қишда ёпиқ турди, ҳеч ким ундан фойдаланмади ва отам сувни тўлиқ ёпганларини айтдилар. Мен самолётни кўришга боргунимча, бино бутун қиш мобайнида шундай турди. Айнан шу пайт укам менга қўнғироқ қилиб, мени бинога борганим яхшироқ эканини, чунки сув унинг ичидан тўғри кўчага оқим бўлиб қўйилаётганини айтди. Кўчада ҳаво исиди ва шубҳасиз, менинг отам адашганлар: сув қиш пайтида ўчирилмаган. Мен келиб, иккинчи қаватдаги хожатхонадан сув бир неча кун, ҳатто бир неча ҳафта мобайнида оққанини кўрдим. Биринчи қаватдаги сувоқ деворлардан кўчиб тушган эди.

Мен биламан бир қарашда бу воқеа яхши эмасдек туюлади, лекин сиз билмайдиган ва менинг укам билмаган нарса, бу менинг аллақачон бутун бинодаги сувоқни, ташқаридаги пардозни олиб ташлаш ва бинони қайтадан тўлиқ режалаштириш учун шартномани имзолаганимдир, у икки ҳафтадан кейин бошланиши керак эди. Шундай экан сув босишидан етган бу зарар умуман ҳеч қанақа муаммо туғдирмади, буларнинг ҳаммасини барибир олиб ташлашлари керак эди. Лекин энди қулоқ солинг: суғурта ташкилоти менга зарарни қоплаш учун чек ёзиб берди, унинг миқдори самолёт сотиб олиш учун етарли эди!

Мен нима, ҳозиргина ўзимнинг самолётим ва офисимга эга бўлдимми ва буларнинг ҳаммаси қарзларсиз ва телбаларча югуришсиз бўлдимми? Ҳа, айнан шундай! Ҳозир, бу самолётда фермерлик полизларининг устидан учаётиб, мен бу учишлар—Худонинг Шоҳлигига ўхшадини ўзимга эслатаман. Унинг ҳаракатлари ва қонунлари бизга бошқа дунёда яшашимизга имкон беради. Бу худди қурт ва капалақдек: қурт Мексикагача етиб бориш учун, ҳеч қачон ўзининг қуртга оид оёқларини тезлата олмаган бўларди. Қачонлардир тирик қолиш учун кураш ва

қўрқув билан чекланган менинг ҳаётим, энди Худонинг Шоҳлиги билан тубдан ўзгарган эди. Унинг қонунларига қўшилиб, мен чекланмаган имкониятларга тўла ҳаётга эга бўла олдим.

Бу китобни тугатаётим, мен сизларга Муқаддас Ёзувнинг бир оятини таклиф қилмоқчиман. Сиз уни ҳаётингиз давомида бир неча маротаба эшитганингизга аминман. Лекин ўйлайманки, у сиз учун мутлақо янги маънога эга бўлади.

Эй, оғир меҳнатдан хор бўлган ва оғир юк остида қийналган ҳаммаларингиз, Менинг олдимга келинглар! Мен сизларга ором бераман; Менинг бўйинтуруғимни ўз устингизга олинглар, Мендан ўргандинглар, чунки Мен камтарин ҳамда итоаткор юракка эгаман ва ўз жонингизга таскин топасизлар; чунки Менинг бўйинтуруғим эзгулик ва Мен берган юк энгилдир.

– Матто 11:28-30

Исо бизларнинг бўйинтуруғимизни, – бу ердаги лаънатланган тизимда пешана тери билан қиладиган оғир меҳнатимизни олиш учун келган. Энди биз Унинг юкини олишимиз (Амалга ошди!) ва жонларимизга ором топишимиз керак (Еттинчи кун, ҳақиқий Шанба).

Биз шунчаки Пўтифардек йўл тутиб, Худо Шоҳлигининг ҳаёт тарзини олиб бориб, ҳаётнинг ҳаратланарли дамларини бошимиздан кечиришимиз мумкин. Бугун Худо Шоҳлигининг қонунларига ўзгариш учун қарор қабул қилинг ва унинг баракалари билан қўшилишни бошланг. Ўзингизнинг молиявий инқилобингизни амалга оширинг, ўзингиздан эски ҳаёт тарзини, эски ҳокимиятни, ердаги лаънатланган камбағаллик тизимини, касалликларни ва умидсизликни улоқтириб юборинг. Ўзингизнинг аввалги қурт йўлларингизни қолдиринг ва Исо

ЮРИШДАН КЎРА, УЧИШ ОСОНРОҚ!

Бизга йўл очган Шоҳликнинг қонунларидан фойдаланиб, ўқишни бошланг. Сиз – ушбу Шоҳликнинг фуқаросисиз. Сизда қонуний ҳуқуқлар бор!

Агар сиз бу китобни қизиқарли деб ҳисоблаган бўлсангиз ва Худо Шоҳлигининг шогирди бўлишга қарор қабул қилган бўлсангиз, мен сизни GaryKeese.com.га йўналтиришимга ижозат беринг. Сиз у ерда сизга кўмаклаша оладиган ва Шоҳликнинг йўлларига насиҳат қила оладиган маълумотли кутубхонани топасиз. Шунингдек, мен сизни Team Revolution ни ҳамкори бўлишга илҳомлантирмоқчиман, бу ерда сиз махсус тадбирлар ва ўргатадиган семинарларга кириш ҳуқуқига эга бўласиз.

Молияларда ғалабага эришиш ҳам руҳий, ҳам ердаги табиий билимни талаб қилади. Қарзлардан қандай қилиб қутулиш ҳақидаги маълумотни билиш, шунингдек, менинг Forward Financial Group номли ташкилотим томонидан бепул ишлаб чиқарилган, қарзлардан чиқиш бўйича режани олиш учун 1-800-815-0818 рақами бўйича қўнғироқ қилинг.

Ўзимизнинг нафақамизни ҳимоя қилиш, ишлаб топишдек муҳим, айниқса бизнинг молиявий беқарорлик вақтимизда. Менинг ташкилотим одамларга маблағни хавфсиз тарзда йўла қўйишга кўмаклашишга йўналтирилган. Бизнинг мижозларимиз томонидан йўлга қўйилган юз миллион доллардан ортиқ пуллардан, бизнинг мамлакатимиздаги охириги 15 йиллик молиявий тартибсизлик мобайнида, бир тийин ҳам йўқолмаган. Қўнғироқ қилиш ҳам, маслаҳат ҳам текин. Маълумот учун 1-800-815-0818 рақамига қўнғироқ қилинг.

Дренда ва мен ўзимизни, алоҳида одамларга ва оилаларга ҳаётда ёлиб бўлишга кўмаклашиш учун бағишлаганмиз. Мана нима учун менинг рафиқам ойнаижаҳонда «Дренда ТВ» номли дастурни олиб боради. Бу дастур оилавий ҳаётга ва барча ёшдаги аёлларни илҳомлантиришга мўлжалланган. Кўпроқ маълумот олиш учун Drenda.com.га кириг.

Ва охирида биз Дренда билан, сиз бутун дунёдаги жамоатларни ва чўпонларни қўллаш имкониятини кўриб

чиқишингизни истар эдик. «Н-3» Хушхабарни етказиш лойиҳаси орқали биз юрагимиздаги, одамларга ҳаётнинг амалий томонидан кўмаклашиш истагини амалга оширамыз. «Н-3» лойиҳаси ҳар йил бутун дунёдаги чўпонларга ўн минглаб ўргатадиган материалларни тақдим қилади. Биз шунингдек, оч қолганларни овқатлантиришга, хизматларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашамиз, уларнинг мақсади – кўп мамлакатларда одам савдосини тўхтатиш, болалар уйларига ёрдам кўрсатиш, кўп мамлакатларда чўпонларни молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек бу ерда, Огайода аёллар учун меҳр-шавқат уйларини таъминлашдир. Бизнинг мақсадимиз – бутун дунёдаги одамларга Худонинг Шоҳлиги ҳақида билиб олишларига кўмаклашиш, уларни эркинликка ва қаноатлана олишга ўргатишдир, чунки Худо биз учун шуни истайди.

Менга сиз билан ўзимнинг ҳайратланарли воқеам билан бўлишишга ижозат берганингиз учун катта раҳмат. Энди боринг ва Худонинг Шоҳлигида ўзингизнинг шахсий воқеангизни яратинг.



Гари Кисининг
«Ҳаётингиздаги молиявий инқилоб»
мактубининг бошқа қисмлари

Розиликнинг кучи

Хотиржамликнинг кучи

Режалаштиришнинг кучи

Таъминотнинг кучи

Сахийликнинг кучи

ҲАЁТИНГИЗДАГИ МОЛИЯВИЙ ИНҚИЛОБ РОЗИЛИКНИНГ КУЧИ

Агарда сиз...

**МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРДАН ЧАРЧАГАН БЎЛСАНГИЗ,
ҚАРЗЛАРДАН ҚУТУЛИШНИ ИСТАЙСИЗ-У,
АММО НИМАДАН БОШЛАШНИ БИЛМАСАНГИЗ
ВА ЎЗИНГИЗНИ НОЧОР ҲИС ЭТАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ,
Ушбу китобни ўқинг.**

Гари Кисининг ўзи узоқ тўққиз йил мобайнида молиявий ҳолатининг танглигидан ҳаёти эмоционал даҳшатда бўлган. Қарз берганларнинг қўнғироқлари, солиқ хизматининг даъвалари, суд қарорлари ва уялиш ҳисси ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб қолган эди. Бироқ бир куни ҳамма нарса ўзгариб кетди – Худо Гари билан молиявий соҳа ҳақида гапиришни бошлади ва унга ҳаётини тубдан ўзгартирган ҳақиқатларни очди! Гари қарзлардан қутулди, кўп миллионли фойда келтирадиган ташкилот тузди, бугунги кунда эса Гари ҳаётидаги дарслар билан, ҳар куни дунёнинг барча қитъаларида узатиладиган «Пул борасидаги ечимлар» номли кўрсатувда бўлишмоқда. Гари анжуманлар ва шахсий учрашувлар орқали бу қоидалар орқали юз минглаб кишиларга таълим бермоқда. У одамларнинг ҳаётига муваффақият олиб келадиган қоидалар кўплигини тан олади. Агарда фақат битта қоида билан бўлишиш талаб этилганда эди, у манашу китобда таърифланган қоида билан бўлишган бўлар эди. Гари сизни молиявий инқилобга ва Худонинг Шоҳлигидаги қоидаларга биноан молиявий ҳолатингизни тубдан ўзгартиришга таклиф этмоқда.



Гари Киси одамларга ҳаётда, айниқса имон, оила ва молия соҳасида ғалаба қозонишга ёрдам беришга интиладиган муаллиф, нотик, тадбиркор, молиявий мутахассис ва чўпон ҳисобланади. Гари ва унинг рафиқаси Дренда, бир нечта муваффақиятли ташкилотларни яратган ва «Пул борасидаги ечимлар» ва «Дренда» деб номланган иккита теле кўрсатувни ойнаи жаҳонга узатадиган - «Имо ҳаёти ҳозир» номли хизматнинг асосчиларидир. Шунингдек, эр-хотин Кисилар Огайо штати, Коламбус шаҳри ёнидаги «Имон ҳаёти» номли Жамоатнинг чўпонлари ҳисобланадилар.

GKM GARY KEESEE
MINISTRIES

garykeesee.com